

Ги де Мопассан

---

ҲАЁТ

*Роман*



*Эркин Носиров таржимаси*

ТОШКЕНТ

Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти  
1987

# ҲАЁТ

## АЙНИ ҲАҚИҚАТ

### I

Жанна чамадонларини тахт қилди-да, деразага яқинлашди, ёмғир ҳалиям тинмаганди.

Жала тун бўйи дераза ойналари билан томни тарақлатиб чиқди. Ёмғирдан осмоннинг гўё чоки сўкилгандай кўпчиган ерни хамирга айлантириб, бамисли қанддай эритганди. Кучли шамол дамни кесаман дерди. Ёмғир суви кимсасиз кўчалардаги ариқларни тўлдириб шовулар, уйлар эса намни шимганидан зах ичкарига ўтиб, деворлардан сизар, ертўладан чордоққача чиқарди.

Жанна куни кеча монастирдан қутулиб, ниҳояти озодликка чиққанидан ҳаётнинг кўпдан буён орзиқиб кутилаётган қувончлари сари интиларди. Ҳозир эса дадам, ҳаво очилиб кетмагунича йўлга чиқишни истамайди, деб юраги пўкиллаётганидан тонг саҳардан бери олис-олисларга тикилавериб, кўзларида кўз қолмаганди.

Шу топда саквояжига календарини солмаганини фаҳмлаб қолди. Девордан қалин қоғоз бўлагини олди. Қоғоз ойларга бўлинган ва ўртасидаги жимжимада ҳозирда кечаётган бир минг саккиз юз ўн тўққизинчи йил зарҳалда ёзилганди. Жанна қалам билан дастлабки тўрт устунни, календардаги нақ иккинчи май, монастирдан чиққан кунигача ёзилган авлиёларнинг номларини ўчириб ташлади.

Эшик томондан:

— Жанетта!— деган овоз келди.

Жанна ҳам жавоб қилди:

— Кираверинг, дада.

Бўсағада отаси кўринди.

Барон Симон-Жак Ле Пертюи де Во ўтган асрнинг зодагонларидан бўлиб, довдирсифат ва меҳрибон одам эди. Жан Жак Руссонинг зўр издоши табиат, дашту далалар, жониворларга меҳр-муҳаббат билан боқарди.

Туғма дворян сифатида бир минг етти юз тўқсон учинчи йил воқеаларига тоб-тоқат қилолмас, бироқ табиатан файласуф, тарбия бобида либерал бўлганидан зўравонликка нафрат билан қарарди.

Бу одамнинг энг зўр ва энг заиф томони ҳам унинг яхшилиги эди. Бироқ унинг яхшилиги ўзига хос бўлиб, фарзандини эркалашга, борини беришга, бағрига босишга қўли тегмасди, чунки бунга бениҳоя огиркарвонлиги халақит бериб, уни гўё продасининг кемтик томони, салкам нуқсони, ҳатто айби деса ҳам бўларди.

Барон назариётчи одам бўлганидан қизини бахтли, кўнгли очик ва меҳрибон қилиб тарбиялашнинг бутун бир режасини тузиб қўйганди.

Жанна ўн иккига киргунгича уйда тарбияланди, кейин онасининг йиғлаб-сиқташларига қарамай, уни Сакре-Кёр монастирига беришди.

Барон қизини монастирда, тутқунликда, дунёнинг ишларидан четда ва ғофил ҳолда сақлади. У қизи хонадонига ўн етти ёшида маъсума ҳолда қайтишини, сўнгра ўзи Жаннани табиат сеҳрига ошно қилишни, қалбини уйғотишни, унумдор ерлар, далалар бағрида кўзи очилишини, жониворларнинг бир-бирларига табиий туйғуларни ва чинакам меҳрибонликларини кўриб, ҳаёт қонунлари уйғулигини тушунишини истарди.

Мана, энди Жанна монастирдан чиққан, ўзида йўқ шод, ёш вужуди куч-қувватга тўла, бахт-саодатга ташна, бекорчилик кунлари ва узун кечалари ёлғиз ҳолда барча қувончу ажиб тасодифиятларни бошидан кечиришга таппа-тайёр эди.

Қиз Веронезенинг мўйқаламига мансуб олтин сочли аёллар портретини эслатарди. Зар кокили нимпушти туюлган чеҳрасини бамисли жилолантираётганга ўхшар, майин, тилларанг туклари эса офтоб нури эркалаган лаҳзалардагина кўзга ташланарди. Кўзлари зангори, Голландияда ишланган фаянс идишлардаги одамчаларнинг кўзлари сингари тўқ зангори эди.

Жанна бурнининг чап томонида кичкинагина холи бор эди, бошқаси ўнг томонда, даҳанидагилар майин тукчалар билан қопланганлиги сабабли деярли сезилмасди. Бўйи ўртача, кўкракдор, қадди-қомати адл эди. Жарангдор овози гоҳ кескинлашар, бироқ самимий кулгусидан ён-атрофдагилар яйраб кетишарди. У гўё сочини тўғрилайётгандай кўпинча иккала қўлини чаккасига олиб боришга одатланганди.

Жанна отасига отилиб, уни қучоқлаб ўпди.

— Хўш, нима қиламиз, жўнаймизми? — сўради у отасидан.

Отаси жилмайиб, оқара бошлаган жингалак сочли бошини чайқади-да, қўли билан деразани кўрсатди:

— Бунақа ҳавода қандай қилиб кетамиз?

Жанна мулојимлик ва тилсгламалик билан ялинишга тушди:

— Дада, жўнайлик, хўп денг энди, дада. Ҳаво тушдан кейин очилиб кетади.

— Онанг бунга ҳеч ҳам кўнмайди.

— Кўнади, гапимга ишонаверинг.

— Онангни кўндиролсанг, мен бир нима демайман.

Жанна шундан кейин баронессанинг ётоғига ўқдай отилди. Негаки, у йўлга чиқиладиган кунни жуда интиқлик билан кутаётганди.

Қиз Сакре-Кёрга юборилганидан бери Руандан ташқарига чиқмаганди, чунки отаси уни то мўлжал ёшига етмагунча ўйин-кулгидан маҳрум қилганди. Уни икки ҳафтадан икки марта Парижга олиб боришганди. Бироқ Париж шаҳар, қиз эса қишлоққа боришни орзу қиларди.

Энди бўлса ёзни «Теракзор» деган, Ипор яқинидаги тоғ тизмаларида жойлашган бобомерос мулкларида ўтказиши керак. Шунинг учун ҳам у океан соҳилида яйраб-яшнашни ўйларкан, сира терисига сиғмасди. Бундан ташқари, ота-онаси турмушга чиққанидан сўнг доимий туриши учун бу мулкни унга беришга жазм қилишганди.

Кеча кечқурундан бери тинмай қуяётган ёмғир қизни ташвишлантираётган эди.

Жанна орадан уч дақиқа ўтар-ўтмас онаси ётоғидан бутун уйни бошига кўтаргудай алпозда югуриб чиқди:

— Дада, дада! Ойим кўндилар. Айтинг, аравани тайёрлашаверсин.

Жала тинай демасди. Соябон арава ташқари зинага яқин келганида эса баттар кучайди.

Баронесса зинапоядан тушаётганида Жанна соябон арава ёнида кутиб турарди. Баронессани бир томонидан эри, иккинчи томонидан қадди-қомати келишган, бақувватликда эркакдан қолишмайдиган оқсоч қиз қўлтиқлаб олганди. Бу норманд қиз асли ўн саккиздан ошмаган бўлса ҳам, сиртдан у йигирма ёшдек эди. Уни иккинчи қиз ўрнида кўришар, чунки у Жанна билан сут эмишган бўлиб, исми Розали эди.

Розалининг асосий вазифаси баронессани қўлтиқлаб юриш эди. Баронесса кейинги пайтларда ҳаддан ташқари семириб кетганди. У юрагидан нолигани нолиганди.

Баронесса ҳарсиллаганича даҳлизга етиб, қадимий уйнинг ташқарисига чиқди-да, ёмғир сувлари шарқираб оқаётган ҳовлига қараб гўлдиради:

— Гапнинг рости, бу — нодонлик.

Эри ҳар галгидай унга истеҳзоли жавоб қилди:

— Бу, сизнинг хоҳишингиз-да, Аделаида хоним.

Баронесса ўзини ваҳимали қилиб Аделаида деб атар, эри эса доимо истеҳзоли эҳтиром билан ёнига «хоним»ни қўшиб айтарди.

Баронесса арава ўриндиғига зилдай чўкканида рессорлар қисирлаб кетди. Барон унинг ёнига ўтирди. Жанна билан Розали қарши скамейкага жойлашди.

Ошпаз хотин Людвина бир қучоқ иссиқ кийимлар олиб чиққанди, ҳаммалари ўшалар билан тиззаларини ўрашди, оёқлари тагига иккита саватни ёпишди. Шундан кейингина Людвинанинг ўзи аравакаш Симон амакининг ёнига амаллаб чиқиб олди, бошидан товонигача ёмғирпўшга ўралди. Дарвозабон билан хотини хайр-хўш қилишиб, арава эшигини ёпишаркан, тележка-аравада жўнатилиши лозим бўлган юк борасида сўнгги фармойиш олишди. Ниҳоят, соябон арава қўзғалди.

Аравакаш Симон амаки ёмғирдан қочиб, бошини эгиб, елкасини чиқарган кўйи ливреясига кўмилиб кетганди. Кучли шамолдан жала соябон арава ойнасини такиллатар ва йўлни сувга бостирадди.

Отлар илдам йўрғалаб, аравани бир текисда соҳилга олиб чиқишди. Шундан сўнг у қатор турган ва жиҳозлари нақ яланғоч дарахтлардек булутли осмонга ғарибона чўзилган кемалар, мачталар, реялар<sup>1</sup> ёнидан ела кетди. Арава Рибудетск тепалигидан ўтгач, кенг хиёбонга чиқиб олди.

Йўл ўтлоқлар оралаб кетаркан, гоҳо-гоҳо ёмғир пардаси ортидан нимжон, ҳўл шохлари эгилган толнинг қораси кўриниб қоларди. Отларнинг туёқлари чалп-чулп қилар, арава филдираклари ўз шаклига монанд равишда лой сачратиб борарди.

Аравадагиларнинг ҳаммалари жим боришар, гўё каллар ҳам ер каби ёмғирда бўкканга ўхшарди. Волида арава болишига бош қўйиб, кўзини юмди. Барон рўбарўсидаги манзарага, сув босган далаларга бадқовоқ назар ташлади. Розали тиззасидаги тугунини ушлаганича, содда авомларча ярим мудроқ авзода қимир этмай кетарди.

Ёлғиз Жаннагина гўё очиқ ҳавога олиб чиқилган хонаки гулдай жонланаётганга ўхшар, севинч бамисли қалин ~~шароқ унинг юрагини қайғудан муҳофаза қиларди.~~ Гарчанд ~~ки...~~ куйлагиси, қўлини ташқарига чиқар ~~ки...~~ ёмғирни симиргиси келарди. От ~~...~~ бораётгани, ёмғирда қолган нарсаларни кўр-

гани сари кўзлари ёмғирдан панада эканлигидан ҳузур қиларди.

Ёмғирдан ялтираб кетган отларнинг сагринларидан ҳовур кўтариларди.

Баронесса андак пинакка кетгандай бўларди. Чехрасини қуршаган олтита гажак даҳанидаги учта чизиққа келиб туташган, ундаги тўлқинсимон чизиқлар эса кўкраклар аро кетганди. У ҳар нафас олганида боши кўтарилиб, яна қуйи тушар, яноқлари шишиб, ярим очиқ лабларидан чўзиқ хуррак отиларди. Эри унга томон эгилди-да, хотинининг қорни устида чалишган қўлига чарм картмонни оҳиста қўйди.

Баронесса қўлига бир нима текканидан уйғониб кетди-да, уйқули кўзлари билан картмонга хира нигоҳ ташлади. Картмон пастга тушиб, ундаги тилла тангалар ва қоғоз пуллар араванинг ичига сочилди. Баронессанинг кўзлари бутунлай очилиб кетди, қизи эса яйраб кетаётганидан шарақлаб кулди.

Барон пулларни олиб, хотинининг тиззасига қўяркан, тилга кирди:

— Элтадаги фермадан қолгани мана шу, азизим. «Теракзор»ни тузатаман, деб уни сотдим, энди у ерда анча вақт турамиз-да.

Баронесса пулни (олти минг тўрт юз франк) санади-да, бамайлихотир чўнтагига солди. Улар шу тариқа ота мерос ўттиз икки фермадан навбатдаги тўққизинчисини пуллашганди. Бироқ, эр-хотиннинг ерлардан келадиган йигирма минг франк атрофидаги даромади ҳам бор эди. Мабодо бу ерларга удабуронлик билан бошчилик қилинса, улардан йилига ўттиз минг даромад олса бўларди.

Эр-хотин одмигина яшашарди. Рўзгорда яхшилик деган тубсииз, доимо оғзи очиқ турадиган гор бўлмаса эди, уларга ана шу даромаднинг ўзи кифоя эди. Эр-хотиннинг очиқ-қўллиги туфайли қўлларидаги маблағ офтобдаги ботқоқ намидай қуриб борарди. Пул — қўлнинг кири деганлари рост. Дарров созуриларди. Қандай қилиб дейсизми? Буни на эр, на хотин биларди. Гоҳо улардан бири:

— Қандай бўлганини сира тушунолмаяман, бундай қарасам, юз франк кетибди, каттароқ нарса олмовдик шекилли, — деб қоларди.

Дарвоқе, икковлари ҳам қўли очиқликни ҳаёт қувончи деб билишар, бу борада эр-хотин ажиб тарзда яқдил эдилар.

— «Менинг уйим» ҳозир чиройли бўлиб қолганми? — сўради Жанна.

— Борганинга кўрасан, қизгиңам, — шодон жавоб қилди барон.

Об-ҳавонинг қаҳр-ғазаби аста-секин пасая бошлади. Орадан кўп ўтмай ҳавода намхуш парда, ёмғирнинг майда зарралари қолди, холос. Бамисли гумбаздай осилиб турган булутлар тобора баландлашар, тиниқлашар ва ноғиҳон кўзга кўринмайдиган ёриқлардан ўтган қуёш нури ўтлоқларда сирғалиб қоларди.

Булутлар чокидан кўм-кўк осмон ўзини кўрсата борар, йиртилган пардадай булутлар аста-секин тарқаб, ажиб беғубор осмон ложувард тусда олам узра ёйилди-қўйди.

Замин гўё шодон нафас олгандай, ёқимли ва энгил шабада эсди. Соябон арава боғлар ва ўрмонлар оралаб ўтаётганида қанотларини қуритаётган қушчанинг шўхчан сайраши эшитиларди.

Қош қорая бошлади. Аравада Жаннадан бошқа ҳамманинг кўзи илинганди. Йўлдаги мусофирхоналарда икки марта тўхтаб отларга сули ва сув беришди.

Кун ботди. Олисдан қўнгироқ овози эшитиларди. Қайси бир қишлоқда арава фонусларини ёқиб олишга тўғри келди. Кўкда ҳам юдузлар чамани чақнай бошлади. Гоҳ у ер, гоҳ бу ерда чироқлари ёқилган уйлар зулмат қўйинини ёритиб турарди. Шунда тепалик ортидан, қарағайзор шохлари орасидан уйқусираб баҳайбат, алвонтус ой қалқиб чиқди.

Иссиққина кетишаётганидан араванинг дарчаларини кўтариб ҳам қўйишмади. Жанна кўп нарсаларни хаёл қилиб, ажиб манзараларни кўз ўнгига келтираверганидан хумори тарқаб, мудраб борарди. Гоҳо ноқулай жойлашиб олганидан оёқлари увишиб қоларди. Шунда кўзи очилиб, дарчадан нурафшон кечада бирма-бир ортда қолаётган дарахтлар ёнида, ферма ёки далада қолиб, бошларини кўтараётган сигирларни кўриб қоларди. Жанна шундан кейин яхшироқ ўтириб оларди-да, хаёлидаги узилиб қолган орзулари риштасини улашга интилар, бироқ араванинг тинимсиз ғижирлаши қулоғини шанғиллатиб, миясини зирқиратарди. Шунда у яна кўзларини юмар ва ўзини ўта толиққан ҳис этарди.

Бироқ, мана, арава ҳам тўхтади. Унинг эшиги олдида фонус тутган қандайдир эркак ва аёллар туришарди. Демак, манзилга етиб келишибди-да, Жаннанинг зумда кўзи очилиб, аравадан чаққон сакраб тушди. Отаси билан Розали бир фермер тутиб турган фонус ёруғида қийналган баронессани бир амаллаб аравадан олиб тушишди. Баронесса аянчли оҳ-воҳ қилар ва ним-ним овозда: «Оҳ, парвардигор! Оҳ, болаларим!» дерди. У тамадди қилишни ҳам истамай, чўзилди-ю, зум ўтмай ухлаб, тошдай қотди.

Жанна билан барон биргаликда тамадди қилишди. Улар

бир-бирларига қараб жилмайишар, стол оша қўлларини қисиб қўйишарди. Икковлари ҳам хурсандчиликдан гўдаклардай терисига сигмаётганларидан таъмири қўлдан чиқарилган уйни кўздан кечиришга қўзғалишди.

Уй баланд, нормандча услубда қурилган бўлиб, на фермага, на қасрга ўхшарди. У оқ, эндиликда эса саргайиброқ қолган плиталардан қурилган ва бутун бир авлодни сиғдирадиган даражада кенг-қўлам эди.

Уйни кесиб ўтган кенг вестибюлдан иккала томонга эшик бор эди. Қўш пиллапоя ана шу вестибюль бўйлаб ярим доира шаклида чўзилганидан ўрта бўш қолган, иккинчи қаватда эса пиллапоянинг иккала ярми кўприкча сифатида туташганди.

Пастда, ўнг томонда деворларига япроқлар аро чаппар уриб юрган қушлар тасвири туширилган мато қопланган каттакон меҳмонхонага йўл бор эди. Мебелларга ярим хоч шаклида тикиб сирилган газламаларда Лафонтен масалларига ишланган суратлар акс этарди. Шунинг учун ҳам Жанна тулки билан турна масали акс эттирилган болагигидаги энг севимли стулни кўрганида севинчдан юраги қоқ ёрилаёзди.

Меҳмонхонанинг ёнида қадимий китобларга тўла кутубхона ва яна одам турмайдиган икки хона бор эди. Чапда янги ёғоч панеллари бўлган емакхона, кийимхона, қазноқ, ошхона ва омборхона бўлиб, ванна ҳам омборхонада эди.

Иккинчи қават бўйлаб узун кетган коридор бўлиб, қатор тушган ўнта хонанинг эшиклари унга очиларди. Коридорнинг охирида, ўнг томонда Жаннанинг оромгоҳи бўлиб, ота-бола унга томон боришди. Бароннинг буйруғи билан чордоқда ётган мебель ва пардаларни олишиб, бу оромгоҳни янгидан жиҳозлашган эди.

Қадимий фландр услубида ишланган буюмлар хонага ажойиб кўрк бахш этганлар.

Жанна ялтиратиб қўйилган каравотни кўрганида суюнганидан қичқириб юборди: қора эмандан ишланиб, тўрт чеккада тўрт қуш ўринни тутиб туришганидан гўё уни қўриқлашаётгандай туюларди. Каравотнинг икки томонига гуллар ва мева шодалари ўйиб ишланган. Чиройли қилиб тарошланган коринфча тоқиравоқли тўрт устун гуллар ва севги илоҳи бўлган шўх ўғил болалар тасвиридан иборат пирамонни тираб турарди. Каравотнинг ётиладиган қисми кенг-қўлам, вақт ўтиши билан қорайиб кетган, бироқ, ёғочининг қаттиқлигига қарамай, у жуда ҳам бежирим қилиб ишланганди. Уриннинг чойшаби ва каравотнинг олдида тутилган парда бамисли ложувард осмонни эслатарди. Парда



қадимий қалин кўк шоҳидан қилинган бўлиб, унга зарҳал билан йирик-йирик гулсафсарлар тикилганди.

— Жанна каравотини томоша қилгандан сўнг, деворлардаги қўлда тўқилган гиламларга нималарнинг тасвири туширилган экан, деб шамни баландроқ кўтарди: эгниларига ажойиб кўк, қизил ва сариқ либослар кийган навқирон мансабдор билан ёшгина хоним оппоқ мевалари ғарқ пишган кўм-кўк дарахт тагида суҳбат қуришарди. Йирик, оппоқ қуён бароқ ўсган ўтларни чимталарди.

Юқорида белгиланган маълум масофада бешта учи ингичка, юмалоқ тунука томли уйча, ундан юқорироқда эса шамол тегирмон ялтиллаб кўзга ташланарди.

Булар гуллар шаклида безак қилиб тўқилганди. Деворлардаги бошқа икки гилам биринчисига ўхшаб кетарди, фақат уларда фламандча кийинган, бениҳоя ҳайрат ва ғазабда эканликларини ошкор этгандай қўлларини кўкка чўзган тўртта одамчанинг тасвири бор эди.

Охирги гиламчада эса аянчли манзара тасвир этилганди: ўт чимталаётган қуён ёнида навқирон йигит чўзилиб ётар, чамаси оламдан ўтганди. Ёшгина хоним унга тикилганича ўзининг кўксига қилич санчар, дарахтдаги мевалар эса қорайиб кетганди.

Жанна бундан бирор нарсани англаб етишга ақли бовар қилмай турган эди, бирдан бурчакдаги мўъжазгина жониворга кўзи тушиб қолди. Мабодо қуён тирик бўлганида борми уни бамисли бир хасдай ямлаб юборган бўларди. Бироқ, у арслон эди.

Жанна шундагина Пирам билан Тисбанинг бошига тушган кулфатларни англаб етди. У гарчи буларнинг одмигина қилиб тасвирланганидан майин кулиб қўйган бўлса ҳам бироқ, ҳаммавақт ана шу ишқий саргузашт куршовида бўлишни, ўзини тотли умидлар билан аллалаш ва қадимий афсона қаҳрамонларининг эҳтиросларини ҳис этган ҳолда уйқуга кетишни ўйларкан, ич-ичдан хурсандлик туйди.

Хонадаги бошқа мебеллар турлича услубларнинг йиғиндисидан иборат эди. Бу ерда ҳар бир авлоддан қолган ва қадимий уйларни ҳар хил буюмлар музейига айлантирса бўладиган буюмлар етарли эди. Зирҳи ялтироқ мисдан ясалган Людовик XIV услубида ишланган ажойиб жавоннинг икки томонида шоҳидан қилинган илгариги сирмасини сақлаган ўша услубдаги креслолар турарди. Пуштиранг ёғочдан ишланган ёзув столи камин рўбарўсида турар, унда эса Империя замонидан қолган соат юмалоқ шиша гилофда жамолини кўз-кўз қиларди.

Бронзадан ясалган соат асалари уяси шаклида бўлиб,

зарҳал гуллардан иборат боғ узра тўртта мармар устунга ўрнатилганди. Уянинг узунчоқ тешигидан осилиб тушган ингичка тебрангич, қанотлари эмалдан қилинган асаларини гулзор узра бетин учишга мажбур этарди.

Уянинг олдинги деворига фаянсдан ясалган гулли циферблат ўрнатилганди.

Соат ўн бирга занг урди. Барон қизини ўпди-да, ётоғига равона бўлди.

Жанна шунда надомат билан жойига чўзилди.

У ўзининг ётоғига сўнгги бор кўз югуртирди-да, шамни ўчирди. Каравотнинг бош томони эса деворга тақалган, ундан чап томонда дераза бўлиб, ўшандан ой нури тушар, шундан полда нурли доира кўзга ташланарди.

Пирам билан Тисбанинг тасвирларига тушиб, улар севгисини эъозлаган ойдиннинг хира ёғдулари деворларда акс этарди.

Рўбарўдаги бошқа деразадан Жаннага ой нурига чўмилган улкан дарахт кўриниб турарди. Жанна ёнбошига ағдарилиб, кўзларини юмди, бироқ пичадан кейин яна очди.

У ҳалиям соябон аравада нотекис келаётгандай, гилдиракларнинг гижирлаши миясини зирқиратаётгандай эди. Олдинига у, шундан тезроқ уйқум келса керак, деб қимирламай ётишга уринди. Бироқ хаёлан бесаранжомлиги вужудига ҳам ўтди. Оёқлари зирқираб, бетоқатлиги орта бошлади. Сўнг ўрнидан туриб, ялангоёқ, ажинага ўхшаган узун енгсиз кўйлақда полдаги нурли доирадан ўтиб, деразани очди-да, ташқарига қаради.

Тун ойдинлигидан ҳамма нарса худди кундузгидай кўринарди. Қиз бир замонлар, болалик пайтларида севиб қолган жойларни таниди.

Аввало, қизнинг рўбарўсида ойдинда нақ мойдай туюлган сариқ майсазор ястаниб ётарди. Уй олдида иккита баҳайбат дарахт, шимол томондан чинор, жануб ёқдан эса аргувон қад кериб турарди.

Кенг ўтлоқнинг охиридаги мўъжазгина дарахтзор қўрғонни чегаралаб турарди. Беш қатор асрий қайрағочлар қўрғонни денгиз бўронларидан муҳофаза қиларди. Океanning қутурган шамоллари бу дарахтларни букчайтирган, шохларини синдирган, тинкасини қуритган ва томга ўхшатиб бир чеккасини қийшайтиб кетганди.

Хиёбонга ўхшаган бу жойни ўнг ва чап томондан баҳайбат тераклар қуршаб турарди. Тераклар хўжайиннинг уйини унга туташган иккита фермадан ажратар, улардан бирини Куярлар хонадони, бошқасини Мартэнлар оиласи банд қилганди.

Мулкнинг номи ана шу тераклардан олинганди. Улардан кейинда экин экилмайдиган, чўл бутаси босган текислик бўлиб, бу ерда шамол кечаси-ю, кундузи чаппар урарди. Ундан нарида оқ жарлик юз метр пастга тик тушар, эагига эса тўлқинлар урилгани урилганди.

Жанна олисдаги бамисли юлдузли осмон тагида мудроқ океаннинг жимирлаётган дароз бўлагини кўриб турарди.

Қуёш ботгач, дам олаётган замин энди ўзининг хушбўй исларини таратарди. Пастки қаватнинг деразасини чирмаган ясмин ўткир, хуш бўйини таратар ва бу ниш ураётган куртакларнинг хуш бўйига омухта бўлиб кетарди. Енгил шамол денгизнинг шўртанг ҳиди ва сув ўтларининг нордон буғларини олиб келарди.

Қиз олдинига шунчаки нафас олаётганидан ҳузур қилиб ўтирар, қишлоқ осойишталиги уни гўё салқин сувли ваннада ўтирганидай яйратарди.

Кечкурунга бориб уйғонадиган ва вужудини тун пардасида яширадиган барча мавжудотлар оидин кечада гимирлашгани гимирлашган эди. Йирик қушлар кўкда чурқ этмай нақ доғ, нақ кўлка сингари учиб юришарди. Кўзга кўринмайдиган ҳашаротларнинг чирилдоғи қулоққа аранг чалинарди. Кимсасиз қумли йўлда ва шудрингли майсаларда нимадир унсиз ўрмаларди.

Ёлғиз интизор қурбақаларгина ойга қараб чўзиб ва бир маромда қуриллаларди.

Жаннанинг назарида юраги худди мана шу оидин кеча сингари кенгайиб, шивир-шивирларга тўлиб бораётгандай ва поғиҳон тунда гимирлашаётган беҳисоб мавжудотлар сингари тасодифий истакларнинг галаси сингари жонланаётгандай эди. Ўзи билан теварагидаги ана шу жонли поэзия ўртасида қандайдир муштараклик бор бўлиб, ёз оқшомининг сеҳрли оидинида бошқача жонсарақлик, тутқич бермас умидларнинг жунбишини, бахт шабадасига яқинроқ бўлган нимадир сезаётган бўларди.

Қиз шундан кейин севгини орзу қила бошлади. Севги! Унинг вужудида яқинлашиб келаётган севгининг ваҳимаси икки йилдан бери кучайиб борарди. Энди унга севиш эрки берилган; фақат у н и н г истиқболига пешвоз чиқиши керак. Унинг!

У қанақа одам бўларкин? Жанна бунини ўзича тасаввур қилиб кўрмаган ва ҳатто хаёлига ҳам келтирмаганди. Ўша эркак, ўша-да, бор гап шу.

Жанна бир нарсани, уни бор вужуди билан севишини, у эса қалбининг бор қувватини бағишлаяжagini биларди. Мана шунақанги юлдузлар чақнаб турган оқшомларда ик-

ковлари айланиб юришади. Қўлтиқлашиб, бир-бирларининг пинжисларига кирганларича сайр қилишади, бир-бирларининг юраклари қандай ураётганини аён эшитиб, елкаларининг тафтини аниқ туйишади, шунда севгилари ҳам ҳароратли ёз оқшомининг лаззатига омухта бўлиб кетади ва ўрталарида шундай яқинлик вужудга келадики, икковлари осонгина, биргина туйғу кучи билан бир-бирларининг эзгу фикрларини илғаб олишади.

Бу эса боқий севгилари давомида бетин давом этаверади.

Жанна тўсатдан гўё севгилиси шу ерда, ёнида тургандай кўйга тушди. Шунда бошидан то товонигача қандайдир бир нарса жимирлаб ўтгандай бўлди. У гўё орзусини оғушига олмоқчидай беихтиёр равишда қўлини кўксига босди. Номанум кимса истиқболга очилган лаблари нимагадир теккандай бўлди, сал бўлмаса ҳушидан кетаёзди — баҳор нафаси унга севгининг илк бўсасини армуғон этгандай бўлди.

Шу он қоронғиликнинг қаеридандир, уйнинг орқасидан, йўлдан қадам товушлари кела бошлади. Шунда жонсарақ вужудининг ҳарорати, ноилож нарсага, бахтли тасодифларга, ғайритабиий сезгиларга, тақдирнинг сурурли усталикларига бўлган ишонч кучи унга: «Хўш, мабодо ўша бўлсачи?» деган фикрни уқтирарди. Қиз ўткинчининг бир меъёрдаги қадам товушларига қулоқ соларкан, ҳозир дарвозани тақиллатиб, бошпана беринглар, дейишига шубҳа қилмасди.

Йўловчи ўтиб кетганидан кейин қиз чиндан ҳам умидсизликка учрагандек мунғайиб қолди. Бироқ ўша заҳоти умидлари хаёлий эканлигини англаб, телбанамолигидан кулимсираб қўйди.

Қиз ўзини пича босиб олганидан кейин бирмунча оқилона хаёлларга берилди, келажагини кўз олдига келтиришга уриниб, бундан буёнги ҳаётининг режаларини туза бошлади.

У ўша билан шу ерда, денгиз узра қад кериб турган мана шу осуда уйда кун кечиради. Чамаси улар иккита бола кўришади: унга — ўғил, қизи эса ўзига бўлади. Жанна шунда болалари чинор билан арғувон оралиғидаги ўтлоқда ўйнашаётганини кўз олдига келтирди. Болаларнинг отаси билан онаси уларга завқ билан тикилишар, бир-бирларига эҳтирос ила боқишарди.

Жанна орзуларига ғарқ бўлган кўйи жуда узоқ ўтириб қолди, ой ҳам осмондаги йўлининг охирига етиб денгизга яшириниш тараддудига тушди. Ҳаво мусалффо тортди. Уфқнинг кунчиқар томони бўзара бошлади. Унгдаги фермада хўроз қичқирди. Чап фермадагилар унга жавоб қилишди.

Уларнинг товуқхона деворлари бўғаетган хирқироқ овозлари жуда олисдан келаётганга ўхшарди. Аста-секин ёришаётган осмондаги юксак юлдузлар бирин-кетин ғойиб бўла бошлаганди.

Қаердадир олисда қушча чирқиллади. Япроқлар орасидан сайроқ эшитилди. Олдинига оҳиста сайраган қушча аста-секин дадиллаша бошлаганидан овози жарангдор, ёқимли чиқиб, шохдан-шоҳга, дарахтдан-дарахтга тарала бошлади.

Жанна ногихон кўзига ёруғлик туша бошлаганини сездди. У бошидан қўлини олиб, тонг нуридан қамашган кўзларини юмди.

Теракзор хиёбонини ним яшириб турган қизғиш булутлар уйғонаётган заминга алвон ёғдусини тўкарди.

Шунда нурли пардани ёриб, дарахтлар, водийлар, океан, бутун уфқни учқунлар билан чақнатган ҳолда улкан оловли курра шошилмай балқиди.

Жанна азбаройи ҳузур қилаётганидан ақлдан озаёзди. Чексиз қувонч, оламнинг гўзаллигидан беҳад завқланишдан юраги қинига сиғмасди. Бу — унинг қуёши! Унинг — тонги! Ҳаётининг бошланиши! Жанна нақ қуёшни бағрига босмоқчи бўлгандай қўлини нурафшон кенгликлар томон узатди. У мана шу туғилиб келаётган янги кундай нимадир дегиси, ҳайқиргиси келарди, бироқ завқ-шавқдан лол қотди. Шунда кўзларида ёш ҳалқаланаётганини сездиди-да, бошини кафтига ташлаб, севинч ёшлари тўка бошлади.

Қиз бошини кўтарганида янги куннинг ғоят ажиб манзараси ғойиб бўлганди. Жанна деразани ёпмай ўрнига чўзилди-да, яна бир неча дақиқа орзу-хаёлларга берилиб ётди. Сўнгра шунақанги донг қотиб ухладикки, соат саккизда отаси чақирганини ҳам эшитмади. У отаси хонага кириб келганидан кейингина кўзини очди.

Отаси уй, тўғрироғи, у н и н г уйи тузатилиб, қўлдан бинийдай чиққанни кўрсатишга ошиқарди.

Уйнинг орқа томонини чексиз олмазор кўчадан айириб турарди. Йўл деҳқонларнинг қўрғонлари оралаб кетган ва ярим лье нарига бориб, Гавр билан Фекан ўртасидаги тошкўчага чиқарди.

Тўғри кетган хиёбон ёғоч тўсиқдан то кўча томондаги зинагача чўзилганди. Ҳовлининг иккала томонида, фермаларни бир-бирдан ажратиб турувчи ўрлар ёқасидаги турли хизматларга мўлжалланган бостирмалар денгиз шағалидан қурилиб, усти похол билан ёпилган эди.

Уйнинг тунука томи янгиланганди. Ёғоч ишлатилган жойлар тузатилган, деворлар тўғрилланган, хоналарга гул-

қоғозлар ёпиштирилган, ичкарининг бари қайтадан бўяб чиқилганди. Кўҳна, кўримсиз уйнинг бўзрангдаги олд томонида яқиндагина кумушрангга бўялган дераза ва деворнинг тузатилган жойлари бамисли доғдай ажралиб турарди.

Уйнинг бошқа чеккаси, яъни Жанна оромгоҳи деразаларидан бири денгизга, дарахтзор ва шамолларда эгилган зич қайрағочларга қараганди.

Жанна билан барон қўл ушлашиб, уйни бошдан-оёқ кўриб чиқишди. Сўнгра хиёбон аталган узунасига кетган теракзорни узоқ кезишди. Дарахтлар орасида майсалар ўсиб қолган ва заминга яшил гилам тўшалган, хиёбон охиридаги дарахтзорда майсалар орасидан ўтган илонизи сўқмоқлар ажиб равишда туташиб кетарди. Шунда, ногаҳон бир қуён қайдандир сакраб чиқиб, қамишзордан соҳилдаги қоялар томон отилди. Қиз бундан чўчиб тушди.

Нонуштадан кейин ҳалиям ўзига келолмаган Аделаида хоним, андак чўзилмоқчиман, деганди, барон Жаннага Ипорга тушишни таклиф қилди.

Ота-бола йўлга чиқишди. Аввалига «Теракзор» туташган Этуван деган мўъжаз қишлоқни кесиб ўтишди. Учта деҳқон гўё уларни азалдан билишадигандай таъзим бажо қилишди.

Ота-бола шундан кейин нотекис водийнинг ёнбағридан нақ денгизгача чўзилган ўрмонга киришди.

Орадан кўп ўтмай улар Ипор қишлоғига етишди. Аёллар уйлари олдида кийим-кечакларини ямаб ўтиришар ва ота-боланинг кетидан қараб қолишарди. Оқинди сувлар тушадиган ариғи ўртасида бўлган ва дарвозалари олдида ахлат тўдалари кўзга ташланадиган кўча тепаликка кўтарилар, димоққа эса ўткир қўланса ҳид уриларди. Вайроналар олдида қўнғир тўрлар қуритилар, уларнинг у ер-бу ерида ёпишиб қолган балиқларнинг кумуш тангачалари ялтирар, эшиклардан эса уйнинг торлигини билдирувчи димиққан ҳид келарди.

Ариқ лабида кабутарлар ўзларига емиш излаб юришарди.

Жанна теварак-атрофга назар ташларкан, ҳамма нарса кўзига театрдагидай қизиқарли ва янги туюларди.

Шу пайт муюлишдан кейин унга денгиз жамол кўрсатди. У тўқ зангори ва текис бўлиб, чеккаси ҳам, охири ҳам кўринмасди.

Жанна билан барон соҳилда тўхтаб, денгизни томоша қила бошлашди. Очиқ денгизда елканлар қушларнинг қанотидай оқариб кўринарди. Унгу сўлда улкан қоялар. Кенгликнинг бир томонини бурун тўсиб турар, иккинчи томон-

даги соҳил жуда узоққа чўзилган бўлиб, қаерда ғойиб бўлишини кўз аранг илғарди.

Яқинроқдаги муюлишлардан бирида гавань ва бир тўда уйлар кўзга ташланарди. Майда тўлқинлар денгиз чеккасидаги кўпик ҳалқадай гижирлаб қумликка ташланишарди.

Ерлик кишиларнинг тошлоқ соҳилга чиқариб қўйилган қайиқлари қатрондан ярқираган яноқларини офтобга тутиб, қийшайиб ётишарди. Балиқчилар уларни кечқурунги сув кўтарилиши олдидан назардан ўтказишарди. Балиқ сотаётган матрослардан бири буларга яқин келувди, Жанна «Теракзор»га олиб кетаман, деб қалқонбалиқ сотиб олди.

Денгизчи шундан кейин денгизда сайр эттириши мумкинлигини айтди. Бунда у жанобларнинг ёдларида қолсин, деб исми шарифини сурункасига бир неча марта айтди: Ластик, Жозефэн Ластик.

Барон унинг исмини эслаб қолишга ваъда берди. Ота-бола шундан кейин изларига қайтишди.

Жанна каттагина балиқни кўтариб кетишда қийналди. Шунинг учун отасининг ҳассасини балиқ ойқулоғидан ўтказиб, бир учинчи ўзи, иккинчи учини баронга тутқазди. Ота-бола худди икки болақайдай чуғурлашганларича тепаликка қувноқ одим ташлашди. Уларнинг сочлари шамолда тўзгир, кўзлари ёнар, қўлларида юк бўлган қалқонбалиқ эса йўгон думи билан майсаларни эзгилаб борарди.

## II

Жаннанинг ажиб, яйдов ҳаёти бошланди. У китоб ўқир, орзу-хаёлларга берилар ва ёлғиз ўзи теварак-атрофда айланиб юрарди. Хаёлларга берилганича оҳиста одимлар ё бўлмаса соҳилларини олтинранг ризага<sup>1</sup> ўхшаб гуллаган чўлбуталар қоплаган илониёи сойликлардан пастга сакраб тушарди. Чўлбутанинг ўткир ва тотли иси жазирамада янада кучайганидан хушбўй винодай сархуш этар, олисдаги денгизнинг соҳилга бир маромда шапиллаб урилиши эса аллаларди.

Беҳоллик гоҳида Жаннани майсазор ёнбағирликларда чўзилишга мажбур этар, баъзан эса водий бурилишидаги кемтикликда ялтираётган денгиз оғушидаги елканларни кўраркан, ўзига насиб этадиган сирли бахтни сезаётгандай севинчи ичига сиғмай кетарди.

Бу ўлканинг осуда ва салқинлиги, одамга таскин берувчи пасту баландликлари Жаннанинг танҳоликка бўлган меҳрини оширарди. Тепаликлар узра анча вақт қимир-

---

<sup>1</sup>Попларнинг ибодат вақтида княдиган либоси.

ламай ўтириб қолган пайтларида ёввойи қуёнлар оёғи олдида иргиншлаб юришарди.

Жанна кўпинча соҳилдан эсаётган шабадада тепаматена чопқиллар, шунда ҳузурдан бутун вужуди жунбишга келарди. У сувдаги балиқ, осмондаги қалдирғоч сингари юрганда чарчаш нималигини билмай жуда ҳам роҳат қиларди.

У қаерда бўлмасин ерга уруғ сепгандай хотираларини, нақ ўлгунича илдизларини юракдан суғуриб бўлмайдиган хотираларини сочиб юрарди. Назарида, ана шу водийларнинг илонизи сўқмоқларига вужудининг зарраларини сочиб юргандай эди.

Жанна сувда сузишга жуда берилиб кетди. У бақувват ва жасур бўлганидан хавф-хатарни хаёлига ҳам келтирмай қаёқларгадир сузиб кетарди. Денгизнинг муздек, тиниқ зангори сувида роҳатланар, сув ҳам уни аллалаб, оғушига оларди. Соҳилдан сал нарига сузиб борарди-да, қўлларини кўксида чалиштирганича чалқанча ётар, ложувард осмонга нигоҳ ташлар, гоҳ қалдирғочлар учиб ўтишар, гоҳ чарлоқнинг оппоқ тўши кўриниб қоларди. Теварак-атрофдан «тиқ» этган товуш келмас, фақат олисдаги тўлқинларнинг соҳилга урилишидан қулоққа салгина шовқин чалинарди.

Жанна шундан кейин ўзини ўнгларди-да, бахтиёрлигидан маст ҳолда қийқирганича сузиб кетарди.

Гоҳида сузиб анча жойга бориб қолганида ортидан қайиқчини йўллашарди.

Жанна очикқанидан ранги оқариб, бироқ хушчақчақ, ўзини енгил сезган, лабда табассум ва кўзлари порлаган ҳолда уйга қайтарди.

Барон эса қишлоқ хўжалик тадбирлари хусусида бош қотириб, уларни амалга оширишни хаёл қиларди. У тажрибалар ўтказмоқчи, баъзи бир нарсаларни такомиллаштирмоқчи, янги иш қуроолларини синаб кўрмоқчи, бегона юртларга хос экинларни экмoқчи эди. Куннинг бир қисмини деҳқонлар билан суҳбатда ўтказар, деҳқонлар эса унинг режаларини эшитиб, бошларини чайқашарди.

Барон ипорлик балиқчилар ҳамроҳлигида тез-тез денгизга ҳам чиқиб турарди. У чеккароқдаги ўнгириллар, булоқлар ва қояларни кўздан кечирганидан кейин оддий денгизчилар қатори балиқчилик қилмоқчи ҳам бўлди.

Шамолда шишган елкан катта қайиқнинг қориндор корпусини тўлқинма-тўлқин елдирадиган, макрель балиқлар тўдасига кўзи тушганда қувадиган, узун қармоқ изи ташландиган шамолли кунларда барон ингичкароқ арқонни қалтироқ қўлларида маҳкам тутганича ўлтираркан, унга илинган



балиқ типирчилашга тушиши биланоқ арқон титрай бош-лашини сезарди.

Барон ойдин кечаларда бир кун олдин ташлаб қўйилган тўрларни тортишга борарди. Унга мачтанинг гичирлаши ва тунда гув-гув эсаётган шамолда нафас олиш хуш келарди. Қайиқ бирорта қоянинг чўққиси, қўнғироқхонанинг томи ёки Фекан маёғини мўлжалга олиб, буйни<sup>1</sup> излаб узоқ изғиганидан кейин қимирлай ўтириб, қуёшнинг илк нурларидан ҳузур қилишни ёқтирарди. Офтоб нури эса қайиқ тубидаги елпигичсимон скат балиғининг яғринини ва қалқонбалиқнинг катта қорнини ҳам ялтиратарди.

Барон дастурхон атрофида ўтирганларида бошидан ўтганлариши завқ-шавқ билан сўзлар, хотини эса ўз навбатида, катта теракзор хиёбонининг ўнг, Куярлар фермаси турган томонидан неча марта ўтганини айтарди. Нега деганда, хиёбоннинг чап томони анча-мунча салқинроқ эди.

Баронессага «кўпроқ юриш» кераклиги айтиб қўйилганидан у зўр бериб сайр қиларди. Тунги салқин кўтарилиши биланоқ у Розалининг қўлига суянганича ташқарига чиқарди. У устига пелерина<sup>2</sup> ташлаб, иккита рўмолга ўранар, бошига қора капор<sup>3</sup> кийиб, устидан тўқима дуррача билан бойлаб оларди.

Баронесса шундан кейин чап оёғини судраб босганича йўлга тушарди. Чап оёғи яхши ишламас, судраб босганидан хиёбон ёнида иккита чангли из қолар, ўша жойдаги майсалар эса топталанарди. У уйнинг бурчидан дарахтзорнинг дастлабки буталаригача бўлган тўғри йўлдан тинимсиз бориб келаверарди. Бу йўлканинг боши билан охирига биттадан скамейка қўйдириб қўйганидан ҳар беш минутда тўхтаб, қўлидан тутиб бораётган шўрлик, сабр-тоқатли оқсочга:

— Утирайлик, жонгинам, андак чарчадим,— дерди.

Баронесса ҳар тўхтаганларида ўриндиққа олдин бошидаги дуррачасини, сўнгра битта рўмолини, кейин иккинчисини, сўнгра капорини, ахийри эса мантильясини<sup>4</sup> ташларди. Буларнинг баридан иккала ўриндиқда икки уюм юк ҳосил бўлиб, нонушта қилгани қайтаётганларида Розали уларни бўш қўлига ташлаб оларди.

Кечга яқин баронесса яна сайрни бошлар, бироқ энди анча эриниброқ одимлар, узоқроқ дам олар ва ҳатто таш-

<sup>1</sup> Денгизда хатарли жойларни кўрсатиш учун қўйилган белги.

<sup>2</sup> Ёлкага ташлаб юрадиган енгсиз кийим.

<sup>3</sup> Хотин-қизлар ёки болаларнинг қишлоқ боғичли қалпоғи.

<sup>4</sup> Енгсиз калта ёпинғич.

қарига олиб чиқилган шезлонгда<sup>1</sup> бирор соат мудраб ҳам оларди.

У ҳатто «менинг гипертрофиям»<sup>2</sup> дегандай, буни «менинг сайр қилишим», дерди.

Бундан ўн йил олдин баронесса нафаси қисишидан нолиб врачга рўбарў бўлганида у касалини «гипертрофия» деганди. Ушандан бери бу сўзнинг маъносига унчалик тушунмаса ҳам бошида маҳкам сақлаб қолганди. Баронесса эрини ҳам, Жаннани ҳам, Розалини ҳам юраги қандай ураётганини эшитишга доимо мажбур қилар, бироқ юраги қабарик кўкрагининг қаърида бўлганидан унинг тепаётганини биров эшитолмасди. Шунга қарамай, баронесса ўзини бошқа врачга асло кўрсатмас, у яна бирор касаллик топмасин, деб қўрқарди. Бироқ гўё бу дард фақат ўзига тааллуқли ва бошқалар етиша олмайдиган мулкдай «ўзининг гипертрофия»сини тинимсиз, ҳар қадамда гапиргани гапирган эди.

Барон «хотинимнинг гипертрофияси» дер, Жанна эса гўё оиймнинг кўйлаги, шляпаси, соябони деганидай «оиймнинг гипертрофияси» дерди.

Баронесса ёшлигида хушрўй ва нозик-ниҳол эди. У империянинг барча катталари билан рақсга тушган, «Корина»ни йиғлаб ўқиган, бу роман юрагида чуқур из қолдирганди.

Баронессанинг гавдаси вазминлаша боргани сари қалбидаги туғёнлар кучая бошлади. Бақалоқлик креслога миҳлаб қўйганидан кейин хаёлидан ҳиссиётли саргузаштлар кетмай қолди, ўзи эса уларнинг доимий қаҳрамони бўларди. Бу саргузаштларнинг баъзи бирлари ўзига жуда ёқиб қолганидан музикали қутича битта нағмани ҳадеб қайтараверганидай, уларни хаёлан тинимсиз равишда тиклайверарди. Асиралар ва қалдирғочлар борасида сўз кетадиган таъсирчан ишқномалар кўз ёши тўқдирарди. У ҳатто Беранженинг ўтмиши афсунадомат билан тилга олинган ўйноқи қўшиқларини ҳам хуш кўрарди.

Баронесса хаёлларга берилган кўйи соатларча қимир этмай ўтирарди. «Теракзор»даги ҳаёт унга жуда маъқул келар, чунки хаёлий саргузаштлари учун мос шароит яратар, ўрмонлар, кимсасиз ботқоқли жойлар ва денгизнинг яқинлиги, Вальтер Скоттнинг кейинги пайтларда мутолаа қилган китобларини ёдига туширарди.

<sup>1</sup> Суяничиги ясси ва ўриндиги узунчоқроқ бўлган кресло.

<sup>2</sup> Бадандаги аъзолардан бирининг ҳаддан зиёд ўсиб кетиши. Бу ерда «бақалоқлик» маъносида келяпти.

У ёмғирли кунларда ётогидан чиқмас ва ўзининг «ёдгорликлар» деб аталмиш буюмларини кўздан кечирарди. Булар кўҳна хатлар — отаси ва онасининг, бароннинг куёв бўлиш пайида юрган пайтларида ёзган хатлари ва яна бошқа кимсаларнинг мактублари эди.

Баронесса буларни қизил ёғочдан ясалган ва чеккаларида мис сфинкслари<sup>1</sup> бўлган ёзув столида сақлар, уларни назардан ўтказишни кўнгли тилаганида ҳар маҳалгидан бошқача оҳангда:

— Розали, жонгинам, ёдгорликлар турган тортмани келтиргин, — дерди.

Оқсоч қиз столини очиб, тортмани оларди-да, баронессанинг рўбарўсидаги столга қўярди. У эса ана шу хатларни шошилмай, бирма-бир, гоҳ-гоҳ кўз ёшларини оқизганича ўқишга тушарди.

Жанна гоҳо Розалининг ўрнига онаси билан сайрга чиқар, ўшанда ойи-жониси болалик йилларидан гапириб берарди. Шунда қиз бир замонларда рўй берган бу воқеаларда гўё ўзини ҳам кўраётгандай бўлар ва икковларининг фикрлари ҳамда истаклари ўхшашлигидан ҳайратга тушарди. Нега деганда, ҳар бир одам, юрагим биринчи марта ҳислар тугёнидан уриб кетди, бу тугёндан биринчи одамнинг юраги гупиллаган ва сўнгги эркаклару сўнгги аёлларнинг юраклари ҳам бундан жонсарак бўлаверади, деб ўйлайди.

Она-боланинг бамайлихотир одимлашлари ҳикоянинг шошилмай айтилишига монанд келар, баронессанинг дам-бадам нафаси қисар, шунда Жанна хаёлан бошланган саргузаштни ортда қолдириб, қувончларга тўла бўлғуси саргузашт сари интилар, орзу-хаёлларга бериларди.

Бир кун икковлари олисдаги ўриндиққа нафасларини ростлагани чўкканларида хиёбоннинг нариги бошидан бақалоқ руҳоний ўзларига қараб келаётганини ногихон кўриб қолишди.

Руҳоний олисдан таъзим бажо айлаб, жилмайди, сўнгра оралиқда уч метр қолганда яна эгилиб:

— Яхшимисиз, баронесса? — деди.

У шу ерлик кюре эди.

Жаннанинг ойиси файласуфлар асрида туғилиб, революция даврида эркин фикрловчи отасидан тарбия топганидан черковга сира ҳам бош суқмаган, шунга қарамай аёлларга хос бўлган художўйлик туфайли руҳонийларни ҳурматларди.

---

<sup>1</sup> Одам бошли шер ҳайкали.

Баронесса қавмларининг руҳонийси бўлган аббат Пикони бутунлай унутиб юборганидан кўзи тушаркан қипқизариб кетди. Келибоқ черковга ташриф буюрмагани учун ундан шоша-пиша узр сўради. Бақалоқ руҳоний эса хафа бўлишни хаёлига ҳам келтирадиганга ўхшамасди. У Жаннага қараб, очилиб-сочилиб мамнунлигини билдирдида, ўтириб, учбурчак шапкасини тиззасига қўйди, сўнгра пешонасини артди. У жуда ҳам семиз, юзи қипқизил ва терлагани терлаганди. Дам-бадам чўнтагидан терга пишган каттакон катак рўмолчасини олиб юз-бўйинини артарди. Нам рўмолчаси катта чўнтагида кўринмай кетиши биланоқ пешонасидан янги томчилар дўмпайиб турган қорнидаги ридосига тушарди.

Кюре чинакам қишлоқ руҳонийси сифатида сабр-бардошлилиги билан ажралиб турар, хушчақчақ, сергап ва яхши одам эди. У теварак-атрофдаги одамлар ҳақида анчамунча воқеаларни гапириб берди, бунда иккала аёл ҳам шу чоққача ибодат қилгани бирор марта ҳам боришмаганини — баронесса дангасалиги ва динга камроқ ишонишидан, Жанна эса диний маросимлар жонига тегиб кетган монастырдан, қутулганидан бормаганини гўё сезмаганга олди.

Барон ҳам келиб қолди. У пантеист бўлганидан маросим-паросимлар билан иши йўқ эди. Шундай бўлса ҳам аббат билан яхши сўрашиб, уни бирга овқатланамиз деб олиб қолди.

Кюре ўзини ёқимтой қилиб кўрсатишни ўрнига қўярди, чунки унда чечанликдан етарлича бор эди. Замонанинг зайли билан ўзига ўхшаганларга хўжайин бўлиб қолган калтабин диний раҳнамолар шунақа бўлишади ўзи.

Баронесса кюрега равиш-рафтор қилди. Уни бир тоифадаги одамларни яқинлаштирадиган муштараклик ром қилган бўлса бордир. Бақалоқ кюренинг ҳарсиллаши ҳам баронессанинг пишиллашига монанд келарди-да.

Кюре овқатдан кейин ширинликлар билан чой ичиб ўтирганларида бамайлихотир, бетакаллуф гапирар, ўтиришда яхшигина отиб олгандай қизиқчиликлар қиларди.

Кюренинг хаёлига зўр фикр келди шекилли, товушини бандлатди:

— Ҳа, айтмоқчи, менга қарашли қавмда янги одам пайдо бўлди, виконт де Ламар. Уни сизларга албатта таништириб қўйиш керак!

Баронесса бутун вилоятдагиларнинг шажараларини беш қўлда биларди.

У эралик де Ламар хонадониданми? — деб сўради у.  
Рухоний тасдиқ маъносида бош ирғади.

— Тўппа-тўғри, хоним, унинг отаси виконт Жан де Ламар бултур қазо қилди.

Шунда дворянликни ҳамма нарсадан устун қўядиган Аделаида хоним кюрени саволга кўмиб ташлади, ёш де Ламар отасининг қарзларини тўлаб, мулкани сотганидан кейин, Этуван жамоасидаги учта фермасидан бирида вақтинча истиқомат қилаётганини ҳам билиб олди. Бу мулклар ҳаммаси бўлиб, беш мингдан олти минг ливргача даромад берарди. Виконт эса тежамли ва идрокли йигит экан. У уйда икки-уч йил камтарона яшаб, пул тўпламоқчи, қарзга ботмай ва фермаларини гаровга қўймай, ўзига муносиб мавқе эгалламоқчи ва сепли қайлиқ изламоқчи экан.

Буёғини кюре қўшимча қилди:

— У жуда ҳам ёқимли йигит. Ҳам ювош, ижобий. Бу ерда кунлари зерикарли ўтяпти, холос.

— Уни бизникига олиб келинг, гоҳида бўлса ҳам кўнгли очилиб туради.

Мусоҳаба шундан кейин бошқа мавзуларга кўчди. Қақвадан кейин ҳаммалари меҳмонхонага йўналганларида, рухонийнинг овқатдан кейин айланадиган одати бўлганидан, хиёбонда сайр қилишга изн сўради. Барон бирга борадиган бўлди. Улар уйнинг оққа бўялган олд томонида у ёқдан-бу ёққа шошилмай бориб келишарди. Битталарининг узун, иккинчиларининг гўё қўзиқорин бостирилгандай юмалоқ соялари ўзларидан дам олдинга кетар, дам орқада қолар, бу уларнинг ойга томон ёки орқага қараб юришларига боғлиқ эди. Кюре киссасидан папиросга ўхшаган нарса чиқариб сўрарди. Буни у қишлоқчасига очиқ-ошкор тушунтирди:

— Бу кекиртиради, менда эса овқат қийин ҳазм бўлади.

Шундан кейин ой сузиб бораётган осмонга қараб:

— Бу манзарага қараб сира ҳам тўймайсан киши, — деб қўйди.

Кюре шундан кейин хонимлар билан хайр-маъзур қилгани йўналди.

### III

Келаси якшанбада баронесса билан Жанна ўзларининг кюреларига бўлган дурустгина муносабатларини назарда тутиб черковга йўл олишди.

Ибодатдан кейин кюрени чоршанба кuni уйларига чақирмоқчи бўлиб, унинг чиқишини кутиб туришди.

Кюре черков ёнидаги анжомлар сақланадиган бинодан башангроқ кийинган, хушбичим йигит билан дўстона қўл-

тиқлашган ҳолда чиқиб келди. У хонимларга кўзи тушиши биланоқ хурсанд деди:

— Буни қаранглар-а! Баронесса, ойимқиз Жанна, қўшнингиз виконт де Ламарни таништиришимга ижозат бера-сиз!

Виконт таъзим қилиб, танишишни анчадан бери орзу қилиб юрганини айтди-да, кўпни кўрган аъёнлар сингари бемалол сайрай кетди. У жуда кўркам, аёлларга хуш келадиган ва эркакларнинг энсасини қотирадиган даражада эди. Қора жингалак сочи офтобда қорайган пешонасига соя ташлар, бир текисдаги, кенг, чизиб қўйилгандай қошлари оқи мовийсифат кўзларини туйғун ва хуморли кўрсатарди.

Виконтнинг киприклари қалин ва узунлигидан боқишлари эҳтиросли эди. Шунинг учун ҳам меҳмонхонадаги таманнонинг юраги жизиллаб, кўчадан саватча кўтариб ўтаётган, бошига чепец<sup>1</sup> кийган қиз унга ўгирилиб қарашга мажбур бўлди.

Йигитнинг бундай сеҳрли боқиши бениҳоя маънодор туюлар, ҳар бир сўзи алоҳида маъно касб этадиганга ўхшарди.

Виконтнинг қалин ва юмшоқ соқоли бирмунча вазминроқ жағини яшириброқ турарди.

Янги танишлар бир-бирларига илтифот кўрсатганларидан кейин ажралишди.

Жаноб де Ламар икки кундан кейин Жанналар хонадонига биринчи марта бош суқди.

У эрталаб келганида хонадондагилар меҳмонхона рўбарўсидаги улкан чинор тагига қўйилган катта ўриндиқни алмаштириш билан овора эдилар. Барон ўриндиқнинг шеригини аргувон тагига қўйишларини истар, хотини эса улар бир-бирларига тўғрима-тўғри туришини истамасди.

Виконтдан бу борадаги фикрини сўрашувди, у баронессанинг ёнини олди.

Виконт шундан кейин уй эгаларининг жойлари ҳақида гап бошлаб, жуда ҳам «кўркам экан» деган гапни айтди, нега деганда, ёлғиз ўзи айланиб юрган кезларда «кўп ажиб жойларни» кўрган экан. Гоҳо у тасодифан Жаннага қараб қолар, шунда Виконтнинг дадил, ёқимли боқиши қизни безовта қилар, чунки унинг боқишларидан дили суст кетаётгани ва бағоят ҳавасланаётганини билиб олса бўларди.

Виконтнинг бундан бир йил муқаддам вафот этган отаси жаноб де Ламар баронессанинг отаси жаноб де Кю-

<sup>1</sup> Аёлларнинг бир турли бош кийими.

вальтонинг яқин таниши эди. Бу нарса маълум бўлганидан кейин қуда-андачилик, қариндош-уруғчилик ва шажара борасида узундан-узоқ гап бошланди. Баронесса таниш оилаларнинг келиб чиқишлари-ю, кимларга қариндош бўлганларини аниқлашда хотираси зўрлигини кўрсатди, хонадонларнинг шажараларини айтиб беришда сира адашмади.

— Виконт, айтнинг-чи, варфлерлик Сонуалар хонадони ҳақида эшитган жойингиз борми? Уларнинг тўнғич ўғли Гонтран курвиллик курсилларнинг де Курсиль деган қизига уйланганди, кенжаси эса менинг кузинам мадемуазель де ла Рош Оберни олганди. Кузинам Кризанжлар билан қуданда эди. Жаноб де Кризанж отамнинг ошнаси эди, шу ваздан отангизни ҳам билган бўлса ажабмас.

— Тўппа-тўғри, хоним. Бу муҳожирликка кетган жаноб Кризанж-да, ўғли эса синганмиди?

— Худди ўзи. У холамга эри граф де Этери ўлгандан кейин оғиз солганди, бироқ холам рад қилди, нега деганда, куёв бўлмиш тамаки искаркан. Дарвоқе, Вилуазларга нима бўлганини билмайсиэми? Улар Турендан бир минг саккиз юз ўн учинчи йиллар атрофида, оила хароб бўлгандан кейин кўчиб кетиб, Овернида туриб қолишганди. Шундан кейин улар тўғрисида бошқа ҳеч нима эшитмадим.

— Агар адашмасам, хоним, кекса маркиз одан йиқилиб ўлди. Ундан иккита қиз қолувди — биттаси инглизга турмушга чиққан, бошқаси Бассол деган коммерсантга теккан. Коммерсант уни йўлдан урган, дейишади.

Суҳбатда бувилардан эшитиб, болаликда ёдда қолган фамилиялар дам-бадам тилга олинарди. Буларнинг назарида, асилзода оилалар ўртасидаги никоҳлар иккимоний аҳамият касб этарди. Улар ўзлари мутлақо кўрмаган одамлар хусусида гўё яқиндан билгандай гапиришарди. Ўша одамлар эса бошқа жойларда булар ҳақида ҳам худди шунақа гапиришарди. Булар бир-бирларидан олисда бўлишларига қарамай бир синфга, бир мазҳабга мансубликлари, қоилари бир бўлганликлари учун ҳам ўзларини салкам дўстлардай ва қариндошлардай сезишарди.

Барон табиатан одамови бўлиб, динига ва муҳитининг таассубликларига номуносиб тарбия кўрганидан қўни-қўшнилари яхши билмасди. Шунинг учун ҳам уларни виконтдан суриштириб билишга жазм этди.

— Хўш, бизнинг музофотимизда дворянлар деярли йўқ.— Жаноб де Ламар денгиз бўйида қуён деярли учрамайди, деган гапни ҳам худди шундай алфозда айтган бўлур эди. Шундан кейин у тафсилотларга берилиб кетди. Яқин атрофда бор-йўғи учта хонадон истиқомат қиларкан: маркиз

де Кутилье норманд зодагонларининг бошлиғи; виконт ва виконтесса де Бризвиль жуда яхши авлодга мансуб одамлардан бўлишса ҳам бошқаларга унча қўшилишмас экан. Граф де Фурвиль эса рўдапонинг ўзи бўлиб, айтишларича, хотинига жуда азоб бераркан. Ла Врийстдаги ҳовуз бўйига тушган қасрида яшаркан ва эртаю-кеч овдан бўшамас экан.

Яна бир неча ясама бойлар теварак-атрофдан мулк сотиб олишиб, бир-бирларига борди-келди қилишаркан. Виконт уларни танимас экан.

Виконт ниҳоят, хайр-маъзур қилди. Унинг Жаннага ташлаган сўнгги нигоҳида гўё анча самимий ва мулоийм бўлган айрича кечир деган маъно бор эди.

Баронесса виконтни жуда яхши, энг муҳими, тўла-тўқис аён одам ҳисобларди. Барон бу гапга қўшилди:

— Ҳа, албатта, у яхши тарбия кўрган одам.

Келгуси ҳафтада виконтни зиёфатга чақиринди. Шундан кейин виконтнинг Жанналар хонадонидан қадами аримай қолди.

Виконт одатда кундузи, соат тўртларда келарди-да, тўппа-тўғри «онахонининг хиёбони»га йўналарди. У баронессага «унинг сайри»да ҳамроҳ бўлиш учун қўл чўзиб, хизматга шай турарди. Жанна уйда бўлганида ойисини ўнг томондан қўлтиқлаб оларди. Шу тариқа учовлари тўғри кетган узундан-узун хиёбоннинг у бошидан бу бошига бориб келишаверарди. Виконт қизга деярли гап қотмасди. Бироқ, унинг нақ қора бахмалдан ясалгандай туюлган кўзлари Жаннанинг мовий ақиқ рангидаги кўзлари билан тез-тез тўқнашиб қоларди.

Икковлари барон билан биргаликда Ипорга бир неча марта тушишди.

Бир кун кечки пайт пляжда Ластик амаки оғзидан трубкасини олмай, уларга яқин келди. Ластик амаки бурнидан айрилса айрилардики, бироқ трубкасини оғзидан бир нафас ҳам қўймасди.

— Бунақа ҳавода, жаноб барон, эртага Этроетга бориб келсак ёмон бўлмасди,— деди у.

Жанна қўлларини илтижоли қовуштирди:

— Дада, хўп дея қолинг энди!

Барон жаноб де Ламарга ўғирилди:

— Розимсиз, виконт? У ерда нонушта қилган бўлардиқ.

Сайр масаласи шу тариқа ўша заҳотиёқ ҳал бўлди.

Жанна тонг отиши билан турди. У шошилмай кийинаётган отасини кутиб турди-да, шудрингда аввалига даламадала, кейин қушлар чуғур-чуғури босган ўрмондан юришди.



Виконт билан Ластик амаки кабестанда<sup>1</sup> ўтиришарди.

Уларга баҳайбат қайиқни йўлга солишда иккита денгизчи қарашиб юборишди. Эркаклар қайиққа елка тираганларича зўр бериб олдинга интилишарди. Қайиқ тошлоқ саёзликдан аранг олға силжирди. Ластик мой суркалган ёғоч ғўлаларни киль<sup>2</sup> тагига ташлар, сўнгра жойига ўтиб, ҳаммалари баробар ҳаракат қилишлари учун «қани, ҳой кетдик» деб ҳайқиришарди.

Қияликка етганларида қайиқ бирдан илгарилади-да, майда тошлар устидан газлама йиртилгандай овоз чиқариб кета бошлади.

Тўлқинларнинг кўпиклари ҳалқаланиб турган жойга етганларида қайиқ худди ерга қоқилгандай тўхтаганиди, ҳаммалари ўриндиқларга жойлашишди. Соҳилда қолишган иккита денгизчи шундан кейин қайиқни сувга турта-турта туширишди.

Денгиздан эсаётган енгил шабада сув бетини жимирлатарди. Қайиқнинг кўтарилган елкани сал шишинқираганидан кейин у тўлқинларда чайқалганича бемалол сузиб кетди.

Олдинга тўппа-тўғри очиқ денгизга қараб юришди. Уфқда осмон пастлашиб, океан билан туташиб кетганиди. Соҳил яқинидаги тик қоя этагидан катта соя тушиб турар, қоянинг у ер-бу ерини ўт босган ёнбағирлари офтобда чарақларди.

Орқа томондан қўнғир елканли қайиқлар Фекан тўлқинтўсаридан сузишни бошлашар, олдинда эса ғалати кўринишдаги қоя бор эди. У ясси ва ўртаси кавак бўлганидан хартумини сувга солиб турган баҳайбат филни эслатарди. Бу «Этретнинг кичик дарвозаси» эди.

Қайиқ чайқалиб бораётганидан Жаннанинг боши сал айланар, шунинг учун ҳам бортга ёпишганича олис-олисларга тикиларди. Шу дамда унга оламда нур, кенглик ва сувдан қиройлироқ нарса йўқдай туюларди.

Кемадагилардан садо чиқмасди. Ластик амаки руль ва елканбоғни бошқарар, гоҳо-гоҳо ўриндигининг тагига яшириб қўйган шишасидан жиндай ютиб оларди. У чўғи ўчмайдигандай туюлган трубкасининг қолдигини тинимсиз сўрарди. Трубкадан доимо кўкиш тутун кўтарилар, бошқа, худди шунга ўхшагани эса оғзининг бир чеккасидан чиқиб турарди. Денгизчи қора ёғочдан ҳам қорайиб кетган сопол трубкага тамаки жойлагани ёки ёндирганини ҳеч ким ҳеч қачон

<sup>1</sup> Қайиқнинг лангар тортиб олиннадиган қисми.

<sup>2</sup> Қайиқнинг тагидаги тўғри устун.

кўрмаганди. Ластик амаки гоҳо трубкани олар ва оғзининг тутун чиқиб турган жойидан денгизга қўнғиртус тупугини узунчоқ қилиб отарди.

Барон кеманинг тумшуғида ўтирар ва матрос сифатида елканни кузатарди. Жанна билан виконт ёнма-ён ўтириб қолишди. Бундан икковлари ҳам андак хижолатда эдилар. Қандайдир номаълум бир куч уларнинг нигоҳларини тўқнаштирар, чунки улар худди беихтиёр равишда бўлганидай бир вақтда бошларини кўтаришарди. Ёшлар ўртасида, хусусан йнгит кўркам, қиз эса хушрўй бўлганда кўнгишлар мойиллик билдирганидек, Жанна билан виконт ҳам бир-бирларига ёқиброқ қолишганди. Улар бир-бирларини ўйлаётганлари учун ҳам ич-ичидан кайфиятлари яхши эди.

Остида ястанган денгизни юқоридан туриб ҳуснига тўймоқчи бўлгандай қуёш кўкка тик кўтарилди. Бироқ денгиз ноз-финоқ қилгандай бирдан ҳарир пардага ўралиб, офтоб нурларидан ўзини яширди. Денгизни енгил, жуда пастак, олтинсимон туман босганидан у ҳеч нимани яширмас, фақат олдсдаги кенгликларни салгина хиралаштирганди, холос. Қуёш ўтли нурлари билан ана шу ялтироқ пардани эритиб юборди. У ўзининг бор ҳароратини сочганида, туман ғойиб бўлди кетди, ойнадай силлиқ денгиз эса шундан кейин офтобда жилва қила бошлади.

Жанна бу манзарани кўриб тураркан:

— Қандай чиройлик-а!— деб шивирлади.

— Ҳа, жуда гўзал,— тасдиқлади виконт.

Бу тонгнинг ниҳоят тиниқлиги икковларининг кўнгишларига қандайдир менанд эди.

Ниҳоят, «Катта дарвоза» кўзга ташланди. У денгизга одимлаётган қоятошнинг иккита оёғига ўхшар, ниҳоятда баландлигидан тагидан денгиз кемалари ўтса бўларди. Улардан биринчисининг рўбарўсида қоянинг оппоқ ва ўткир учи қаққайиб турарди.

Қайиқ соҳилга етганда барон ҳаммадан олдин ерга сакраб тушди-да, уни арқон билан соҳилга торта бошлади. Виконт эса оёғи ҳўл бўлмасин, деб Жаннани қўлида кўтариб ўтди. Сўнгра икковлари ҳозирги оний қовушишдан ҳаяжонланганларича ёнма-ён ҳолда тик тошлоқ соҳилдан кўтарила бошлашди. Шунда улар Ластик амакининг баронга:

— Очигини айтсам, булар бир-бирига жуда муносиб бўларкан,— деганини ногаҳон эшитиб қолишди.

Соҳилнинг денгизга туташ жойида яхшилаб нонушта қилишди. Қайиқда ҳаммалари жим келишганди, чунки океан овозни ҳам, фикрни ҳам бўғарди-да. Бу ерда, стол

ёнида эса нақ таътилдаги ўқувчи болалардай ҳаммаларининг чакаклари тинмасди.

Бениҳоя хушчақчақлик учун ҳозирда арзимаган нарса ҳам баҳона бўлиши мумкин эди.

Ластик амаки стол ёнига ўтираётганида гарчи ўчмаган бўлса ҳам трубкасини беретига яшириб қўйганди. Бундан ҳаммалари кулишди. Ластик амакининг қизил бурни ўзига тортган шекилли, битта пашша унга бир неча бор қўнди. Қўпол матрос унга қўл кўтариб, тутолмади. Пашша шундан кейин талай ҳамширалари ўз изларини қолдирган дока пардага қўнди. Чамаси ўша ердан туриб у амакининг қизил бурнини қаттиқ қўриқлар ва ҳар дақиқа унга учиб боришни мўлжалларди.

Пашша ҳар кўтарилганида кучли қаҳқаҳа янграрди. Бу машмаша Ластик амакининг жонига текканидан кейин у: «Хе, жувонмарг», деб бақириб берганди, азбаройи кулгилари қистаганидан Жанна билан виконтнинг кўзларига ёш қалқди. Улар эгилиб кулганларидан нафаслари чиқмай қолар ва оғизларини салфетка билан беркитишарди.

Қаҳва ичиб бўлганларидан кейин Жанна:

— Бир айланиб келмайми? — деб қолди.

Виконт ўрnidан қўзғолди, барон эса пляжда ётиб, офтобга ўзини солишни маъқул кўрди.

— Бораверинглар, болаларим, сизларни бир соатдан кейин шу ерда кутаман.

Жанна билан виконт бир неча харобадан иборат қишлоқчани тўғри кесиб, кўпроқ фермага ўхшаб кетадиган мўъжазроқ бой хонадонини ҳам орқада қолдиришди-да, олис-олисларга чўзилиб кетган текис майдонга чиқиб олишди.

Тўлқинларнинг ўйноқлаши Жанна билан виконтни беҳол этиб, одатдаги мувозанатларини йўқотган, денгизнинг шўртанг ҳавоси иштаҳаларини қўзғатган, нонушта сархуш этган, кулги эса асабларини тобига келтирганди. Энди улар ўзларини қандайдир гангиган алфозда сезаётганларидан ҳеч қаёққа қарамай, далама-дала югуришни иташарди. Жаннанинг қулоқлари шангиллар, янгича, ўзи одатланмаган нарсалардан қалби туғёнда эди.

Жазирама офтоб уларни куйдираман, дерди. Йўлнинг иккала томонида жазирамадан андак шалпайган жавдар ва бугдойзор етилган бошоқларини эгиб туришарди. Далалардаги майсалардай беҳисоб чигирткалар жавдарзор ва бугдойзорларни, соҳилдаги қамишзорларни ўзларининг кескин ва кучли чирилдоқлари билан бошларига кўтаришарди.

Жазирама осмон остида бошиқа овозлар эшитилмасди. Сарғимтир — кўкиш тусдаги осмон ҳозирда гўё оловга

яқин турган металл сингари қип-қизил бўлиб қоладигандай эди.

Ёшлар сал наридаги, ўнг томондаги кичикроқ ўрмонни кўриб қолиб, ўша томонга юришди.

Офтоб нури тушмайдиган иккита баҳайбат дарахт тагидан энсизгина йўл ўтганди. Ёшлар ана шу йўлга оёқ босганларида димоқларига этни увиштирадиган моғор, муздек зах ҳиди урилди. Бу ерда ҳаво ва ёруғлик етишмаслигидан ўт ўсмас, ерни йўсин босиб ётарди, холос.

Улар яна илгарилаб кетишди.

— Қаранг, мана шу ерда ўтирсак бўлади, — деди Жанна.

Бу ерда иккита қуриган кекса дарахт бор бўлиб, япроқлардаги очиқ жойлар туфайли пастга анча-мунча ёруғлик тушарди. Бундан ер қизиб, қоқилар, чирмовуқларнинг уруғларини ундирган, наперестянканинг<sup>1</sup> урчуқсимон оппоқ ҳарир япроқлари ва гулларини бунёдга келтирганди. Капалаклар, асаларилар, бесўнақай қовоқарилар, пашшаларнинг жасадини эслатувчи катта чивинлар, кўплаб қанотли ҳашаротлар, усти қизил ва холдор хонқизилар, мисдай ялтироқ қўнғизлар ва бошқа қора, шохдор мавжудотлар соя-салқин жойда қазилган бу иссиқ ва ёруғ қудуқни тўлдиришганди.

Ёшлар жойлашиб ўтириб олишди. Уларнинг бошлари салқинда бўлиб, оёқлари эса офтобда қизирди. Улар биргина офтоб нуридан бунёдга келган ана шу майда мавжудотларни томоша қилишди. Шунда Жанна ҳавасланиб гапира кетди:

— Бу ер қандай яхши-я! Табиат нақадар гўзал! Гоҳо мен майда чивин ёки капалак бўлиб, гулларга яширингим келади.

Улар ўзлари, одатлари, дидлари ҳақида пастроқ овозда, нақ севги изҳор этаётгандай самимий гапиришарди. Виконт Жаннага дунёга тоб-тоқати қолмаганини, қуруқ ҳаёт жонига текканини ишонтиришга уринарди. Қаёққа қарасанг доим фақат битта нарсани кўраверасан, деди у, ҳеч қаерда на самимият, на ҳақиқатни учратасан.

Олам! Жанна оламини жуда ҳам кўргиси келарди. Бироқ олам қишлоқ ҳаётига арзимаслигига ҳозирданоқ ишончи комил эди. Икковларининг диллари яқинлашгани сари бир-бирларини тантанавор равишда «виконт» ва «мадемуазель» дейишар, бироқ кўзлари кўпроқ тўқнашиб, кулиб турарди. Назарларида вужудларини қандайдир ажиб бир эзгулик,

---

<sup>1</sup> Бутасимон майса тури.

серкўлам муҳаббат, илгари ўзларини тортган нарсаларга қизиқиш ҳисси тўлдираётгандек эди.

Жанна билан виконт қайтиб келишганларида барон «қиз шийпони» — қоя устидаги баланд горни кўргани кетгани маълум бўлди. Шунда икковлари уни трактирда кутиша бошлади.

Барон соҳилда роса айланиб, кечки соат бешларда қайтиб келди.

Шундан кейин ҳаммалари яна қайиққа ўтиришди. Қайиқ шамолда оҳиста, ҳеч силжимаётгандай қилт этмасдан сузиб борарди. Шамол шошилмай иссиқ уфуриб қолганида елкан бир лаҳза таранглашар, сўнгра яна мачта ёнида шалвираб қоларди. Сувнинг хира пардаси қотиб қолгандай эди. Қуёш эса гўё қиздиравериб чарчагандай денгизга қараб, шошилмай пастлаб борарди.

Ҳаммаларини денгиз аллалаб бораётганидан жимиб қолишганди.

Ниҳоят, Жанна тилга кирди:

— Жон-жон деб саяҳат қилган бўлардим-да!

Виконт унинг гапини илиб кетди:

— Ҳа, бироқ битта одамга саяҳат зерикарли бўлади, олган таассуротлар билан ўртоқлашиб кетиш учун камида икки киши бўлиши керак.

Жанна ўйланқираб қолди.

— Буниси тўғри... мен эсам ҳарқалай ёлғиз айланишни яхши кўраман, яккаликда хаёлларга берилиш ёқимли бўлади...

Виконт унга узоқ тикилиб қолди.

— Икки кишилашиб ҳаслга берилса ҳам бўлади.

Жанна ер сузди. Нима, бу шамами? Эҳтимол. Жанна уфқнинг чеккасидаги нарсаларни кўрмоқчидай олисга тикилди-да, сўнгра дона-дона қилиб деди:

— Мен Италияга боришни хоҳлардим... Грецияга ҳам... Э-ҳа, Грецияга... яна Корсикага ҳам! У ерлар жудаям антиқа бўлса керак!

Виконтни кўпроқ Швейцария, унинг тоғ шалолалари ва кўллари қизиқтирарди.

— Йўқ, менимча, Корсикага ўхшаган мутлақо нотаниш бўлган ёки Греция сингари жуда кўҳна, хотираларга сероб мамлакатлар маъқул. Келиб чиқишларини биз болалигимиздан бери биладиган халқларнинг изларини топиш ва буюк ишлар амалга оширилган жойларни кўриш ёқимли бўлса керак.

Виконт анча ижобийроқ одам бўлганидан эътироз билдирди:

— Мени Англия қизиқтиради, ундан ўрганадиган нарсалари бор.

Шундан кейин икковлари ўзларича қутбдан то экваторгача олам кенишга тушиб, ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос томонларини муҳокама қилишди, тасавурларидаги манзаралар ва блязи бир халқларни, масалан, хитойлар ёки лапландларнинг фантастик ахлоқларига қойил бўлишди. Шундай бўлса ҳам пировардда оламда Франциядан гўзал мамлакат йўқ, иқлими майин — ёзда салқин, қишда илиқ, майсазорлари қалин, ўрмонлари кўм-кўк, дарёлари кенг, сокин ва санъатлари жуда қадрли, Африканинг олтин асридан кейин санъат шу ерда эъвоз топди, деган фикрга келишди.

Шундан кейин икковлари жим қолшди.

Тобора пастлаб бораётган қуёш қонталаш тортаётганга ўхшарди. Уфқдан то қайиқнинг қуйруғигача оловли кенг из ялтироқ кўлкадай чўзилганди.

Шамолнинг сўнгги ҳамласи тинганидан сув бетидаги жимир-жимирлар ҳам йўқолди, ҳаракатсиз қолган елкан эса алвон тусда эди. Чексиз сокинлик кенгликларни гўё аллалар, ҳамма нарса ана шу куч учрашуви олдида жим қолган, сўлим қайлиқ бўлган денгиз суви осмон остида товлашиб, жамолни кўз-кўз қилиб, осмондан тушиб келаётган оловли куёвигача илҳақ эди. Куёв ҳам ёрини бағрига босиш иштиёқида ёнаётганидан пастлашга ошиқарди. У сувга текканидан кейин денгизнинг оғушида аста-секин ғойиб бўлди.

Шундан сўнг уфқдан салқин уфура бошлади. Тўлқинлар денгиз сатҳини гўё чўкаётган қуёш тинчиб нафас олгандай чайқата бошлади.

Кеч кириши кўпга бормади. Тун пардасини ёйиб, осмонда юлдузлар чамани кўрина бошлади. Ластик бува эшкакка ёпишди. Энди қайиқдагиларнинг ҳаммаси денгиз ёришаётганини кўриб туришарди. Ёнма-ён ўтиришган Жанна билан виконт қайиқдан кейиндаги ўйшоқи жилваларни томоша қилишарди. Улар ана шундай ҳолда ҳеч қанақа хаёл-паёлга бормай, оқшомдан роҳатланиб, баҳра олиб боришарди. Жанна ўриндиққа қўлини тираб олганди. Шунда шеригининг бармоғи гўё беихтиёр равишда унинг қўлига тегиб кетди. Қиз бундан ҳайратга тушиб, суюниб ва хижолатда қолганидан қимир этмади.

Жанна кечқурун хонасига ниҳоятда тўлқинланган ва ҳаяжонланган ҳолда кирганидан тўйиб йиғлагиси келарди. У соатга қараркан, асалари бутун ҳаётимнинг шоҳиди бўлади, илдам, бир текисдаги чиқиллаши билан қувонч ва гамимга шерикчилик қилади, деган хаёлга борди-да, қанотларидан ўпгани зарҳал берилган асаларини тўхтатди. У

ҳозирда оламдаги барча нарсаларни ўпишга тайёр эди. Қайси бир қутига қўғирчоғини яшириб қўйгани ёдига тушди. Топиб олганидан кейин гўё яхши кўрган дугонаси билан учрашгандай севинч-ла ёрилди-да, бағрига босиб, бўялган юзи ва қалин зулфидан ўпа кетди.

Жанна қўғирчоғини ҳамон қўлидан қўймай тураркан, ўйга толди.

Мингларча сирли овозлар ваъда қилган рафиқи наҳотки шу бўлиб, худонинг ёзмиши туфайли йўлида кўндаланг турган бўлса? Ўзи учун яратилган ва бор ҳаётини бағишлаши керак бўлган одам шу кишимикин?! Наҳотки икковлари бир-бирлари учун яратилган, ҳис-туйғулари учрашганда омухта бўлиб, м у ҳ а б а т н и ҳосил қилса?!

Жанна бутун вужудининг кучли тугёнларини, эҳтирос аломатлари деб юрган тизгинсиз ҳисларни, руҳий кечинмаларни ҳали синаб кўрмаганди. Шунга қарамай, у гўё виконтни сева бошлаганди, нега деганда, уни ўйларкан, гоҳо бутун вужуди қотиб қолар, у эса хаёлидан сира кетмасди. Виконт билан бирга бўлганида юраги дукиллагани дукиллаганди. Ранги оқарар ва қизарар, у қараганида овозининг чиқишидан чўчиб кетарди.

Жанна бу кеча деярли миужа қоқмай чиқди.

Кун сайин Жаннанинг вужудини севгининг орзиқтирувчи истаги забт эта борарди. У ўзидан ўзи тинимсиз равишда жавоб ахтарар: мойчечак гулини юлар, булутларга қарар, тепага танга отиб фол кўрарди.

Бир куни кечкурун отаси унга:

— Эртага эрталаб ясангин, — деб қолди.

— Нимага, дада? — сўради Жанна.

— Буниси сир, — жавоб қилди барон.

Жанна эртасига ювиниб-тараниб, ялтироқ қўйлагини кийиб, ясан-тусан қилган ҳолда пастга тушганида меҳмонхонадаги столда конфетли қутичалар уюмини кўрди, стулда эса улкан гулдаста турарди.

Ҳовлига арава кириб келди. Унга: «Лера, феканлик қандолатчи. Тўй таомлари» деб ёзиб қўйилганди. Шундан кейин Людивина ошпаз кўмагида ёпиқ араванинг орқа эшигидан хушбўй ҳидлар таратаётган талай катта ва янасқа қутилар туширила бошланди.

Виконт де Ламар ҳам ўзини кўрсатди. Панталони боғич билан сириб бойланганидан ялтироқ этиги оёқларини ингичка кўрсатиб турарди. Узун сюртугининг бели бўғма, ёқалари оралиғида манишканинг<sup>1</sup> тўри кўзга ташланарди. Юпқа

---

<sup>1</sup>Эркаклар қўйлагининг тикма ёки қадама кўраги.

батистдан қилинган галстуги бўйнига бир неча марта ўралганидан виконт қош-қора, жингалак сочи ва ниҳоятда бежирим кўринган бошини кўтариброқ турарди.

Виконтнинг ҳозирги кўриниши ҳар маҳалгидан бутунлай бошқача эди. Чунки қишлоқ кийим ўзингизга таниш одамни ҳам бутунлай бошқача қилиб юборади. Жанна виконтга гўё энди кўраётгандай тикиларди. Виконт унинг фикрича олий даражадаги зодагон, бошдан оёғигача амалдор кўринарди.

Виконт таъзим қиларкан, илжайди:

— Хўш, онаси, тайёرمىсиз?

— Нима бу? Нималар деяпсиз?— гўлдиради Жанна.

— Яқинда биласан,— деди барон.

Соябон арава уйнинг зинаси олдида тўхтади. Аделаида хоним ясан-тусан қилган ҳолда Розалининг қўлига суянганича тушиб келди. Розали жаноб де Ламарнинг башанглигидан оғзи очилиб қолаёзди. Бу эса бароннинг назаридан қочиб қутулмади:

— Буни қаранг-а, виконт, сиз оқсочимизга ҳам хуш келиб қолганга ўхшайсиз.

Виконт қулоғигача қизариб кетди, бироқ эшитмаганга солиб, гулдастага ёпишганича уни Жаннага тутди. Жанна гулдастани олса ҳам борган сари кўпроқ ҳайратга тушарди. Тўртовлари соябон аравага чиқишди. Ошпаз Людивина баронессага қувват бўлсин, деб товуқ шўрва тутаркан:

— Хўш, бунинг тўйдан нимаси кам, ойимқиз, тўғрими?— деб қўйди.

Соябон аравани Ипорга кираверишда қолдиришди. Улар қишлоқ кўчасидан ўтиб боришаркан, тахлоғлик ётган қишлоқ кийимларини кийиб чиқишган матрослар таъзим қилишар, бароннинг қўлини олишар ва уларга тантанавор эргашарди.

Виконт Жаннани қўлтиқлаб олган, икковлари ҳаммадан олдинда одимлашарди.

Черковнинг эшигига етганда ҳаммалари тўхташди. Ичкаридан улкан кумуш хоч чиқиб келаётгани кўринди, уни хизматчи бола кўтариб олганди, кейинги қизил либосдаги боланинг кўлида оби замзамли идиш билан сув сепгич бор эди.

Шундан кейин учта ҳофиз чол кўринди, улардан биттаси чўлоқ эди, сўнгра трубачи, пировардда эса кюре пайдо бўлди. Кюреннинг дўмпайган қорнида зарҳалдан тикилган епитрахиль<sup>1</sup> қийшайиб ва диккайиб кетганди. Кюре

---

<sup>1</sup>Руҳоний либосининг бир қисми, гулдор этак бўлиб, бўйнига тақилади ва ибодат пайтида тўн тагидан кийилади.



буларга кўзи тушаркан, саломлашгандай жилмайиб, бош ирғади, сўнгра кўзларини сал юмиб, лабларини қимирлатиб ичида оят ўқиди-да, учбурчакли шапкасини олдига тушириб, стихарга<sup>1</sup> бурканган ходимлари кетидан денгизга йўналди.

Оломон пляжда гул шодалари билан безатилган қайиқни ўраб олди. Унинг мачтасида, жиҳозларида узун ленталар ҳилпирар, тумшугига зарҳал ҳарфлар билан **Ж а н н а** деб ёзилганди.

Барон пулига қурилган кема капитани Ластик амаки тантанавор оқимга пешвоз чиқди. Барча эркаклар бараварига бош кийимларини олишди, бошлиқни йиғма ёпинғичларга ўралган тақводор аёллар тўдаси эса ярим доира ясаб, тиз чўкишди.

Кюре ўртада қолди, ёнидаги иккита хизматчи чол қайиқнинг бир бошидан жой олишди. Қайиқнинг нариги бошида учта ҳофиз чол оқ либосдаликларига қарамай, унчалар ораста кўринишмас, соқоллари олинмаганди. Улар виқор билан черков оятлар китобига тикилганларича тип-тиниқ тонгда томоқлари йиртилгудай бўлса ҳам нотўғри хониш қилишди.

Улар нафасларини ростлагунларича трубачи якка ҳолда наво қилаверди. Лунжи шишиб кетганидан саргимтир кўзлари бутунлай кўринмасди. У зўр бериб кучанаётганидан ҳатто пешона териси ҳам шишганга ўхшарди.

Сокин ва тиниқ денгиз ўз кемаси чўқинтирилаётганлиги сабабли иззат-ҳурматда тинчиб қолганга ўхшар, билинар-билинимас мавжларини сочар ва майда тошлар узра гўё хаскаш тортилгандай оҳиста чайқаларди. Улкан оқ чорлоқлар эса қанотларини ёйганларича кўкда айланишар, олислаб кетиб қайтишар ва гўё нима гаплигини билмоқчидай тиз чўккан оломон устидан шувиллаганча учиб ўтишарди.

Ниҳоят, ҳофизлар беш дақиқа «омин» деб вағиллаганларидан кейин жим бўлишди. Руҳоний ҳирқироқ овозда қандайдир лотинча сўзларни валдиради, бу сўзларнинг фақат жарангли қўшимчаларинигина у аниқроқ айтарди.

Руҳоний шундан кейин қайиқни айланиб, оби замзамдан сепиб чиқди-да, битта борт ёнида, бир-бирларининг қўлларидан тутганларича қимир этмай турган йигит билан қизнинг рўбарўсида тўхтаб, ғўнғиллаб дуо ўқишга тушди.

Йигит келишган эркак сифатида виқор билан турар, қиз эса ногаҳон вужудини забт этган ҳаяжондан нафаси

---

<sup>1</sup>Черковдагиларнинг кенг энгли узун либоси.

тиқилиб, ҳушини йўқотаёзган, азбаройи титраётганидан тишлари тақилларди. Кейинги пайтларда хаёлидан сира ҳам нари кетмаган орзу-ҳавас қандайдир оний бир ҳолатда рўёбга чиқаётганди-да. Кимдир тўйни тилга олувди, руҳоний шундан кейин маросимни ўтказди, стихардаги одамлар дуолар ўқишди. Жаннанинг никоҳ маросимини ўтказишмаётганмикинлар, ишқилиб?!

Жаннанинг қўли титради ё юрагининг зориқиши томирлардан шеригининг юрагига ўтди?! Виконт буни тушуниб, фаҳмига бордимикин, у ҳам қиз сингари севги забтидамикин?! Ё бирорта ҳам аёл унга бардош беролмаслигини тажрибасидан билармикин?! Жанна қўлини виконт қисаётганини бирдан сезиб қолди. Виконт олдинига секинроқ, сўнгра қаттиқроқ, янада қаттиқроқ, огрийдиган даражада қисди. Кейин мутлақо сир бой бермай, бошқаларга сездирмаган ҳолда аниқ қилиб:

— Жанна, бу бизнинг унашишимиз бўла қолсин,— деди.

Жанна эҳтимол розилик аломати маъносида бошини секин, жуда ҳам секинлик билан эгди. Қайиққа оби замзам сепаб юрган руҳоний шунда унинг бармоқларини ҳам четда қолдирмади.

Маросим тугади. Хотин-халаж тиз чўккан жойларидан қадрларини ўнглашди. Ҳамма ўз ҳолича тарқала бошлади. Кумуш хоч энди боягидай улуғвор кўринмас, эгилганича кетиб борар ва ерга нақ қулайдигандай туюларди. Кюре энди ибодат қилмас, кейинроқда одимларди. Ҳофизлар билан трубочи тезроқ либосларини алмаштириш учун ўзларини ён томондаги кўчага уришганди. Матрослар ҳам тўда-тўда бўлиб, шоша-пиша кетишарди. Уларнинг хаёллари битта нарсада — ошхонада пишаётган таомларда бўлиб, шундан қадамлари тезлашар, сўлакайлари келиб ва қоринлари қулдирарди.

«Теракзор»да барчани қуюқ зиёфат кутарди.

Ҳовлидаги олмалар тагида катта стол тузалганди. Унинг ёнидан олтмишта денгизчи билан деҳқон жой олишди. Баронесса столнинг бошида ўлтирар, иккала томонида иккита кюре — ипорлик ва шу ерлик кюре жой олишганди. Рўбарўсида барон, унинг икки ёнида эса мэр билан унинг хотини, қотмадан келган деҳқон аёл ўтиришарди. Деҳқон аёл тўхтовсиз равишда ҳамма томонга бош ирғарди. Аёлнинг юзи чўзинчоқ бўлиб, нормандча баланд чепеци ва доимо ҳайратли боқувчи кўзлари билан оқ пўпакли товукни эслатарди. У гўё ликобчани бурни билан чўқиляётгандай таомни майдалаб ерди.

Жанна ёрининг ёнида ҳузур қилиб ўтирарди. Унинг кўзларига ҳеч нима кўринмас, ҳеч нарсани тушунмас ва овози ҳам чиқмасди. Негаки, бахтиёрлигидан эс-ҳушини йўқотаёзганди.

Қиз ундан:

— Исмингиз нима? — деб сўради.

— Жюльен. Сиз буни билмасмидингиз? — деди у. Жанна эса жавоб бермай ичида: «Бу номни мен тез-тез так рорлаб тураман!» деб қўйди, холос.

Зиёфат тугагандан кейин жаноблар ҳовлини матрослар ихтиёрига қолдиришди-да, ўзлари уйнинг нариги томонини айлангани кетишди. Баронесса барон билан қўлтиқлашганича ва иккита руҳоний бошчилигида ўзининг сайрини бошлади. Жанна билан Жюльен дарахтзоргача боришди-да, тинчиган сўқмоқларга оёқ босишди. Шунда Жюльен қизнинг қўлидан ушлаб деди:

— Айтинг-чи, менинг рафиқам бўлишга розимисиз?

Жанна бошини яна эгди. Бироқ Жюльен: «Жавоб беринг, ўтинаман», деб туриб олганидан кейин бошини аста-секин кўтарди. Йигит шунда унинг кўзларидан жавоб ўқиди.

#### IV

Бир куни эрталаб Жанна ҳали ўрнида ётганида барон унинг хонасига кирди-да, оёқ томонига ўтирди:

— Виконт де Ламар сенга оғиз соляпти.

Жанна бошини кўрпага буркаб олгиси келди.

— Биз кейинроқ жавоб қилишга ваъда бердик, — гапида давом этди отаси.

Жанна бўғилар, азбаройи ҳаяжонда бўлганидан нафас ололмасди. Барон бир дақиқа кутиб турди-да, илжайган кўйи қўшимча қилди:

— Биз сен билан келишмай туриб буни ҳал қилмасликка жазм этдик. Онанг икковимиз бу никоҳга қарши эмасмиз, бироқ сени мажбур этмоқчи ҳам эмасмиз. Ундан сен бадавлатроқсан, бироқ бутун ҳаётинг иқболи борасида гап кетганда пул хаёлга келарканми? Унинг қариндошларидан бирортаси ҳам қолмабди. Демак, унга тегсанг, у хонадонимизга ўғилдай қадам босади, бошқанинг қўлидан тутсанг, бизнинг қизимиз сифатида бегона хонадонга бош суқасан. Бизга у ёқади. Сенга қандай?

Жанна сочининг тагигача қизариб кетганича:

— Мен розиман, дада, — деб гўлдиради.

Барон жилмайганича қизининг кўзига синчиклаб тикиларкан:

— Буни сезиб юардим, мадемуазель,— деди.

Жанна кечгача худди маст одамдай юрди. У нима қилаётганини билмас, хаёли паришонлигидан қўлига керакли нарса буёқда қолиб, бошқасини олар, гарчи бугун мутлақо юрмаганига қарамай, толиққанидан оёқлари чалишиб кетарди.

Соат олтиларда она-бола чинор тагида ўтирганларида виконт пайдо бўлди.

Жаннанинг юраги гупиллаб ура кетди. Йигит анча-мунча ҳаяжондалигини сездирмаган ҳолда уларга яқинлашдида, баронессанинг қўлини олиб, бармоқларидан ўпди. Сўнг-ра қизнинг қўлини олиб узоқ, суюб ва миннатдорона ўпди.

Шундан кейин унашилиб қўйилган икки ёшга бахтиёр онлар бошланди. Улар меҳмонхонанинг хилват бурчида холи гаплашишар ёки дарахтзорнинг охиридаги кўтармада кимсасиз тепалик устида ўтиришарди. Гоҳида баронессанинг кимсасиз хиёбонида айланишар, шунда йигит гапирар, қиз эса онаси топтаган чанг йўлкадан кўзини узмай қулоқ соларди.

Масала ҳал бўлгандан кейин буёғини чўзиб ўтиришининг ҳам ҳожати қолмаганди. Никоҳ маросими бир ярим ойдан кейинга, ўн бешинчи августга белгиланди. Ёшлар шундан кейин дарҳол тўй саёҳатига жўнашлари лозим эди. Жаннадан қаёққа бормоқчиликларини сўрашганларида Корсикани танлади, чунки унда Италиянинг бошқа шаҳарларига қараганда хилватгоҳлар сероб эди.

Ёшлар тўй кунини унчалар сабрсизланмай кутишар, чунки ҳозирча севгининг сеҳрли оламида сархушлик нашъасини суришарди. Бир-бирларининг қўлларини сиқиш, эҳтиросли узоқ боқишлар сингари роҳатлар билан кифояланишар, бунда қалблари худди қўшилиб кетаётгандай бўлар ва ўзларини чинакамига ишқий оғушларни қўмсашдан сал-пал қийналишаётгандай сезишарди.

Тўйга Жаннанинг Версалдаги монастирлардан бирида пансионерка сифатида истиқомат қиладиган Лизон холасидан бошқа одамни айтмайдиган бўлишди.

Баронесса сингисини оталари вафотидан кейин ўзи билан бирга туришини хоҳлаганди. Бироқ бу қариқизнинг миясига бировга керагим йўқ, ҳаммага халақит бераман ва юк бўламан, деган нарса ўрнашиб қолган, шунинг учун ҳам монастирлардаги етимхоналардан бирига жойлашишни афзал кўрганди. Бунақа жойларда ёлғиз, ҳаётдан рўшнолик кўрмаган кимсаларга квартиралар ижарага бериларди.

Хола онда-сонда қариндошлариникига келиб, бир-икки ой туриб кетарди.

У кичкиннагина, жиккак аёл эди. Ўзини чеккароқ олиб

юрар, камгап, дастурхон ёзилгандан кейингина пайдо бўлар, сўнгра ўзига ажратилган хонага кириб, ташқарига чиқмайдиган одати бор эди.

Хола эндигина қирқ учга қадам босганига қарамай, хушрўй чехрали кампир бўлиб қолган, ювош ва маънос боқарди. Уйдагилар уни сира назар-писанд қилишмасди. Болалигида у кўркам ҳам, ўйинқароқ ҳам эмасди, шу вайдан уни биров эркаламасди, бечора бир бурчакда тинч ва ювошина ўтираверарди. Ўшандан бери ундан қўлни юзиб, қўлтиққа уриб қўйишганди. Бўйга етгандан кейин ҳам унга биров қиё боқмаганди.

У бамисоли бир соя ёки ҳар куни кўрсангиз ҳам деярли кўзга илинмайдиган кундалик буюм, жонли мебелдай гап эди.

Баронесса синглисини ота-онасининг уйидаёқ муштипар ва мутлақо бетайин кимса қаторига қўшиб қўйганди. Унга тап тортмай гапираверишар, ўлганларининг кунидан унга ачинаётганлари сезилиб турарди. Исми Лиза бўлса ҳам бунақа танносифат исмдан хижолат тортаётгани аниқ эди. Оиладагилар у турмушга чиқмаслигини билганларидан кейин исмини Лизон қилиб ўзгартиришди. Жанна туғилганидан кейин у «Лизон хола»га, ҳатто опаси ва куёвидан ҳам тортинадиган камбағал қариндошга айланди. Баронесса билан эри уни хуш кўришар, бироқ бу юзаки бўлиб, мулоимгина лоқайдлик, шунчаки ачиниш ва туғма яхшиликнинг жамулжамидан иборат эди.

Баронесса аҳён-аҳёнда ёшлигидаги бирорта воқеани эсланида: «Бу Лизоннинг телбанамо ҳунаридан кейин бўлганди», деб қўярди.

«Телбанамо ҳунар» ҳақида ҳеч қачон ганирилмас, шунинг учун у ҳамон сирлигича қолиб келарди.

Лиза йигирма ёшдалигида бир куни кечқурун бесабабдан бесабаб ўзини ҳовузга отганди. Унинг ҳаётида ҳам, хулқида ҳам бунақа тесқари иш қилнишига сабаб бўладиган бирор ҳодиса юз бермаганди. Ҳовуздан уни чала ўлик ҳолда тортиб олишди. Шунда ота-онаси бу иш сабабчи бўлган нарсани тагига етиш ўрнига, дарғазаб ҳолда Коко деган от ҳақида айтишаётгандай «телбанамо ҳунари»дан гапиришарди. Коко бундан сал илгари ўйдим-чуқур ерда мункиб кетиб, оёғини синдирганидан уни отиб ташлашга тўғри келганди.

Орадан кўп ўтмай Лизонга айланиб қолган Лизани ўшандан бери эсипаст санашарди. Теварак-атрофидагилар ҳам аста-секин уни ота-онасига ўхшаб, оёқ учиде кўрсатадиган бўлишди. Ҳатто кичкинагина Жанна ҳам болаликка

хос сезгирлиги туфайли, унга парво қилмас, жойида ётганида чопқиллаганича бориб ўпмас, холасининг хонасига сира бош суқмасди. У хона қаердалигини фақат Розалигина биладиганга ўхшар, чунки хонани у супуриб-сидирарди-да.

Лизон хола емакхонага нонуштага чиққанида «кичкинтой» унга ўптиргани пешонасини тутар, бундан сира ҳам нарига ўтмасди.

Лизон мабодо битта-яримтага керак бўлиб қолса оқсочни айтиб келгани юборишарди. Кўринмай қолгудай бўлса ҳеч ким у билан қизиқмас тилга ҳам олмас, ҳавотир олишу:

«Лизон нега эрталабдан бери кўринмайди, бу нимаси?» деб сўраш битта-яримтанинг хаёлига ҳам келмасди.

Лизон бечоранинг бу оламда ўзига яраша ўрни йўқ, у биров билмайдиган, ҳатто туғишганлари ҳам дилида нима борлигидан беҳабар, ўлса ўрни ўпирилиб қолмайдиган, теварак-атрофидагиларнинг кўнглидан жой ололмайдиган ва киришиб кетолмайдиган кимсалар жумласидан эди.

«Лизон хола» деганда биров қилт ҳам этмасди. Бу сўзлар оғиздан худди «кофейник» ёки «қанддон» дегандай чиқарди.

Хола доимо шоша-пиша, майда, оҳиста одимларди. Овози чиқмаслигини ҳатто буюмларга ҳам билдираётгандай сира ҳам шовқин-сурон қилмасди. Қўллари ҳам бамисли пахтанинг ўзи, нимаики иш қилса авайлаб ва оҳиста ушларди.

У Жанналарнинг уйига июлнинг ўрталарида, бўлажак тўйдан жуда ҳаяжонга тушган ҳолда келди. Бир олам тўёна олиб келса ҳам хонадон эгалари буни унчалар назарга илишмади. Эртасидан бошлаб эса холанинг бор-йўқлиги билан уйдагиларнинг иши бўлмай қолди.

Хола эса доимо тўлқинланиб юрар ва куёв билан келиндан сира ҳам кўзини узмасди. У ўзига хос бўлмаган ҳаракатчанлик ва қуйди-пишдилик билан сеп ҳозирлашга тушди. Хонасида оддий чевардай тиним билмас, у ёққа эса биров бош суқай, демасди.

Лизон баронессага тез-тез ўзи бичган дурралар ёки вензель<sup>1</sup> тикилган салфеткаларни кўрсатаркан:

— Яхши қилибманми, Аделаида?— деб сўрарди.

Баронесса эса унинг буюмларини унча назарига илмай:

— Ўзингни ҳадеб уринтираверма, Лизон,— деб жавоб қиларди.

Ой охирлаб қолган кунлардан бирида жазираманинг

<sup>1</sup> Исм ёки фамилияларнинг бош ҳарфлари.

кучи қирқилиб, осмонга ой чиққан жуда нурафшон, оромбахш ойдин бўлди. Бундай ойдинларда ҳамма нарса одамга хуш келиб, яйратади, дилдаги яширин тотли орзуларни уйғотади. Далаларнинг тафтли нафаси сокин меҳмонхонага ҳам кириб келади.

Чироқнинг соябонидан баронесса билан эри қарта ўйнаётган столга нурли доира тушиб турарди. Лизон хола уларнинг ўртасида нарса тўқиб ўтирар, ёшлар эса дераза раҳига тирсақларини тираганларича ойдин оғушидаги боққа тикилишарди.

Аргувон билан чинор майсазорга кўлка ташлашган, у ёғида эса то дарахтзорнинг қора жойигача кенг оқимтир ва ярқироқ доғ кўзга ташланарди.

Кечанинг бениҳоя мафтункорлиги, буталар ва дарахтларнинг тиниқ ялтираши ўзига тортаётганидан Жанна ота-онасига ўгирилди:

— Дада, уй олдидаги майсазорда айланиб келамиз,— деди.

Барон ўйиндан бошини кўтармай:

— Бораверинглар, болаларим,— деди-да, ўйинни давом эттираверди.

Жанна билан Жюльен ташқарига чиқишди-да, ойдиндаги чимзордан то ўрмон чеккасигача шошилмай айланиша бошлашди.

Вақт анча бемаҳал бўлиб қолса ҳам ёшлар қайтишни хаёлларига келтиришмасди. Баронесса толиққанидан тепадаги хонасига чиқишни хоҳларди.

— Кабутарларимизни чақирайлик,— деди у.

Барон ойдинда жилваланаётган каттакон боғига кўз югуртирди. Унда иккита қора шошилмай одимларди.

— Уларга тегма,— барон хотинига эътироз билдирди,— қандай оромбахш кеча! Лизон уларни кутади. Маъқулми, Лизон?

Қариқиз хавотирли кўзларини қаратди-да, одатдаги, тортинчоқ овозда:

— Кутаман, албатта,— дея жавоб қилди.

Барон хотинини турғизиб қўйди-да, ўзи ҳам иссиқ кунда толиққанидан:

— Мен ҳам бориб ётай,— деди.

Шундан кейин хотини билан бирга кўздан йўқолди.

Лизон хола шундан кейин ўрнидан турди, креслонинг суянчигига тўқий бошлаган нарсасини, йиғирилган жун тўпни, илмоқли игнасини ташлади-да, дераза раҳига тирсагини тираганича ажиб тунни томоша қила бошлади.

Куёв билан келин ҳамон ўтлоқда юришгани юришган,

дарахтзордан уйнинг олдига, бу ердан дарахтзоргача бориб келишарди. Улар бир-бирларининг қўлларини сиқишар ва нафасларини ичларига ютишарди. Энди улар ўзларини гўё унутишган, бутун заминни бағрига олган ушбу гўзал манзарага сингиб кетгандай сезишарди.

Жанна холасининг чироқ ёруғида кўриниб турган қорасини ногаҳон пайқаб қолди:

— Қаранг,— деди у Жюльенга,— Лизон хола бизни кузатяпти.

Виконт бошини кўтарди-да, бепарволик билан:

— Чиндан ҳам Лизон хола бизни кузатяпти,— деди.

Шундан кейин улар яна ширин орзуларига берилиб, ишқдан маст ҳолда сайр қилишаверди.

Майсаларни шудринг.босганида икковлари салгина жунжикишди:

— Уйга кетамиз,— деди Жанна.

Икковлари шундан кейин уйга қайтишди.

Улар меҳмонхонага кирганларида Лизон хола яна нарсатўқиб ўтирарди. У ишига берилганидан ингичка бармоқлари толиққансимон сал титради.

Жанна унга яқинлашди.

— Ётинг энди, хола.

Қариқиз бошини кўтарди. Унинг кўзлари нақ йиғлагандай қип-қизариб кетганди. Севишганлар буни пайқашмади. Бироқ йигит қизнинг енгил бошмоғи ивиб кетганини билиб, жонсарақлик билан мулойимгина сўради:

— Латиф оёқларингиз совқотмадимми?

Шунда Лизон холанинг бармоқлари азбаройи титраб кетганидан тўқиётган нарсаси тушиб кетди. Жун тўп паркетда юмалади. Хола юзини қаттиқ беркитганича титраб, ҳўнграб юборди.

Ёшлар ҳайратда жойларида қотиб қолишди. Жанна шунда шоша-пиша тиз чўкди-да, холасининг қўлини юзидан олиб, гангиган ҳолда:

— Нима бўлди, Лизон хола, нима?— деди.

Аёл шўрлик бунга жавобан руҳий аламдан ғужанак бўлганича йиғидан хирқираган овозда аранг ҳиқиллади:

— У сўраганидан, шундай... Сизнинг... латиф... оёқларингиз совқотмадимми?..— деди-ку. Менга ҳеч ким сира ҳам шунақа демаганди... сира ҳам, сира...

Жанна бундан ҳайратга тушди, таъсирланди, шунга қарамай Лизон холага ўзини гирифтор қиладиган ошиқни ўйлаганида кулгиси қистарди. Виконт эса кулгисини яширгани тескари қараб олганди.



Лизон хола тўсатдан ирғиб турди-да, жун тўпини ерда, тўқиётган нарсасини креслода қолдирганича қоронғи зинадан чиқиб кетди. У эшигини пайпаслаб топиб олди.

Ёшлар ёлғиз қолганларидан кейин бир-бирларига қарашди. Уларнинг ҳам кулгилари келар, ҳам юраклари ғаш бўларди.

— Шўрлик холам! — деди Жанна шивирлаб.

— Бугун унинг калласига бир нима бўлганга ўхшайди, — деб қўйди Жюльен.

Улар бир-бирларининг қўлларидан ушлаб туришар ва сира ҳам айрилгилари келмасди. Сўнгра Лизон холанинг бўм-бўш креслоси ёнида биринчи марта тортиниб, жуда ҳам тортиниб ўпишишди.

Эртасига улар қариқиз йиғлаганини хаёлларига ҳам келтиришмади.

Тўйга икки ҳафта қолганида Жанна ширин энтикишлардан гўё толиққандай негадир ювош тортиб, тинчиб қолди.

Тўй бўладиган куннинг субҳидамида Жаннанинг ҳатто ўйлашга ҳам вақти йўқ эди. Гўё суюк-суюги, томир ва қони эриб кетганидай бутун вужудини бўм-бўш сезар, бирор нарсани қўлига олганида бармоқлари қаттиқ титраётгандай бўларди.

У черковда, амвон<sup>1</sup> олдида никоҳ маросими пайтидагина ўзига келди.

Турмушга чиқди! Энди у турмушга чиққан! Эрталабдан бери бўлаётган ҳамма нарсалар, воқеалар ва кечинмаларни у худди тушида, ростакам тушида кўраётгандай бўларди. Теварак-атрофдаги барча нарсалар бизга ўзгариб қолган дақиқалар бўлади. Ҳар қандай ишлар янгича маъно касб этади, ҳатто куннинг соатлари ҳам ўзгариб қолади. Жанна жуда гангиган ва бениҳоя ҳайратда эди. Кечагина ҳамма нарса илгаригидай, фақатгина умр бўйи қилган орзуси рўёбга чиқаёзган эди. Қиз бола сифатида уйқуга кетган бўлса, мана, энди хотин сифатида оламга боқаётганди.

Жанна барча қувончларни, фақат орзу қилинадиган бахт-иқболни пинҳон қилиб турган паллага қадам босган экан-да. Унинг олдида эшиклар ланг очиқ турар, бир қадам босса борми бор орзу-умидлари ушаларди.

Никоҳ маросими тугади. Ҳаммалари бўм-бўш ризницага<sup>2</sup> ўтишди, чунки тўйга ҳеч ким таклиф қилинмаганди. Шундан кейин ташқарига юришди.

Келин-куёв ибодатхона эшиги олдидаги айвонда кўрини-

<sup>1</sup> Черков меҳроби минбари, ўша ердан туриб ваъз айтилади, Шинил ўқилади.

<sup>2</sup> Черков ёнидаги асбоб-анжомларни сақлайдиган хона.

ганларида шунақанги гумбир-гумбир бўлдики, келин ўзини орқага ташлади, баронесса эса бақриб юборди. Сабаби, деҳқонлар милтиқлардан ўқ узишганди. Улар то «Теракзор»га етгунларигача ўқ овозлари тинмади.

Уйда оила аъзоларига, қавм кюresi билан ипорлик кюрега, мэр ва шу ерлик мўътабар фермерлардан танланган шоҳидларга нонушта тортилди.

Шундан кейин ҳаммалари зиёфат бошлангунча боққа чиқишди. Барон, баронесса, Лизон хола, мэр ва аббат Пико баронессанинг хиёбонида кезишар, келгинди руҳоний эса катта-катта одимлаб, оятлар китобини ўқирди.

Ховлидан олмалар тагида сидр ичиб, маишат қилишаётган деҳқонларнинг шовқин-суронлари эшитиларди. Музофотдаги ясан-тусан қилишган одамларнинг ҳаммалари ўша ерга тўпланишганди. Йигитлар билан қизлар эса бир-бирларига тегажоғлик қилишарди.

Жанна билан Жюльен дарахтзордан ўтиб, кўтармага чиқишди-да, жимгина денгизни томоша қилишди. Гарчи августнинг ўрталари бўлса ҳам ҳаво яхши эди. Шимол шамоли эсар, ложувард осмонда улкан қуёш бениҳоя ярқирарди.

Ешлар кўланка излаб пастга, Ипорга қараб кетган ўрмонли эгри-бугри водий томондаги ялангликни кесиб ўтишди. Улар дарахтлар тагига етишлари биланоқ қилт этган шабадани ҳам сезмай қолишди. Йўлдан ўрмон ичкари-сига қараб кетган торгина сўқмоққа бурилишди. Ёнма-ён юришнинг деярли иложи бўлмаганидан Жанна ёрининг қўли белидан аста-секин қучаётганини сездди.

Қизнинг нафаси ичига тушиб, тили калимага келмас, юраги дукиллаб, нима қиларини билмасди. Эгилган шохлар уларнинг сочларига тегарди. Олдинга юриш учун дам-бадам энгашишларига тўғри келарди. Жанна битта баргни узиб олган эди, қараса, орқа томонида нақ чиғаноқ сингари иккита хонқизи унда макон қилган экан.

Жанна ўзини пича босиб олганидан кейин соддадиллик билан:

— Қаранг-а, оила,— деди.

Жюльен лабини унинг қулоғига текизди:

— Бугун кечқурун менга хотин бўласиз.

Жанна табиат оғушида яшаб, гарчанд кўп нарсаларни билиб олган бўлса ҳам шу пайтгача фақат борлиқ сеҳрини кўрарди. Шу сабабдан бунга ҳайрон бўлди. Хотин? Унга хотин бўлгани йўқми ҳали?

Жюльен эса Жаннанинг чаккаси-ю, бўйнининг эндигина тук кўринаётган жойларини тез-тез ўпа кетди. Қиз ўзига

гайритабий бўлган бунақа эркакча ўпишлардан ҳар сафар титраб, бунақа эркалашларга чап бериш учун беихтиёр равишда бошини бошқа томонга бурарди. Бироқ бари бир роҳат қиларди.

Икковлари ногаҳон ўрмон чеккасига чиқиб келишди. Жанна бунчалар олислаб кетганларидан хижолат чекиб, тўхтади. Уйдагилар буни нима деб ўйлашаркин?!

— Қайтамиз!— деди у.

Жюльен қўлни унинг белидан олувди, икковлари бир-бирларига юзма-юз туриб қолишди. Азбаройи яқин турганларидан бир-бирларининг нафас олишаётганларини сезишарди. Синчков, синовчан, ўткир нигоҳлари тўқнашди, бунда гўё иккала қалб бир-бирига туташаётгандай бўларди. Икковлари бир-бирларининг кўзларидан ниҳоятда эзгу бўлган ва қаердадир теран ҳолда яширинган ўша сирни излашарди. Бир-бирларига унсиз, кескин савол беришарди. Улар бир-бирларига ким бўлишди? Турмушлари қандай ўтаркин?! Никоҳ деб аталмиш умрбод, аҳил турмушда бир-бирларига қандай қувонч, хурсандлик, умидсизлик бахш этишаркин?! Жанна ҳам, Жюльен ҳам шу топда бир-бирларини эндигина кўриб турганга ўхшардилар.

Жюльен тўсатдан Жаннанинг елкасидан ушлаб лабидан эҳтиросли ўпди. У қизни шу чоққача сира ҳам бунақа ўпмаганди. Бу бўса қизнинг вужудидан ўтиб, мияси билан қонига сингди. Шунда қизни ажиб, номаълум бир ҳис жунбишга келтира бошлаганидан уни иккала қўли билан қаттиқ итариб юбораркан, ўзининг ҳам чалқанчасига тушишига сал қолди.

— Бу ердан кетайлик, кетайлик,— деди у аранг.

Жюльен жавоб бермай қўлидан ушлади-да, қўйиб юбормади.

Уйга етгунларигача икковлари ҳам чурқ этишмади.

Кечга яқин дастурхон атрофидан жой олишди.

Зиёфат ваҳимали бўлмай нормандлар урф-одатига зид ўлароқ тезроқ тугади. Дастурхон теварагидагиларни қандайдир хижолат босгандай эди. Фақатгина иккита руҳоний, мэр билан тўртта таклиф қилинган фермер тўйда зарур бўлган жўнгина хушчақчақликни қўлдан беришмасди.

Даврада кулги бутунлай тина бошлаганида мэрнинг аскиялари одамларни яна жунбишга соларди. Соат тўққизларда қаҳва тортилди. Биринчи ҳовлидаги олмалар тагида қишлоқча базм бошланди. Очиқ деразалардан хурсандчилик қилаётганларнинг ҳаммаси кўринарди. Дарахтларнинг шохларига илинган фонуслар япроқларга кўкимтир ёғдулар сочарди. Йигитлар билан қизлар давра ясаб, аёвсиз равишда

дўшир-дўшир қилиб, лапар айтишар, худди эстрададагидай катта ошхона столдан жой олишган иккита скрипкачи билан кларнетчи уларга оқистароқ жўр бўлишарди. Гоҳо деҳқонларнинг нотекис ашулалари чоғуларнинг садосини бутунлай босиб кетар, одамларнинг ҳайқирикларидан парчаланган нозик куй осмондан гўё майда-майда ҳолда тушаётганга ўхшарди.

Деҳқонларни ёнаётган машъалалар қуршовидаги иккита катта бочкадан сийлашарди. Иккита оқсоч аёл стаканларни ва тоғорадаги кружкаларни тинимсиз равишда чайиб, ўша заҳотнинг ўзида артмасдан қизил вино ёки тиниқ сидрнинг олтинранг оқими тушаётган жўмракка тутишарди. Баданлари қизиган ўйинчилар, мўътабар кексалар, терга пишган қизлар уймалашганларича кружкани тортиб олгани қўл чўзишарди-да, осмонга қараган ҳолда севимли ичимликни бир кўтаришда бўшатишарди.

Ён томондаги столда нон, ёғ, пишлоқ ва колбасалар бўлиб, ҳар бир одам улардан гоҳ-гоҳ тотиб турарди. Чироқлар ёритиб турган япроқлар остидаги бу дуруст ва ажойиб базм шаҳарлик бадқовоқ меҳмонларни гирдобига торганидан улар ҳам ўйинга тушиб, бақалоқ бочкадан ичиб, нонни ёғ ва хомпиезга қўшиб, тамадди қилиша бошлади.

Мэр пичоқни куйга монанд тақиллата туриб:

— Жин урсин-е, зўр бўляпти! Нақ Ганашнинг<sup>1</sup> тўйига ўхшайди-я,— деб қўйди.

Меҳмонлар орасида секингина кулги кетди. Граждан маъмуриятининг табний рақибни бўлган аббат Пико эса эътироз билдирди:

— Канедаги никоҳ десангиз ўринлироқ бўларди.

Мэр бўлса бу ўғитга парво қилмади:

— Йўқ, жаноб аббат, нима деяётганимни биламан. «Ганашнинг тўйи» дедимми, вассалом.

Ҳаммалари қўзғолиб, меҳмонхонага ўтишди. Сўнгра авомнинг ўйин-кулгиларида бир оз иштирок этишди. Барон билан баронесса шивир-шивир қилганларича гижиллашарди. Аделаида хоним ҳар маҳалгидан ҳам баттар пишиллаганича чамаси эри талаб қилаётган нарсага унамасди. Ниҳоят, у овозини чиқарди:

— Йўқ, дўстим, иложим йўқ, ҳатто нима қилишимни ҳам, бунга қандай киришишни ҳам билмайман.

Барон шундан кейин кескин бурилиб, Жаннага яқинлашди:

---

<sup>1</sup> Сервантеснинг «Дон Кихот» романидаги эпизодик образлардан бири — бадавлат деҳқон Камачо (французча таржималарда Ганаш).

— Жиндай айланишни хоҳлайсанми, қўзим?

— Яхши, дада,— Жанна тўлқинланган ҳолда жавоб қилди.

Икковлари ташқарига чиқишди.

Улар остона ҳатлаб, денгиз томонга юришлари биланоқ куз нафаси келиб турган кучли, муздай шамол юзларига урилди.

Осмонда юлдузларни дам тўсиб, дам очиб булутлар сузарди.

Барон қизининг тирсагини ўзига тортиб, қўлини оҳиста силади. У хижолатдалигидан иккиланаётганга ўхшарди. Ниҳоят, дилидагини айтишга ботинди:

— Эркатоим, кўпроқ онанг бажариши лозим бўлган вазифани зиммамга олишим керак. Онанг эса бундан бош тортяпти. Шу ваддан мен унинг ўрнини босишга мажбур бўляпман. Сенга тирикчилигимиздан нималар маълумлигини билмайман. Болалардан, айниқса қизлардан эҳтиёткорлик билан сақланадиган сирлар бор. Чунки қизлар тегишли фурсат келгунча фикр-ўйларини тиниқ сақлашлари, бенуқсон равишда мусаффо бўлмоқлари учун шундай қиламиз. Сўнгра биз уларни бахт-саодатли қилиши лозим бўлган одамга қўш қўллаб топшираамиз. Ўша одам ҳаётнинг тотли сир-асрори устидан пардани кўтариб ташлаши керак. Бироқ қизлар мабодо бундан бутунлай ғофил бўлсалар уларни кўпинча орзулар ортидаги бесўнақай ҳаёт таҳқирлайди. Улар фақат руҳан эмас, балки жисмонан ҳам эзилганларидан кўпинча рафиқларига инсоният қонуни ва табиат қонуни сўзсиз ҳуқуқ сифатида бериб қўйган нарсадан бош тортадилар. Сенга бошқа ҳеч нарса дея олмайман. Битта нарсани унутма, ёдингда маҳкам тут: Сен бус-бутун эрингга қарашлисан.

Жанна чиндан ҳам нимани биларди? Нимадан шубҳаланарди? У қалтирай бошлади, нақ даҳшатли бир нарсани сезганидай вужуди ёмон ғаш бўла бошлади.

Ота-бола қайтиб келишганида бўсағада ногаҳон қотиб қолишди. Аделаида хоним Жюльеннинг кўкрагига бош қўйганича фарёд қиларди. У нақ темирчининг дамидай кучли ҳиқиллар, ёшлари кўзи, бурни, оғзидан ҳам оқаётганга ўхшарди. Куёв бола бағрига ташланган бақалоқ қайнасини бесўнақай равишда тутиб турар ва унинг бебаҳо, сеvimли, ардоқли қизини авайлаб-асрашга ваъда берарди.

Барон ёрдамга отилди.

— Ўтинаман, фақат йиғи-сиғи қилмасангиз.

Барон хотинини кресло ёнига олиб келганди, у ўтириб, кўз ёши қуюлган юзини артди.

Барон шундан кейин Жаннага қаради:

Қани, болам, тезроқ онангни ўпгин-да, бориб ётгин. Жанна йиғидан ўзини аранг босиб, ота-онасини шошапиша ўпди-да, қочиб кетди.

Лизон хола хонасига бояроқ кетиб қолганди. Барон ва хотини Жюльен билан холи қолишди. Учовлари ҳам жуда хижил бўлганларидан тилларига бирорта сўз келмасди. Хали ҳам фракда бўлган эркаклар кўзларини ердан узмай туришар, Аделаида хоним креслода ярим ёнбошлаганича аранг овунаётганди. Ниҳоят, ноқулай жимлик тоқат қилиб бўлмайдиган даражага етди. Барон шундан кейин келин-куёв яқин кунларда саёҳатга чиқажакларидан оғиз очди.

Шу пайт Розали Жаннани ётоғида ечинтираркан, кўз ёши шашқатор эди. Қўли ўзига бўйсунмаётганидан боғичларни ҳам, суртмаларни ҳам тополмас ва бекасидан ҳам баттар ҳаяжонда эди. Жанна эса оқсочи йиғлаётганини сезмасди. Назарида, у гўё бошқа оламга, бўлак сайёрага тушиб қолиб, ўзига таниш ва қадрли бўлган барча нарсалардан айрилгандай эди. Ҳаётидаги ва онгидаги барча нарсалар айқаш-уйқаш бўлиб кетган, хаёлига ҳатто, эримни яхши кўраманми, деган ғалати фикр келганди. Эри бирдан кўзига бегона, деярли нотанишдай кўриниб кетди. Уч ой олдин эса борлигини ҳам билмасди, энди эса унинг хотини. Нимага? Нега энди нақ оёқ остидан чиққан жарга ўзини отгандай шоша-пиша эрга тегиши керак эди?

Жанна тунги пардоз-андозини тугатганидан кейин кўрпага силлиққина кирди. Муздай чойшаб салгина жунжиктирди, бу эса кейинги икки соат ичида қийнаётган кўнгилидаги совуқлик, ёлғизлик, ғашликни янада кучайтирди.

Розали йиғлаганича чиқиб кетди, Жанна эса кута бошлади. У ўзи фаҳмлаётган, отаси шунчаки шама қилган нарсани — севгининг буюк жумбоғи билан сирли равишда танишишга ҳаяжонланган, юраги зирқираган ҳолда кутарди.

У зинадаги қадам товушларини эшитмаган бўлса ҳам, эшик уч марта секингина тақиллади. Жаннанинг бутун вужуди титраб-қалтираб кетса ҳам жавоб қилмади. Эшик яна тақиллади, пичадан кейин қулф ширқлади. Жанна гўё хонасига ўғри кираётгандай бошини кўрпача буркаб олди. Енгил бошмоқдан паркетнинг енгил ғичирлаши эшитилди-ю, кимдир унинг ўрнига ногаҳон тақалди.

Жанна жонҳолатда ирғиб тушиб, чийиллади. У бошини очганида рўбарўсида Жюльен кулимсираганича турарди.

— Оҳ, мени жуда қўрқитиб юбордингиз-а! — деди қиз.

— Мени мутлақо кутмовдингизми? — сўради йигит.

Жанна жавоб қилмади. Жюльен ҳали ҳам қишлик кийимда бўлиб, кўркам эркак сифатидаги виқорини сақлаб турарди. Шунда Жанна шундай сулукатли жаноб қаршисида ётишидан ерга кириб кетай деди.

Улар нима қилишни ҳам, нима дейишни ҳам билишмасди, бутун умр бахтиёр бўлишларини белгилайдиган ана шу муҳим, масъулиятли фурсатда ҳатто бир-бирларига қарашга ҳам ботиниша олмасди.

Жюльен афтидан мана шу яккама-якка олишувда қанчалар хавф, эпчиллик, нозик ибо, орзулар етилтирган иф-фатли вужудни таққирламаслик учун ниҳоятда эҳтиётлик кераклигини элас-элас ҳис этарди.

У Жаннанинг қўлини авайлаб олиб ўпди-да, каравот олдида меҳробдагидай тиз чўкиб, гўё нафас олгандай аранг шивирлади:

— Мени бундан кейин ҳам яхши кўрасизми?

Жанна негадир бирдан тинчиди-да, тўрга бурканган бошини ёстиқдан сал узиб, унга жилмайди:

— Сизни ҳозир ҳам севаман, дўстим.

Жюльен хотинининг нозик бармоқларини оғзига солди-да, гўлдироқ овозда сўради:

— Севишингизни исботлашга ҳам розимисиз?

Жанна яна қўрқиб кетди-да, нима деяётганини ҳам яхши билмай, бироқ отасининг насиҳатларини унутмаган ҳолда:

— Мен сизникиман, дўстим,— деди.

Жюльен қизнинг қўлларини ўпиб ташлади-да, секин туриб, юзига яқинлашди. Жанна яна ўзини яширишга уринди.

Жюльен эса бирдан қўл чўзиб, хотинини кўрпа устидан ушлади, бошқа қўлини ёстиқ тагидан ўтказди-да, уни кўтариб, оҳиста, шивирлаб сўради:

— Демак, менга ёнингиздан озгина жой бера-сизми?

Жаннани беихтиёр равишда қўрқув босди.

— Кейин, илтимос, кейин,— гудурланди Жанна.

Жюльен бундан оғриниб, нафсониятига ҳам текканидан яна, бироқ кескинроқ қилиб сўради:

— Биз бари бир ўша билан тугатамиз-ку, нимага кейин бўларкан?!

Жаннанинг бу сўзлардан дили оғриси ҳам бари бир жуда итоатгўй ҳолда такрорлади:

— Мен сизникиман, дўстим.

Жюльен ўша заҳоти пардохонада кўринмай кетди. Жанна унинг ҳар бир ҳаракатини, кийимини ечаётганини,

чўнтагидаги нули шиқирлаётганини, бошмоғини тапиллатиб ташлаганини аниқ эшитиб турарди.

Жюльен дафъатан ички иштон ва пайпоқда кўринди-да, хонадан югургилаб ўтиб, соатини каминга қўйди. Сўнгра яна қўшни хонага кириб кетиб, пича уймалашди. Жанна у кириб келаётганини эшитаркан, шоша-пиша бошқа ёғига ағдарилиб, кўзини юмди.

Жанна оёғи ёнидан бегона, совуқ ва сержун оёқ сир-галганида сал ирғиб кетиб, полга сакраб тушишига озгина қолди. Кўрқув ва даҳшатдан юзини қўллари билан берки-тиб, бақириб юбормайин, деб ўзини ўриннинг чеккасига олди.

Жюльен эса гарчи Жанна тескари қараб ётган бўлса, ҳам, елкаси, чепчасининг тўри ва кўйлагининг гулли ёқасидан ютоқиб ўпа бошлади.

Қиз қимир этмас ва Жюльеннинг бақувват қўли тир-сакларининг орасига яширинган кўкракларини қидираётганини сезаркан, қаттиқ кўрқувдан қалтираб, қотиб қолганди. Жюльеннинг қўпол ҳаракатларидан нима қиларини билмас ва фақат битта нарсани — уйнинг нариги бурчагига қочиб кетиб, бу одамдан узоқроққа яширинишни истарди.

Жюльен энди қимир этмасди. Жанна унинг тафтини яғринидан сезарди. Қизнинг кўрқуви яна босилди, шунда унга ўгирилиб, ўпгиси келди.

Куёвнинг ахийри тоқати-тоқ бўлди, шекилли, хафа бўлгандай, сўради:

— Нега менинг хотингинам бўлишни истамаяпсиз?

Жанна қўлларини юзидан олмай гудранди:

— Хотинингиз бўлганим йўқми ҳали?

— Етар, жонгинам, сиз устимдан куляпсиз, — Жюльен алам қилаётгандай эътироз билдирди.

Жанна унинг норозилигидан маъюсланди-да, узр сўрагани ўгирилди.

Жюльен гўё согиниб қолгандай унга ташланди-да, силаб-сийпалаб, юзи-ю, бўйнидан тез-тез, қизгин ўпа бошлади. Жанна қўлларини икки томонига ташлаганича йигитнинг босқинига қаршилиқ қилмас, ўзи ҳам, Жюльен ҳам нима қилаётганини билмас, гангиб қолганидан ҳеч нимага ақли етмасди. Шунда вужудини қаттиқ оғриқ босди. Жюльен унга қўполдан-қўпол қўшилганида Жанна инграб, унинг қучоғида типирчиларди.

Кейин нима бўлди? Жанна ҳеч нимани эсламас, эс-ҳушини буткул йўқотганди. У ёрининг миннатдор ҳолда лабларидан тез-тез ўпаётганини сезарди, холос.

Жюльен шундан кейин унга гапиргандай, ўзи эса жавоб



қилгандай бўлди. Сўнгра Жюльен унга яна суйкалмоқчи бўлувди, Жанна даҳшат ичра итариб юборди. Ундан қутулишга ҳаракат қиларкан, кўкраги ҳам оёғи сингари сержунлигини сезиб, бехосдан ўзини нари олди.

Беҳуда уринишлар Жюльеннинг жонига тегди шекилли, чалқанча ётганича тинчиб қолди.

Жанна эса хаёлга ботди. У лаззат деб ўйлагани ёлғон, орзу-ҳавас қилганига мутлақо ўхшамаганидан, эзгу умидлари чиппакка чиққан, бутун роҳати тўзиб кетганидан ниҳоятда хафа бўлиб, ўзига ўзи: «Унинг хотини бўлиш ана шунақа, ҳа, ана шунақа экан-да, а?» дерди.

У ана шундай мунгли аҳволда хонасининг деворларини безаган қадимий ишқий афсона акс эттирилган гулқоғозларга кўз тикканича ётаверди.

Жюльен индамай ва қимирламай ётганидан унга эҳтиёткорлик билан қараб қўйди. Шунда нимани кўрди, денг? У ухлаб ётарди! Оғзини сал очганича бемалол ухлаб ётарди! У ухларди!

Жанна ўзининг кўзларига ишонмади. Жюльеннинг махлуқона кўполлик қилганидан ҳам ҳозир бепарво ухлаб ётганига кўпроқ жаҳли чиқди ва ўзини таҳқирланган сезди. Бундан кўнди, шундай кечада ухлаёлса, ўзи унга биринчи дуч келган бегона экан-да? Урталарида бўлган ишнинг унга сира ҳам аҳамияти қолмабди-да? О! Жанна ҳозирда Жюльен уни дўппослашини, қайтадан зўрлашини, ёқимсиз эркалашлари билан то ҳушидан кетгунча қийнашини афзал кўрарди.

Жанна ёнбошлаганича қимирламас ва Жюльенга эгилиб, хурракка айланиб кетадиган нафас олишига қулоқ тутарди.

Тонг олдинига бўзарди, сўнгра тиниқлашиб, ҳаммаёқ оч пуштиранг, кўзни қамаштирадиган тусга кирди. Жюльен кўзини очиб, эснади, керишди-да, хотинига қараб, илжайганича сўради:

— Яхши ухладингми, жонгинам?

Жанна эри сенсираётганини эшитаркан, гарангсиб жавоб қилди.

— Ҳа, албатта. Сиз-чи?

— Хўш, мен жуда зўр ухладим,— жавоб қилди у.

Жюльен шундан кейин унга ўгирилиб, ўпди-да, бамайлихотир суҳбатлаша бошлади. Унга «тежам»га асосланган ҳаётий режаларини тушунтира кетди. Жанна «тежам» сўзи кўп марта айтилганидан ҳайрон бўларди. У эрининг сўзларига қулоқ солса ҳам унчалар фаҳмига бормас, башарасига тикиларкан, хаёлидан мингларча нарсалар ўтар, эс-ҳуши ҳам аранг жойида эди.

Соат саккизга занг урди.

— Қани, турайлик, энди, — деди у, — ўринда кўп ётсак ноқулай бўлади.

Жюльен шундан кейин биринчи бўлиб қўзғолди-да, кийиниб, хотинига меҳрибонлик қилиб, қарашиб юборди. Розалини чақирингга сира ҳам изи бермади.

Ётоқдан чиқаётганларида Жюльен хотинини тўхтатди:

— Менга қара, энди бир-биримизни сенсирасак бўлади, бироқ ота-онамиз олдида бунга шошилмайлик. Тўй саёҳатидан кейин шундай қилсак жуда табиийдек туюлади.

Жанна кечроқ бўлса ҳам нонушта қилгани пастга тушди. Янги кун ҳам гўё ҳеч нима рўй бермагандай, одатдагидай кечаверди. Хонадонда эса битта одам кўпайганди, холос.

## V

Тўрт кундан кейин уларни Марселга элиб қўйгани киракаш соябон арава келди.

Жанна биринчи кеча даҳшатидан кейин Жюльеннинг яқинлашишларига, ўпишларига, нозик эркалашларига кўникиб қолган бўлса ҳам, қўполдан-қўпол оғушига тортганига ҳамон тоб-тоқат қилолмасди.

Жюльен бари бир унга ёқар, дилидан жой олган, шунинг учун у бахтиёр ва қувноқ эди.

Ота-она билан хайр-хўшлашув узоққа чўзилмади ва кўнгилларда сира ҳам ғашлик қолдирмади. Фақат баронессагина ғамгин туюларди. Ёшлар йўлга чиқаётганларида у қизига худди тошдай оғир ва катта ҳамён тутқазди.

— Бу сенинг шахсан ёш хоним сифатида майда харажатларингга, — деди у.

Жанна ҳамёнини чўнтагига солди. Отлар ҳам қўзғолишди.

Жюльен кунботарда сўради:

— Ойинг харажатингга қанча берди?

Ҳамён Жаннанинг эсидан ҳам чиқиб кетганидан уни олиб, ичидагини тиззасига тўкди. Ундан олтин тангалар сочилиб тушди. Икки минг франк экан. Жанна чапак чалиб: «Оҳ, роса сарф қиламан-да!» деди-да, пулни йиғиб олди.

Нафасли қайтарадиган иссиқда бир ҳафта юрганларидан кейин Марселга стиб келишди. Эртасига эрталаб йўл-йўлаккай Аяччога кириб ўтадиган «Қирол Людовик» деган кичикроқ кема уларни Корсикага олиб кетди.

Корсика! Лолақизғалдоқлар! Бандитлар! Тоғлар! Наполсоннинг ватани! Жанна назарида воқелик олаמידан яна орзулар дунёсига кираётгандек бўларди.

Улар кема палубасида туриб, ёнларидан Прованс қоялари ўтиб бораётганини томоша қилишарди. Гўё бағоят кўм-кўк ва чексиз осмон остида ястаниб ётган ложувард рангдаги тиниқ денгиз офтоб оташида бамисоли қотиб қолгандай тинч эди.

— Ластик амакининг қайиғида айланганимиз эсингдами?— сўради Жанна.

Жюльен жавоб ўрнига Жаннанинг кўзини шамғалат қилиб кулоғидан ўпди.

Кема парраклари сувнинг тинчини бузиб айланар, орқа томонда эса кеманинг изи мавжли йўл бўйлаб, кенг оқишроқ оқим сифатида таралар, ундаги мавжли тўлқинлар шампанское виноси янглиғ кўпирарди.

Тўсатдан кема бурнидан бир неча сажень нарида сувдан баҳайбат дельфин кўкка сакради-да, ўша заҳоти яна боши билан сувга шўнғиди. Жанна бу кутилмаган нарсадан кўрққанидан чинқириб юборди-да, ўзини Жюльенга отди. Сўнгра, кўрқа-писа кулиб, жонивор яна кўринармикин, деб қизиқиш билан сувга тикила бошлади. Орадан бир неча сония ўтар-ўтмас жонивор баҳайбат бурама ўйинчоқдай яна ирғишлади. Сўнгра шўнғиб, яна чиқди. Шундан кейин жониворлар иккита, учта, сўнгра олтига етишди. Улар катта, вазмин кема атрофида ирғишлашар экан, гўё улар қудратли биродарлари, сузгичлари темирдан бўлган ёғоч дельфинни кузатиб боришаётганга ўхшашарди. Дельфинлар кеманинг дам чап биқинидан, дам ўнг биқинидан ўтишар, дам биргаликда, дам пойга ўйнашаётгандай ёнма-ён сузишар, кўкка сакрашар, улкан доира ясаб, яна сувга шўнғишарди.

Денгиздаги эпчил сузувчилар ҳар кўринганларида Жанна чапак чалар, завқ-шавқи ошганидан титраб кетарди. Гўдакдай терисига сиғмай кетаётганидан вужуди ҳам бамисли дельфинлардай ирғишларди.

Дельфинлар бирдан ғойиб бўлишди. Улар яна бир марта очиқ денгизнинг олис жойида кўринишди-да, қораларини бошқа кўрсатишмади. Жанна улар кўринмай кетганлари учун бир зум хомуш тортди.

Тинч, сокин, нурафшон, ниҳоятда ҳузурбахш оқшом яқинлашиб келарди. Ҳавода ҳам, сувда ҳам қилт этган нарса йўқ. Денгизнинг ва осмоннинг буюк сокинлиги қалбларни аллалар, улар ҳам ҳозирда ҳар қандай нотинчликлардан холи эди.

Қуёшнинг улкан гардиши уфққа, Африкага, кўзга кўринмас Африкага аста-секин тушаётгандай ва Африканинг, қизиган заминининг тафти ҳам сезилаётгандай эди. Бироқ

қуёш бутунлай кўринмай кетганидан кейин енгил сабо чехраларга ҳузурбахш уриларди.

Жанна билан Жюльен кеманинг бадбўй ҳиди босган қаюталарига қайтишни истамай, ёмғирпўшларига ўралганларича палубада ёнма-ён чўзилишди. Жюльен зумда уйқуга кетди, Жанна эса йўлдаги янги таассуротлар таъсирида бўлганидан кўзларини юмолмай ётарди. Парракларнинг бир хилдаги шовқини уни аллаларди. Тепасида, тиниқ жануб осмонида ярқироқ, гўё намхуш ёғдуда чақнаётган беҳисоб юлдузларни кўрарди.

Жаннанинг кўзи эрталабга яқин илинди. У шовқин-сурон, одамларнинг овозларидан уйғониб кетди. Матрослар хиргойи қилганларича кемани супуриб-сидиришарди. Жанна донг қотиб ётган эрини туртиб уйғотди-да, ўринларидан туришди.

Жанна ҳозирда оғушида бўлган субҳидамнинг ажабтаъм туманини ҳузур қилиб шимарди. Айлана-атроф денгиз. Йўқ, олдинда қандайдир бўзранг, субҳидамда ноаниқ туюлган, тилкаланган булутлар уюми сувда ётганга ўхшарди.

Кейин бу нарсанинг нималиги аёнлашди, осмон ёришганидан кейин у ҳам аниқ-таниқ кўзга ташлана бошлади. Кўзга ташланган бу жимжимадор, тундсифат тоғларнинг узун тизмаси — енгил туман қоплаган Корсика эди.

Қуёш унинг ортидан кўтарилар ва тоғ қирраларининг эгри-бугри жойларини қора кўлка билан бўярди. Пичадан кейин ҳамма чўққилар алвон тусга кирса ҳам, оролнинг ўзи ҳамон туман оғушида эди.

Кўприкчада капитан кўринди. У паст бўйли, офтобда қорайган, шамолда қотган, қоқроқ, мисли ошлангандай, шўртанг, кучли шамоллар букчайтирган мўйсафид эди. У Жаннага ўттиз йилдан бери қўмондонлик қилаётганидан пўртаналар пайтида бақиравериш хирқираб қолган овозда деди:

— Бу ярамас қанақа ис таратаётганини сезяпсизми?

Жанна чиндан ҳам ёввойи ўт-ўланларнинг ўткир, нотаиш исларини сезаётгандай эди.

Капитан гапида давом этди:

— Бу исни Корсика таратяпти, хоним. Ҳар қандай соҳибжамолга ўхшаб, унинг ҳам ўзига яраша муаттар иси бор. Мен ҳам йигирма йиллик айрилиқдан кейин беш денгиз мили наридан уни билиб оламан. Ўзим ҳам ўша ерликман-да. Айтишларига қараганда, у ҳам Авлиё Елена оролида ватан хушбўйини ҳамон эсларкан. Менга у қариндош бўлади.

Капитан шундан кейин шапкасини олиб, Корсикага таъ-

зим қилди, ўзининг қариндоши — асир олинган буюк император билан океан оша саломлашди.

Жанна буни кўриб эриб кетганидан йиғлаб юбораёзди.

Жюльен хотинининг белидан қучиб турар, икковлари ҳам капитан имо қилган нуқтани илғашга уринишарди.

Улар, ниҳоят, пирамида шаклидаги бир неча қояларни кўришди, кема кўп ўтмай бу қояларни айланиб, пастдан йўсинга ўхшаган майса босган баланд тоғлар тўдаси қуршаган кенг ва осойишта қўлтиққа кирди.

Капитан ўша майсаларни кўрсатаркан:

— Лолақизғалдоқлар! — деди.

Кема илгарилагани сари айлана тоғлар орқа томондан ўраб бораётгандай туюларди. У суви ниҳоятда кўм-кўк бўлган кўл ўртасидан сузиб бораркан, гоҳо кўлнинг туби ҳам кўзга ташланиб қоларди.

Шунда десангиз, кўрфаз тўлқинлари чеккасидаги ва тоғлар этагидаги оппоқ шаҳар ногаҳон жамолини кўз-кўз қилиб қолди.

Портда италияликларнинг бир неча мўъжазгина кемалари лангар ташлаб турарди. «Қирол Людовик» теварагинда тўрт-бешта қайиқ йўловчи олиш илнжида уймалашарди.

Жюльен чамадонларини йиғиштираркан, шивирлаб хотинидан сўради:

— Юкчига йигирма су берсак бўлармикини?!

Жюльен бутун ҳафта давомида дақиқа сайин шунақа саволлар бериб, ҳар сафар Жаннанинг дилини огритганди. Жанна шунинг учун ҳам бу гап сал ҳамиятига теккандай жавоб қилди:

— Кам бергандан ортиқча узатган маъқулроқ.

Жюльен мусофирхоналарнинг эгалари, малайлари, аравакашлар, турли нарсаларни сотувчилар билан доимо тортишар, узоқ уринишлардан кейин бирорта арзимаган нарсани арзонга туширса хурсанд бўлиб, хотинига:

— Мени биров чўмичда қоқишини ёқтирмайман, — дерди.

Жанна қўлларига ҳисоб-китоб қоғозини тутқизганларида эрининг ҳар бир рақамга тархашлик қилишини олдиндан билиб, титроққа тушар, бунақа савдолашишдан ерга кириб кетгудай бўлар, малайлар арзимас чойчақани сиқиб ушлаганларича, нафрат билан қараб қолганларида сочининг тагигача қизариб кетарди.

Жюльен ўзларини соҳилга элтиб қўйган қайиқчи билан ҳам тортишиб қолди.

Жанна бу ерда кўрган биринчи дарахт хурмо эди.

Эр-хотин улкан майдоннинг бир бурчагидаги баҳай-

бат, одамлари кам меҳмонхонага тушиб, нонушта буюришди.

Улар ширишликлар билан чой ичиб бўлганларидан кейин Жанна шаҳарни айланиб келгани қўзғолди. Шунда Жюльен унинг елкасидан кучиб, қулағига шивирлади

— Чўзилсак бўлармиди, эркатойим?

Жанна ажабланди:

— Чўзилсак дейсанми? Мен сираям чарчаганим йўқ. Жюльен уни бағрига босди

— Икки кунда сени соғиниб қолдим. Тушуняпсанми?

Жанна уялганидан қизариб, гудранди

— Нималар деяпсан! Ҳозир-а? Бу ердагилар нима дейишади? Хаёлларига нима келади? Туш пайтида қандай қилиб номер сўрайсан? Жюльен, ўтинаман, кераги йўқ!

Жюльен эса унинг гапини бўлди

— Меҳмонхона малайлари нималарни ўйлашлари-ю, хаёлларига нима келишига тупурдим Мени бу унча хижолатга солмайди, ҳозир кўрасан.

Шундан кейин у қўнғироқни чалди.

Жанна ер чизганича жим қолди У эрининг қондириб бўлмайдиган истакларига руҳан ва бутун вужуди билан қаршилик қилса ҳам, ўзини таҳқирланган сезган ҳолда жирканч билан итоат қилар, бунда ҳайвонсифат шармандали ниманидир туяр, хуллас, буни ярамаслик деб биларди.

Малай келганида Жюльен ундан ўзларига ажратилган хонага олиб боришини илтимос қилди. Ҳақиқий корсикалик бўлган, нақ кўзигача соқол босган малай ҳеч ниманинг фаҳмига бормаёй, хона элётар пайтида тайёр бўлади, деб уқтиришга тушди.

Жюльен аччиғи чиқиб, унга тушунтирди

— Бизга ҳозир керак Йўлдан чарчаб келганмиз, дам олмоқчимиз.

Малай шунда мийиғида кулиб қўйди. Жанна эса ноқулай аҳволда қолганлигидан қочиб кетгиси келарди.

Икковлари бир соатдан кейин пастга тушганларида Жанна ҳар бир малайнинг ёнидан ўтишга юзи чидамас, назарида, ҳамма шивир-шивир қилиб, ортидан кулишаётганга ўхшарди. Ичида Жюльенни ёзгирарди: у нозик ва сезгир уятчанлик, туғма сиполик етишмаслигининг фаҳмига бормасди. Жанна ўзи билан Жюльен орасида қандайдир парда, тўсиқ борлигини сезар ва биринчи марта иккита одам бир-бирларининг дилларига киролмасликлари, пинҳоний фикрларини билолмасликлари, қаттиқ кучоқлашганларича ёнма-ён одимласалар ҳам бегоналикларича қолганлик-

лари, маънавий вужудининг умр бўйи танҳо кезишига амин бўлаётганди.

Жанна билан Жюльен мовий кўрфазнинг ичкари томонида яширинган, бамисли темирчининг ўчоғидай қизиган, теварагини қоялар қуршаганидан озгина шабада ҳам эсмайдиган бу шаҳарчада уч кун туришди.

Бу муддат ичида саёхатлари режасини белгилаб олишди. Энг қалтис довлардан ўтишда чекинмаслик учун отларни ижарага олишадиган бўлишди. Улар Корсиканинг иккита озгин, чарчамайдиган отини олишди-да, каллаи саҳарлаб йўлга тушишди. Йўлбошловчи хачирда кетар, бу ёввойи ўлкада трактирлар йўқлигидан озик-овқатлар ҳам унда эди.

Йўл аввалига кўрфаз ёқалаб кетди, сўнгра асосий тепаликларга элтувчи пастроқ водийга бурилди. Дам-бадам деярли қуриб қолаётган жилғалардан ўтишга тўғри келарди. Кўзга аранг ташланадиган жилға худди пусиб ётган жонивордай тошлар тагидан зўрға жилдирарди.

Ерларига экин экилмаган ўлка мутлақо кимсасиздай туюлар, ёнбағирларни бундай жазирамада сарғайиб кетган бўйдор ўт-ўланлар босганди. Аҳён-аҳёнда пиёда, дуркун от ёки итдан катта бўлмаган эшак минган тоғлик учраб қоларди. Ҳар бир корсикаликнинг елкасида эски, зағб босган, ўқланган милтиқ бўлар, у даҳшатли қурол эди. Бутун оролни қоплаган хушбўй ўсимликларнинг нордон исидан ҳаво янада қуюқроқ туюларди. Йўл узун тоғ тизмалари оралаб кетганди.

Оч пушти ёки мовийсифат гранитнинг чўққилари кенг-кўлам манзарага афсонавий тус берарди. Қуйи ёнбағирлардаги каштанзорлар бу оролда баҳайбат туюлган ер қатламлари қаршисида яшил буталарга ўхшарди.

Йўлбошловчи гоҳо-гоҳо қўли билан тоғнинг баланд тиккаликларини кўрсатиб, бирорта номни айтарди. Жанна билан Жюльен ўша ёққа қарасалар ҳам ҳеч нимани кўришмас, кейинроқ ахийри чўққидан қулаган тошлар тўдасига ўхшаган қандайдир бўзранг нарсани илғашарди. Бу гранитлардан қурилган, ёнбағирликка қапишиб, нақ қуш пиндай осилиб турган ва баҳайбат тоғда деярли сезилмайдиган бирорта қишлоқ бўларди.

Битта-битта қадамлаб юриш Жаннанинг гашини келтирарди. У: «Тезроқ юрайлик»,— деди-да, отини йўрттира кетди. Эри кейинда отини йўрттираётганини сезмай, Жанна орқасига ўгириларкан, унинг ранги қув ўчганича отнинг елига ёпишиб, ғалати ирғиб-ирғиб келаётганини кўриб, ўзини туюлмамай, хахолади. Унинг кўркамлиги, «келишган ри-

цар»дай ўтириши, ўзини беўхшов тутаётгани ва қўрқаётгани янада қулғили кўрсатарди.

Йўлнинг уёғига отларини йўрттириб кетишди. Энди йўл, ёнбағирликни бутунлай босган ва поёни йўқдай туюлган ўрмон орасидан кетарди.

Булар маклар,<sup>1</sup> доимо ям-яшил турадиган эманлар, қора арча, супургигул, елимдарахт, итшумурт, арчагул, шамшод, мирта,<sup>2</sup> букса<sup>3</sup> бўлиб, соч уюмидай чалкашган, айиқтовон, баҳайбат қирққулоқлар, учқатлар, тошлоқ атиргуллари, розмаринлар,<sup>4</sup> лавандалар,<sup>5</sup> тоғолчалар уларни бир-бирига чирмаштириб, маташтириб ташлаганидан, бари йиғилиб, тоғ ёнбағирларини чакалакзордай қоплаганди.

Жанна билан Жюльен очиқиб қолишганди. Йўлбошловчи уларни қувиб етди-да, ажойиб чашмага бошлаб борди. Бунақа чашмадар тоғлик жойларда кўплаб учрайди. Бу чашманинг муздай суви тешик тошдан оқиб чиқар, ўткинчилардан бири каштан япроғини нов шаклида ўрнатиб кетганидан бу жилғачанинг шаффоф суви тўппа-тўғри оғизга тушса бўлаверарди.

Жанна азбаройи қувонганидан севинчини билдириб, қийқиргиси келарди.

Улар яна илғари кетишди-да, Сагон кўрфазини айланиб ўтиб, пастга тушиша бошлашди.

Кечга томон улар Каргезга етишди. Бу бир замонлар ватанларидан қувғин этилган греклар асос солган манзил эди. Ҳовуз бўйига бўйдор, чиройли, қўллари латиф, қадди-қомати ғоят келишган қизлар тўпланишганди. Жюльен уларга: «Хайрли кеч», деб қичқирганди, қизлар тарк этган ватанларининг ёқимли тилида, овозларини жаранглатиб жавоб қилишди.

Пианага келганларидан кейин гўё бир замонларда ёки қандайдир нотаниш юртда бўлганидек, бошпана сўрашларига тўғри келди. Жанна завқидан титраганича Жюльен тақиллатган эшик очилишини кутарди. Синалмаган йўлларида ҳар нима бўлиши кутилган мана шунақа саёҳатни чинакам саёҳат деса бўлади!

Улар ёшгина эр-хотиннинг уйига кириб қолишди. Уй эгалари буларни патриархлар худо йўллаган одамларни ку-

<sup>1</sup> Лолақизғалдоқ ва кўкнорини эслатувчи бир йиллик ҳамда кўп-йиллик бу ўсимликнинг юздан ортиқ тури мавжуд бўлиб, Европа мамлакатларида унинг мойли тури ўсади.

<sup>2</sup> Гули оқ, хушбўй, яшилгини йўқотмайдиган бута.

<sup>3</sup> Доимо кўм-кўк бўлиб турадиган бутанинг бир тури.

<sup>4</sup> Барги ва гулидан хушбўй мой олинадиган бутасимон ўсимлик.

<sup>5</sup> Лабсмон гуллалар онасига кирадиган ўсимлик.



тиб олишгандай қаршилашди. Жанна билан Жюльен эски уйдаги похол тўшакда ётишди. Уйнинг ёғочларини қуртлар илма-тешик қилиб ташлаган, улар ҳозир ҳам бемалол ўрмалаб юрганларидан уй бечора худди тирикдай гижирлар ва инқилларди.

Улар азонда йўлга чиқишди-да, кўп ўтмай қизил гранит ўрмони қаршисида тўхташди. Учли найзалар ҳам, устунлар ҳам, минорачалар ҳам шу ерда бўлиб, бу мўъжизавий шаклу шамойилларни замон, шамол ва денгиз тумани бунёд этганди.

Баландлиги уч юз метрча келадиган ингичка, юмалоқ, сертугун, илмоқсимон, ғаройиб шаклдаги бу хаёлий қоялар, дов-дарахтлар, ўт-ўланлар, ҳайкаллар, жониворлар, одамлар, жубба кийган роҳиблар, шоҳдор иблислар, баҳайбат қушлар, рўдаполар тўдаси, даҳшатли махлуқлар маконини эслатар ва улар қандайдир телбасифат маъбуднинг хоҳиши билан тошга айланиб қолгандай туюларди.

Жаннанинг тили сўзга келмас, юраги тўхтаб қолгандай эди. У Жюльеннинг қўлига ёпишганича оламнинг бу қадар сеҳрли гўзаллигига муҳаббат эҳтироси билан боқарди.

Улар бу чалкаш жойдан чиққанларидан сўнг, қизил гранит девор қуршаган янги кўрфазни кўришди. Ложувард денгиз эса қизил қояларни ўзида акс эттириб турарди.

Жанна: «Ё, худойим! Жюльен!» дегани деган, бошқа сўз тополмас, завқ-шавқидан томоғи қақраб қолган, кўзларидан ёш оқарди. Жюльен эса унга ҳайратда боқиб:

— Эркам, сенга нима бўлди? — деб сўради.

Жанна ёноқларини артиб, жилмайди-да, титроқ овозда жавоб қилди:

— Ҳечқиси йўқ... Бу, шундай... асабдан бўлса керак... ўзим ҳам билмайман... Мени бу ўта ҳайратга солди. Азбаройи, қувончимдан арзимас нарсалар ҳам қалбимни тўлқинлантираверади.

Жюльен Жаннанинг аёлларга хос асабийликни, табиатан серҳаяжон ва мутаассир бўлишганидан арзимас нарсадан ҳам ўта тўлқинланиши, завқ-шавқдан гўё фалокат юз бергандай аҳволга тушиши, таассуротлардан жунбишга келиши, қувонч ёки кулфатдан телба бўлаёзишларини ҳеч тушуномасди.

Жаннанинг кўз ёшлари унга кулгили туюлар, йўл машаққатлари бутун фикр-зикрини банд этганди.

— Отингга қараб юрсанг яхшироқ бўларди, — деб қўйди у Жаннага.

Улар кўрфаз бўйига деярли юриб бўлмайдиган сўқмоқдан тушишди, сўнгра тунд Ота водийсига кўтарилиш учун ўнганга бурилишди.

Йўлдан бирор яхшилик чиқадиганга ўхшамасди.

— Пиёда чиқақолганимиз яхши эмасми? — таклиф қилди Жюльен.

Жанна ёри билан бирга юриш ва ҳозиргина бошидан кечган нарсадан кейин холи қолиш имкони туғилганидан жон-жон деб рози бўлди.

Йўлбошловчи хачирда отларни етакка олиб олдда кетди; эр-хотин эса қияликка шошилмай кўтарила бошлашди.

Чўққисидан то тубигача ёрилиб кетган тоғ оралигидан сўқмоқ ўтарди. Даранинг пастиди эса кучли оқим шовуллаб оқарди.

Бу ернинг ҳавоси муздай, гранит қора туюлар, осмоннинг кўзга ташланаётган парчаси эса кўм-кўклиги билан одамни ҳайратга соларди.

Жанна ногаҳоний шовқин-сурондан кўрқиб кетди. У бошини кўтариб қараганида баҳайбат бир қуш қандайдир ёриқдан кўтарилаётганди. У бургут эди. Бургутнинг ёйланган қанотлари даранинг иккала деворига тегаётгандай бўларди. У юқори кўтарилиб, осмонда кўринмай кетди.

Тоғнинг ёрилган жойи бундан буён кенгайган, сўқмоқ икки жар оралигидан кескин бурилиб кетганди. Жанна бемалол ва енгил чопқиллаб борар, оёқлари тагидан тошчалар учар ва ҳеч тап тортмай жарлик тубига кўз ташларди. Эри эса ортда ҳаллослаб, юраги ваҳима тортиб, ердан кўз узмаган ҳолда келарди.

Кутилмаганда икковларига офтоб нури ёғилди. Улар гўё жаҳаннамдан чиққан каби томоқлари қақраганди. Қалашиб ётган тошлар орасидаги намли из кичкинагина жилгага олиб келди. Қўйчибонлар жилгага ўйма тарнов қилишганди. Теварак-атрофни эса йўсин босиб кетганди. Жанна сув ичгани чўккалади. Жюльен ҳам унга эргашди.

Жанна муздай сувдан лабларини ололмасди. Жюльен шунда унинг белидан қучиб, ёғоч тарнов ёнига тикилмоқчи бўлди. Жанна қаршилиқ қилар, икковларининг лаблари учрашар, тўқнашар, олислашарди. Ана шу олишувда дам Жанна, дам Жюльен тарновнинг энсиз жойини эгаллашарди. Муздай сув оқими эса эр-хотиннинг юз, бўйин, кийим ва қўлларига сачрарди. Сув томчилари уларнинг сочларида мисли марварид доналаридай ялтирарди. Улар сув ичиш баҳона бирга бир-бирларидан бўса ҳам олишарди.

Шунда Жанна ўйларини ишқий хаёл қамради. У оғзини зилол сувга тўлдирди-да, лунжини темирчининг дамидай шиширганича Жюльен оғзига оғзидан сув бермоқчилгини имо қилди.

Жюльен жилмайганича бошини кўтарди-да, кучоғини очди. У ана шу жонли чашмадан сув шимираркан, кучли хоҳиш вужудини забт этганди.

Жанна бениҳоя мойиллик билан унинг бағрига кирар, юраги типирчилар, кўкраги кўтарилар, кўзлари хира тортиб, намланарди. У зўрға эшитиладиган қилиб: «Яхши кўраман... Жюльен», — деди-да, уни ўзига тортиб, чалқанчасига йиқилди. Уялиб кетганидан у қўллари билан юзини яшириб олганди.

Жюльен ўзини унинг устига ташлаб, эҳтирос билан қуча бошлади. Жанна эҳтиросли интизорликдан нафасини ололмасди. Шунда ўзи ташна бўлган нарсасини сезганидан, яшиндан ҳайратлангандай, бирдан чиққариб юборди.

Жанна жуда толиққан ва ҳаяжонда бўлганидан қиялик устигача узоқ юришди. Улар фақат кечга яқин Эвизга, йўл бошловчининг қариндоши Паоли Палабреттининг уйига етишди.

Паоли Палабретти бўйдор, сал букчайган, кўринишдан бадқовоқ одам эди. Упкаси касал одамлар кўпинча қовоқларини очиб юришмайди. У ёшларни ўзларига ажратилган хонага бошлади. Бу тош деворли бефайз хона бўлса ҳам ҳашамни билмайдиган бу ўлка учун дабдабали саналарди. Уй эгаси французча билан итальянча аралаш-қуралаш бўлиб кетган Корсика лаҳжасида ёшларга меҳмоннавозлик изҳор этаётган паллада хонага жуссаси кичик, қорасоч, кўзлари ҳам қоп-қора, қирмизи юзли ва навниҳол жувон кириб келди. У тишларини ялтиратиб жилмайганича Жаннани уч-тўрт ўпди-да, Жюльеннинг қўлини силкиб сўрашди.

— Салом хоним, салом жаноб! — деди у тўхтов билмай. — Аҳволларингиз яхшими?

У бир қўллаб меҳмонларнинг рўмол, шляпаларини олишга қарашиб юборди, чунки иккинчи қўлини бўйнига осиб олганди. Сўнгра ҳаммаларини ташқарига чиқариб, эрига

— Бор, булар билан овқат пишгунича айланиб кел, — деб тайинлади.

Палабретти зумда хотинининг гапига кириб, Жанна билан Жюльенга қишлоқни кўрсатгани кетди. У ўртада оёғини арабг судраб босганча тили зўрға қалдираб, узлуксиз равишда йўталиб боради. Ҳар сафар йўтали босилганида

— Водий салқинроқ-да, мана ўпкам шамоллаб қолди, — деб қўярди.

У ёшларни ўт босган сўқмоққа олиб чиқди. Баҳайбат бантан тагида таққа тўхтаб, чўзинчоқ овозда гапира кетди.

— Мана шу ерда Матье Лори амакиваччам Жан Ришальдини ўлдирган. Қаранглар, мен манави ерда, Жаннинг ёнида

тургандим Матъе эса биздан уч қадам нарида бирдан пайдо бўлди-да: «Жан, Альбертачега йўлай кўрма! Сенга айтаяқман, Жан, йўлай кўрма, бўлмаса ўлдираман, сўзимга ишонавер!»— деди.

Мен Жаннинг қўлидан ушладим. «Борма, Жан, у чиндан ҳам сени ўлдиради».

Улар икковлари битта қизга, Полина Санакупига кўнгни қўйишганди.

Жан эса унга жавобан: «Йўқ, боравераман. Сен, Матъе, бунда халал беролмайсан»,— деб бақирди.

Шунда мен милтиғимга ёпишишга улгурмасимданоқ Матъе мўлжалга олиб отди.

Гапимга ишонсангиз, жаноб, Жан бола аргамчидан сакраб ўйнагандай икки футча баландга иргиб, устимга тушувди милтиғим анави катта каштаннинг тагига учиб кетди. Жаннинг оғзи очиқ бўлса ҳам бир сўз айтолмади, жони чиқиб кетганди-да.

Ёш эр-хотин бундай жиноятнинг бамайлихотир шоҳидига ҳайрат билан тикилишарди.

Жанна ундан:

— Қотилга нима бўлди?— деб сўради.

Паоли Палабретти жавоб беришдан олдин узоқ йўталди.

— Тоққа қочиб кетди. Утган йили уни акам ўлдирди. Менинг акам Филипп Палабреттини, бандитни биласизми?

Жанна чўчиб тушди:

— Акангиз бандитми?

Оқкўнгни корсикаликнинг кўзлари ғурурли чақнади.

— Ҳа, хоним, жуда ҳам номдор эди! Олти жандарми гумдон қилганди. Уларни Ниолода ўраб олишганида Никола Морали билан бирга ҳалок бўлди. Олти кун олишишди, бироқ очлик уларнинг силлаларини қуритиб қўйганди.

Палабретти: «Водий салқин-да» деганидай фалсафий оҳангга қўшимча қилди:

— Мамлакатимиздаги одатлар шунақа.

Шундан кейин тамадди қилгани қайтишди. Кичик жуссали аёл эса уларни гўё йигирма йилдан бери биладигандай айланиб-ўргиларди.

Жанна энди хавотирда қолганди. У Жюльеннинг қучогида булоқ бўйидаги йўсинда бошидан кечган, илгари ўзига нотаниш бўлган кучли эҳтирос тўлқинини қайтадан ҳис этармикин?!

Ётоқда икковлари холи қолганларида Жюльен эркалашга тушса беҳислигимча туравераман, деб қўрққанди. Бироқ орадан кўп ўтмай, бекорга қўрқувга тушганини, бу эса биринчи ишқ туни эканлигига амин бўлди.

Эртасига эрталаб, жўнаш фурсати етганида ўзига янги, бахтли палла бошлангандай туюлган бу харобгина уйдан айрилгиси келмасди.

У корсикалик бежиримгина бекани ўз хонасига чақирди-да, сизга Париждан бирорта арзимас совға юборсам майлими, бу ижара ҳақи эмас, хотира бўлиб қолади, деб розилигини олишга уринди. Жанна бу совғага қандайдир ирим билан қарарди.

Корсикалик жувон анчагача рози бўлмади. Ахийри кўнди.

— Майли, айтганингиз бўла қолсин, — деди у, — менга тўппонча юборинг, фақат кичкинагина бўлсин.

Жанна ҳайратдан оғзи очилиб қолди. Бека эса унинг қулогига гўё нозик, эзгу сирни айтгандай шивирлаб тушунтирди:

— Мен қайнимни ўлдиришим керак.

Жувон жилмайган кўйи ишламаётган қўлининг латтасини ечди-да, ханжар урилган жойини кўрсатди. Яра деярли битиб қолганди.

— Кучда баравар бўлмаганимда борми, — деди у, — мени ўлдирадди. Эрим мени рашк қилмайди, қанақалигимни билади, бунинг устига бетоб. Шунинг учун ҳам ғашлик қилмайди. Мен, хоним, чиндан ҳам ҳалол хотинман. Қайшим эса қаёқдаги миш-мишларга ишониб, эримнинг ўрнига рашк қилади. У менга яна ташланади, албатта. Менинг эса тўппончам бўлади, ўшанда ҳеч балодан қўрқмайман, ўзимни химоя қила оламан.

Жанна тўппонча юборишга ваъда бериб, янги дугонасини меҳр билан ўпди-да, яна йўлга равона бўлди.

Саёҳатнинг охири Жаннага тинимсиз оғушлар, сархуш этувчи эркалашлардан иборат бир тушдай бўлди. Унинг кўзига ҳеч нима — манзаралар ҳам, одамлар ҳам, ўзи қўналга қилган шаҳарлар ҳам кўринмасди. Унга фақат Жюльен бўлса, бас эди.

Шундан кейин улар болалардай иноқлашиб кетиб, ишқий майнавозчиликлар қилиша бошлади. Улар бир-бирларига ажойиб ва бемаъни сўзлар айтишар, лаблари баданларидаги ёқтириб қолган барча чизик, чуқурча ва дўмпайган жойларни эркаловчи номлар билан аташарди.

Жанна одатда ўнг ёнбошида ётар, уйғонганида чап кўкраги кўпинча ташқарига чиқиб қоларди. Жюльен бўлса буни пайқаб қолганидан унга: «Уйинқароқ» деб лақаб қўйди. Иккинчисини эса: «Мазахўрак» дерди, чунки кўкракнинг очпушти учи бўсага жуда таъсирчан эди.

Кўкраклар оралигидаги чуқур «баронессанинг хиёбони»

деган ном олди, нега деганда Жюльеннинг тумшуги доимо унга суркалгани суркалганди. Бошқа, пастроқдаги пинҳоний чуқурча Ота водийси хотирасига «Дамашқ йўли» деб аталди.

Бастияга етиб келганларидан кейин йўлбошловчи билан ҳисоб-китоб қилиш керак бўлиб қолди. Жюльен чўнтақларини кавлаштирди. У керакли тангани топа олмаганидан кейин Жаннага мурожаат қилди:

— Онангнинг пулини ишлатмаётганингдан кейин менга бериб қўяқол Менда тинчроқ туради, қоғоз пулларни майдалатиб овора бўлмайман.

Жанна ҳамёнини унга узатди.

Икковлари Ливорнога ўтишди, Флоренцияда, Генуяда бўлишди, Италия Ривьерасини бошдан-оёқ айланиб чиқишди.

Шамолли субҳидамлардан бирида яна Марселга келиб қолишди.

Улар «Теракзор»дан жўнаганларидан бери икки ой ўтганди. Бугун ўн бешинчи октябрь эди.

Жанна олис Нормандиядан эсаётган совуқ шамолдан хомуш тортиб қолди. Жюльен бир ойдан бери ўзгарган, толиққан, лоқайд кўринарди. Жанна хавотирга тушар, бунинг сабабини ўзи ҳам билмасди.

Жанна қайтишларини яна тўрт кун орқага сурди, унинг ана шу оромбахш, серқуёш ўлкалардан ажралгиси келмасди. Назарида, гўё бахтнинг ўзига тегишли ҳиссасини олиб бўлганга ўхшарди.

Улар ахийри жўнаб кетишди. «Теракзор»да бутунлай ўрнашиб қолиш учун Парижда талай нарсаларни харид қилиш зарур эди. Жанна ҳам онаси берган пулга бу ердан бир талай ажойиб нарсалар олиб кетишини ўйлаб-суюнарди. Бироқ биринчи навбатда эвизлик ёш жувонга тўппонча олишни сира ҳам хаёлидан чиқармасди.

Парижга келган кунларининг эртасига у Жюльенга

— Азизим, ойим берган пулни қайтарсанг, у-бу олмоқчийдим,— деди.

Жюльен унга ўгирилди-да, норози қиёфада

— Сенга қанча керак?— деб сўради.

Жанна ажабланганидан:

— Хўш... берганингни беравер,— деб гўлдиради.

Жюльен ўзича қарорга келди:

— Мана сенга юз франк, фақат беҳудадан беҳудага сарф қилма.

Жанна азбаройи гангиб хижолатда қолганидан нима дейишини билмасди

Ниҳоят у ботинмайроқ деди:

— Бироқ... ахир... мен пулни сенга...

Жюльен унинг гапини шартта кесди:

— Тўппа-тўғри. Ҳамёнимиз энди бир бўлганидан кейин у сенда турадими ё мендами — бари бир эмасми. Мен ҳам йўқ демай сенга юз франк беряпман-ку.

Жанна бир оғиз сўз айтмай бешта тилла тангани олди. У бошқа пул сўрашга ботинолмай, фақат тўппонча сотиб олди.

Улар бир ҳафтадан кейин уйларига, «Теракзор»га жўнашди.

## VI

Устунлари гиштин оқ ихота ёнига Жаннанинг ота-онаси ва хизматкорлар тўпланишганди. Почтанинг соябон араваси келиб тўхтаганидан кейин, бир-бирларини бағирларига босганларича сўраша кетишди. Онаси йиғи-сиғи қилар, Жаннанинг кўнгли бўшашиб кетганидан кўз ёшларини артиб, қўяр, отаси асабийлашган ҳолда у ёқдан-бу ёққа юрарди.

Хизматкорлар юкларни туширишаётганларида меҳмонхонада, камин ёнида саёҳат борасида ҳикоя кетарди. Жанна тинимсиз равишда сайрарди. Ярим соат ичида, шошилиничда четда қолган баъзи бир майда-чуйдаларни ҳисобга олмаганда, кўрган-билганларининг деярли барини айтиб берди.

Жанна шундан кейин чамадонларидаги нарсаларни жойлаштиргани турди. Унга Розали қарашар, оқсоч бечора ҳам ҳаяжонда эди. Бу ишлар тугаб, ички кийимлар, кўйлақлар, пардоз-андоз буюмлари жой-жойига қўйилганидан кейин оқсоч бекасини холи қолдирди. Жанна шунда толиққанидан креслога чўкди.

Энди у буёғига нима иш қилишни билмас, хаёлан ақлини нимага ишлатишни, нимага қўл уришни билмасди. Онаси мудраб ўтирган меҳмонхонага тушгиси келмасди. Бир айланиб келмоқчи ҳам бўлди. Бироқ теварак-атрофнинг кўриниши азбаройи тундлигидан деразадан бир қарашдаёқ юраги сиқилди қолди.

Жанна шунда ногихон бундан буён бирорта иш қилмай умри бекорчиликда ўтажагини фаҳмлади. Монастирда кечган ёшлик йилларида келгусини ўйлаб, орзу-умидлардан боши чиқмасди. Ушанда тўлқинлантирувчи умидлар ҳамма вақт вужудини забт этганидан, кунлари қандай ўтганини ҳам сезмасди. Орзулари гуллаган монастирнинг табаррук деворларини тарк этганидан кейин кутган севгисига етишди. Кимни кутди-ю, кимни учратди, кўнгила қўйиб, турмушга

чиқди — буларнинг бари бир неча ҳафта ичида шоша-пиша амалга ошди-қўйди. Уша одам Жанна ҳатто эс-ҳушини йиғиштириб олмасданоқ уни ўз оғушида олиб кетганди.

Мана энди эса ширин орзулар оламининг дастлабки кунлари оддий кунларга айланди, булар эса мужмал армонлар, номаълум нарсалардан ажиб энтиқишларнинг йўлини беркитиб қўйганди. Ҳа, энди интизор бўладиган нарсанинг ўзи ҳам қолмаганди.

Бундан чиқди бугун ҳам, эртага ҳам, хуллас, умрининг охиригача ҳам қиладиган иши бўлмайди. Жанна буни дилда орзулари камайган ҳолда сезаркан, тобора умидсизликка тушарди.

У ўрнидан туриб, пешонасини деразанинг совуқ ойнасига қўйди. Қора булутлар сузаётган осмонга пича тикилиб турди-да, сўнгра уйдан ташқарига чиқишга қарор қилди.

Наҳотки, бу, май ойидаги ўша боғ, ўша майсалар бўлса? Япроқларнинг офтобда товланиши, майсазорнинг, момақаймоқларнинг оловли кўринишлари, лолақизғалдоқларнинг алвон чаноқлари, дасторгулларнинг юлдузчалари ва ажиб сарғиш капалаклар кўринмас ипга тизилганларича липиллаётган пайтдаги файзи қайга йўқолди? Бу ернинг ҳаётга, ҳушбўй исларга, уруғли чангларга тўйинган сархуш ҳавосидан ҳам асар қолмаганди.

Кузнинг тинимсиз жалалари ювиб, тўкилган япроқларнинг қалин гилами қоплаган хиёбон қалтироқ, деярли яланғоч тераклар орасида ястаниб ётарди. Дарахтларнинг шохларидаги ҳали атрофга сочилиб улгурмаган сўнги япроқларни шамол тўзғитарди. Ана шу охириги, сап-сарик, улкан олтин тангаларга ўхшаган барглар ҳам уззукун тинимсиз равишда нақ телба, ўта зериктирарли эзгин ёмғирдай дарахтлардан учишар, чаппар уришар, парвоз қилишар ва ерга туришарди.

Жанна дарахтзоргача борди. У ҳам хастанинг хонасидай юракни сиқарди. Чиройликкина эгри-бугри йўлкаларни ажратиб турган ям-яшил буталар ҳам япроқларини тўкканди. Нақ нав-ниҳоллардан тўқилгандай бир-бирларига киришиб кетган буталар яланғоч бутоқларини суйкашар, ердаги шамол безовта қилиб, учириб, тўдалаётган япроқларнинг шитирлаши жон бераётган одамнинг вазмин нафас олишига ўхшарди. Митти қушлар чийиллаганларича у ер-бу ерда бошпана излаб, сакраб-сакраб юришарди.

Денгиз шамолларини тўсиш учун зич турган қайрағочлар эса арғувонлар билан чинорларнинг ёзги либосини сақлаб қолишганди. Шунинг учун ҳам улар қилт этмай туришар, арғувонлар алвон бахмал, чинорлар эса тўқсарик



атлас либос кийганга ўхшашар, илк совуқлар туфайли ўзларининг шарбатлари рангини олгандилар.

Жанна онасининг хиёбонидан у ёқдан-бу ёққа юрганида Куярларнинг фермаси ёнидан ўтарди. Гўё бундан бир хилдаги ҳаётининг узундан-узоқ кунлари зерикшида ўтишини олдиндан сезаётгандай юраги ғаш бўларди.

Сўнг Жюльен севгидан биринчи бор оғиз очган кўтармага ўтирди. Гўё у эс-ҳушини йўқотгандай ҳеч нимани хаёлига келтирмай ўтирар ва ўта толиққанини сезарди. Унинг ётиб ухлагиси, бугуннинг ғам-ташвишларидан холи бўлгиси келарди.

Жанна бирдан осмонда шамол хуружида қолган оқ чорлоқни кўриб қолди-да, Корсикадаги бургутни эслади. Қандайдир гўзал ва эндиликда кечмиш бўлган нарсани эслаганидай юраги увишди. Шунда кўз олдига дарҳол муаттар ҳидли, офтобида апельсинлар ва лимонлар етиладиган, тоғларининг чўққиларида гуллар ўсган, кўрфазлари мовий ва дараларида сув шовуллаётган ажойиб орол келди.

Жанна теварагидаги кузги намхушлигу ҳазонрезгилик ва шамол қуваётган бўзранг булутларни кўриб азбароий юраги қисилди, ҳўнграб юборишдан қўрқиб, уйга қайтишга ошиқди.

Ойиси камин олдида бўшашиб, мудраб ўтирарди. Баронесса кунлари бир хилда ўтишига кўникиб кетган, юраги сиқилмасди ҳам. Отаси билан Жюльен айланиб, ишлардан гаплашгани чиқиб кетишганди. Кеч кираётганидан катта хонани тунд қоронгилик босаётган, уни каминдаги оловнинг оний ловуллашларигина ёритиб турарди.

Деразадан кундузининг сўнгги ёруғида кеч кузнинг бадқовоқ манзараси ва бўзранг, бошдан-оёқ намхуш бўлган осмон кўриниб турарди.

Орадан кўп ўтмай барон билан Жюльен қайтиб келишди. Барон қоронғи меҳмонхонага кираркан, дарҳол қўнғироқ чалиб, ҳайқирди:

— Тезроқ, тезроқ келтиринглар, бўлмаса бу ерда юрак сиқилиб кетади!

У камин олдига ўтирди, нам тортган этигини оловга тутганидан буғ кўтарилар, таг чармидан қуриган лой кўчиб тушар, у эса қўлларини хурсанд ҳолда ишқаларди.

— Аёзли кунлар бошланадиганга ўхшайди,— деди у,— шимол томон тиниқ, бугун эса ой янги бўлади. Кечаси совуқ зўраяди.

Шундан кейин у қизига ўгирилди:

— Хўш, қизгинам, ватанингга, уйингга, чол-кампининг ёнига қайтганингдан хурсандмисан?

Жанна бу-оддий саволдан жуда ҳам тўлқинланиб кетди. Кўзларида ёш айланди. У отасига ўзини отиб, жонқолатда ўпа бошлади, бу билан гўё ўзини хушчақчақ кўрсатишга қанчалар уринмасин, дили ниҳоятда ғашлигидан узр сўраётганга ўхшарди. Ота-онасини кўрганида қанчалар хурсанд бўламан, деб ўйлаганини эслади. Ҳозир эса ўзининг ҳар қандай меҳрни йўқотадиган лоқайдлигидан ҳайратда эди. Айрилик кунларида яхши кўрган одамларингни кўп ўйлайсан, бироқ уларни кўриб туришдан соат сайин узоқлашасан. Ўша одамлар билан учрашганда яна тотув бўлиб кетгунча сал бегонасираб турасан, киши.

Тамадди анчага чўзилди, ҳеч кимдан садо чиқмади. Жюльен, афтидан, хотинини унутганга ўхшарди.

Жанна шундан кейин меҳмонхонада, камин олдида, қаттиқ ухлаётган онасининг рўбарўсида мудраб олди. Бир-бирлари билан тортишаётган эркакларнинг овозларидан уйғониб кетаркан, наҳотки барча нарсага кўниктириб кетаверадиган тирикчилик ботқоғи мени ҳам қаърига тортса, деб ўзига келишга уринди.

Каминдаги кундузи эринибгина ва қизгиш кўринадиган аланга энди жонланиб, авж оларди. У креслоларнинг тулки билан турна, хафақон қарқара, ниначи билан чумолининг тасвирлари туширилган униққан авраларини нотекис шуъласи билан ёритарди.

Барон яқин келиб, жилмайганича каминдаги ловуллаб ёнаётган чалаларга қўлини тутди:

— Ўхў! Бу оқшом зўр ёняпти-ку. Ташқарида эса совуқ бўляпти, болаларим, совуқ.

Кейин Жаннанинг елкасига қўл ташлаб, оловга ишора қилди:

— Кўрдингми, қизгинам, оламдаги энг асосий нарса — ўчоқ ва ўчоқ теварагидаги оиланг. Бундан яхшироқ ҳеч нарса йўқ. Бироқ, менимча, ётадиган пайт келди. Сизлар жуда толиққан бўлсангизлар керак-а, болаларим?

Жанна ётоғига кўтарилар экан, одамнинг биргина севимли масканига қайтиши ҳар сафар ҳар хил бўлиши хусусида ўйлади. Нима учун юраги ғаш, нимага уйи ҳам, жонажон ўлкаси ҳам, ўзига қадрли бўлган барча нарсалар ҳам юрагини бу қадар эзяпти?

Ногаҳон соатга кўзи тушиб қолди. Асалари илгаригидай зарҳал гуллар узра чапдан ўнгга ва ўнгдан чапга илдам ва бир текисда учиб турарди. Шунда Жанна ўзига вақтни билдириб, тирик юракдай жон куйдираётган бу кичкина механизмга жуда ҳам меҳри товланиб, дили ёришиб кетди.

У отаси билан онасини кучоқлаганида бунчалар аҳволга тушмаганди. Юракнинг ақл бовар қилмайдиган ўзига яраша жумбоқлари бўлади.

Жанна турмушга чиққанидан бери биринчи марта ўрнида ёлғиз ўзи ётарди. Жюльен эса чарчаганини баҳона қилиб, бошқа хонада чўзилганди. Айтгандай, улар ҳар бирларининг ётоқлари алоҳида бўлишини илгаридан келишиб қўйишганди.

Жанна анчагача кўз юмолмади, ёнида бировнинг йўқлиги ва ўзининг ёлғиз ётишлиги галати туюларди. Томда қутураётган шимолнинг ёвуз шамоли ҳам хавотирга соларди.

Эрталаб у каравотини алвон тусга бўяган ёруғ нурдан уйғонди. Қиров босган деразалар гўё бутун осмонни олов босгандай беҳад гўзал кўрсатарди.

Жанна кенг-кўлам пенюарига<sup>1</sup> ўралганича деразага югургилаб келиб, уни ланг очиб юборди.

Хонага ёпирилиб кирган майини ва жулжиктирувчи совуқ шамол Жаннанинг юзига бамисоли игидаёй санчилганидан кўзлари ёшланиб кетди. Қизаринқираган уфқдаги улкан, ловуллаётган, ароқхўрнинг афтидай кўпчиган қуёш дарахтлар ортидан аста кўтариларди.

Қиров тушиб, қотиб қолган қуруқ ер ферма хизматчиларининг оёқлари тагида гижирилди. Теракларнинг ҳали япроқлари турган шохлари бир кечанинг ўзида яланғочланиб қолган, ялангликнинг нариги ёғида, олисда океanning оқ тарам-тарам йўллари қоплаган кўкми тир кенг бўлаги кўзга ташланарди.

Чинор билан қайрағоч киши кўз ўнгида кўркидан айрилишаётганди. Муздай шамол ҳар гувилаганида тўсатдан тушган совуқдан тўкилган япроқлар қуш тўдаларидай учарди. Жанна кийиниб, ташқарига чиқди-да бекор турмаслик учун фермерларни йўқламоқчи бўлди.

Мартэнлар уни қучоқ ёзиб, кутиб олишди, бека эса иккала юзидан ўпди. Кейин қўярда-қўймай олча данагида етилтирилган бир қадаҳ ичкилик тутишди. Жанна шундан кейин иккинчи фермага йўл олди. Куярлар ҳам уни қучоқ очиб қаршилашди, бека у қулогидан ҳам, бу қулогидан ҳам ўпди. Бу ерда ҳам қорағатдан тайёрланган ичкиликдан тотишга тўғри келди. Сўнг Жанна нонушта қилгани изига қайтди.

Бугун ҳам кечагидай ўтди, фақат ёмғир ёғмай совуқ бўлди, холос. Ҳафтанинг қолган кунлари дастлабки икки

---

<sup>1</sup> Аёлларнинг юпқа газламадан тикилган ва эрталаб киядиган яқтак бичим либоси.

нга ўхшарди. Ойнинг барча ҳафталари ҳам биринчи ҳафтага ўхшаган бўлиб чиқди.

Жаннадаги олис ўлкаларни қўмсаш ҳисси аста-секин сўнди. Баъзи бир сувлар буюмларда оҳак доғи қолдиргандай Жаннанинг табиатида ҳам итоатгўйлик кучайиб, кундан-кунга тақдирга тан бериб борарди. Кундалик турмушнинг майда-чуйдаларига эътибор берар, оддий юмушларга ҳам қизиқиб қарарди. Унда ўзига яраша ҳаёлчан маъюслик, ҳаётдан қандайдир умидсизланиш ҳисси кучайиб борарди. Унга нима керак эди ўзи? Кўнгли нимани тиларди? Буни унинг ўзи ҳам билмасди. Унда оқсуякларга хос кўнгилхушликларга майл ҳам қолмаган, маишатларга қизиқиш йўқолган, ҳатто ўзининг ихтиёридаги ўйин-кулгиларга ҳам тоқати йўқ эди. Дарвоқе, қандайларига? Меҳмонхонадаги вақт ўтиши билан эскирган креслоларга ўхшаб, барча нарсалар унинг назарида аста-секин уникқан, сийқаси чиқиб, тунд, қорамтир тусга кирганди.

Унинг Жюльен билан муносабати ҳам бутқул ўзгариб кетди. Тўй саёҳатидан кейин у ролини ўйнаб бўлиб, яна асли ҳолига қайтган актёрга ўхшаб, бутунлай бошқача бўлиб қолди. Жаннага у деярли парво қилмас, қарийб гаплашмасди ҳам. Уртада муҳаббат деган нарса гўё бўлмагандай эди. У аҳён-аҳёндагина тунни Жаннанинг ётоғида ўтказарди.

Жюльен мулкни бошқаришни ва хўжаликни ўз қўлига олган, ижара муддатларини текширар, деҳқонларнинг талобларини тортар, сарф-харажатларни қирқарди. Ўзини салкам помешчик, салкам фермер сифатида тутганидан куёвлик пайтидаги бор кўркемлиги-ю, бор фазилатини йўқотганди.

Жюльен бўйдоқлигидаги кийим-кечаклари орасидан ҳаммаёғини доғ босган, бахмалдан тикилган овчилар либосини топиб олиб, кийиб юрар, уни сира устидан туширмасди. Бировга хуш келишни ўйламаган бепарво одамдай соқолини олмай қўйганидан ўсиқ соқоли уни жуда хунук кўрсатарди. У қўлига ҳам қарамай қўйган, ҳар сафар тамадди қилганидан кейин тўрт-беш қадаҳ коньяк ичарди.

Жанна бир куни унга йўли билан тушунтирмоқчи бўлганида Жюльен: «Мени тинч қўй, эшитяпсанми?» деб гапини шартта бўлди. Жанна шундан кейин унга бирорта маслаҳат беришга ҳам журъат этолмади.

Жанна ўзи ҳам сезмаган ҳолда тақдирга тан берди, ҳаётидаги бу ўзгаришларга кўникди қолди. Жюльен энди бегона одам бўлиб қолган, унинг юрагини ҳам, вужуди қанақалигини ҳам тушунолмасди. Жанна икковлари қандай

қилиб учрашганлари, бир-бирларига кўнгил қўйганлари, ҳавас билан турмуш қурганлари, сўнгра мутлақо бирга ётмаган одамлардай бир-бирларига мутлақо бегона бўлиб қолганлари қандай рўй бергани борасида тез-тез ўйларди.

Жанна нима учун эрининг бепарволигидан деярли куйинмайди?! Демак, ҳаётда шундай бўлиши керакми?! Ёки икковлари ҳам хато қилишдими?! Наҳотки, келажак унга ҳеч нимани ваъда қилмаса?

Мабодо Жюльен илгаригидай кўркем, силлиқ, башанг, мафтункор бўлганида борми, Жанна эҳтимол кўпроқ азоб чекарди.

\* \* \*

Хонадонда янги йилдан кейин ёшлар шу ерда ўзлари қолишлари, чол билан кампир эса Руандаги уйларига бир неча ой бориб туришларига қарор қилинди. Келин-куёв бу ерга бутунлай ўрнашиб қолиш, умргузаронлик қиладиган жойга кўникишлари учун қишни «Теракзор»да ўтказишлари лозим эди. Айтмоқчи, Жюльен ҳам хотинини кўниқўшниларга — Бризвиль, Кутелье ва Фурфиль хонадонлари билан таништириш ҳаракатида эди.

Эр-хотин ҳам бу хонадонларга ташриф буюриша олмас, нега деганда, соябон аравадаги гербни ўзгартириб берадиган мусаввирни топиш мушкул бўлаётганди.

Барон ўзининг эски оилавий экипажини куёвига берган, бироқ Жюльен де Ламар авлодининг герби Ле Пертюн де Во авлодининг герби билан бирлашмагунча кўшни мулкларда кўринишга сира ҳам унамасди.

Бу ерда геральдик<sup>1</sup> безаклар бўйича фақат биттагина уста бўлиб, у больбеклик, фамилияси Батайль бўлган мусаввир эди. Уни нормандлар қасрларига экипажларнинг эшикларига хўжайинларга бебаҳо бўлган эмблемаларни ўзгартиргани устма-уст қақриб туришарди.

Ниҳоят, декабрь тонгларидан бирида жаноблар понуштани тугатиб турган пайтларида бир одам кўча эшикни очиб, тўппа-тўғри уйга қараб кела бошлади. Елкасида қутиси кўринарди. У ўша Батайль эди.

Уни емакхонага олиб кириб, нақ тўрадай понушта беришди. Нега деганда ҳунари, шу ердаги зодагонлар билан доимо муомалада бўлиши, геральдикани, унинг махсус терминологияси ва барча хусусиятларини билиши Батайлни жонли гербчига айлантириб қўйган, дворянлар ҳам кўрганда қўлини сиқиб қўйишарди.

---

<sup>1</sup> Герблар ва уларнинг тарихи.

Емакхонага қалам-қоғоз зумда келтирилди. Батайль та мадди қиларкан, барон билан Жюльен ўзларининг тўрт қисмга бўлинган герблари қораламасини қилишди. Баронесса бу мавзуда гап кетганда ҳар маҳалгидай шоқшилиб қолиб, маслаҳатлар берарди. Ҳатто Жанна ҳам қандайдир бемалол ҳиссиёт таъсирида бунга қизиқиб қолиб, муҳоамада қатнашди.

Батайль танавул қилар ва аини пайтда ўзининг фикрини ҳам айтиб турарди. Гоҳо қаламни олиб, эскиз чизар, мисоллар келтирар, музофотдаги барча помешчикларнинг от-аравалари қанақалигини баён қилар ва теварагидагиларга ўзининг борлиги, гапириши ва ҳатто овози билан зодагонлар руҳини сездирадди.

У паст бўйли, оқ сочи калта олинган одам бўлиб, қўлларида бўёқ юқи қолган, ҳаммаёғидан скипидар ҳиди келарди Илгари бу одамнинг кўп бадахлоқликлар қилгани борасида миш-мишлар юрарди. Бироқ, номдор хонадонларнинг уни якдил ҳолда хурмат қилишлари бу доғни ювиб ташлаганди.

Батайль қаҳвани ичиб бўлганидан кейин уни соябон арава турган жойга бошлаб боришди. Араванинг гилофини олишди Батайль уни кўздан кечиргандан кейин гербнинг ҳажми борасида кеккайиброқ фикр айтди-да, яна гаплашиб олганидан кейин ишга киришди.

Баронесса ҳаво совуқлигига қарамай, Батайльнинг ишини томоша қилишни истаганидан кресло келтиришларини буюрди Орадан кўп ўтмай оёғи совқотиб, грелка талаб қилди. Шундан кейин мусаввир билан бемалол суҳбатлаша бошлади, ундан ўзига ҳали номаълум бўлган нарсалар, чунончи, ким кимни олгани, яқинда кимлар қаёққа қилгани-ю, кимлар фарзанд кўрганини суриштирди-да, хотирида қолган нарсаларни шажара борасидаги янги маълумотлар билан тўлдирди.

Жюльен қайнатасининг ёнида, стулга мишиб ўтирарди. У трубка чекиб, ерга туфлаб, гапга қулоқ солар, зодагонлигини бўёқларда мусаввир қандай акс эттираётганлигини кузатарди

Орадан кўп ўтмай, елкада белкурак билан томорқасига кетаётган Симон амаки мусаввирнинг ишини кўргани тўхтади. Батайльнинг бу ерга келганини эшитган иккала фермернинг хотинлари ҳам зум ўтмай етиб келишди. Улар баронессанинг ёнида туриб, ишга ҳаваслари келар ва:

— Устаси тушмагур-е, чизаётган нарсаларини қарагил! дейишларини қўйишмасди.

Мусаввир эртасига соат ўн бирда араванинг иккала

эшигига герб тасвирини тушириб бўлди. Шунда ҳаммалари тезда йиғилишди. Яхшироқ кўринсин деб соябон аравани ҳовлининг ўртасига гилдиратиб чиқишди.

Устанинг иши бенуқсон бажарилганди. Уй эгалари Баттайлни бараварига мақташди, у эса қутисини орқалаганича жўнаб қолди. Барон, хотини, Жанна ва Жюльен яқдиллик билан, мусаввир яхши одам экан, шаронти дуруст бўлганида шак-шубҳасиз ундан чинакам санъаткор чиқарди, деган фикрга келишди.

Жюльен иқтисод маъносида қатор ислоҳотлар қилди. Бу ислоҳотлар ўз навбатида янги ўзгартишларни талаб этарди.

У аравани ўзи ҳайдашга қарор қилганидан аравакаш чолни боғбонликка ўтказди, ем-хашакка тушмаслик учун аравага қўшиладиган отларни сотиб юборди.

Жаноблар аравадан тушаётганларида отларни кимдир тутиб туриши керак бўлганидан чўлоқ Мариусни сайёр малай қилиб қўйди.

Жюльен ниҳоят қўл остида от бўлиши учун Куяр билан Мартэнларнинг ижара шартномаларига алоҳида модда киритди. Унга кўра, иккала фермер ойда бир марта Жюльен айтган куни биттадан от бериб туришлари керак эди. Бунинг эвазига улар парранда топширишдан озод қилинганди. Шунинг учун ҳам Куярлар бир куни баҳайбат саман қирчангини, Мартэнлар эса оппоқ, пахмоқ ва жусаси кичик отни олиб келганларида икковини аравага қўшишди. Мариус Симон амакининг эски уқали кийимига кўмилиб соябон аравани хўжайиннинг уйига кўндаланг қилди.

Жюльен ўзининг у ёқ-бу ёғига қараб, илгаригидай башанг бўлиб олганди. Бироқ узун соқоли уни беўхшов кўрсатарди.

У отларни, соябон аравани, малай болани кўздан кечирди-да, қаноат ҳосил қилди. Чунки, унга ҳозир ҳаммасидан кераклиси герб эди.

Баронесса ётоғидан эри билан қўлтиқлашиб чиқди-да, аравага базўр кўтарилди ва болишга суянганича ўтирди. Жанна ҳам кўринди. Олдинига у отлар бир-бирига номуносиблигидан кулди. Унинг гапига қараганда, оқ той саманининг неварасига ўхшарди. Кейин эса Мариусга кўзи тушиб қолди. Боланинг юзи нишонли шляпанинг тагида қолиб кетган, фақат бурнигина уни тутиб турар, қўли енга кўринмас, оёқлари юбкадай уқали кийимнинг этагида бўлиб, настандан баҳайбат бошмоқларигина кўзга ташланиб қоларди.

Жанна бола олд томонни кўриш учун бошини кўтаришини, юрмоқчи бўлганида гўё дарёни кечмоқчидай оёғини олдинга ташлашини, буйруқни бажаришга киришганида кенг-кўлам либосига ўралишганича таваккалига юришини кўриб турарди. Шунда у ўзини тутолмай, тинимсиз куларди.

Барон ўгирилиб, гангиб қолган болани кўраркан, Жаннага қўшилиб, хахолади-да, хотинига:

— Ма-ма-ма-риусни қа-ра... я, ана томоша! Ё парвардигор, ана томоша!— деди.

Шунда баронесса ҳам деразадан қаради-да, Мариусни кўриб хахолай бошлаганди, арава нақ ўнқир-чўнқирдан кетаётгандай чайқала бошлади. Жюльен эса ранги оқариб сўради:

— Нимага бунақа куляпсиз? Эсингизни еб қўйдингиз, шекилли!

Жанна ўзини босолмай беҳол бўлиб, нафаси чиқмай қолганидан ахийри зинапояга чўкди. Барон ҳам шундай қилди. Аравадан эшитилаётган энтикиб-энтикиб пишиллаш ва тинимсиз пиқир-пиқир баронессанинг ичаги узилгудай бўлаётганининг исботи эди. Мариуснинг уқали кийими ҳам бирдан лопиллаб қолди, у афтидан гап нимадалигини пайқади шекилли, цилиндрини ликиллаганича мириқиб куларди.

Жюльен дарғазаб бўлганидан унга ташланиб, шапалоқ солганди, боланинг каттакон шляпаси ўтлоққа учиб тушди. Жюльен шундан кейин қайнотасига ўгирилиб, ғазабдан тутила-тутила хириллади:

— Сиз ҳеч нимадан кулмасангиз ҳам бўларди. Ҳозирги аҳволимизга маймун йиғлайди, чунки сиз бойлигингизни йўқотиб, бор-йўгингизни кўкка совурдингиз. Хоनावайрон бўлганингизга ким айбдор?

Бер хурсандчилик бир лаҳзада тугади. Ҳеч ким миқ этиб оғиз очмади. Жаннанинг хўрлиги келиб турса ҳам онасининг ёнидан жой олди. Барон индамай ва гангиган ҳолда иккала аёлнинг рўбарўсига ўтирди. Жюльен эса шапалоқдан ёноғи шишиб, ҳиқ-ҳиқ қилаётган болани аравадаги жойига олиб чиққанидан кейин ёнига ўрнашди.

Йўлга хомуш чиққанларидан у олис туюлди. Аравадагилар миқ этишмасди. Учовлари ҳам маънос ва хижил бўлганларидан юраклари нимадан хавотирдалигини бир-бирларига айтишни исташмасди. Ҳаммалари битта нарсдан эзилиб кетаётганлари учун бошқа нарсдан гап очмасликлари кераклигини сезишар, шунинг учун жимгина кетишни маъқул кўришарди.

Отлар нотекис йўртган ҳолда соябон аравани фермер-



ларнинг ҳовлилари ёнидан олиб ўтарди. Гоҳида арава қора товуқларни чўчитиб юборар, товуқлар шунда гизиллаганларича ўзларини ғовлар тагига уришар, гоҳо бирорта овчарка ит вовулаганича уларни қувиб қоларди-да, сўнгра уйига бурилар, бироқ у ёқ-буёғига қараб, ҳурпайганича араванинг кетидан вовуларди.

Гоҳо рўбарўдан оёқлари узун, лойга ботган ёғоч бошмоқ кийган йигит келаётган бўларди. У қўлларини шамол яғринини шишириб турган кўк блузасининг чўнтагига солиб, эринибгина одимларди. У аравани ўтказиб юбориш учун ўзини чеккага олиб, бошидан картузини бесўнақайроқ ечаркан, чаплашиб кетган сочлари кўзга ташланарди.

Фермалар оралиғида пасттекисликлар бўлиб, олнса сочма ҳолдаги бўлак фермалар ҳам кўзга ташланарди.

Соябон арава нақ йўлдан бошланадиган кенг арчазор хиёбонга кирди. Арава лойқа тўла чуқурларга тушганида қийшайиб кетар, баронесса эса чийиллаб юборарди. Хиёбон охирида ёпиқ турган оқ дарвоза кўринди. Мариус югуриб бориб дарвозани очди, арава шундан кейин айлана йўлдан баҳайбат ўтлоқни орқада қолдириб, катта, баланд ва дераза эшиклари ёпиқ тунд бинога яқинлашди.

Тўсатдан бино ўртасидаги эшик очилиб, қизил ва қора йўл-йўл пахталик кийган мадордан кетган кекса хизматчи зинадан пастга тушиб кела бошлади. Пахталигининг ярмини олд этаги яшириб турарди. У меҳмонларнинг фамилияларини сўраб, уларни кенг-кўлам залга бошлаб кирди-да, тушириб қўйилган чийпардаларни зўрға кўтарди.

Залдаги мебелга ғилоф кийгизилган, соат ва қандиллар оқ докага ўралган, димиқиб, туриб қолган совуқ ва зах ҳаво эса одамнинг ўпкаси, юраги ва бошқа аъзоларини эзиб ташларди.

Меҳмонлар ўтириб, мезбонлар келишини кутиша бошладди. Даҳлиз ва юқоридан эшитилаётган қадам товушлари хонадондагилар типирчилаб қолишганидан дарак берарди. Уй эгалари ғафлатда қолишганидан апил-тапил кийинишарди. Уларни узоқ кутишга тўғри келди. Бир неча марта қўнғироқча овози эшитилди. Кимдир узлуксиз зинадан кўтарилди, пастга тушарди.

Баронессанинг совуқдан эти увишиб, аксиргани-аксирганиди. Жюльен у ёқдан-бу ёққа юрарди. Жанна ойиси ёнида хомуш ўтирарди. Барон эса камин тахтасига суянганича бошини қуйи солинтириб турарди.

Ниҳоят, баланд эшиклардан бири очилиб, виконт ва виконтесса де Бризвиллар кўринишди. Икковлари ҳам паст бўйли, қотмагина, бесаранжом, ёшлари нечадалигини билиб

Бўлмайдиган, бесўнақай ва сертакаллиф одамлар эдилар. Уй эгасининг рафиқаси ипак кўйлак, бошига кампирларнинг чепкасини кийган бўлиб, чийиллаган товушда тез-тез гапирарди.

Сюртук кийган виконт тиззаларини букиб, таъзим қилди. Унинг бурни ҳам, кўзалари ҳам, кўриниб турган тишлари ҳам, гўё ёғ суркалгандек, сочи ва либослари ҳам жуда авайлаб сақланидиган буюмлардай ялтираб турарди.

Дастлабки салом-алик ва қўшничилик илтифотларидан кейин у ёғига нима дейишни ҳеч ким билмасди. Шунда гарчи зарурати бўлмаса ҳам иккала томон бундай ажойиб таниш-билишликни давом эттиришдан хурсанд ва умидвор эканликларини изҳор қилишди. Йил бўйи қишлоқ жойда турганингдан кейин шунақа кўришиб туриш одамини чиндан ҳам хурсанд қилади-да.

Залдаги ҳаво муздайлигидан суяклар зирқираб, овозлар хириллаб қолди. Баронесса ҳали ҳам аксирар, ҳам йўталарди. Барон жўнашга имо-ишора қилишга шошилди. Бризвиллар эса: «Нимага энди? Тезда-я? Яна бирпас ўтиринглар», деб жавоб беришга унашмасди. Ташриф жуда ҳам қисқа бўлди, деб ўтирган Жюльеннинг гарчи имо қилаётган бўлишига қарамай Жанна ўрнидан турди.

Уй эгалари қўнғироқ чалиб, хизматкорни чақириб, аравани келтиринглар, дейишмоқчи бўлишганди, қўнғироқ ишламади. Шундан кейин хўжайиннинг ўзи югуриб чиқиб кетди-да, отларни ичкарига олиб, хашакка қўйишибди, деган гапни топиб келди.

Энди сабр қилишга тўғри келди. Ҳар бир одам яна нима десам экан, деб бошини қотирарди. Ёмғирли об-ҳаво ҳақида гапиришди. Жанна юраги сиқилаётганидан беихтиёр қалтираб, уй эгалари йил бўйи нима билан шугуланишларини сўради. Бироқ бу савол Бризвилларни тааж-жубга солди. Улар доимо банд бўлишар, бутун Францияга тарқаб кетган зодагонлар наслидан бўлган авлодлари билан тез-тез хат ёзишиб туришар, бир-бирларига бегонадай ўзларини сертакаллуф тутишар ва жуда арзимас нарсалар борасида тантанавор суҳбатлар қуришарди.

Одам турмайдиган, буюмлари ғилофланган, шифти баланд ҳайҳотдай бу залда увоққина, ораста, назокатли бўлган уй эгаларининг икковлари ҳам Жанна наздида зодагонлик савлатидай туюлишарди.

Ниҳоят, бир-бирларига сира ҳам мос бўлмаган иккита от қўшилган соябон арава деразалар тагидан ўтди. Бироқ энди Мариус ғойиб бўлганди. У ўзини кечқурунгача бўш деб билганидан чамаси теварак-атрофни айланиб келгани кетганди.

Ғазаби қайнаб-тошган Жюльен уй эгаларидан аравакаш болани пиёда жўнатишларини илтимос қилди. Шундан кейин ҳаммалари мезбонлар билан қуюқ хайр-маъзур қилишгач, «Теракзор»га равона бўлишди

Жанна билан отаси аравага чиқишлари биланоқ Жюльен жуда ҳам қўполлик қилганини ҳам унутишди-да, Бризвилларнинг ўзларини тутишлари ва гапиришларига тақлид қилиб, яна қулишга тушишди. Барон уй эгаси, Жанна бекага ўхшашга уринарди. Баронесса эса дворянларга хос анъаналарига тил тегаётганини кўраркан:

— Сизлар улардан бекорга куляпсизлар, икковлари ҳам мўътабар одамлар, бундан ташқари, Бризвиль энг аслзодаларга хос фамилиялардан бири,— деб қўйди.

Ота-бола баронессанинг жигига тегмаслик учун жим бўлишса ҳам ўзларини тутолмай гоҳ-гоҳ бир-бирларига қараб, яна бояги хунарларини бошлашарди. Барон тантанавор таъзим қилиб, виқор билан дерди

— Сизларнинг «Теракзор» мулкингизда денгиздан доимий шамол эсиб тургани учун анчагача совуқ бўлса керак-а, хоним?

Жанна ўзини кеккайган кўрсатиб, таманно билан нақ сувдаги ўрдакдай бошини силкита-силкита жавоб қиларди

— Қўйсангиз-чи, жаноб, менинг йил бўйи бошим ишдан чиқмайди. Ундан кейин бизнинг қариндошларимиз сероб ва улар билан кўп ёзишиб турамиз. Жаноб де Бризвиль ҳамма ишни менга юклаб қўйган. Ўзи эса аббат Пелле билан илмий изланишда. Биргаликда Нормандиядаги черков тарихини ёзишяпти.

Баронесса самимий ва афсусланиб кулиб, яна:

— Ўзимизнинг доирадаги одамлардан кулиш яхши эмас,— деб қўярди.

Соябон арава эса таққа тўхтади. Жюльен орқасига қараб, кимгадир бақириб-чақирарди Жанна билан барон бошларини даричадан чиқарганларида ўзлари томон юмалаб келаётгандай туюлган ғалати мавжудотни кўришди. У Мариус бўлиб, соябон аравага етиб олишга жон-жаҳди билан югурар, уқали кийимининг почаларига ўралишар, цилиндрни кўзига тушиб кетаётганидан ҳеч нимани кўролмас, қўлини тегирмон парракларидай силкитар, кўлмаклардан таваккалга ўтар, йўлидаги ҳамма тошларга қоқилиб-суринар, сакраб-иргишлаб югураркан, қулоғигача лойга беланганди.

У етиб келмасиданоқ Жюльен эгилиб, гирибонидан ушлаганича ўзига тортди-да, тизгинни қўйиб юбориб, нақ барабандай шляпани муштлаб, уни боланинг елкасигача тушириб қўйди. Бола шляпанинг тагида додлар, Жюльен-

нинг қўлидан чиқиб, жойига сакраб тушишига уринар, бироқ хўжайин уни бир қўлида тутиб, иккинчи қўли билан муштларди.

Жанна даҳшатда қолганидан:

— Дада!.. Дада!..— деб бақриб юборди.

Баронесса азбаройи туюққанидан эрининг қўлини сиқарди:

— Уни тўхтатинг, тўхтатинг, Жак!

Барон олдинги томондаги ойнани илдам туширди-да, куёвнинг қўлига ёпишиб, дарғазаб қичқирди:

— Болани уришни бас қиласизми-йўқми?

Жюльен бундан ажабланиб ўгирилди.

— Уқали кийимни нима қилганини кўряписизми?

Барон эса икковининг орасига бош суқиб, деди:

— Ваҳимали нарса экан! Бунақа махлуқ бўлиш керак эмас.

Жюльен туюқиб кетди:

— Марҳамат қилиб мени тинч қўйсангиз, буни сизга даҳли йўқ.

У яна қўлини кўтарганиди қайнатаси ушлаб қолиб, зўр куч билан пастга босгани қўли ўриндиққа урилди. Барон шунда ғазаби қайнаган ҳолда: «Мабодо бас қилмасангиз, чиқиб, сизни тинчитиб қўяман!» деди. Виконт шундан кейин тинчиди қолди, бир оғиз ҳам жавоб қилмай, елка қисди-да, отларга қамчи босгани, улар йўрта кетишди.

Иккала аёл ранглари бўзарганча қимир этмай ўтиришар, фақатгина баронессанинг юраги вазмин тепаётгани аён эшитиларди, холос.

Жюльен тушлик пайтида ўзини гўё ҳеч нима бўлмагандай тутди, ҳаттоки ҳар маҳалгидан мулозиматлироқ бўлиб қолганиди. Жанна, отаси ва Аделаида хоним табиатан ёмонлик деган нарсани билмаганларидан ҳаммасини унутиб юборишган ва ҳозирда Жюльеннинг мулоийм тортганидан қувонишар, нақ соғайиб кетаётган одамлар сингари хурсандчиликка берилишарди. Жанна яна Бризвиллардан сўз очганиди, эри ҳазилни илиб кетди-да, ўша заҳоти шошапиша:

— Ҳар қалай улар чинакам зодагонлар,— деб қўшиб қўйди.

Қўни-қўшниларга бошқа қадамранжида қилишмади. Мариусдан гап очишга ҳаммаларининг юраклари бетламасди. Янги йил муносабати билан қўни-қўшниларга табрикномалар юборишга, ташриф буюриш борасида эса баҳорнинг илиқ кунлари келишини кутишга қарор қилишди.

Рождество байрами бошланди. «Теракзор»даги зиёфатга

кюре ва мэр хотини билан таклиф қилинди. Уларни Янги йилда ҳам чақиритди. Бу эса бир хилда кечаётган кунлардаги ягона кўнгилочар нарсалар бўлди.

Жаннанинг ота-онаси тўққизинчи январда жўнаб кетишлари керак эди. Жанна улардан яна бир оз қолишларини илтимос қилди, бироқ Жюльен хотинининг ёнини олмади. Барон куёви кундан-кунга совуқ муомала қилаётганини кўриб, Руандан почта аравасини чақиртирди.

Барон билан баронессанинг юклари жойланиб, жўнашлари яқинлашганда ҳаво очиқ ва аёзли бўлди. Жанна шу кунни отаси билан Ипорни айланмоқчи бўлди. У ерда Корсикадан қайтиб келганидан бери бирор марта ҳам бўлмаганди-да.

Ота-бола ўрмондан ўтишди. У тўйи кунни ана шу ўрмонда умрбод ҳаёт йўлдоши бўлган одами билан бирга қўлни қўлга берган ҳолда кезган, ёри биринчи бор эркалаган, Ота деган ёввойи воднийда, жилға бўйида, ташналикларини биргаликда қондирганларида, сувга қўшиб бўсалар смирғанларида, қанақалигини билиш насиб этган таъсирчан ишқдан дарак берган илк туғённи шу ерда илғаганди.

Бу ерда энди япроқлар ҳам, ўсиқ майсалар ҳам қолмаган, шохларнинг қисирлаши-ю, яланғоч дарахтзорнинг қишда қулоққа чалинадиган қуруқ шовуллашидан бўлак нарса эшитилмасди.

Ота-бола қишлоққа киришди. Кимсасиз, унсиз кўчалардан илгаригидай денгиз, сув ўтлари ва балиқ ҳиди анқирди. Қўнғир тусдаги катта тўрлар илгаригидай эшикларнинг олдида ёйилган ёки майда тошларнинг устида қуритиларди. Совуқ, бўзранг денгиз аввалгидай кўпик сочганича чекина бошлаганидан, Фэкан яқинидаги тоғ тизмалари этагидаги кўкимтир поғона жойлар кўрина бошлаган, соҳил бўйлаб ёнбошлаб ётган катта қайиқлар эса жонсиз баҳайбат балиқларни эслатарди. Қош қорайиб борар, бўйинларини жун шарф билан ўраб, узун қўнжли этик кийган балиқчилар тўда-тўда бўлиб соҳилга тўпланишар, уларнинг бир қўлларида ароқли фляга, бир қўлларида кема фонуси кўринарди. Улар ёнбошлаган қайиқлар олдида узоқ уймаланишди, нормандларга хос бамайлихотирлик билан кемага тўр, асбоб-анжомлар, думалоқ нон, ёғли идиш, стакан ва спиртли шишаларни жойлашди. Шундан кейин ўнганган баркасни денгизга қараб суришганди, у шағаллар узра шовқин билан сирғалиб, кўпикларни кесиб, тўлқинларга тушди-да, бир неча лаҳза чайқалиб, қора қанотларини ростлади ва мачтаси тепасидаги чироғи билан қоронғилик кўйида ғойиб бўлди.

Денгизчиларнинг бўйдор, суюклари юпқа кўйлаklarини туртиб турган хотинлари охириги балиқчини жўнатишди-да, сўнгра чағир-чуғурлари билан зим-зиё кўчаларни чўчитиб қишлоққа қайтишди.

Барон билан Жанна тин қотиб бу одамлар қоронгилик кўйнига сингиб кетишларини кузатишарди. Улар оцдан ўлмаслик учун ҳар куни ўлимга тик боқишар, шунга қарамай, азбаройи камбағалликларидан гўшт деган нарсани би-лишмасди.

Денгиздаги бу манзарадан таъсирланган барон шивир-лади:

— Бу нақадар даҳшат, ҳам нақадар гўзал! Қоронги-лик босаётган ва қанчалаб умрларга ажал таҳдид қилиб турган бу денгиз қанчалар улугвор! Тўғрими, Жа-нетта?

— Ўртаер денгизи анча яхшироқ, — жавоб қилди Жанна тундроқ жилмайиб.

Отасининг эса аччиғи келди

— Ўртаер денгизи! У малҳам, шарбат, тоғорадаги кў-кимтил сув. Сен мана буни кўр — у қанчалар даҳшатли, серкўпик тўлқинларини қара! Ана шу денгизга оёқ босиб, ҳозирда кўздан йўқолган одамларни ўйлагин.

Жанна: «Ҳа, тўғри», — дея хўрсиниқ билан унга қўшил-ди. Унинг тилидан учган: «Ўртаер денгизи» деган сўзлар юрагини зирқиратиб, орзулари кўмилган олис ўлкаларни хаёлига келтирди.

Ота-бола ўрмондан қайтиш ўрнига йўлга чиқишди-да, ношилмай тик соҳилга кўтарила бошлашди. Бугун-эрта бир-бирларидан айрилишдан юраклари эзилаётганидан деярли гаплашишмасди.

Гоҳо бирорта ферма ёнидан ўтиб қолганларида ҳил-ҳил олмаларнинг хушбўй иси, ҳозирда бутун Нормандия ҳавоси-ни тутган янги сидрининг ёқимли ҳиди, дам оғилхона гўнғидан келадиган ўзига яраша тафти димоқларига урилар-ди.

Ҳовли ўртасидаги ёруғ дарча уйлари шу ердалигини кўрсатарди.

Жаннанинг шу дамда юраги қинидан чиқиб, кўзга кўрин-мас нарсаларни ўзига жо этаётгандай туюларди. Дала ўртасида сочма ҳолдаги чироқларни кўрганида барча тирик мавжудотларнинг ёлғизлигини яққол ҳис этди. Чунки, мав-жудотларни ҳамма ўзларига қадрли бўлган нарсадан ажра-тади ва жудо қилади.

Шунинг учун ҳам у итоатгўйлик билан

— Ҳаёт дегани — ғамгин нарса-да,— деб қўйди.

Барон хўрсинди.

— Начора, қизалоғим, унга ҳукмимиз ўтмайди.

Эртасига чол-кампир жўнаб кетиб, Жанна билан Жюльен ёлғиз қолишди.

## VIII

Ёш эр-хотиннинг кундалик ҳаётидан қарта ўйини тезда жой олди-қўйди. Жюльен ҳар куни нонуштадан кейин трубкасини тутатар, бамайлихотир олти ёки саккиз қадах коньяк ичар ҳамда хотини билан бир неча марта безик ўйнарди. Жанна шундан кейин ётоғига кўтарилиб, дераза ёнига ўтирар, ёмғир ойнани тарақлатаётгани, шамол ҳаммаёқни ларзага солиб, увиллаётганига қулоқ солганича ички юбкасига тўр тўқирди. Гоҳо толиқиб кетганида бошини кўтариб, олисдаги кўпик сочаётган қоп-қора денгизга тикиларди. Бир сониялик шунчаки боқишдан кейин яна тўқнишга тушарди.

Дарвоқе, Жаннанинг бундан бошқа қиладиган иши ҳам йўқ эди, чунки Жюльен хўжайинчиликка азбаройи суюяги йўқлигидан ва зикналикка майли зўрлигидан бутун хўжаликни ўз қўлига олганди. Хасислик масаласида унинг олдида биров иш эшолмасди, сира ҳам бировга чойпули бермас, дастурхонга кетадиган харажатларни ҳам жуда қисиб-қимтиб қўйган. Жанна «Теракзор»га келганидан бери булқачидан қоқ нон олдирад, Жюльен бу сарфиётга ҳам чек қўйиб, бўғирсоқ олдириш билан кифояланарди.

Жанна гап талашиб, тортишиб ва ғижиллашиб ўтирмаслик учун Жюльен билан ҳеч нимани гаплашмас, бироқ хасислиги ҳар сафар янги шаклда намоён бўлганида худди игна санчилгандай азоб чекарди. Пул арзимас нарсадай саналган оилада тарбия топганидан Жюльеннинг бу қилиқлари унга жирканч, номуносиб туюларди. У онасидан кўп марта: «Пулни сарфлашга чиқарган-да», деган гапни эшитганди. Энди эса Жюльен унга: «Пул сочишни қачон йўқ қиласан?» дегани деганди. У ҳар сафар маош берганида ёки ҳисоб бўйича пул тўлаганида бир неча танга чегириб қолиб, чўнтагига соларкан, илжайганича: «Томчидан денгиз, дондан хирмон пайдо бўлади», дерди.

Жанна яна орзу-хаёлларга бутунлай кўмилган кунлар ҳам бўлиб турарди. Шунда у ишини тўхтатар, қўли ҳеч нимага бормас, кўзига ҳеч нима кўринмасди. Хаёлан қиз-

---

Қарта ўйини.

лик пайтларидагидай ажойиб ва гаройиб ишқий саргузаштларни бошидан кечирарди. Жюльеннинг Симон амакига нималарнидир буюраётгани эшитилиб қолганида хаёлот оламини бирдан тарқ этарди. У яна мураккаб ишини қўлига оларкан, ўзига-ўзи: «Бу тамом бўлди!» дерди. Шунда игнани санчаётган бармоқларига кўз ёшлари томарди.

Илгари жуда хушчақчақ, тилидан қўшиқ тушмайдиган Розали ҳам ўзгариб қолди. Унинг лўппи юзларидан қизил кетиб, яноқ суяклари туртиб чиққан, ранги заҳил тортганди.

Жанна ундан тез-тез:

— Касал-пасалмасмисан, жонгинам? — деб сўраб турарди.

Оқсоч шунда:

— Йўқ, хоним, — деб бирдай жавоб қиларди.

Розали шунда сал қизаринқираб, тезроқ кетишга шошиларди.

Розали энди илгаригидай югуриб-елмас, оёғини аранг судраб босар ва ҳатто ясан-тусан ҳам қилмай қўйган, шоҳи ленталар, белни ингичка қилиш учун ичдан кийиладиган кенг белбоғлар ва турфа атир-упалари билан кўзларни ўйнатадиган ёймачилардан ҳам ҳеч нима олмасди.

Катта уйнинг жуда ҳувиллаётгани сезилар, у тунд кўринар, ёмғирдан талай жойларида узун-узун чакка излари қолганди.

Январнинг охирида қор ёға бошлади. Шимол томондан бадқовоқ денгиз узра вазмин булутлар сузиб бораётгани ва бирдан оқ зарралар ёға бошлагани олисдан ҳам кўриниб турарди. Бир кечада бутун текисликни қор босди, эртасига эрталаб дарахтлар муз тўрга ўралиб туришарди.

Баланд қўнжли этик кийган, кўриниши ҳам исқиртроқ бўлган Жюльен кунини дарахтзорнинг охирида, ялангликка олиб чиқадиган жарда ўтказар, учар қушларни пойлагани пойлаганди. Гоҳо-гоҳо далаларга чўккан сукунатни милтиқ овози бузар ва безовта бўлган қора қаргалар галаси баланд дарахтлардан айланиб учишарди.

Жанна гоҳо зерикканидан юраги сиқилиб, ташқаридаги зинага тушарди. Ҳаёт шовқини унга қайдандир, олисдан эшитилар, оқ борлиқнинг жонсиз ва тунд сукунатида садоланиб, йўқоларди.

У орадан пича ўтганидан кейин энди олисдаги тўлқинлар шовқини билан бетин ёғилаётган муз зарраларининг тинимсиз равишдаги ноаниқ шивирлашини эшитарди.

Ерни қор босгани босган, енгил ва қалин қор зарралари осмондан ёғилишини қўймасди.



Ана шундай бўзранг субҳидамлардан бирида Жанна ётоғидаги камин олдида қимирламай оёғини иситиб ўтирарди, кундан-кунга мазаси қочиб бораётган Розали эса ўринни имиллаб йиғиштирарди. Жанна шунда орқа томондан аянчли хўрсиниш келганини эшитди. У ўгирилиб ўтирмай сўради:

— Сенга нима бўлди?

— Ҳеч нима, хоним,— оқсоч ҳар маҳалги... жавоб қилди.

Розалининг овози эса синиқ, аранг эшитиларди.

Жаннанинг хаёли қочганди, қизнинг овози бутунлай тинганини сезиб қолди. У:

— Розали!— деб чақирди.

Ҳеч ким қимир этмади. Жанна эса қиз хонадан сездирмай чиқиб кетибди, деган хаёлга борди-да, қаттиқроқ чақирди:

— Розали!

У қўнғироққа энди қўл чўзганида ёнгинасидан оғир ингроқни эшитиб, қўрққанидан ирғиб турди.

Ранги бўздай оқарган оқсоч полда кўзи жавдираганича оёғини чўзиб, каравотга суянганича ўтирарди.

Жанна унга ташланди:

— Сенга нима бўлди, нима?

Розали бир сўз ҳам айтмади, қимирламади ҳам. У бекасига телба қараш қилиб, худди қаттиқ оғриқ азоб бераётгандай оғир-оғир нафас оларди. Кейин бирдан бутун вужуди билан кучанди-да, додлаб юбормаслик учун тишини тишига қўйганича узала тушди.

Шу пайт Розалининг керилган оёқларини ёпиб турган кўйлаги тагида нимадир қимирлади. Уша заҳотиёқ бировнинг сувга чўкиб, нафас чиқараётгандек ғалати овоз эшитилди. Шундан кейин ингичка, чўзиқ ингалаш келди. Бу энди азобли йиғи, ҳаётга қадам босаётган чақалоқнинг илк юласи эди.

Жанна нима гаплигини тушунди-да, жуда довдираган ҳолда зинапояга отилиб:

— Жюльен, Жюльен!— деб бақирди.

— Нима дейсан?— сўради у пастдан туриб.

— У ерда... у ерда... Розали...— Жаннанинг нафаси зўрға чиқарди.

Жюльен иккита зинадан ҳатлаганича зумда ётоққа кирди-да, қизнинг юбкасини шартта кўтараркан, бир парча лунук этни кўрди. Бужмайган, ингалаётган ва ҳаммаёғи шилимшиқ чақалоқ онасининг яланғоч оёқлари орасида гимирларди.

Жюльен тутоқиб, қаддини ўнглади-да, довдираб қолган хотинини ташқарига туртиб чиқарди:

— Буни сенга дахли йўқ. Бориб менга Людивина билан Симон амакини айтиб юбор!

Жанна бутун вужуди қалт-қалт титраганича ошхонага тушди, сўнгра қайтишга ботинолмай ота-онаси жўнаб кетганидан бери иситилмайдиган меҳмонхонага кирди-да, сабр-сизлик билан бирор хабар келишини кута бошлади.

Орадан кўп ўтмай, уйдан хизматкор югуриб чиқиб кетганини кўрди. Беш дақиқадан кейин у шу ерлик доя бева Дантью билан қайтиб келди.

Уша заҳотиёқ зинапояда қадам товушлари ва гўё ярадорни кўтариб келишаётгандай тапир-тупур эшитилди. Жюльен Жаннага ётоғига кириши мумкинлигини айтгани келганди.

Жанна яна камин олдида ўтираркан, гўё фалокат гувоҳи бўлгандай титрарди.

— Хўш, Розали қалай? — деб сўради у.

Жюльен хонада ташвишли ва безовта ҳолда у ёқдан-бу ёққа юрарди. У жаҳлдан бўғилаётганга, нимадандир жуда ғазабланганга ўхшарди. Шунинг учун аввалига жавоб бермади, пичадан кейин эса хотинининг рўбарўсида тўхтади:

— Сен бу ғарни нима қилишни мўлжаллаяпсан?

Жанна эрига таажжубда қаради:

— Ким у? Нима демоқчисан? Мен тушунмаяпман.

Жюльен зумда тутоқиб кетиб, бақриб берди:

— Биз уйимизда муртадни ушлаб туролмаймиз.

Бу Жаннанинг дилини оғритди, бироқ анча ўйлаб турганидан кейин:

— Чақалоқни бировга боқиб олгани берса бўлмасмикан, дўстим, бунга нима дейсан? — деб таклиф қилди.

Жюльен охиригача гапиргани қўймади:

— Пулини ким тўлайди? Сен тўлармидинг?

Жанна яна чора излашга тушиб, пировардида деди:

— Бола ҳақида отаси ғамхўрлик қилиши керак. Мабодо у Розалини олса ҳаммаси тўғри бўлади.

Жюльен жуда ҳам тутоқиб кетганидан, дарғазаб бақирди:

— Отаси! Отаси! Сен уни... отасини биласанми? Билмайсанми? Хўш, нега энди?

Жанна ҳаяжонланган ҳолда эътироз билдирди:

— У қизни бунақа аҳволда ташлаб қўймайди-ку. Ташлаб қўйса, демак, аблаҳ бўлади! Биз унинг кимлигини билиб, олдига борамиз-да, изоҳ талаб қиламиз.

Жюльен ўзини босди-да, яна хонада у ёқдан-бу ёққа юра бошлади.

— Азизим, унинг кимлигини менга айтишни истамаяп ти. Наҳотки, менга айтмаган одам сенга ёрилса?.. Хўш, мабодо у олишни истамаса-чи? Биз уйимизда бу она қизни, итваччаси билан олиб туролмаймиз. Буни тушунаяпсанми?

Жанна ҳам бўш келмасди:

— Бундан чиқди у ярамас одам! Биз бўлсак уни қидириб топамиз ва у қўлимизга тушади.

Жюльен қип-қизариб кетди-да, яна овозини баландлатди.

— Яхши. Ҳозирча нима қиламиз?

Жанна қандай қарорга келишни билолмай ундан сўради

— Хўш, ўзинг нимани таклиф қиласан?

Жюльен фикрини ҳозир уозирлик билан баён қилди

— Мен жўнгина иш қилардим. Унга озроқ пул берардим-да, боласи билан тўрт томонинг қибла, деб жўнатиб юборардим.

Жаннанинг эса бунга аччиғи келиб, эътироз билдирди

— Ҳеч қачон. Бу қиз — менинг эмишган синглим. Бирга ўсганмиз. У гуноҳ иш қилибди, афус, бўлак иложимиз йўқ. Бунинг учун уни кўчага улоқтирмайман, мабодо бошқа чора тополмасам боласини ўзим боқаман.

Шундан кейин Жюльен жуда гупуриб кетди:

— Унақада обрўйимиз жуда ҳам баланд бўларкан-да! Кимсан, фалончи-ю, писмадончиларнинг таниши бўла туриб шунақа қиламизми! Унда ҳамма бизни бунақа ишларни рағбатлантириб, уйда ғарларни сақлайди, деган гап қилади. Дуруст одамлар уйимизнинг остонасини босишмайди. Қалланга нималар келяпти ўзи? Эс-ҳушинг жойидами?

Жанна гапида бамайлихотир давом этди:

— Розалини ҳайдашга йўл қўймайман. Уни уйда қолдиришни истамасанг ойим олиб кетади. Боланинг отаси кимлигини ахйри билиб оламиз.

Жюльен азбаройн қутурганидан эшикни тарақлатганича чиқиб кетаркан:

— Хотинларнинг хаёлларига хўп аҳмоқона гаплар келади-да!— деб бақирди.

Жанна кечга яқин кўзи ёриган Розалининг олдига кирди. У Дантью бевасининг парваришида бўлганидан ўрнида қи мирламай, кўзларини катта очганича ётар, доя хотин чақалоқни қўлида тебратиб ўтирарди.

Розали бекасини кўриши биланоқ йиғлаб, бошини кўрпага буркаб олди. У хўнграётганидан бутун вужуди қалтирарди. Жанна уни ўпмоқчи бўлувди, у қаршилиқ қилиб, юзини беркитиб олди.

Шу пайтда доя хотин ўртага тушиб, Розалининг юзидан кўрпани тортиб олди. Розали бунга кўникса ҳам энди оҳиста йиғларди.

Каминда ўт озлигидан хона совуқ эди. Чақалоқ эса «инга-инга»ларди. Жанна яна онасини йиғлатмаслик учун чақалоқдан оғиз очмади. У оқсочнинг қўлидан ушлаганича беихтиёр:

— Ҳаммаси ўтиб кетади, ҳаммаси ўтиб кетади,— дерди.

Қиз шўрлик доя хотинга кўзини шамғалат қилиб қарар ва чақалоқнинг «инга»сидан чўчиб тушарди. Розалини эзиб ётган ғамнинг сўнги зарралари унинг «ҳиқ-ҳиқи» билан йўқолаётган, сизмай турган ёшлари эса сув янглиғ томоғида турарди.

Жанна Розалини яна бир марта ўпди-да, қулоғига сал эшитиларли қилиб шивиради:

— Хавотир олма, жонгинам, уни парвариш қиламиз.

Шунда чақалоқ яна ғингиб қолувди, Жанна кетишга шошилди.

Жанна бу ерга ҳар куни келар, Розали ҳам ҳар куни кўрганида йиғлашга тушарди.

Болани қўшниларига боқишга беришди.

Жюльен оқсочни ҳайдашга Жанна рози бўлмаганидан у билан ўлганининг кунидан гаплашарди. Бир куни у яна шу масалага қайтганди, Жанна ёнидан хат чиқарди. Унда баронесса Розалини «Теракзор»да қолдиришни истамасангизлар, тезда бу ёққа жўнатинглар, деб илтимос қилганди. Жюльен бундан туюқиб кетди:

— Онаг ҳам ўзингга ўхшаган эсипаст.

Жюльен шундан кейин тихирлик қилмади. Роза икки ҳафтадан кейин ўрнидан туриб, уй ишларига киришиб кетди.

Жанна бир куни эрталаб уни ёнига ўтқазди-да, қўлидан ушлаб, синовчан қаради:

— Қани, жонгинам, менга барини айтиб бергин.

Розалини титроқ босиб гўлдиради:

— Нимани, хоним?

— Боланг кимдан бўлганини.

Оқсоч шунда яна ҳўнграб юборди-да, юзини беркитгани қўлини тортиб олишга уринди.

Жанна бўлса унинг типирчилаётганига қарамай, ўпиб-нетиб юпатарди.

— Хўш, бахтсизлик юз берди. Начора, жонгинам. Ўзингга маҳкам бўлолмагансан, бироқ сендан бошқа ҳам шундай кўйга тушганлар бор-ку. Мабодо боланинг отаси сенга уйланса биров ғинг демайди, биз уни ҳам сенга қўшиб ишга оламиз.

Розали нақ қийноқдагидай инграр ва дам-бадам қўлдан чиқиб, қочишга уринарди.

Жанна гапида давом этди:

— Мен тушуняпман, юзинг чидамаяпти, бироқ жаҳлим чиқмай, сен билан мулойим гаплашаётганимни ўзинг кўриб турибсан-ку. Сенинг фойдангни кўзлаб, ўша одамнинг номини сўраяпман. Шунчалар куяётган экансан, демак у сени ташлаб кетибди, мен бўлсам бунга йўл қўйишни истамайман. Жюльен унинг олдига боради, сени олишга уни мажбур қиламиз. Бунни сен тушунасан. Икковингиз хонадоимизда турсанглар, сени бировга хафа қилдириб қўймаймиз.

Розали шунда бир силкиниб, бекасининг қўлидан чиқди-да, нақ телбадай қочиб қолди.

Жанна тушлик қилиб ўтирганларида Жюльенга гап очди:

— Мен Розалига йўлдан урган одамнинг номини айтгин, деб ялиндим. Бирорта иш чиқаролмадим. Энди сен уриниб кўр, биз ўша ярамасни уйланишга мажбур қилишимиз керак-ку, ахир.

Жюльен зумда сачраб кетди:

— Хўш, билсанг, бу машмаша жонимга ҳам тегиб кетди. Бу фарни олиб қолмоқчи бўлдинг, бу — сенинг ишинг, бироқ илтимос, мени тинч қўй.

Розали туққанидан бери Жюльен негадир жуда серзарда бўлиб қолганди. Хотини билан гаплашганда гўё доимо унда алами бордай бемалол бақираверарди. Жанна эса, аксинча, эри билан гижиллашиб қолишдан қочар, секин, мулойим, муросан мадора оҳангда гапирар ва кўпинча кечасилари ўрнида йиғлаб ётарди.

Жюльен доимо серзарда бўлиб юришига қарамай, «Теракзор»га қайтиб келганларидан кейин унутаёзган ишқий эркалашларини яна ишга сола бошлади. Жаннанинг ётоғига сурункасига уч кунни ўтказиб бош суққан кунлари ҳам бўларди.

Розали тез орада ўнгланиб кетди. Гарчи у доимо юрак олдириб қўйгандай, гўё қандайдир хавфдан қалтираб тургандай туюлса ҳам кўпинча маъюс бўлавермасди.

Жанна ундан яна икки марта сўраб-суриштирмоқчи бўлди, бироқ, Розали ҳар гал қочиб қутулди.

Жюльен бирдан мулойим тортди қолди. Жанна ҳам қандайдир ноаниқ орзуларга маҳкам ёпишиб олиб, кундан-кунга очила бошлади. Гоҳо негадир мазаси қочиб турар, бироқ бундан ҳеч кимга лом-мим демасди. Кунлар ҳам илий демас, беш ҳафтадан бери осмон кундузи биллурдай тиниқ, кечаси эса кўкда юлдузлар чарақлар, силлиқ, қот-

ган, ялтироқ пардали қор босган кенгликлар нақ қировдай кўзни оларди.

Тўғри бурчакли ҳовлилари ва шохлари қорда эгилиб турган дарахтлари билан бу оламдан ажралиб турган фермалар гўё ўзларининг оқ либосларида пинакка кетгандай туюлишарди. Одамлар ҳам, жониворлар ҳам ташқарига чиқай дейишмасди. Фақат уйларнинг совуқ ҳавода қўнқайиб турган мўриларигина ичкаридаги пинҳоний ҳаётдан дарак берарди.

Иҳоталар ёнидаги текислик, буталар ва дов-дарахтларнинг бари тамом бўлган, совуқда ишдан чиққанга ўхшарди. Гоҳо-гоҳо қайрағочлар қисирлар, гўё уларнинг пўстлоқлари тагидаги ёғоч қовурғалари синаётганга ўхшарди. Баъзан каттакон шох синиб тушар, қаҳратон совуқ дарахт шарбати-ни музлатиб, толасини узиб юборган бўларди.

Жаннанинг яна кунлар исиб кетишига кўзи етмас, чунки ўзига азоб бераётган нотайин дардни ҳаво совуқлигига йўярди.

Гоҳо унинг томоғидан ҳеч нима ўтмас, ҳар қанақа овқат кўнглига урарди. Баъзан юраги гупиллаб кетар, гоҳо энг енгил таомларни ҳам ҳазм қилолмас, асаблари доимо таранг турганидан унга арзимаган нарса ҳам ортиқчалик қиларди.

Бир кун кечқурун ҳаво баттар совуб кетди. Жюльен стол ёнидан қўзғоларкан, қунишиб (емакхона яхши иситилмас, чунки Жюльен ўтинни тежарди) қўлини қўлига ишқаларкан:

— Бугун кечаси бирга ётамиз-а, эркатойим, хўпми? — деб шивирлади.

Жюльен илгаригидай самимий кулганидан Жанна унинг бўйинига осилди. Бироқ бу оқшом жуда мазаси қочган, ҳаммаёғи зирқирар, асаби сира ҳам жойидамаслигидан эрининг лабидан ўпиб, оҳистагина бугунча холи қўйишлигини илтимос қилди. У тоби йўқлигини қисқача қилиб тушунтирди:

— Жонгинам, очиги, жуда мазам йўқ, сендан илтимос. Эртага тузалсам ажабмас.

Жюльен оёғини тирамади.

— Ихтиёринг, жоним. Мабодо касал бўлсанг, қаратгин.

Гап шундан кейин бошқа нарсаларга кўчди.

Жанна барвақт ётди. Жюльен одатига тескари равишда хонасидаги каминни ёқишни буюрди. Унга, каминда олов яхши, деганларидан кейин хотинининг пешонасидан ўпди-да, чиқиб кетди.

Совуқ уйнинг ҳамаёғидан ўтаётганга ўхшарди. Тўнғиган деворлар гўё титроқдан қунишаётгандай қисирлар, Жанна ҳам ўрнида қалт-қалт қилганича ётарди.

Жанна икки марта туриб, оловга палён ташлаб, устига илгани кўйлаги, юбкаси, эски либосларини олди. Бироқ сира ҳам исий олмади. Оёқлари қотар, болдиридан белигача томири тортишганидан у ёғидан-бу ёғига ағдарилар ва жуда ҳам безовта бўларди.

Пировардида тишлари ҳам такиллаш бошлади. Қўллари қалтирар, кўкрагини биров босаётгандай бўларди. Юраги секин-секин тепар ва гоҳо бутунлай тинчиб қоларди. Унинг нафаси сиқиб, ҳаво етишмасди.

Жаннани жуда ҳам ваҳм босди, чидамсиз совуқ эса суяк-суягидан ўтиб кетди. Шу чоққача бунақа аҳволга тушмаганидан гўё куни битиб бораётганга, ҳозироқ жони чиқиб кетадиганга ўхшарди.

У: «Уламан... Уляпман...» деган хаёлга борди.

Жанна азбаройи даҳшатда қолганидан ўрнидан ирғиб туриб, Розалига кўнғироқ чалди, пойлаб туриб, яна чалди. Аъзойи бадани қалтираб, қотиб бораркан, яна кўнғироқ чалди.

Оқсоч кўринмади. У сира ҳам уйғотиб бўлмайдиган даражада донг қотган бўлса ажаб эмасди. Жанна шундан кейин эс-ҳушини йўқотганича яланг оёқда зинапояга отилди.

У унсиз кўтарилди-да, эшикни пайпаслаб очиб: «Розали!» деб чақирди. Олдинга юриб, унинг каравотига уриларкан, ўрнини пайпаслаб кўриб, унинг йўқлигига ишонч ҳосил қилди. Розалининг ўрни биров ётмагандай бўм-бўш ва совуқ эди.

Жанна шунда ҳайрон бўлиб: «Бу нимаси? Яна қаердадир юрибди! Шунақа ҳавода-я», — деб ўйлади.

Бироқ шу дақиқада юраги бирдан гупиллаб кетиб, нафаси чиқмай қолаёзди. Шундан кейин у бор кучини тўплаб, изига, Жюльенни уйғотгани қайтди.

Жанна ўзини гўё ҳозир ўлиб қоладигандай сезган ҳолда, ҳушидан кетишдан олдин бир кўриб қолиш учун Жюльеннинг хонасига отилиб кирди.

Каминдаги ятиллаётган чўғлар ёғдусида Жаннага ёстиқдаги эрининг боши ёнида Розалининг боши ҳам кўринди.

Жанна чинқириб юборганидан икковлари ҳам сапчиб туришди. Жанна бу даҳшатдан доврираб қолганидан бир лаҳза қимир этолмади. Сўнгра ўзининг хонасига отилди. Қулоғига эса Жюльеннинг қўрқувли овозда: «Жанна!» деб чақиргани эшитилди. Жаннанинг эса Жюльеннинг дийдорини кўришга, овозини эшитишга, ёлгон-яшиқдан иборат изоҳларини тинглашга, кўзи кўзига тушишига сира тоб-

тоқати йўқ эди. У яна ўзини зинапояга уриб, пастга отилди.

Жанна энди зимистонда югурар, тош зинадан юмалаб кетиб, абжағи чиқиши ҳам мумкин эди. У ҳозирда кўздан пана бўлгиси келса ҳам ҳеч нимани билишни ҳам, бировни кўришни ҳам истамасди.

Пастга тушганидан кейин яланг оёқ, кўйлакчан ҳолда зинага чўкди-да, нақ эс-ҳушини йўқотган одамдай ўтираверди.

Жюльен ирғиб турганича шоша-пиша кийинарди. Жанна унинг ҳаракатларини, қадам товушларини эшитарди. У Жюльендан қочиб кетгани ўрнидан турди. Жюльен зинадан тушиб келаркан: «Жанна, менга қарасанг-чи!» деб қичқирарди.

Ҳа, Жанна унинг гапини эшитишни хоҳламас, бармоғини салгина текизишини ҳам истамасди. Шунинг учун ҳам нақ қотилдан жон сақлагандай емакхонага отилди. У йўл, пана жой, қоронги бурчак, яширинишга имконият ахтарарди. Ахийри стол тагига яширинди. Жюльен эса қўлда шам билан остонада: «Жанна!» деганича кўринди. Жанна шунда яна қуёндай қочиб, ошхонага кирди, худди биров қувлаётган жонивордай икки марта айланиб чиқди. Жюльен шу ерда уни қувиб етганида, Жанна бирдан ташқари эшикни очиб, боққа қочди.

Жаннанинг яланғоч оёқлари гоҳо тиззасигача қорга ботар ва ана шу совуқдан яна ҳаракатга тушиб кетарди. У гарчи биттагина ичкўйлакда бўлса-да, баданига совуқ ўтмасди. Азбаройи изтиробда бўлиб, жонидан тўйиб кетганидан, умуман, ҳеч нимани сезмас, шунинг учун ҳам қор босган ердай оппоқ тусда югуриб борарди.

Жанна катта хиёбондан югуриб, дарахтзордан ўтди, чуқурликдан сакраб, тўппа-тўғри ялангликка югурди.

Ой чиқмаган, юлдузлар қора осмонда ўтли доналар сингари йилтирашарди. Оқ хира тусдаги пасттекислик эса чексиз сукутда эди.

Жанна нафасини ҳам ростламай, ҳеч нимани сезмай, ҳеч нарсани хаёлига ҳам келтирмай илдам кетарди. У бирдан ўзини жар ёқасида кўрди. Бейхтиёр равишда таққа тўхтади-да, ожиз, боши ғувиллаган, вужуди ҳувиллаган ҳолда қорга чўкди.

Рўбарўсидаги қора жардан, кўзга кўринмаётган унсиз денгиздан сув қочган пайтдагидай денгиз ўтларининг шўртанг ҳиди келарди.

Жанна руҳан ва жисман ҳеч нимани сезмаган ҳолда шундай алпозда анча ўтирди. Бироқ тўсатдан шамол теккан



елкандай ёмон қалтирашга тушди. Оёқ, қўл, бармоқлари тинимсиз равишда қалт-қалт этиб, тез-тез зирқираб кетарди. Эс-ҳуши эса тиним тортиб, бир лаҳзада ўзига келди қўйди.

Кечмиш манзаралари ҳам кўз ўнгидан ўта бошлади: Жюльен билан Ластик амакининг қайиғида айланганлари, суҳбатлашганлари, севгининг туғилиши, қайиқни сувга туширганлари... Жанна шундан кейин бундан ҳам олдинги нарсаларни — нақ «Теракзор»га келганидан бошлаб, орзу-умидларда кечган тунларини ҳам кўз ўнгидан ўтказди. Энди нима бўлди, оҳ худойим, энди-чи! Ҳаёти барбод бўлди, бахти тугади, бошқа оруз-умид қолмади. Жаннага келажаги азоб, хиёнат ва кулфатлардан иборат ҳолда даҳшатли туюли. Яхшиси ўлиб, баридан биратўла қутулган маъқул.

Олсдан:

— Бу ёққа, бу ёққа, мана унинг изи. Тезроқ бу ёққа! — деган овоз эшитилди.

Бу ўзини қидираётган Жюльеннинг овози эди.

Йўқ, Жанна уни кўришни истамайди. Нақ тагидаги жардан энди заиф шитирлаш, денгизнинг қояга аранг эшитиладиган даражада урилаётгани қулоғига чалинади.

Жанна ирғиб турди-да, сакрагани қаддини ростлади. Яшашдан безиб, ҳаёт билан видолашаркан, ўлаётганларнинг охирги сўзи, жангда оғир яраланган солдат йигитларнинг охирги калимасини айтди, яъни: «Ойи!» деди.

Шунда дарҳол хаёлига онаси келди, унинг фарёд ураётганини тасаввур қилди. Ўзининг мажақланган жасади олди-да тиз чўкиб турган отаси кўз ўнгига келиб, бир лаҳзада изтироб аламини тотди.

Шундан кейин бўшашиб қорга йиқилди-да, қочишга бошқа уринмади. Жюльен, Симон амаки ва фонус ушлаган Мариус унинг қўлидан ушлаб орқага тортишди, чунки жарнинг шундоққина ёқасида ётганди-да.

Эркаклар Жаннани тортқилашди, судрашди, кўтаришди, хуллас нима қилишса қилишди, унинг эса ҳаттоки қимирлашга ҳам мажоли келмасди. У эркаклар ўзини кўтариб боришганини, жойига ётқизишганини, баданини иссиқ сочиқ билан артишганини севди. Кейин хотираси ҳам ишдан чиқиб, эс-ҳушини йўқотди.

Жаннани шундан кейин босинқираш қийнай бошлади. Бироқ буни босинқираш деб бўладими? У ўзининг ётоғида ётибди. Ҳозир кундузи бўлса ҳам ўрнидан туролмай ётибди. Нимага? Буни ўзи ҳам билмайди. Полда нимадир шитирлаб, қиртиллаётибди, бирдан сарғиш сичқон кўрпасида да гимирлаб қолди. Ундан кейин иккинчиси, сўнгра учинчи-

си Жаннанинг кўксига қараб ўрмалаб қолишди, панжалари билан тез ва илдам таталаб қўйишади. Жанна қўрқмасди. У сичқонни тутиб олгиси келарди, холос. Қўлини чўзганда, бари бир туюлмади.

Бу пайтда бошқа, ўнларча, юзларча мингларча сичқонлар ҳар томондан ўрмалашар, каравотнинг оёқларидан чиқишар, деворнинг гулқоғозларида юришар, Жаннанинг жойини босиб кетишганди. Улар ниҳоят кўрпа тагига киришди. Жанна улар баданида ўрмалаб боришаётганини, оёғини қитиқлашаётганини, танасида юқоридан пастга чопқиллашаётганини сезарди. У сичқонлар каравотда оёғидан кўкрагига қараб келишаётганини кўриб турарди. Жанна улардан ўзини олиб қочар, қўли билан ушлаб олишга ҳаракат қилар, бироқ ҳеч нимани туюлмасди.

Жанна гижинар, қочгиси келар, бақирар, бироқ назарида одамлар уни қўйворишмас, маҳкам тутишар ва қимирлагани ҳам қўйишмасди. Ўзини эса кимлар ушлаб турганини кўрмасди.

Жанна ҳозир кечасими ё кундузими — уни ҳам билолмасди. Бу ҳол анча, ҳа, кўпдан бери давом этаётган бўлса керак.

Шундан кейин Жанна ўзига келди. У аранг кўзини очган бўлса ҳам бу ҳар қалай хуморли ва роҳатбахш бўлди. Жанна жуда-жуда заиф эди. Кўзларини очганида хонасида онажониси ва унинг ёнида қандайдир бақалоқ киши ўтирганини кўриб ажабланмади. Жанна нечага борганди? У шуни ҳам билмас, ўзини жуда кичкина ҳисоблар ва ҳеч нимани, деярли ҳеч нимани эслаёлмасди.

Бақалоқ киши:

— Қаранг, ўзига келяпти, — деди.

Онажониси йиғлаб юборди.

Бақалоқ киши яна гапирди:

— Нима бўлди, баронесса, ўзингизни қўлга олинг, энди мен буёғи яхши бўлиб кетишига кафил бўла оламан. Сиз фақат у билан ҳеч нимани гаплашманг, эшитяпсизми, ҳеч нимани! У ухлайверсин.

Жаннанинг назарида яна анча-анчагача ўзига келолмай, фикрини бир жойга тўпламоқчи бўлганида, қайтадан мудроқ босиб ётди. Айтмоқчи, ўтган ишларни эшлашга унчалар уринмасди ҳам. Чамаси, хаёлан кўз олдига келиши мумкин бўлган манзарани кўришга юраги бетламасди.

У бир куни кўзини очганида яқинида Жюльен ёлғиз ўтирганини кўрди. Шунда гўё парда кўтарилгандай бўлди-ю, у яшириб турган ўтмишдаги нарсаларнинг бари Жаннанинг хаёлига келди.

Жаннанинг юраги қаттиқ зирқираб, яна қочиб кетмоқчи бўлди. Кўрпани отиб ташлаб, полга сакраб тушди. Бироқ оёқлари майишиб кетиб, йиқилди.

Жюльен унга ташланганди, Жанна, қўлини текизади, деб даҳшатга тушганидан чинқириб юборди. У букчайганича полда юмаларди. Эшик очилди. Лизон хола билан Дантью бева, кетларидан барон ва ниҳоят, ўтакаси ёрилган ойижониси пихиллаганича кириб келишди.

Жаннани жойига олиб ётқизишди. У ҳозирча гапирмаслик ва кейин бемалол ўйлаб олиш учун жўрттага юзини беркитиб олди.

Онаси билан холаси Жаннага парвона бўлишар ва бирлари олиб, бирлари қўйиб:

— Жанна, гапимни эшитяпсанми, эркатойгинам? — деб сўрашарди.

Жанна ўзини эшитмаётганга солар ва гапларига жавоб бермасди. Бироқ куйботар яқинлигини жуда яхши сезарди. Кеч ҳам тушди. Унинг ёнида ўзига қараб турган аёл ўтирар ва гоҳо-гоҳо сув берарди.

Жанна сувни итоаткорона ичар, бироқ бир дақиқа ҳам мижда қоқмасди. У зўр бериб, ўйлагани ўйлаган, гўё эси кирди-чиқди бўлиб, ҳеч нима қолмайдигандай, хотиридан фаромуш бўлган нарсаларни эслашга уринарди.

У кўп уринишлардан кейин барчасини хотирида аста-секин тиклаб олди.

Шундан кейин буларни зўр тиришқоқлик билан мулоҳаза қилишга тушди.

Ойижониси, Лизон хола ва барон келишибдики, демак ўзи қаттиқ ётган экан-да. Бироқ Жюльен-чи? У нима дега-никин?! Ота-онаси нимани билишаркин?! Розали-чи? У қаерда бўлганикин?! Энг муҳими, нима қилиш керак? Нима қилсин? Хаёлига ярқ этиб, отаси ва онажониси билан Руанга кетиб, илгаригидай яшайвериш фикри келди. Бева бўлиб қолади, вассалом.

Жанна шундан кейин теварагидагиларнинг гапларига қулоқ сола бошлади. У ҳамма гапни яхши тушунар, э-хуши яна жойига келганидан қувонар, бироқ устомонлик билан сабр-бардошга зўр берарди.

Жанна, ниҳоят бир куни кечқурун онаси билан икковла-ри холи қолганларида:

— Ойижон! — деди.

Жанна овози ўзига бошқача туюлганидан ҳайратда қолди. Баронесса эса унинг қўлидан ушлади:

— Жанна, қизалоғим, қизгинам, мени танияпсанми?

— Ҳа, ҳа, онажон, фақат йиғламанг. Гапимиз анчага

чўзилади. Жюльен сизга нега қорда қочиб кетганимни айтиб бердимиз?

— Ҳа, жонгинам, жуда қаттиқ ва ёмон иситмалаган экансан.

— Бу ёлгон, ойижон, иситмам кейин бўлди, у сизга бу иситмам сабабини ва нимага қочиб кетганимни айтмадимиз?

— Йўқ, тасаддуқчинам.

— Чунки Розали билан бирга ётганини кўриб қолувдим.

Баронесса, қизим босинқираяпти, деб ўйлади-да, уни оҳиста силади.

— Ухла, жонгинам, ўзингни бос, ухлашга ҳаракат қил.

Жанна эса бўш келмасди:

— Эс-ҳушим жойида, ойижон, илгариги кунлардагидай валдираяпти, деб ўйламанг. Бир кунни кечаси мазам қочди-да, Жюльенни чақиргани хонасига кирдим. У тўшақда Розали билан бирга ётган экан. Аламимдан гангиб қолганимдан ўзимни жарга ташламоқчи бўлиб қордан югуриб кетдим.

Баронесса эса:

— Ҳа, жонгинам, сен қаттиқ касал эдинг, жуда қаттиқ касал эдинг, — дейишини қўймасди.

— Йўқ, ойижон, мен Розали Жюльен билан ётганини кўриб қолдим, энди у билан турмайман. Мени яна Руанга олиб кетинг!

Баронесса докторнинг, Жанна нима деса хўп деяверинг, деган гапини унутмаганидан:

— Маъқул, жонгинам, — деб қўя қолди.

Хастанинг эса гаши кела бошлади:

— Менга ишонмаётганингизни билиб турибман. Дадамни айтиб келинг, у гапимга тезроқ тушунади.

Баронесса иккала ҳассасига тираниб зўрға турди-да, оёқларини судраб босганича чиқиб кетди. Орадан бир неча дақиқа ўтгач, барон билан қўлтиқлашганича кириб келди.

Икковлари каравотга яқин ўтиришди. Жанна шу заҳоти гап бошлади. Ҳаммасини шошилмай, синиқ овозда, тўлатўкис гапириб берди. Жюльеннинг ғалати характери, қўполлиги, зиқналиғи ва ниҳоят, бевафолик қилганини ҳам тўкиб солди.

Жанна гапини тугатганидан кейин баронга қизи алжимаётгани аён бўлди. Бироқ унинг ўзи нимани ўйлаш, қандай қарорга келишу, нима жавоб беришни билмасди.

Барон Жаннани болалигида эртаси айтиб, аллалаётган пайтидагидай қўлидан секингина ушлади.

— Менга қара, жон болам, эҳтиёткорлик билан иш

тутиш керак. Биз шошилмаймиз, бир тўхтамага келгунимизча эринга чидаб турасан... Ваъда берасанми?

— Ҳаракат қиламан, бироқ соғайганимдан кейин бу ерда қолмайман,— шивирлаб гапирди Жанна.

У яна секинроқ овозда сўради:

— Розали ҳозир қаерда?

— Сен уни бошқа кўрмайсан,— деди барон.

Жанна эса тикилинч қилди:

— У қаерда? Шуни билмоқчиман.

Барон шундан кейин Розали ҳозирча шу ерда, уйдалигини айтишга мажбур бўлди-да, бугун-эрта қораси ўчади, деди.

Барон Жаннанинг ёнидан нафрати қўзиб, оталик нафсонияти хўрланганига чидаёлмай чиқди-да, тўғри Жюльеннинг олдига бориб, дангалига кўчди:

— Жаноб, мен Сиздан қизимга нисбатан хулқингиз борасида ҳисоб олгани келдим. Оқсочга илашиб, қизимга хиёнат қилгансиз, бу эса қўшалоқ гуноҳдир.

Жюльен ўзини бегуноҳ кўрсатди, зўр бериб, барини инкор қилди, қасам ичди, худони ўртага солди. Қанақа далиллар келтира оласиз, деди. Чунки Жаннанинг эс-хуши жойида эмас, мияси бежиз шамолламаган эди-да. Касаллиги бошланганда ўзини билмай, ярим кечада қордан қочган бўлса. Худди шундай аҳволда ярим яланғоч ҳолда қорда югурганида гўё эри оқсоч билан ётганини кўрганмиш-а!

Жюльен овозини баландлатиб, баронни судга бераман, деб таҳдид қилди, ёмон туюқди. Барон ҳам шундан кейин довдираб қолиб, ўзини оқлашга тушди, кечирим сўраб, қўлини чўзувди, Жюльен олишни ҳам истамади.

Жанна эрининг жавобини эшитганида жаҳли чиқмади-да, фақат:

— У алдаяпти, дада, биз эса ахир бўйинга олишга мажбур қиламиз,— деди.

Жанна икки кунгача индамай чуқур ўй суриб ётди.

Учинчи куни эрталаб у Розалини кўришни хоҳлади. Барон, оқсоч бу ерда йўқ, деб уни Жаннанинг хонасига чақирришдан бўйин товлади. Жаннанинг қулоғига эса бошқа гап кирмасди. У:

— Бўлмаса унинг уйига бориб, бу ерга олиб келишсин,— деб туриб олди.

Жанна доктор кириб келганида ғижина бошлаганди. Докторга қандай иш тутишни маслаҳат берсин, деб барини оқизмай-томизмай айтиб беришди. Жанна эса бирдан йиғига тушиб, қаттиқ ҳаяжонда бақириб бераёзди:

— Мен Розалини кўрмоқчиман! Эшитяпсизларми, кўрмоқчиман!

Доктор шунда Жаннанинг қўлидан тутиб, оҳистагина

— Хоним, ўзингизни босинг, ҳар қандай ҳаяжонланиш сизга хавфли: оғир оёқлисиз-ку, — деди.

Жанна гўё яшин ургандай қотди қолди. Шу дамнинг ўзиде гўё ичида нимадир гимираётгандай бўлди. Бошқа бир оғиз ҳам сўз айтмади, теварагидагилар нима дейишаётганлари билан ҳам иши бўлмади, фақат ўз хаёллари билан банд эди. Манави ерингда, ичингда, юрагинг остида бола бор, деган гапти ва янги фикр ухлатмаганидан кечаси билан мижжа қоқмади. Жанна маънос бўлиб қолди, у болага ачинарди, чунки у Жюльеннинг фарзанди эди-да. Жанна бола отасига ўхшаши мумкинлигидан ваҳимага тушар, юрагини қўрқув босарди.

У эртасига эрта билан отасини чақиртирди.

— Дадажон, мен қатъий қарорга келдим: айниқса ҳозирда ҳаммасини билмасам бўлмайди, ҳозирги аҳволимда эса шаҳдимни қайтармаслик керак, буни сиз яхши биласиз. Энди гапимга қулоқ солинг: бориб кюре жанобларини бошлаб келасиз. Розали ҳақиқатни айтмоғи учун кюре менга зарур. Кюре келиши билан Розалига бу ёққа чиқишни буюрасиз, ўзингиз эса ойим билан шу ерда бўласиз. Бироқ ҳаммасидан ҳам кераги, Жюльен ҳеч нимадан хабар топмасин, ана шунинг пайида бўласиз.

Орадан бир соат ўтгандан кейин руҳоний етиб келди. У янада семирганидан пихиллашда баронессадан қолишмасди. Руҳоний каравот яқинидаги креслога ўтираркан, керилган оёқлари орасидан қорни осилиб турарди. У одати бўйича пешонасини катак рўмолчаси билан артиб, гапни ҳазил-ҳузил билан бошлади

— Баронесса, дейман, назаримда, икковимиз озадиганга ўхшамаймиз. Менимча, икковимиз бир-биримизга муносиб-миз.

Шундан кейин у беморнинг тўшагига ўгирилди:

— Ҳ-ҳе! Эшитишимча, хоним ойим, яқинда янгича чўқинтириш маросимини қиларканмиз-да! Ҳо-ҳо-ҳо! Энди кимсани эмас, Ватанинг бўлгуси ҳимоячисини чўқинтиришга тўғри келади, — руҳоний гапини жиддий оҳангда тутатса ҳам, бир дақиқа ўйлаб туриб, баронесса томонга эгилганича қўшимча қилди: — Эҳтимол, сизга ўхшаган хонадоннинг яхши онасини чўқинтирармиз, хоним.

Бироқ бу пайтда хонанинг нариги бошидаги эшик очилди. Утакаси ёрилган, йиғлайвериб шишиб кетган Розали эшик кесақисига қўлини тираб, ўзини орқага ташлар, барон

эса уни туртиб-суртарди. Барон ахийри тутоқиб кетиб, Розалини ичкарига итариб юборди. Розали шундан кейин қўли билан юзини яширганича ҳиқ-ҳиқ қилиб тураверди.

Жанна унга кўзи тушиши биланоқ тезда туриб ўтирди. Унинг ранги оппоқ оқариб кетган, юраги азбаройи қаттиқ ураётганидан нам баданига ёпишиб қолган кўйлаги сал кўтарилиб тушарди. Жаннанинг тили гапга келмас, нафаси қисар, ҳаво етишмаётгандай оғзини очарди. Ўта ҳаяжондалигидан аранг гап бошлади:

— Сендан... сендан... сўрашимнинг... кераги йўқ... Юзимга... қараёлмаётганингни... кўришим... етади.

Жанна тўхтади, сўнгра нафасини ростлаб олиб, давом этди:

— Мен бўлсам ҳаммасини... ҳаммасини билмоқчиман. Бу худди тавба қилгандагидай бўлсин, деб жаноб кюрени чақиртирдим. Тушуняпсанми?

Розали қимир этмас, фақат юзини маҳкам беркитган қўллари орасидан «ҳиқ-ҳиқ» қилаётгани эшитиларди.

Бароннинг сабр-тоқати тугаб, унинг қўлидан жаҳл билан тортиб, каравот ёнига тиз чўктирди:

— Гапирсанг-чи... Жавоб бер!

Розали полда тавба қилаётган гуноҳкорлар тасвирландиган ҳолатда ётар, чепчаси бир чеккага сурилиб кетган, этаги полга ёйилган, қўли бўшаши биланоқ юзини яна беркитиб олганди.

Энди унга кюре гапирди:

— Менга қара, қизим, сўраган нарсаларига жавоб қайтар. Сенга биров ёмонлик тилаётгани йўқ. Сендан фақат ҳақиқатни айтишни талаб қилишяпти.

Жанна каравот оша унга қаради. Кейин:

— Мен кирганимда Жюльен билан бирга ётганинг тўғрими? — деди.

Розали қўлини юзига босганича ингради:

— Ҳа, хоним.

Шунда баронесса ҳам йиғлаб юборди. У қаттиқ ҳиқиллар ва қалт-қалт қилишда Розалига монанд эди.

Жанна оқсочдан кўз узмай сўради:

— Бу қачон бошланувди?

— Биринчи кундан, — гўлдиради Розали.

Жанна бунинг фаҳмига бормади.

— Биринчи кундан... Бундан чиқди... демак, баҳорданми?

— Ҳа, хоним.

— У ана шу хонадонга қадам қўйган биринчи кунданми?

— Ҳа, хоним.

Жанна бўғилиб кетаётгандай саволларни кетма-кет ёғди-  
рарди:

— Бу қандай бўлди ўзи? У қачон бундан гап очди?  
Сени қандай қилиб қўлга олди? Сенга нима деди? Қандай  
қилиб унинг гапига кирдинг?

Розали шундан кейин гапириб, юрагини бўшатгиси кел-  
ганидан юзидан қўлини олди:

— Мен қайдан билай! Шу ерда биринчи марта меҳмонда  
бўлганида кечаси хонамга келди. Унгача чордоқда беркиниб  
ётган. Бошқалар сезиб қолишмасин деб бақиринишга ботинол-  
мадим. У каравотимга қелиб ётди. Ўзимни йўқотиб қўй-  
ганимдан хоҳлаган ишини қилди. Ичимга солдим, чунки  
менга жуда ҳам ёқиб қолганди!

Жанна бақириб, унинг гапини бўлди:

— Бола-чи... демак боланг ҳам... ундан экан-да?

— Ҳа, хоним,— Розали ҳўнгиллаб жавоб қилди.

Шундан кейин икковлари ҳам жим қолишди.

Фақатгина Розали билан баронессанинг ҳиқ-ҳиқ қилиб  
йиғлаётганлари эшитиларди, холос.

Жанна изтиробда қолганидан кўзларида ёш ҳалқала-  
наётганини сезар, ёши яноқларини юварди. Ўзининг боласи  
билан оқсочининг боласи битта отадан! Жаннанинг газаби  
босилди. У энди тунд, чуқур ва беҳад азобда қолганди.

Ниҳоят, у бутунлай бошқача овозда, йиғлайвериб овози  
хириллаб қолган аёлдай йиғламсираб гапирди:

— Биз... ўша... ўша ёқдан... саёҳатдан... қайтганимиз-  
дан кейин ҳам... яна ёнингга кирдимми?

Оқсоч полга юзтубан тушиб, гўлдиради:

— Биринчи... биринчи кечанинг ўзидаёқ кирганди.

Оқсочнинг ҳар бир сўзи Жаннанинг юрагини омбурдай  
қисарди. Демак, «Теракзор»га қайтишган куни кечаси  
Жюльен ана шу фарни деб уни ташлаб қўйган экан-да.  
Кечалари шунинг учун ҳам ёлғиз қолдираркан-да!

Жанна энди барини етарлича билиб олганидан бошқа  
нарсга эшитишни истамасди.

У Розалига:

— Йўқол, кўзимдан, йўқол!— деб бақирди.

Розали адоин тамом бўлганидан қимир этмасди. Жанна  
шундан кейин отасини мададга чақирди:

— Олиб кетинг, йўқотинг!

Шу чоққача миқ этмай ўтирган кюре андак насиҳатгўй-  
лик қилишни ўринли ҳисоблади:

— Қизим, сен қилган иш жуда ва жуда ёмон. Худо  
таоло сени яқин орада кечирмайди. Бундан буён ўзингни



яхши тутмасанг — борадиган жойинг дўзах, шуни ёдингда тут! Энди эса боланг бор, демак, эс-хушингни йиғиштириб олишинг керак. Беканг, баронесса ёрдам беради ва биз сенга эр топамиз...

Кюре яна узоқ гапирган бўларди, бироқ барон Розалининг елкасидан ушлаб, эшиккача судраб борди-да, худди қопдай коридорга итқитди.

Барон қайтиб келганида ранги қизининг рангидан ҳам оқариб кетган, кюренинг эса ҳамон жағи тинмасди:

— Начора? Бу ердагиларнинг бари шунақа. Бу ғирт кулфат, унга чидашнинг сира иложи йўқ, шундай бўлса ҳам бари бир инсон табиятининг заифликларига мурувват қилмаса бўлмайди. Ишонсангиз, хоним, бу ердаги ҳар бир қиз олдин оғирроқ бўлиб, кейин турмушга чиқади.— Кюре иршайганича қўшимча қилди.— Бу бамисоли шу ернинг удумидай гап.— Сўнгра унинг овози газабкор тус ола бошлади.— Ҳаттоки болалар ҳам катталарга таҳасиб қилишяпти. Менинг ўзим бултур қабристонда иккита хушторнинг — ўғил ва қиз боланинг устидан чиқиб қолдим! Уларнинг ота-оналари билан гаплашсам, менга нима дейишади денг: «Иложимиз қанча, жаноб кюре, уларни бу ярамас ишга биз ўргатганимиз йўқ, қайтариш ҳам қўлимиздан келмайди!» Мана шунақа гаплар, жаноб! Оқсочингиз ҳам бошқалардан орқада қолмаган-да...

Ғазабидан титраб ўтирган барон кюренинг гапини бўлди:

— Розалиями? Менинг у билан ишим йўқ! Мени Жюльен газаблантиряпти. У аблаҳлик қилди, шунинг учун ҳам қизимни бу ердан олиб кетаман.

Барон хонада у ёқдан-бу ёққа юраркан, газаби қайнаб, тобора тутоқарди:

— У менинг қизимни разилларча алдади! Эшитяпсизми, разилларча! Ярамас, аблаҳ, бузуқи! Мен ҳаммасини башарасига айтаман, шапалоқ тортаман, ўз қўлим билан ўлдираман.

Йиғлаётган баронессанинг ёнида ўтирган руҳоний тамакисини искашга тўғриларкан, яраштириб қўювчи сифатидаги вазифасини қандай адо этишни ўйларди. Энди у гапга аралашди:

— Сабр этинг, жаноб, ўзаро айтганда ҳамма нима қилса, у ҳам шу ишни қилди. Вафодор эрларни кўп кўрганмисиз?— Шундан кейин содда муғомбирлик билан қўшимча қилди:— Узингиз ҳам бир вақтлари шўхлик қилгансиз, бунга мен кафилман. Хўш, кўксингизга қўлингизни қўйиб айтгинг-чи, тўғри айтяпманми?

Барон ҳайратга тушганидан руҳоний олдада тўхтади. У эса гапида давом этди:

— Шундай, сиз ҳам бошқалардан қолишмагансиз. Ўзингиз ҳам ана шундай оқсоч билан чалғиб қолган бўлсангиз керак. Сизга айтсам, ҳамма шунақа қилипти. Шунда ҳам хотинингиздан кўнглингиз қолмай, уни силаб-сийпаган бўлсангиз керак, шундайми?

Барон жойида қотди, у ганғиб қолганди.

Рухоний гапираётган нарсаларнинг бари, жин урсин агар, аини ҳақиқат эди. У ҳам фурсати келганда бунақа ишларни иложи борича тез-тез қиларди, бола-чақалик одамлигини ҳам ўйламасди. Хотинининг чиройлиқкина оқсочларига рўбарў келганида сира ҳам дош беролмасди! Нима, шунақа ишлари учун ўзи ҳам аблаҳ бўлиб қолганмиди? Ўзининг қилғилиқларини бир лаҳза ҳам жинояткорона ҳисобламаганидан кейин нега Жюльеннинг хулқини ҳаддан ташқари қоралапти?

Баронессанинг кўз ёшлари ҳали қуримаган бўлса-да, эрининг шўхликлари ҳақида гап кетганда сал илжайгандай бўлди. Нега деганда, баронесса ишқий саргузаштлар тирикчиликнинг ажралмас қисми деб ҳисоблайдиган бўштоб, таъсирчан ва олижаноб кимсалар жумласидан эди.

Жанна кўкка тикилганича ётар, қўллари икки ёнида, ўйлаб ўйига етолмасди. Розалининг: «Ичимга ютдим, чунки у менга жуда ҳам ёқарди-да» деган сўзлари ёдига тушиб, вужудини эзар ва юрагига нақ пармадай санчиларди.

Жюльен ўзига ҳам ёқарди-да. Фақат шунинг учун ҳам Жюльендан ҳеч нарсасини аямаган, у билан бир ёстиққа бош қўйган, бошқа барча армонлари, имкониятлар, эртанги кун ваъда этган номаълум нарсаларнинг баридан воз кечганди. Ўзи ана шу никоҳга, ана шу тубсиз чуқурликка интилган, энди эса оқибат, мана бу кулфатда, азобда, изтиробда қолиб, кўзи очилиб ўтирибди. Буларнинг барчасига Жюльеннинг ўзи билан Розалига ёқиб қолганлиги сабабчи бўлиб турибди!

Эшик кучли зарбдан очилиб, Жюльен дарғазаб ҳолда кириб келди. У зинада ҳиқ-ҳиқ қилиб йиғлаётган Розалини учратган, бу ерда ўзига қарши ишлар бўлаётганини тушуниб олганди. Оқсоч қиз валдираган бўлса керак, деб, нима гаплигини билгани келганди. Бироқ руҳонийга кўзи тушганида жойида таққа қотиб қолди.

У ўзини хотиржам тутса ҳам, титроқ овозда сўради:

— Нима бу? Бу ерда нима бўляпти ўзи?

Ҳозиргина газаби қайнаб турган барон, куёви кюренинги далилларини келтиришини ва ўзини мисолга олишга қўрққанидан оғиз очишга ботинолмади. Баронесса баттар йиғ-

лашга тушди. Жанна эса ёнбошлаганича ҳарсиллаб, бошига шунчалар кулфат солган кимсага тикиларди.

У овози бўлиниб-бўлиниб гап бошлади:

— Биз энди ҳаммасидан хабардормиз, мана шу уйга бош суққан... пайтингиздан... кунингиздан бошлаган барча қилмишларингиз бизга аён... Оқсочнинг боласи ҳам сиздан бўлган... менинг болам ҳам... Энди улар ака-ука...

Жанна шунда чидаёлмай ҳўнграб, ўзини ёстиққа ташлади.

Жюльен довдираб қолганидан нима қилишни ҳам, нима дейишни ҳам билмасди. Шунда кюре яна гапга аралашди.

— Бўлди, бўлди, куйнаверманг, хоним ойим, ақлли бўлинг!

Кюре ўрnidан туриб, каравотга яқинлашди-да, тафтли қўлини изтиробдаги аёлнинг пешонасига қўйди. Руҳонийнинг ана шу арзимас меҳрибончилиги Жаннанинг негадир жуда ҳоврини босди. Одамларнинг гуноҳларидан кечиби, тетиклантиришга ўрганган бу деҳқонча қўл, ўзига сирли таъсир қилгандай дарҳол енгил тортди қўйди.

— Хоним, ҳаммавақт кечириш керак. Бошимизга оғир кулфат тушди, бироқ парвардигорнинг раҳми келиб бунинг эвазига Сизни оналикнинг буюк бахтига мушарраф этди. Бола сизга тасалли бўлади. Мен фарзандингиз ҳурмати Сиздан жаноб Жюльеннинг айбни кечиришингизни ўтинаман. Чунки фарзанд сизларни бир-бирингиз билан боғлаб турадиган янги робита, эрингизнинг келгусида вафодор бўлмаганинг гаровидир. Вужудингиздаги боланинг отаси билан қандай қилиб айри яшай оласиз?

Жанна жавоб қилмас, иродаси сиғиб, азобда қолиб, азбаройи қийналиб кетганидан ғазаб ва аламини сочишга ҳам мажולי етмасди. Гўё сезиларсиз тиг теккандай асаб торлари бутунлай ишдан чиққан, вужудида жони аранг лиқиллаб турарди.

Ёмонлик деган нарса эсида турмайдиган ва аламингизга чўзилмайдиган баронесса қизига:

— Қўй энди, Жанна, — деб шивирлади.

Кюре шундан кейин Жюльенни каравотга яқин олиб келди-да, қўлини хотинининг қўлига қўйди.

Бунда у икковларининг қўлларини гўё умрбод қовуштираётгандай устидан ўзининг қўли билан беркитди ва ҳар қандай расмий насиҳатгўйликни йиғиштириб, шодон ҳолда:

— Хўш, иш битди, шунақада яхшироқ бўлади, гапимга ишонинглар, — деб қўйди.

Бир лаҳза яқинлашган қўллар эса ўша заҳоти ажралиниди. Жюльен Жаннани ўпишга ботинолмаб, қайнонасининг

пешонасидан ўпди-да, шартта бурилиб, бароннинг қўлигидан олди. Барон эса ичида ҳаммаси тўғри бўлиб кетганидан суюниб, куёвига итоат қилди-да, сигара чеккани биргаликда чиқиб кетишди.

Жанна шундан кейин тинкаси қуриганидан мудрай бошлади. Руҳоний билан баронесса овозларини пастлатиб гаплаша бошлашди.

Аббат гапириб, ўзининг мулоҳазаларини тушунтирар, баронесса эса барига рози бўлиб, бош иргарди. Руҳоний пировардида деди:

— Демак, келишдик. Сиз ана шу қиз учун Барвилдаги фермани берасиз, мен бўлсам унга ҳалол, дуруст эр топишни зиммамга оламан. Хўш, йигирма минг франк сепга талабгорлар топилади. Танлаб олаверасиз.

Баронессанинг лаби ип қочириб, хурсанд бўларди. Икки томчи ёши яноғида турган бўлса ҳам уларнинг нам изи қуришга улгурганди.

Баронесса ҳам кюренинг гапини қувватлади:

— Ҳа, келишдик. Барвилнинг баҳоси кам деганда йигирма минг франк, бироқ мол-мулк боланинг номида бўлади, шунда ота-онаси унинг даромадидан умрбод фойдаланишилади.

Кюре ўрнидан турди-да, баронессанинг қўлини сиқди:

— Хавотир олманг, баронесса, хавотир олманг, ҳар бир иш икковимизга қанчага тушишини мен биламан-ку, ахир.

Руҳоний чиқаётиб, Лизон холага тўқнаш келди. У Жаннани кўргани келаётганди. Хола ҳеч нимани пайқамади, бошқалар ҳам унга бир нима дейишмади. Шунинг учун ҳам у ҳар маҳалгидай ғофил қолаверди.

## VIII

Розали уйдан кетди, Жанна эса ҳомиладорликнинг кучли азоблари гирдобиди қолди. Кўнглида у оналик қувончини сезмас, нега деганда, бошига анча-мунча савдо тушганди-да. Кўзда тутилмаган бахтсизликлар азобида қийналиб кетганидан боласи тезроқ дунёга келишини сабрсизлик билан кутарди.

Баҳор ҳам сезиларсиз ҳолда яқинлашиб қолганди. Яланғоч дарахтлар ҳамон совуқ шамоллар эганда тебранишар, бироқ кузги япроқлар чириб тугаётган чуқурликларда ҳўл ўт-ўланлар орасидан дастлабки сариқ бойчечаклар бўй чўзишаётганди. Бутун текислик, фермаларнинг ҳовлилари, ёмғир суви ювган далаалардан зах, бижғиётган шарбат иси

келарди, қўнғир тусдаги ердан кўплаб яшил кўкатлар чизиги кўзга ташланар ва офтобда ялтирарди.

Розалининг ўрнига келган бўйдор ва бақалоқ хотин баронессанинг хиёбондаги доимий сайрларида ёнидан ушлаб юрарди. Баронесса янада вазмин тортганидан оёғининг изи қурмай тураверарди.

Барон ҳозирда оғир тортиб қолган ва касалдан боши чиқмайдиган Жаннани қўлтиқлаганича айлантириб юрарди. Бўлғуси воқеадан хавотирда ва ташвишда бўлган Лизон хола Жаннани бошқа тарафдан ушлаб юрар, ўзига насиб этмайдиган бу сирдан тамомила ҳайратда эди.

Учовлари бир-бирларига миқ этмаган ҳолда соатларча кезишарди, Жюльен эса бирдан от жинниси бўлиб қолганидан бунақа пайтларда теварак-атрофда изғиб юрарди.

Хонадондагиларнинг нурсиз ҳаётига ҳеч нима рахна солмасди. Барон билан хотини ва виконт Фурвилларникига ташриф буюришди. Шунда Жюльен нимадир қилиб, улар билан яқиндан танишиб олганлиги маълум бўлди. Ўзларининг тунд қасрларидан чиқишмайдиган Бризвиллар билан ҳам борди-келди қилишди.

Бир куни пешинда ҳовлига отлиқ эркак ва аёл кириб келишди. Шунда Жюльен жуда ҳаяжонланган ҳолда Жаннанинг олдига югургилаб келди.

— Тезроқ пастга туш, тезроқ, Фурвиллар келиб қолишди. Аҳволингдан хабар топганларидан қўшничилик қилиб, шунчаки келишибди. Уларга мени йўқ, дегин. Мен бўлсам тезда қайтаман. Бориб, кийиниб келай.

Жанна таажжубда бўлса ҳам пастга тушди. Рангар, хушрўйгина, касалманд юзли, кўзлари йилтиллаб турган, сочлари сарғиш ва хирасифат бўлган ёшгина жувон Жаннага ўзини бемалол тутган ҳолда чинакамига паҳлавонсифат, малла мўйловли, қандайдир қўриқчига ўхшаб кетадиган эрини таништирди. Кейин эса тушунтирди:

— Биз жаноб де Ламар билан бир неча марта учрашганмиз. Тобингиз йўқлигидан ҳам хабаримиз бор, шунинг учун пайсалга солмай, ваҳима-паҳима қилмай қўшничасига йўқлаб келдик. Айтмоқчи, ўзингиз ҳам кўриб турибсиз — биз отда келдик. Бундан ташқари, яқинда отангиз билан онангизни уйимда кутиб олишга мушарраф бўлгандим.

Жувон ўзига хос равишда назокатли соддалик билан гапирганидан Жанна унга зумда мафтун бўлди қолди. «Менга дўст бўладиган одам шу», — деб ўйлади у ичида.

Граф де Фурвиль эса меҳмонхонага кириб қолган айиқни эслатарди. У ўтирганидан кейин шляпасини ёнидаги стулга қўйди, бир озгача қўлни қайга қўйишни билмади,

тиззасига, кейин кресло суянчигига тиради, ахийри бармоқларини ибодат қилаётгандай бир-бирига қовуштирди.

Ногаҳон Жюльен пайдо бўлди. Жанна энди ўзининг кўзларига ишонмасди. Жюльен соқолини олган, нақ куёвлик пайтидагидай кўркам, башанг ва мафтункор кўринарди. Жюльен типирчилаб қолган графнинг сержун қўлини қисди, сўнгра графинянинг қўлидан ўпди. Шунда десангиз, графинянинг қонсиз яноқлари қизаринқираб, киприклари пиририради.

Жюльен тилга кирди. У илгаригидай сериатифот эди. Йирик кўзлари яна севги кўзгусидай туюлар, яна меҳр сочар, жилосиз ва қаттиқ сочлари таралиб, мой суркалганидан бир текисда силлиқ ялтирарди.

Фурвиллар кетишга отланишаркан, графиня Жюльенга ўғирилди:

— Қадрли виконт, пайшанба куни отда айланишни истайсизми?

Жюльен унга томон эгилиб: «Албатта, хоним» деярдан, графиня Жаннанинг қўлидан ушлаб, мулойим илжайганича самимият билан гапирди:

— Хўп, тузалганингиздан кейин теварак-атрофда учовлашиб айланамиз. Бу ажойиб бўлади, тўғрими?

Графиня суворалик либосининг этагини илдамлик билан сал кўтарди-да, эгарга бамисоли қушдай енгил қўнди. Эри эса бесўнақай таъзим қилиб нормандча катта отига мишиши биланоқ гўё девдай унга ёпишди қўйди.

Улар ихота бурилган жойда кўринмай кетганларидан кейин Жюльен шавқ-завқ билан хитоб қилди:

— Асил одамлар! Булар билан таниш-билишлик бизга чиндан ҳам фойдали бўлади.

Жанна ҳам нимадан хурсандлигини ўзи билмаса-да, жавоб қилди:

— Графиня ажойиб жувон, уни яхши кўриб қолишимга ишончим комил, бироқ эри кўринишдан маҳлуқнинг ўзи. Улар билан қаерда танишиб қолувдинг?

Жюльен хурсанд ҳолда қўлини қўлига ишқалади.

— Уларни тасодифан Бризвилларникида учратиб қолдим. Эри бир оз бесўнақай. Унга ов бўлса бас, бироқ зодагоннинг энг асили.

Тушлик ҳам деярли шодон ўтди. Хонадонга гўё яшириган бахт сезиларсиз ҳолда оралаганга ўхшарди.

Шундан кейин то июль ойининг охири кунларигача хонадонда бошқа янги воқеа рўй бермади.

Сешанба куни оқшом пайтида ҳаммалари чинор тагидаги тахтадан ясалган ва иккита қадаҳ билан арақли графиня

турган стол теварагида ўтиришганларида Жанна бирдан чиқариб юборди, ранги қум ўчиб, иккала қўлини қорнига босди. Бир лаҳзали кучли оғриқ бирдан бошланиб, дарҳол босилди. Бироқ ўн дақиқадан кейин гарчи сал берироқ бўлса ҳам бошқаси қўзғаб, анчагача босилмади. У уйга аранг етиб олди, отаси билан эри уни деярли кўтариб боришди. Чинордан ётоққача бўлган йўл Жаннага боши кўринмайдигандай туюлди. У истамаса ҳам инграр, қорнидаги оғриққа чидаш беролмаётганидан ўтиришни, дам олдиришни илтижо қиларди. Унинг ҳомиладорлик муддатига ҳали бор, фақат сентябрда кўзи ёриши кутилларди. Шунга қарамай, кўзда тutilмаган тасодифиятдан ваҳимага тушганларидан Симон амакига икки ўринли аравани қўшиб, докторга чопишни буюришди.

Доктор ярим кечада етиб келди-да, биринчи кўришдаёқ муддатидан илгари тўлғоқ бошланганини аниқлади.

Жанна ўринда ётганида тортаётган азоби бирмунча пасайди, бироқ энди гўё сирли ўлимни олдиндан сезаётгандай ёмон ваҳимага тушиб, бутунлай бўшашиб кетганди. Улим бизга жуда яқин турган, унинг нафасидан вужудлар музлаб кетган дақиқалар ҳам бўлади-да.

Ётоқ одамга тўла, баронесса креслосида ёнбошлаганича ҳарс-ҳарс қиларди. Барон эсини йўқотиб қўйгандай ўзини у ёқдан-бу ёққа урар, қўллари қалтираганича қандайдир буюмларни узатар, дам-бадам докторга мурожаат қиларди. Жюльен хонанинг у бошидан-бу бошига бориб келар, кўрниши ташвишли бўлса-да, кўнгли тинч, Жаннанинг оёқ томонида бева Дантью вазиятга қараб ачинаётгандай қиёфада ўтирарди. Кўпни кўрган бу аёл сира бўш келмасди. Доялик қилиб, касал боқиб, марҳумларнинг тепасида ўтириб, дунёга келганларнинг ингалаганини эшитиб, чақалоқни биринчи бор ўзи чўмилтириб, йўргаклар, сўнгра худди шундай бамайлихотирлик билан бу оламдан кетаётганларнинг охирги сўзларини, сўнги нафасларини, сўнги титроқларини эшитар, кўрар, мурдаларини сирка билан артар, сўнги бор кийинтирар ва шу тариқа таваллуд билан ажалнинг барча ҳодисаларига бениҳоя лоқайд бўлиб қолганди.

Ошпаз Людивина билан Лизон хола кираверишдаги эшик олдида мунғайибгина туришарди.

Хаста эса гоҳи-гоҳида оҳиста инграб қўярди.

Икки соат ичида тўлғоқ ҳали-бери тутмаса керак, деган тахминга боришди. Бироқ эрталабга яқин оғриқ янада кучайганидан унга деярли чидаш бериб бўлмасди.

Жанна қанчалар тишини тишига қўймасин, бари бир додлар ва бунда нуқул Розалини, у сира қийналмаганини,

инграмаганини, боласи, никоҳсиз тугилган боласи, беазоб тугилганини ўйлагани ўйлаганди.

Жанна ўзини аянчли ва дилгир сезса ҳам Розалига солиштириб кўрарди. Илгари ҳақгўй санаб юрган худони энди лаънатлар, тақдирнинг кечирилмас ғаразидан ва ҳақиқат билан эзгуликни тарғиб қилаётганларнинг жиноятқорона ёлғонларидан нафратланарди.

Дард гоҳо бениҳоя азоб берганидан хаёлига ҳеч нима келмай қоларди. Азоб унинг ҳамма кучи, бутун ҳаёти, бор ақлини босиб кетарди.

Жанна сал тинчиган дақиқаларида Жюльендан кўзини узмас, оқсоч полда, мана шу қаравот ёнида, ҳозирда ичини ёмон таталаётган чақалоқ яқинида юзтубан тушган кунни эслаганида вужуди зирқираб кетарди. У хотирасида эрининг Розалия полда ётганини кўргандаги ҳаракатлари, қарашлари, сўзларини батафсил тиклади. Шунинг учун ҳам ҳозирда Жюльенга қараб, дилида кечаётганлари ҳаракатларида зоҳир бўлаётганини, аламзадалигини, Розали сингарини ўзига ҳам лоқайдлигини, бепарво, ўзини яхши кўрадиган эканлиги туфайли бола кўришга тоқати йўқлигини кўриб турарди.

Бироқ шу пайтда тўлғоқ қаттиқ тутиб, оғриқ азбаройи зўрайганидан: «Ҳозир ўламан. Ўляпман!» деб ўйлади.

Жаннанинг вужудини кучли нафрат эгаллади. У ўзини жувонмарг қилган эркакни ҳам, ҳозирда нобуд этаётган номаълум чақалоқни ҳам лаънатлаб, булғалаб ташлагиси келарди.

У ана шу юкдан халос бўлиш учун алаmidан қаттиқ кучанди. Шунда назарида қорни бўшаб, оғриқ зумда босилгандай бўлди.

Доя билан врач Жаннанинг устига энгашиб, уни эзгилашди-да, кейин ниманидир тортиб олишди. Орадан кўп ўтмай оҳиस्ताгина овоз эшитилди. Жанна бунақа овозни эшитганидан чўчиб кетди. Чақалоқнинг бундай аянчли йиғиси, мушук боладай чийиллаши вужудига, юрагига, дардман, қийналган баданига сингиб кетганди. Шунинг учун ҳам беихтиёр равишда унга қўлини чўзишга уринди.

Ҳозиргина насиб этган қувонч тўлқини, бахтиёрликка интилиш Жаннанинг бутун вужудини лиммо-лим тўлдирганди. Бир лаҳзада ўзини озод, енгил, бахтиёр бўлганда ҳам ҳар қачонгидан ҳам саодатли сезди. Унинг руҳи билан танасига жон кирган, чунки энди у ўзини она деб ҳис этарди.

У ўзининг фарзандини кўргиси келарди! Чақалоқ чала тугилганидан сочи ҳам, тирноғи ҳам ҳали чиқмаганди.



Бироқ Жанна чақалоқ қимирлаб, йигламоқчи бўлиб оғзини очаётганини кўрганида, бужмайган, хунук, жонсарак чала туғилган бу гўдакка қўлини текизганида беҳад суюниб кетди, жони омон қолганлиги, азоб-уқубатдан қутулганлиги аён бўлди. Энди у бор меҳру-муҳаббатини, ўзини боласига фидо қилади. Дунёда унга боласидан бўлак нарса керак эмас.

Мана шу дақиқадан бошлаб, Жаннанинг хаёлидан битта нарса — боласи кетмай қолди. У муҳаббатда алданиб, орзу-умидлари пучга чиққанидан бирдан меҳру-муҳаббати дарё, фидойи она бўлди қўйди. У боласининг бешиги доимо каравоти ёнида туришини талаб қилар ва ўрнидан туришига рухсат берганларида кун бўйи дераза ёнида боласини тебратиб ўтирарди.

Жанна чақалоқни эмизувчи хотинга нисбатан гаши келарди. Чақалоқнинг қорни очиб, қўлини томирлари кўм-кўк бўлган сутга тўла кўкракка чўзиб, ажинли учидан ютоқиб эмаётганини кўрганида Жаннанинг ранги қув ўчиб, қалтираганича барваста, хотиржам кўринган деҳқон аёлга тикилар, ундан ўғлини тортиб олиш, боласи ютоқиб эмаётган кўкракни тимдалаб ташлашдан ўзини аранг тутиб турарди. У боласига дабдабали ва серҳашам кийимлар тика бошлади. Чақалоқни тўрларга ўрашар, бошига ваҳимали қалпоқчалар кийгизишарди. Жанна нуқул боласининг кийимларидан гапиргани гапирган, йўрғанини, кўкракпешини ёки орқаси очик, тугмасиз кўйлакчасини яхши тиккани билан мақтаниш учун ҳар қандай гапни бўлар, теварагидагиларнинг нима деяётганлари қулоғига кирмас, қандайдир латта-путтадан завқланар, яхшироқ кўриш учун қўлида кўтариб айлантирар ва тўсатдан:

— Нима дейсиз, бу унга ярашармикин?!— деб сўраб қоларди.

Барон билан хотини Жаннанинг бу қадар болажонлигини кўрганларида жилмайиб қўйишар, Жюльен эса хавотирга тушиб қолганди. Нега деганда, бу бақироқ, айтганини қилдирадиган зolim туғилиши билан хўжайинчилигидан путур кетганидан, уйдаги мавқеини олиб қўйган бу зумрашага яқин келар ва доимо:

— Болани айланиб-ўргилиши жонга тегиб кетди-ку,— деб яниб қўярди.

Жаннанинг боласига фидойилиги азбаройи ҳаддидан ошиб кетганид. и, бешик тепасида кечаси билан мижжа қоқмай, чақалоқнинг ухлашини томоша қиладиган одат чиқарди. Бу эҳтиросли ва дардманд ҳолат Жаннанинг жуда тинчасини қуритарди. У мутлақо дам олмаганидан мазаси

қочар, озар, йўталарди. Врач Жаннани боласидан айиришни маслаҳат берди.

Жанна бундан ачиқланди, йиғлади, ялиниб-ёлборди, бироқ илтижолари инобатга ўтмади. Чақалоқ ҳар куни эмизувчи хотин билан бирга ётарди. Жанна эса ҳар куни кечаси туриб, яланг оёқ ҳолда эшикка яқинлашарди-да, боласи тинч ухляптими, уйғониб кетмаяптими, бирор нарса керак эмасмикин, деб калит тешигига қулоғини тутиб турарди.

Жюльен бир сафар Фурвилларникида ўтириб қолиб, бемаҳалда қайтганида Жаннани шундай аҳволда кўриб қолди. Шундан кейин Жаннани жойида ётишга мажбур қилиш учун хонасининг эшигини қулфлаб қўйишадиган бўлди.

Августнинг охирида болани чўқинтириш маросими бўлди. Барон чўқинтирган ота, Лизон хола эса чўқинтирган она бўлди. Болага Пьер-Симон Поль, содда қилиб айтганда, Поль деган исм қўйилди.

Сентябрнинг бошларида Лизон хола жўнаб кетди. Унинг борлигини биров билмаганидай, йўқлиги ҳам сезилмасди.

Бир куни тушдан кейин кюре пайдо бўлди. У гўё қандайдир сири бордай жуда хижил кўринарди. Анчамунча кераксиз гаплар сотилганидан кейин у ахйри баронесса ва эри билан холи гаплашишга бир неча дақиқа ёлғиз қолдиришларини илтимос қилди.

Учовлари шошилмай у ёқ-бу ёқдан гаплашганларича катта хиёбоннинг оёғига боришди. Жюльен Жанна билан ёлғиз қолаверди. У буларнинг гап яшираётганларидан ҳайрон ва безовта бўлар, диққати ошарди.

Жюльен руҳоний хайр-хўш қилаётганида уни кузатиб қўядиган бўлди. Шундан кейин икковлари биби Марьям ибодатига қўнғироқ овози келаётган черков томон йўл олишди.

Ҳаво яхши, деярли муздай эди. Шунинг учун ҳам ҳаммалари тез орада меҳмонхонага қайтиб киришди. Жюльен бўғриқиб ва тутоқиб қайтиб келганида ҳаммалари аста-секин пинакка кетиша бошлашганди.

Жюльен Жанна ҳам борлигини билмай остонаданок қайнотаси билан қайнонасига ўшқирди:

— Эсларингиз жойидами ўзи? Уша гарга йигирма минг франкни улоқтирасизларми?!

Ҳаммалари ҳайратда қолганларидан бир оғиз ҳам жавоб қилишмади. Жюльен дарғазаб ҳолда бақришда давом этди:

— Ҳар қандай бемаънилиكنинг ҳам чегараси бор. Сизлар бизни гадой қиласизлар-ку!

Барон шундан кейин ўзини қўлга олиб, Жюльенни ҳовридан туширишга уринди:

— Овозингизни ўчиринг! Гапингизни хотинингиз эши-таётганини унутманг!

Жюльен азбаройи туюққанидан нима деяётганини ҳам билмасди,

— Бунақа ишга туфураман. Унинг ўзи ҳам ҳаммасини билади. Сизлар уни шилаяпсизлар.

Жанна эрига таажжубда боқаркан, ҳеч нимага тушунол-масди. Ниҳоят, у:

— Нима гап? Нима бўлди? — деб гўлдиради.

Жюльен шундан кейин унга ўгирилди-да, гўё ўзи билан бирга зарар кўраётган шеригидай уни гувоҳликка даъват қилди. У Розалини узатишга махфий тил бириктиришгани-ни ва бунинг учун баҳоси йигирма минг франкдан кам бўлмаган Барвиль фермасини ҳадя этишаётганини рўй-рост айтди.

— Ота-онанг эсларини еб қўйишибди, дўстим, — дерди Жюльен, — эсларини еб қўйишибди! Йигирма минг! Йигир-ма минг франк! Уларнинг эслари қаёқда ўзи! Никоҳсиз ту-ғилган болага йигирма минг франк-а! Уларнинг эслари қаёқ-да ўзи! Никоҳсиз туғилган болага йигирма минг франк-а!

Жанна Жюльеннинг сўзларини бемалол ва аччиғи кел-май эшитар, ҳозирги хотиржамлигига ўзи ҳам ҳайрон бўларди. Чунки эндиликда боласига алоқадор бўлмаган нарсаларнинг бари унга бефарқ эди-да.

Барон ҳарс-ҳарс қилар ва жавоб қилишга сўз тополмас-ди. У ахийри туюқиб, ер тепиниб бақирди.

— Эсингизни йиғиб олинг! Нима деяпсиз ўзи? У нар-санинг оти қурсин. Кимнинг айби билан қизга сеп беришга тўғри келяпти? Унинг боласи кимдан бўлган? Сиз энди болани йўқотишдан хурсанд бўлмоқчисиз!

Барон қаттиқ силтаб ташлаганидан Жюльен унга қара-ди-да, анча босиқлик билан гап бошлади:

— Бир ярим минг ҳам кифоя қиларди. Уларнинг ҳам-малари эрга теккунча болалик бўлишади. Бола кимдан бўлган — бунинг ишга алоқаси йўқ. Мабодо сиз унга йигир-ма минг турадиган фермангиздан бирини берсангиз фақат менга зиён етказибгина қолмай, кераксиз шов-шувга ҳам йўл берасиз. Сиз жилла бўлмаса бизнинг кимлигимиз ва мавқеимизни ҳам ўйласангиз бўларди.

Жюльен ўзининг ҳақлигига ва далилларининг тўғрили-гига ишонган одамдай жиддий оҳангда гапирарди. Барон бунақа қўққис ҳамладан жуда довдираб қолди. Жюльен шунда қўли баландлигини сезиб, хулоса ясади:

— Хайриятки, ишни ҳаляям тўғриласа бўлади. Мен Розалига уйланишга рози бўлган бир йигитни биламан. У дуруст йигит, кўнглига йўл топса бўлади. Бунга ўзим киришаман.

Жюльен баҳс чўзилиб кетишидан чўчигани ва ҳаммалари индамай қолганларини ризоликка йўйганидан хурсанд ҳолда зумда ташқарига чиқиб кетди.

У кўздан йўқолиши биланоқ барон таажжуб ва ғазабдан тутоқиб бақирди:

— Бу ҳаддан ошиш, ҳаддан ошиш!

Жанна эса довдираган отасига қараркан, бирдан илгаригидай жарангдор овозда кулиб юборди. У бирорта қизиқ иш бўлганда шунақа куларди. Бунинг устига у нуқул:

— Дада, дада, у: «Йигирма минг франк-а!» деганини эшитдингизми? — дерди.

Йиғиси ҳам, кулгиси ҳам бирдай тезгина кела қоладиган баронесса ҳам куёвининг, ўзи йўлдан урган қизга, ўзига тегишли бўлмаган пул берилаётганидан жазавага тушгани, дарғазаб бақирishi ва беҳад норозилигини эслатди. У ҳам Жаннанинг кўнгли очилганидан, хурсанд бўлиб силкиниб хахолаганидан, ҳатто кўзларига ёш чиққанди. Шунда барон ҳам она-болога қўшилиб хахолашга тушди. Энди учовлари ҳам илгариги бахтиёр кулардагидай беҳол бўлганларича кулишарди.

Ҳаммалари тинчиганларидан кейин Жанна ҳайрон бўлиб деди:

— Ажаб, менга бу ҳозир сира ҳам таъсир қилмаяпти. Жюльен менга бегона одамдай гап. Унинг хотини эканимга ишонгим ҳам келмайди. Мен ҳатто унинг... унинг беадаблигидан кулаётганимни ўзингиз ҳам кўриб турибсизлар.

Шунда учовлари ўзлари ҳам сабабини билмаганлари ҳолда хурсандликларидан кулганларича ўпишишди.

Икки кундан кейин, нонуштадан сўнг Жюльен отда кетиши биланоқ кўча эшикдан йигирма икки-йигирма беш ёшлардаги бўйдор, эғнига дазмолланган, бўғма англи кўк кўйлак кийган бир йигит сирғилиб кириб келди. Чамаси, у эрталабдан бери пойлаб турган, энди эса Куярларнинг ихота деворини ёқалаб келиб, уйни айланиб ўтган ва одатдагидай чинор тагида ўтиришган барон билан хонимларга биқинганича яқин келганди.

Йигит хонадон эгаларини кўриб, фуражқасини олди-да, уялибгина ва йўл-йўлакай эгила-букила яқинлашди.

У гапи эшитиладиган даражада яқин келганидан кейин:

— Жаноб баронга, ойимқизга ва бутун даврага эҳтиром йўлламан, — деб гўлдиради.

Гапига ҳеч ким жавоб қилмаганидан кейин у:

— Мен Дезире Лекок бўламан,— деб ўзини танитди.

Бу ном ҳаммаларига нотаниш бўлганидан барон:

— Сизга нима керак?— деб сўради.

Йигит нимага келганини тушунтириши зарурлигидан гангиб қолди. У тутила-тутила, кўзини дам қўлида эзгилаб турган фуражкасига, дам томнинг бўғотига тикканича гапирди:

— Жаноб кюре ўша иш юзасидан менга бир нима дедди...

У ортиқча валдираб манфаатларига зиён етишидан чўчиб, тўхтаб қолди.

Барон ҳеч нимани тушунмай, қайтадан сўради:

— Қанақа иш? Менинг ҳеч нимадан хабарим йўқ.

— Оқсочингиз, Розалия масаласида...

Жанна шунда гап нимадалигини фаҳмлаб, боласини кўтарганича туриб кетди. Барон эса йигитга: «Яқинроқ келинг»,— дея ҳозиргина қизи бўшатиб кетган стулга ишора қилди.

Деҳқон йигит:

— Беҳад миннатдорман,— деб ўтирди.

Йигит шундан кейин айтадиган бошқа гапи йўқдай сукут сақлади. Анчага чўзилган жимликдан кейин ўзини қўлга олди-да, кўкка боққанича тилга кирди:

— Шу кунларда ҳаво яхши бўляпти-да. Ерга ҳам фойда — кузги экинлар бўй чўзади,— йигит яна жим қолди.

Бароннинг тоқати тоқ бўлди. У масалани кўндаланг ва кескин қўйди.

— Демак, сиз Розалига уйланасиз?

Деҳқон йигит нормандларга хос бутун айёрлигини ишла-тишга йўл қўйишмаганидан дарҳол ҳушёр тортди. Шунинг учун ҳам зарба беришга шошилди:

— Бу ёғига боғлиқ-да. Балки уйланарман, балки уйланмасман.

Бу устомонликдан бароннинг гаши келди.

— Жин урсин! Сиз шунга келдингизми ё йўқми? Тўғри жавоб беринг. Уйланасизми ёки йўқми?

Йигит ташвишда қолганидан энди оёғининг тагига қарарди.

— Мабодо жаноб кюре айтганларидай бўлса — уйлана-ман, жаноб Жюльен айтганларидай бўлса сираям уйлан-майман.

— Жаноб Жюльен сизга нима дедди?

— Жаноб Жюльен менга бир ярим минг франк олишим-ни айтди. Жаноб кюре эса йигирма минг оласан, дедилар.

Мен йигирма мингга розиман, бир ярим мингга эса ўлсам ҳам кўнмайман.

Шунда креслосида боядан бери ёнбошлаган баронесса ҳам йигитнинг ўтакаси ёрилаётганини кўриб, кулгиси қистай бошлади. Барон эса хотини нимага кулаётганини тушунай, унга хўмрайиб қўйди-да, йигитдан жавоб кута бошлади.

Барон бу савдо-сотик хуш келмаганидан уни тугатишга қарор қилди:

— Мен жаноб кюрега Барвиль фермаси сизларга умрбод берилишини, кейин эса болага ўтишини айтганман. Унинг баҳоси йигирма минг франк. Мен ўз сўзимдан қайтмайман. Бу шундай келишилган — уйланасизми ё йўқми?

Деҳқон йигит ялтоқланиб ва қаноат ҳосил қилгандай ҳиринглади-да, бирдан сўзамол бўлиб қолди:

— Хўш, агар шундай бўлса мен бош тортиб ўтирмайман. Ҳамма гап ана шунда эди. Шундай бўлса мен қарши эмасман. Жаноб кюре менга оғиз очганларида дарҳол кўнувдим. Жаноб бароннинг ҳам хизматини қилсам, дегандим-да. Мен ҳам ўзимча, барондан ҳам қайтар, деб ўйлагандим. Тўғри-да, бировга ўтқазиб қўйсанг, кейин қарабсанки ундан ҳам қайтади. Бундан бир оз олдин эса, жаноб Жюльен уйимга кирувди, билсам, пул бор-йўғи бир ярим минг экан. Ўзимча, бориб билай-чи, дедим-да, бу ерга келдим. Мен, очиги, шак-шубҳа қилмасдим, фақат тагига стмоқчидим-да. Ҳисобли дўст айрилмас, тўғри гапираянманми, жаноб барон?

Барон унинг гапини бўлиш учун:

— Қачон никоҳдан ўтмоқчисиз? — деб сўради.

Деҳқон йигит яна уялиб, довдираб қолди. Ниҳоят ботинмайроқ гапирди:

— Олдин қоғозни тўғриласак бўлармиди?!

Барон эса бу сафар қайнаб кетди:

— Ҳе, сизни жин урсин-ё. Никоҳ шартномаси қўлингизга тегади-ку. Ундан зўр қоғоз бўлиши мумкин эмас.

Деҳқон йигит қайсарлик қилди

— Бари бир, қоғозни тўғрилаб қўйсанг ёмон бўлмасди, нинга халал бермайди.

Барон бунга чек қўйгани ўрнидан турди

— Шу дақиқанинг ўзида: ҳа ёки йўқ, деб жавоб беринг Мабодо айниган бўлсангиз очигини айтинг, кўз тагига олиб қўйган бошқа одамим бор.

Рақобатчилик ваҳимаси муғомбир нормандияликни бутунлай гангитиб қўйди. У дарҳол рози бўлиб, худди сигир сотиб олаётгандай қўлини узатди.

— Қўлни ташланг, жаноб барон, иш битди. Ким бундан қайтса, ўша гуноҳкор бўлади.

Қўлни қўлга ташлашди, сўнгра барон:

— Людивина!— деб чақирди.

Ошпаз хотин деразадан мўраллади:

— Бир шиша вино олиб келинг.

Ишни «ювишди», йигит шундан кейин анча шодон одимлаб кетди.

Бу музокаралар хусусида Жюльенга ҳеч нима дейишмади. Шартнома ниҳоятда махфий равишда ҳозирланди, сўнгра у маълум қилинганидан кейин душанба кунларидан бирида тўй бўлди.

Қўшни аёл келин-куёвдан кейинда фаровонликнинг аниқ гарови бўлган чақалоқни черковгача кўтариб борди. Бунга музофотдагиларнинг бирортаси ҳам ажабланмади. Ҳамманинг Дезира Лекокка ҳаваси келарди. «Бу бахтли бўлиб туғилган экан», дейишарди одамлар муғомбирона кулимсирашиб. Бирорта ҳам одам уни ёмонламади.

Жюльен ёмон машмага қилиб, қайнотаси билан қайнонасини «Теракзор»дан кетишларини тезлаштирди. Жанна улар билан хайрлашаётганида унчалар қайгурмади ҳам. Нега деганда Поль унга қувончларнинг туганмас манбаи бўлиб қолганди.

## IX

Жанна батамом соғайиб кетганидан кейин Фурвилларни чақирришга, шунингдек маркиз де Кутелье хонадонига ташриф буюришга қарор қилишди.

Жюльен ким ошди савдосидан янги соябон арава, бир ойда икки марта юриш учун бир отли файтон сотиб олди.

Декабрнинг очиқ ҳаволи кунларидан бирида файтонни қўшишди-да, икки соат юрганларидан кейин ёнбағирлари ўрмонзор ва этаги ҳайдалган пасттекисликка етишди.

Орадан кўп ўтмай ҳайдалган ерлардан кейин майсазор, сўнгра ботқоқ бошланди. Ботқоқда баланд қамишлар ўсган, йилнинг бу фаслида қамиш қуруқ бўлиб, сарғиш лентага ўхшаган барглари шитирларди.

Ногаҳон водийнинг кескин муюлишидан кейин Ла Врийет мулкидаги бой хонадон кўринди. У бир томондан ўрмонли ёнбағирга, иккинчи томондан этаги каттакон ҳовузга тутшиб кетарди. Рўбарўдаги соҳилда водийнинг бошқа ёнбағри тепасида арчазор ястанганди.

Эски осма кўприкдан ошиб, Людовик XIII замонасидан қолган баланд аркдан ўтишга тўғри келарди. Шундан

кейингина ўша даврдан қолган, юзи ҳовлига қараган сирти гиштин, ён тарафда шиферли минорачалари бўлган бежиримгина қасрга кириларди.

Жюльен Жаннага бинони бошдан-оёқ биладиган одамдай ҳар бир деталини тушунтирди. Иморатни мақтар, гўзал жойларидан завқланарди.

— Аркни кўргин-а! Уй эса нақадар зўр! Рўбарўдаги томон ҳовузда турибди ҳисоб, зиналар эса шоҳона, нақ сувгача келади. Унинг куйи пиллапояларига тўртта қайиқ боёлаб қўйилган: иккитаси графга, иккитаси графиняга тегишди. Унг томонда қатор тераклар бор, кўрдингми, ҳовуз ўша ерда тугайди. Фекангача оқиб борадиган жилға ўша ердан бошланади. Бу ерда ёввойи парранда тўлиб ётибди. Граф-ашаддий овчи. Манавини ҳақиқий тўраларнинг мулки деса бўлади!

Ташқари эшик очилиб, қадди-қомати келишган рангпар графиня кўринди. У меҳмонлар истиқболига этаги ерни супурадиган кўйлақда нақ ўрта асрларга хос қасрларнинг эгасидай жилмайганича келарди. Унинг ўзи бундай афсонавий сарой учун яратилган кўл маликасига ўхшарди.

Залда саккизта дераза бўлиб, улардан тўрттаси ҳовузга ва тўрттаси рўбарўдаги тепаликни қоплаган ўрмонга қараганди.

Ҳовуз қорайиб турган дов-дарахтлар қаршисида бениҳоя чуқур, даҳшатли ва тунд кўринарди. Шамол турганида дарахтларнинг гижирлашлари янграрди.

Графиня гўё бирга катта бўлишгандай Жаннага иккала қўлини узатди-да, ўтқазиб, сўнгра ўзи ёнидаги пастак креслога ўтирди. Жюльен эса кейинги беш ой ичида илгариги ҳолига келганидан чакаги тинмас ва дўстларча самимий кулгани кулганди.

Графиня билан Жюльен отда биргаликда айланганликларидан гапиришарди. Графиня Жюльеннинг отда ўтиришидан кулиб, уни «кавалер Спотикач» дер, Жюльен ҳам кулар ва графиняни «Амазонкалар қироличаси» дерди. Шу пайт дераза тагидан ўқ овози эшитилди. Жанна қўрққанидан додлаб юборди. Ўқ узган граф бўлиб, у чурракни отиб туширганди.

Графиня дарҳол эрини чақирди. Эшаклар овози, қайиқнинг тошга урилгани эшитилиб, сўнгра узун қўнжли этик кийган графнинг ўзи кўринди. Унинг кетидан кириб келган ҳаммаёғи шалаббо ва граф сингари малла бўлган иккита ит ҳам ўша заҳоти эшик ёнидаги гиламга чўзилишди.

Граф уйда ўзини ошкора бемалол сезар ва меҳмонлар



келишганидан чинакамига шод эди. У каминга ўтин ташлашни, мадера<sup>1</sup> билан бисквит<sup>2</sup> олиб келишни буюрди. Сўнгра эса бирдан:

— Нима деяпман ўзи? Биргаликда овқат қиламиз!— деб ҳайқирди.

Жаннанинг бутун хаёли боласида бўлганидан узр сўрашга уринди. Граф эса унамасди, Жанна тиқилинч қилаверганидан кейин Жюльен «бўлди энди» дегандай кескин имо қилди. Жанна эри тутоқиб кетиб, ҳунарини кўрсатмасин, деб қўрққанидан рози бўлса ҳам Полни эрталабгача кўролмаслигидан ичида зил кетарди.

Кун ажойиб ўтди. Олдинга чашмаларни кўргани боришди. Чашмалар йўсин босган қоятошнинг этагида бўлиб, уларнинг суви гўё қайнаётгандай туюлган тип-тиниқ ҳовузни тўлдириб турарди. Шундан кейин қайиқда қуруқ қамишзорларни оралаган суви сўқмоқлардан ўтишди. Граф ҳушёрлик билан ҳид олиб боришаётган икки ити орасида ўтирган ҳолда эшкак эшарди. У ҳар эшкак эшганида улкан қайиқ олдинга сапчирди. Жанна гоҳо қўлини сувга ботириб, бармоқларидан юрагигача жимирлаб борган салқиндан баҳра оларди. Қайиқнинг қуйруқ томонида Жюльен билан рўмолга бурканган графиня ўтиришар ва азбаройи хурсандликларидан гапирадиган гаплари ҳам қолмаган одамлардай жилмайишгани жилмайишганди.

Кеч кириб келаётганидан шимол шамоли қамишларини шитирлатиб ўтарди. Қуёш арчазорлар ортига яширинди. Алвон булутлар босган қизғиш осмонга бир қарашдаёқ одам жунжикиб кетарди.

Сайрдан кейин каттакон залга қайтиб келишди, ундаги каминда олов ловуллаб турарди. Ҳаммалари иссиққина ва шинамгина жойга келганларидан зумда яйраб кетишди. Граф шунда шўхлик қилиб, баҳайбат қўллари билан хотинини ердан узиб, нақ боладай лабига яқинлаштиришди, шодон соддадил одамдай иккала юзидан чўпиллатиб ўпди.

Жанна эса баҳайбат мўйлови туфайли одамхўр номини олган олижаноб паҳлавонга жилмайганича тикиларкан, ичида: «Биз одамларга баҳо берганда кўпинча янглишамиз-а»,— дерди. Шунда беихтиёр Жюльенга қараган эди у эшик олдида ранги бўз оқариб кетганича графдан кўз узмай турганини кўрди. Жаннанинг юрагига ғулғула тушиб, эрига яқинлашди-да, шивирлаб:

— Мазанг қочаптими? Сенга нима бўлди?— деди.

<sup>1</sup> Узумдан тайёрланган вино.

<sup>2</sup> Печеньенинг бир хили.

— Ҳечқиси йўқ, мени тинч қўй, жунжикдим,— жавоб қилди Жюльен аччиғи келиб.

Ҳаммалари емакхонага ўтганларида граф кучукларини киритишга изн сўради. Кучуклари ҳам зумда эгаларининг ўнгу сўлидан жой олишди. Граф дақиқа сайин уларга нарса ташлаб, жунил узун қулоқларини силаб қўярди. Кучуклар ҳузур қилганларича титраб, бўйинларини чўзиб, думларини ликиллатишарди.

Тушликдан кейин Жанна билан Жюльен кетмоқчи бўлишди, бироқ жаноб де Фурвиль машъала ёруғида балиқ тутишини кўрсатмоқчи бўлганидан жавоб бермади.

У меҳмонлар ва хотинини ҳовуз томонга қараган зинага олиб чиқди. Ўзи эса хизматкори билан қайиққа ўтирди. Хизматкорнинг қўлида балиқ тутадиган тўр билан машъала бор эди. Тун булутсиз ва совуқ бўлиб, осмонда юлдузлар чамани чарақларди.

Машъаладан сув бетига ажиб ва нозик жимир-жимир таралар, қамишларда оқ шуълалар ўйнар ва баланд арчаларга ёғду тушарди. Қайиқ кескин бурилганида ўрмоннинг ёруғ чеккасида улкан баҳайбат соя, одам кўлкаси пайдо бўлди. Унинг боши дарахтлардан баландда, осмоннинг қаеридадир кўринмай кетар, оёғи эса ҳовузда эди. Пичадан кейин баҳайбат одам нақ юлдузларни чангалламоқчи бўлгандай қўлларини кўтарди. Унинг баҳайбат қўллари кўтарилди-ю, зумда пастга тушди. Ўша заҳотининг ўзиде сувнинг астагина шалоплаши қулоққа чалинди.

Қайиқ сезиларсиз ҳолда яна бурилди. Шунда баҳайбат кўлка илдамлик билан нур ёритган ўрмон ёқалаб югуриб кетгандай туюлди. Сўнгра у кўзга кўринмас уфқда ғойиб бўлди-да, бирдан яна кўзга ташланди. Энди у уйнинг олдида, унча баҳайбат бўлмай, анча тиниқроқ кўринса ҳам, ҳаракатлари бояғидай ғалати эди.

Шу чоқда граф дўриллаганича:

— Саккизта ушладим, Жильберта,— деб қолди.

Сувдан эшкак овози келди. Баҳайбат соя энди деворда қимир этмас, бироқ борган сари пастлашар ва ихчамлашарди. Боши гўё пастлаган, танаси эса кичрайганди. Жаноб де Фурвиль машъала ушлаган хизматкори билан зинадан кўтарилганида унинг ҳаракатларини такрорлаётган соя гавдасига тенглашиб қолганди.

Тўрда саккизта катта балиқ патилларди.

Жанна билан Жюльен мезбонлар беришган ёмғирпўш ва жун рўмолга бурканиб уйларига кетишаётганларида, Жанна деярли бахтиёр ҳолда:

— Бу паҳлавон жуда ажойиб одам экан!— деб юборди.

Отни ҳайдаб бораётган Жюльен эса эътироз билдирди:  
— Ҳа, бироқ одамлар олдида ўз ҳиссиётини тутиб  
туролмайди.

Улар бир ҳафтадан кейин вилоятдаги валломатлардан  
бўлган Кутельеларникига боришди. Кутельеларнинг Рини-  
милдаги мулки Кани шаҳарчасига туташ эди. Людовик  
XIV замонасида қурилган «янги қаср»ни тўсиқлари баланд  
бўлган ажойиб хиёбон пана қилиб турарди. Тепаликда  
«эски» қасрнинг харобалари кўзга ташланарди. Либоси  
уқали малайлар меҳмонларни ҳашамдор залга бошлаб ки-  
ришди. Уртада устун шаклидаги супачада Севр заводидида  
ишланган улкан қоса турар, деворнинг пастки қалинроқ  
қисмида эса ойна тагида қиролнинг ўз қўли билан ёзган  
мактуби бўлиб, унда маркиз Леопольд-Эрве-Жозеф-Жерме  
де Варневиль де Рольбоск де Кутельега бу ҳадяни қирол-  
дан қабул қилиш таклиф этиларди.

Эр-хотин маркизлар кириб келишганида Жанна билан  
Жюльен қирол армуғонини кўздан кечиришарди. Маркиза  
юзига упа суртган, муомалада равиш-рафторли ва ўзини  
муруватли кўрсатишни истаганидан таманнороқ эди. Мар-  
киз бақалоқдан келган, оқарган сочини юқори тараган,  
ҳар бир ҳаракати, овози, гапириши билан мавқеи баландли-  
гидан шохидлик берадиган такаббуригини зоҳир этарди.

Эр-хотин ақллари ҳам, ҳис-туйғулари ҳам, нутқлари  
ҳам доимо омонатга ўхшаган одоб тарафдорларидан эдилар.

Улар бир нарсани гапиришар, жавобига қулоқ солишмас,  
лоқайдгина жилмайиб қўйишар ва ҳаммавақт зоти баланд  
одамлар сифатида зиммаларидаги теваракдаги хароброқ  
дворянларни қаршилаш вазифасини бажараётганга ўхшар-  
дилар.

Жанна билан Жюльен ўлиб-тирилиб мезбонларга маъ-  
қул келишга ҳаракат қилишар, ўтириб қолишдан қўрқишар,  
қандай жавоб сўрашни ҳам билишмасди. Бироқ маркиза-  
нинг ўзи сертакалуф қиролича қабулга чек қўйганидай  
суҳбатни вақтида тугатиб, икковларига осон ва бемалол  
жавоб берди.

Уйларига қайтиб келаётганларида Жюльен:

— Мабодо қарши бўлмасанг юришни шу билан тўхта-  
тамиз. Менга шахсан Фурвиллар кифоя қилади, — деди.

Жанна ҳам унинг гапига қўшилди.

Йилнинг бамисли қора қавагига ўхшаган, энг тунд  
ойлардан бўлган декабрь имиллаб ўтарди. Утган йилги  
маҳдуд ҳаёт қайтиб келган бўлса ҳам Жанна зерикмас,  
ҳаммавақт Поль билан уймалашар, Жюльен эса ўғлини  
ёқтирмай унга безовталаниб, норози қиёфада қараб қўярди.

Жанна кўпинча ўғлини оналарга хос меҳру-муҳаббат билан тўймай эркалаб тураркан, уни Жюльенга тутиб дерди:

— Ўғлингни ўпсанг-чи, кўрган одам ўғлини ёқтирмас экан, деб ўйлайди.

Жюльен ўғлининг сочсиз бошидан жирканиброқ ўпаркан, боланинг букилганига қарамай тинимсиз типирчилаётган қўллари тегмасин, деб эгилиб кетарди. Сўнг гўё кўнгли кўтармаётгандай зумда жўнаб қоларди.

Тоҳо-гоҳо уларнинг хонадонларига мэр, доктор ва кюре бош суқиб туришарди. Баъзи-баъзида Фурвиллар қадамранжида қилишар, улар билан алоқалари тобора қалинлашиб борарди.

Граф Поль деса жонини ҳам бергудек эди. Келса уни бир дақиқа ҳам тиззасидан қўймас, гоҳида бутун оқшом олиб ўтирарди. У болани баҳайбат қўлига авайлаб олар, мўйлабини бурнига текизиб қитиқлар, кейин нақ онадай тўйиб-тўйиб ўпарди. У ҳозиргача тирноққа зорлигидан дилгир юрарди.

Март ойи очиқ ҳаволи, қуруқ ва деярли иссиқ келди. Графиня Жюльберта тўртовлон бўлиб отда юришни эслатди. Узоқ оқшомлар, олис тунлар, олис кунлар бир хилда ўтавергани Жаннанинг жонига тегиб қолганидан ана шу режгага жон-жон деб ёпишиб олди. Бир ҳафта ўзига завқшавқ билан сувора либос тикди.

Шундан кейин отда юришлар бошланди. Доимо жуфт-жуфт бўлиб графиня билан Жюльен олдинда, граф билан Жанна улардан юз қадам орқада юришарди. Жанна билан граф худди икки дўстдай бемалол гаплашиб боришар, чунки икковларининг ҳам кўнгиллари соф ва юраклари тоза бўлганидан чинакамига иноқлашиб қолишганди. Графиня билан Жюльен эса тез-тез шивирлашишар, роса хахолашишар, тиллари билан айтолмаган нарсаларини ифодаламоқчи бўлишгандай зимдан кўз уриштиришар ва кўздан йўқолиш, иложи борича узоқроққа кетиш учун отларини кўққисдан йўрттириб кетишарди.

Жильберта бир оз вақтдан бери серзарда бўлиб қолганди. Унинг аччиқлариб гапирётганини шамол ортда қолган икки отлиққа учуриб келарди. Граф шунақа пайтларда Жаннага кулимсираб:

— Менинг хотиним феълдорроқ, — дерди.

Бир куни кечқурун отлиқ сайрдан қайтиб келаётганларида графиня биясини ниқтаб, дам тезлатар, дам шартта жилловини тортарди. Жюльен уни бир неча марта огоҳлантирганни граф билан Жанна эшитишди:

— Эҳтиёт бўлинг, Сизга айтяпман, эҳтиёт бўлинг олиб қочади.

— Олиб қочаверсин, Сизнинг ишингиз бўлмасин,— Жильберта ниҳоятда жарангдор ва кескин овозда жавоб қилганди, сўзлари кенгликда аниқ эшитилиб, ҳавода туриб қолгандай туюлди.

Графинянинг оти осмонга сапчир, тепинар, пишқирарди. Граф ҳам ахийри хавотирга тушиб, кучининг борича:

— Жильберта, эҳтиёт бўл!— деб бақирди.

Графиня шунда гўё атайлаб қилгандай ва ўзини босолмаган аёл жазавага тушгандагидай отининг қулоғи орасига қамчи солди. От ҳам қутуриб кетиб, кўкка сапчиб, олдинги оёқларини ҳавода ўйнатди, сўнгра олдинга ташланганича уча кетди.

От аввалига ўтлоқдан кетди, сўнгра шудгорга кирганида туёқларидан нам тупроқ тўзгита бошлади. У азбаройин ўқдай учиб бораётганидан энди отни ҳам, устидаги одамни ҳам ажратиб бўлмасди.

Жюльен довдираб, жойида қотиб қолганидан:

— Графиня! Графиня!— деб қичқирарди.

Граф шунда ўкиргандай бўлди-да, семиз айғирининг бўйинига эгилганича ниқтаб, «чуҳ»лаб, қамчилаб, бақириб-чақириб, учира кетди. Шунда гўё баҳайбат чавандоз вазмин отни оёқлари орасидан олиб кетаётганга, бирга учиб кетаётгани уни юқорига кўтараётганга ўхшарди. От билан чавандоз ниҳоятда тез кетишар, шунинг учун ҳам Жанна олисда эр билан хотиннинг қораси нақ ўчиб кетаётганини кўриб турарди. Бу қора нуқталар уча-уча кичрайишди, сўнгра гўё иккита қуш бир-бирини қува-қува, уфқнинг қаеригадир ботиб кетгандай кўздан ғойиб бўлишди.

Шу пайт Жюльен Жаннага яқинлашди-да, аччиқлашиб ўзича:

— Уни қанақа пашша чаққаникин?!— деб гудранди.

Шундан кейин икковлари текисликнинг эгри-бугри жойлари орасида кўринмай қолган эр ва хотиннинг изидан кетишди.

Чорак соатдан кейин Фурвиллар қайтиб келишаётганини кўришди. Кўп ўтмай яна биргалашиб кетиб боришарди.

Бўғриққан, терга пишган, оғзининг таноби қочган, шодон, тантанавор ҳолдаги граф хотинининг қалт-қалт қилаётган оти жиловидан маҳкам ушлаб олганди. Рангида ранг қолмаган, юзи аянчли бужмайган Жильберта эса гўё ҳушидан кетишдан қўрққандай бир қўли билан эрининг елкасига суяниб келарди.

Жанна шу куни граф хотинини қаттиқ севишини фаҳм-лаб олди.

Графиня кейинги ой мобайнида бениҳоя очилиб-сочилиб кетди. У «Теракзор»га тез-тез келар, кулишдан бўшамас, Жаннани меҳри жўшиб ўпарди. Гўё унинг ҳаётини қандайдир сирли бир нарса нурафшон қилган кўринарди. Графинянинг эри ўзида йўқ шод, хотинидан кўзини узмас, ҳар дақиқада кучли эҳтирос билан қўли, кўйлагидан ушлашга ҳаракат қиларди.

Бир куни оқшомда граф Жаннага ёрилиб қолди:

— Ҳозир ҳаётимизнинг бахтли палласи. Жильберта шу чоққача бунақа меҳрибон бўлмаганди. Энди ҳурпаймайди, жаҳли ҳам чиқмайди. Мени яхши кўришини сезяпман. Илгари эса бунга кўзим етмасди.

Жюльен ҳам бошқача бўлиб қолди. У хушчақчақ юрар, туюқмасди ҳам. Гўё иккала оиланинг дўстлиги ҳар бирига осойишталик ва қувонч бахш этгандай туюларди.

Баҳор жуда эрта ва иссиқ келди.

Қуёш тафтли субҳидамдан сокин, майин оқшомгача ер юзасидаги экинларни қиздирарди. Дов-дарахтлардаги барча куртаклар илдам, бараварига ва патирлаб гуллар, шарбатлар тинимсиз оқар, табиат гоҳо оламнинг яшаришига ишонса бўладиган, айниқса яхши келган йилларда намоён этганидай, ҳар бир нарсада яшаришга ташналик кучли эди.

Табиатдаги ана шу жўшқин жараён Жаннани ҳам бирмунча ҳаяжонга соларди. У майса гулини кўрганида бир энтикиб кетар, қандайдир ширин дилгирлик, орзумандликка тўла фароғат онларини кўнглидан кечириб, анчагача ўшаларнинг таъсирида юрарди.

Гоҳида эса Жанна ишқнинг дастлабки онларини эслаб, бу ширин хотиралар эс-ҳушини бутунлай эгаллаб оларди. Бунда, кўнглида Жюльенга нисбатан яна ишқ уйғонишига майл деган нарсанинг ўзи йўқ, чунки ундан умрбод қўлини ювиб, қўлтиғига уриб қўйганди. Шунга қарамай, Жаннанинг бутун вужуди шабаданинг силаб-сийпалашидан, баҳорнинг муаттар исларидан тўлқинланар ва қандайдир кўзга кўринмас ҳамда енгил даъватга талпинарди.

Жаннанинг ёлғиз қолиб, офтоб тафтани туйғиси, бетинч ва бемалол, ажиб бир оромни бутун вужуди билан ҳис этгиси келарди.

Бир куни эрталаб, ана шундай оромбахш дақиқаларда, кўз ўнгида Этрет бўйидаги дарахтзорнинг қуюқ япроқлари орасидаги кунгай яланглик намоён бўлди. Жанна ўша ерда илк бор кўнгил берган одами билан бирга бўлганидан жунбишга тушарди. Яхши кўрган одами ўша ерда қалби-

нинг тортинчоқ майлини изҳор этганди. Орзуларининг ёрқин келажаги ўша ерда ногаҳон ўзини намоён қилгандай туюлганди.

Шунинг учун ҳам ўша дарахтзорни кўришни Жаннанинг кўнгли тусаб қолди. Гўё ўша ерга борса ҳаёт тарзида қандайдир ўзгариш юз берадигандай, ўша томонга дилдан чиқариб, иримли ташриф этишни хоҳлаб қолди.

Жюльен каллаи саҳарлаб қаёққалигини айтмай гумдон бўлганди. Шунинг учун ҳам Жанна Мартенларнинг гоҳида ўзлари ишлатадиган оқ отини аравага қўшишни буюрдида, йўлга тушди.

Кун иссиқ, ҳаво очик ва сокин эди. Гўё ҳеч нима: на бирорта майса, на бирорта япроқ қилт этаётганга ўхшарди. Нақ шамол жон таслим қилгандай, коинот бир асрга қотиб қолгандай, ҳатто ҳашаротлар ҳам гойиб бўлгандай эди.

Қуёшдан ёндирувчи ва беҳад ором сезиларсиз ҳолда, олтинранг тусда тараларди. Шунинг учун ҳам Жанна оти шошилмай бир-бир қадам ташлаб бораркан, ширин хаёлларга берилди. Гоҳо бошини кўтариб ложувард кўкда қотиб қолган момик оқ булут, буғ парчасини томоша қиларди.

Жанна Этрет дарвозаси деб аталган, баланд қояли гумбазлар оралиғидан денгизга олиб тушадиган водийга етди-да, шошилмай дарахтзорга кирди. Дов-дарахтларнинг япроқлари орасидан нур сели қуюларди. Жанна тор сўқмоқларда изғиб, кўнглига яқин жойни излаб тополмасди.

У узун йўлакни кесиб ўтаркан, унинг охирида дарахтга бойлаб қўйилган икки отни кўриб қолди-да, уларни зумда таниди. Улар Жюльен билан Жильбертага қарашли отлар эди. Ёлғизлик Жаннанинг жонига текканидан бу ногаҳоний учрашувдан суюниб, биясини ўша томонга йўрттирди. Гўё узоқ туришга одатлангандай, эгаларини сабр-тоқат билан кутишадиган отлар ёнига етганидан кейин у Жюльен билан Жильбертани чақира бошлади. Бироқ ҳеч ким жавоб қилмади.

Эзилган ўтлар устида аёл қўлқопи билан иккита қамчин ётарди. Демак, улар бу ерда ўтиришган, кейин эса отларни қолдириб, ўзлари қаёққадир кетишган.

Жанна уларни чорақ соатдан мўдроқ кутаркан, ҳайрон бўлар ва нима қилишлари мумкинлигини тушунолмасди. У отидан тушиб, энди дарахтга суюнганча қимирламай тураркан, иккита қушча Жаннани пайқамай ёнгинасидаги майсага учиб тушишди. Улардан бири шеригига парвона бўлар, қанотларини ёзиб, бошини қимирлатганча чириқларди. Шундан кейин икковлари бирдан қовушишди.

Жанна гўё бунақа бўлишини билмайдигандай ҳайратда қолди, сўнгра: «Ҳа, айтганча ҳозир баҳор-ку», деган ҳаслага борди. Кейин эса кўнглига бошқа фикр, тахмин келди. У яна қўлқоп, қамчинлар қолдириб кетилган отларга қаради-да, ўзини илдам эгарга отди. Ҳозирда кўнглида бу ердан тезроқ қочиш истаги ҳукмрон эди.

Жанна «Теракзор»га отини лўкиллашиб қайтди. У зўр бериб ўйлар, мулоҳаза юритар, фактларни бир-бирига боғлар, хилма-хил вазиятларни солиштирарди. Нега буни илгарироқ фаҳмамаган экан-а? Кўзи нега ҳеч нимани кўрмабди? Июльенининг йўқолиб кетишларини, илгаригидай башанг юрадиган бўлиб қолгани ва ниҳоятда мулоғим тортгани сабабини нега сезмабди? Жанна Жильберганинг бирдан асаби қайнаб кетишлари, ниҳоятда мулоғимлашиб қолгани, яқиндан бери графни қувнатиб очилиб-сочилиб юрганларини ҳам эслади.

Жанна отининг жиловини сал тортди, чунки ҳаммасини жиддий ўйлаб олиши зарур, отнинг йўртиши эса ҳаёлларини тўзатиб юборарди.

Дастлабки ҳаяжони тарқаганидан кейин кўнгли тинчиди, энди рашки ҳам келмас, аччиғи ҳам тарқаган, биргина нафрати қолганди, холос. У Июльени деярли ўйламас, бирорта ишидан ажабланмасди ҳам. Бироқ дугонаси бўлган графинянинг қўшалоқ хоинлиги ғазабини ошириб-тоширарди. Демак, оламда ҳамма маккор, ёлғончи, риёкор экан-да? Шунда кўзларида ёш айланди. Одам гоҳо орзу-умидлари чилпарчин бўлганида азада йиғлагандай куйиниб ёш тўқади.

Жанна шунга қарамай ўзини гўё ҳеч нима бўлмагандай кўрсатишга, ўткинчи майлларни кўнглига йўлатмасликка, фақат Польш ва ота-онасини севишга, бошқа нарсаларга эса бемалол чидаб юришга жазм этди.

Жанна қайтиб келибоқ ўғлига ташланди-да, ўз хонасига олиб чиқиб, салкам бир соат телбаларча уни тинимсиз ўпиб эркалади.

Жюльен туш пайтида меҳрибонлиги ортиб, очилиб-сочилиб, оғзи қулоғида қайтди. У Жаннадан:

— Дадамиз билан ойижонимиз бу йил келишмайди-ми? — деб суради.

Жанна эрининг бу меҳр-оқибатидан суюниб, ўрмонда кўрган нарсасини ҳам кечириб юборди. У бирдан Полдан кейин ўзига ниҳоятда азиз бўлган ота-онасини кўргиси келиб қолди. Кечқурун узоқ ўтириб, ота-онасига хат ёзаркан, улардан тезроқ келишларини илтижо қилди.



Ота-онаси йигирманчи майда боришларини хабар қилди. Бугун эса бор-йўғи ойнинг еттинчи куни эди.

Жанна ота-онаси келишига зор бўлар, гўё қиз сифатида яхши кўришидан ташқари, бу олижаноб қалб эгаларининг бағирларига кириш, уларга кўнглини очиш истағи ҳам пайдо бўлганди. Чунки ота-онаси софдил, одамларнинг разилликларидан холи, ҳаётлари ва ишлари, ўйлари, барча истак-хоҳишлари доимо ҳалол бўлган одамлар эди.

Жанна ана шу иродасиз одамлар орасида ўзини ёлғиз сезарди. Гарчи у ўзини сир бой бермасликка ўргатиб, графиня келганида қўлини узатиб, лабда табассум билан кутиб олса ҳам дили ҳувиллаб, одамларга нафрати ошиб борарди. Ҳаётида содир бўлаётган майда-чуйда воқеалар кун сайин унинг қалбида одам зотига нисбатан ғазаб ва нафратни кучайтирарди.

Куярларнинг қизи бола кўрди, тўй эса энди бўлиши керак эди. Мартэнларнинг хизматкори етимча қиз ҳам ҳомиладор эди. Ун бешга кирган қўшни қизнинг ҳам бўйида бўлиб қолганди. Чўлоқ ва исқирт юрганидан ҳамма «олқинди» деб атайдиган бева хотин ҳам оғироёқ эди.

Дам-бадам бирорта қизнинг ёки уй-жойлик аёлининг бўйида бўлиб қолгани ёки ўзига тўқ, мўътабар фермернинг ишқий машмашалари борасида миш-мишлар дам-бадам тарқалиб турарди.

Бу жўшқин баҳор, афтидан, фақатгина ўсимликлардагина эмас, балки одамлардаги ҳаётбахш шарбатларни ҳам жунбишга келтираётганга ўхшарди.

Жанна эрта сўнган ҳисларнинг жунбишини сезмас, баҳорнинг тафтли ва ҳосилдор нафасини чил-чил бўлган кўнгли ва мутаассир кўнгли билан туяр, эҳтиросдан холи завқ ила орзу-хаёлларга берилиб, шаҳвоний ҳирслардан ўзини олис сезар, шунинг учун эри билан графинянинг бу ҳайвоний қилиғи уни ҳайрон қилар, нафратини қўзғарди.

Тирик мавжудотларнинг яқинлашуви ғайритабиий туюлиб, унинг ғазабини келтирарди. Жанна Жильбертани эрини тортиб олгани учунгина эмас, балки бошқалар қатори ана шу ботқоққа ботгани учун ҳам ёзғирарди.

Жильберта ахир тубан ҳирсларга муккасидан кетган авомлар тонфасидан эмасди. У қандай қилиб ана шу ярамаслар қаторига киришни истади экан?

Ота-онаси келадиган кун Жюльен бу масалада Жаннанинг кўнглини баттар оздирди. Бир воқеани у хушчақчақ ҳолда табиий ва оддий қилиб гапириб берди: шу ерлик понзой бундай қараса печдан шитирлаган овоз келармиш.

Уша куни нон ёпилмайдиган кун экан. У бирорта мушук-пушук кириб қолибди-да, деб оҳиста қараган экан, мушукнинг ўрнига хотинини қўлга туширибди. Хотини у ерда нонвойликдан бошқа иш билан машғул экан.

Кейин эса қўшимча қилди:

— Нонвой печнинг эшигини тамбалаб қўйибди. Мабодо ўгли қўни-қўшнилари чақирмаса борми, хотини бўғилиб ўларкан. Чунки ўгли онаси темирчи билан ичкарига кирганини кўрган экан.

Жюльен кула-кула дерди:

— Оббо, тушмагурлар-е, бизни ишқ нони билан сийлашибди-да! Бунинг Лафонтен новелласидан қаери кам?

Жанна шундан кейин нонни кўрса кўнгли айнийдиган бўлди.

Потанинг соябон араваси кўча эшик олдида тўхтаб, бароннинг шодон башараси кўринганида Жаннанинг юраги жуда орзиқиб, бутун вужуди тўлқинланиб кетди. У шу чоққача бунақанги кўйга тушмаганди.

Ойижонисини кўрганида эса, эс-ҳушидан айрилишига сал қолди. Баронесса қишнинг ўтган олти ойи ичида ўн ёш қариб кетганди. Унинг бужмайган ва салқиган ёноқлари шишган, гўё қонга тўлгандай бўғриқиб кетганди. Кўзларидан нур кетган, иккала томонидан иккита одам қўлтиқласагина қимирлай оларди. Хириллаб ва минг машаққатлар билан нафас олганидан теварагидагиларга малол келар ва улар жуда қийналиб кетишарди.

Барон хотинини ҳар куни кўриб турганидан унинг қанчалар мазаси қочганини сезмасди. Баронесса узлуксиз нафаси қисиши ва тобора оғирлашиб кетаётганидан ҳасрат қилганида, у:

— Қўйсангиз-чи, жоним, сизни таниганимдан бери шунақасиз-ку, деб жавоб берарди.

Жанна ота-онасини уларнинг ётоғига олиб борди-да, азбаройи бўшашиб кетгани ва кўнгли вайрон бўлганидан йиғлаб, кўнглини бўшатиш учун ўзининг хонасига югурди. Сўнгра отаси билан ҳол-аҳвол сўрашгани бориб, йиғлаганича унинг бағрига ташланди:

— Худойим-ей, ойим мунчалар ўзгариб кетибдилар! Уларга нима бўлди, айтинг, нима бўлди?

Барон бениҳоя ажабланди:

— Сенга шунақа туюляптими? Нима деясан? Кўзингга шундай кўрингандир. Мен доим биргаман-ку, гапимга ишонавер, ҳар маҳалгидан аҳволи ёмон эмас.

Жюльен бўлса кечқурун хотинига:

— Сенга айтсам, онангинг жуда ҳам мазаси йўқ. Менимча, узоққа бормаса керак,— деди.

Жанна обидийда қилганди, унинг аччиғи келди:

— Бўлди қилсанг-чи, мен, у ўлим олдида турибди, деяётганим йўқ-ку. Сен доимо жуда ҳам ошириб юборасан. Онанг ўзгариб кетибди, холос. Шунча ёшга боргандан кейин бу ёғи — тушунарли-да.

Жанна бир ҳафтадан кейин кўнгли тинчиб, ойисидаги ўзгаришларга кўникди ва афтидан, юрагидаги ваҳималарни босишга ҳаракат қилди. Биз бирор хатарни гумон қилиб, ваҳимага тушганимизда онгсиз худбинлик, кўнгил тинчига табиий эҳтиёж туфайли уларни шу тарзда босамиз ва хаёлимиздан нари қиламиз.

Баронесса зўрга юрар ва энди кунига ярим соат сайр қиларди, холос. Узининг «хиёбони»ни бир марта айланиб чиққанидан кейин бошқа қимирлай олмас ва «ўзи»нинг курсисидан ўтиришни кўнгли тилаб қоларди. Гоҳо эса хиёбонни айланиб чиқишга ҳам қурби етмай қоларди-да:

— Бугунча етар, гипертрофиямдан оёқларим майишиб кетяпти,— дерди.

У деярли кулмас ва бултур ичаги узилгудек бўладиган нарсаларга энди жилмайбгина қўя қоларди. Бироқ кўзи ҳали ҳам ўткир, шу сабабдан оқшомлари бош кўтармай Ламартеннинг «Коринна»си ёки «Мулоҳазалар»ини қайта-қайта ўқирди. Сўнгра ёдгорликлари солинган тортмасини олиб беришларини талаб қиларди-да, юрагига яқин бўлган хатларни тиззасига қўярди. Тортмани ёнидаги стулга жойлаштириб, ҳар бир хатни диққат-эҳтибор билан кўздан кечиргач, унга бирма-бир жойлайверарди. Ўзи ёппа-ёлғиз қолган пайтларида эса хатларнинг баъзи бирларини юракка яқин марҳумнинг сочларидан билдирмай ўпгандай ўпарди.

Жанна гоҳида онасининг кўз ёши шашқатор бўлиб турган пайтларда кириб қоларди.

— Сизга нима бўлди, ойижон?— деб сўрарди шундай пайтларда у қўрқа-писа.

Баронесса чуқур хўрсиниб қўярди-да, сўнгра дерди:

— Булар менинг ёдгорликларим... қачонлардир бўлиб ўтган ажойиб воқеаларни эслайди-да, киши! Кўпдан буён унут бўлган одамларинг ҳам бирдан ўзларини эслатиб қўйишади. Гўё уларни кўриб, овозларини эшитаётгандай бўласан, бу эса кишини бениҳоя тўлқинлантиради. Бир кунмас бир кун бу сенинг ҳам бошингга тушади.

Барон она-болани ана шунақа аянчли дақиқаларда кўриб қолса қизига шивирларди:

— Жанна, жонгинам, гапимга ишон, ҳамма хатларни —

менинг ҳам, онангининг ҳам хатларини ёқиб юбор. Қариганингда ёшлик йилларингга шўнгиб юришдан ҳам огири бўлмайди.

Жанна ҳам ўзининг ёзишмаларини сақлар ва «ёдгорликлар»и учун тортма тайёрлаб қўйганди. Онасига сира ҳам тортмаган ҳолда у ҳиссиётли орзуга туғма берилганидан шундай қиларди.

Бир неча кундан кейин бароннинг иши чиқиб қолиб, жўнаб кетди.

Хаво жуда ҳам ажойиб эди. Сокин оқшомлардан кейин юлдузлар чарақлайдиган қоронғи тунлар, ойдин кечалардан кейин офтобли кунлар келар, улар эса ярақлаган субҳидамларга ўрин бўшатарди. Баронесса кўп ўтмай ўзини тетикроқ сеза бошлади, Жанна эса Жюльеннинг «шўхлик»ларини ва Жильбертанинг хиёнаткорлигини унутиб юборган, деярли бахтиёр эди. Теварак-атрофдаги барча нарса гул очиб, муаттар ҳид таратарди. Доимо тинч бўлган бепоён денгиз ҳам эрталабдан кечгача қуёшда ялтирарди.

Жанна бир куни туш пайтида боласини кўтарганича дала айлангани кетди. У дам ўғлига, дам гуллари рангбаранг дала ўтларига тикиларкан, хурсандлигидан эриб борарди. Дақиқа сайин Полни ўпиб, бағрига босарди. Ўтлоқлардан майин шабада эганида ором олар, азбаройи роҳатланганидан жойида қимирламай қоларди. Шундан кейин ўғлининг истиқболи борасида ўйга чўмди. У ким бўларкин?! Жанна гоҳ унинг мансабдор ва машҳур, хуллас, катта одам бўлишини, гоҳ оддий бўлса ҳам ёнида бўлишини, ғамхўр ва меҳрибон, кўнгли доимо очиқ бўлишини истарди. Ўғлини худбин оналарча севганида у ўзи учун, фақат ўзи учун асрашни истарди. Жўшқин ақли билан куйганида эса унинг оламдан ўзига муносиб жой эгаллашини орзу қиларди.

Жанна йўл чеккасига чўкиб, ўғлини томоша қила бошлади. Назарида боласини шу чоққача кўрмаганга ўхшарди. Шунда у ногаҳон ана шу кичкина одамча катта бўлади, дадил қадам ташлаб юради, соқол қўяди ва дўриллаб гапирди, деган фикрдан ҳайратга тушди.

Кимдир уни олисдан чақирди. Жанна бошини кўтарди. Жанна меҳмонлар кутишаётган бўлса керак, деган хаёлга борди. Шундай пайт халал берганларидан ранжиган ҳолда ўрнидан турди. Кимдир жони бориचा югуриб келарди. У анча яқин келиб:

— Хоним, баронессанинг аҳволи ёмон, — деб қичқирди.

Жаннанинг вужудидан гўё муздай сув оқими ўтгандай бўлди-да, эс-ҳушини йўқотган ҳолда уйга қараб чопди.

Чинор тагида одамлар уймалашаётгани Жаннага олисдан ҳам кўришиб турарди. Жаннага одамлар йўл беришди. Шундан кейин у ойижониси ерда ётганини ва бошига иккита ёстиқ қўйилганини кўрди. Унинг юзи қорайиб кетган, кўзлари юмук, йигирма йилдан бери вазмин кўтарилиб келган кўкраги энди қимир этмасди. Эмизувчи хотин болани Жаннанинг қўлидан юлқиб олди-да, нари олиб кетди.

— Нима бўлди? У қандай йиқилди?— деб сўрарди гангиб қолган Жанна.— Докторга одам юбориш керак.

Жанна ўгирилганида кюрега кўзи тушди. Унга кимдир хабар беришга улгурганди. Кюре шоша-пиша ридосининг енгини шимариб, ҳаракатга тушиб қолди. Бироқ сирка ҳам, атир ҳам, уқалашлар ҳам ёрдам бермади.

— Уни ечинтириб, жойига ётқизиш керак,— деди руҳоний.

Шу пайтда фермер Жозеф Куяр, Симон амаки ва Людвина етиб келишди. Улар аббат Пиконинг ёрдамида баронессани ердан узишганида боши пастга тушиб, кўйлагининг ушлашган жойи йиртилиб кетди. Энди зил-замбил бўлиб кетган баронессани жойидан кўзғатиш маҳол эди. Жанна даҳшатга тушганидан чинқириб юборган эди, баронессанинг маҳобатли ва сўлғин гавдасини яна ерга қўйишди.

Меҳмонхонадан кресло олиб чиқиб, баронессани унга ўтқазиб кўтаришга тўғри келди. Ҳаммалари бир-бир одим ташлаб, баронессани ташқи зинага, сўнгра ётоғига олиб киришди-да, ниҳоят каравотига ётқизишди.

Ошпаз қанчалар уннамасин баронессани сира ечинтира олмасди. Шу пайт Дантью бева келиб қолиб, хўп асқотди. У ҳам руҳоний сингари тўсатдан пайдо бўлган, оқсочнинг сўзлари билан айтганда «ўлик ҳидини сезишганди».

Жозеф Куяр оёғини қўлга олганича докторга югурди, кюре эса бориб муқаддас анжомларини олиб келмоқчи бўлудди, баронессага қараб ўтирган аёл унинг қулоғига шивирлади:

— Ўзингизни қийнаманг, жаноб кюре, менга ишонаверинг, у оламдан ўтган.

Жанна бу пайт телбасифат бўлиб, ҳамма нарсага аралашар, нима қилишни, қанақа чора кўришни, қайси нарсани синаб кўришни билмасди. Кюре ҳар эҳтимолга кўра баронессанинг гуноҳлари кечириладиган оятни ўқиди.

Баронессанинг кўкариб кетган, жонсиз танаси ёнида интизорлик билан икки соатни ўтказишди. Жанна қўрқув ва мусибат ичра чўккан ҳолда ҳўнграрди.

Эшик очилиб, врач кўринганида Жанна наздида у — нажотнинг, тасаллининг ва умиднинг ўзи бўлиб туюлди.

Жанна ўзини врачга отиб, рўй берган воқеа хусусида биланларини узук-юлуқ ҳолда айта бошлади:

— У ҳар маҳалгидай айланиб юрганди... ўзини яхши сезарди... ҳаттоки жуда яхши сезарди... нонуштада шўрва ичиб, иккита тухум еди... бирдан йиқилиб тушиди-ю... бутунлай қорайди кетди... мана, қанақалигини ўзингиз кўряпсиз... бошқа қимир этмаяпти... Биз уни ўзига келтириш учун қўлимиздан келган чораларни қилиб кўрдик...

Жанна баронессага қараб ўтирган хотин сездирмай врачга, жони узилган, дегандай имо қилганини пайқаб, азбаройи гангиганидан дами чиқмай қолди. У бу нарсага ишонгиси келмаганидан қўрқа-писа суриштирди:

— Бу, жиддийми? Нима дейсиз, бу, жиддийми?

Врач тутила-тутила жавоб қилди:

— Буниси энди... охири нафас деб қўрқяпман, жуда ҳам қўрқяпман. Ўзингизни қўлга олинг, бутунлай қўлга олинг!

Жанна қўлларини ёзиб, ўзини онасига ташлади.

Шу пайт Жюльен пайдо бўлди. У довдираб қолиб, таъби хира бўлганидан, изтиробини ҳам, қайғусини ҳам билдиролмади, қўққисдан бўлган бу тасодифдан ўзини қайғули кўрсатишга ҳам улгуролмади.

— Мен буни билувдим, сезувдим,— деб гўлдираб қўйди у.

Жюльен шундан кейин рўмолчаси билан кўзини артди-да, чўк тушиб, чўқинди, нималардир деб мингирлади, ўрнидан тургач, хотинини ҳам турғизмоқчи бўлди. Бироқ Жанна онасини кучоқлаб, унинг юз-кўзидан ўпа бошлади. Жаннани кўтариб кетишга тўғри келди. У бутунлай телба бўлиб қолганга ўхшарди.

Бир соатдан кейин Жаннага яна онасининг ёнига киришга рухсат беришди. Энди ҳамма ишлар битганди. Ётоқ марҳуманинг хонасига айланганди. Жюльен билан руҳоний дераза олдида шивирлаб туришарди. Дантью бева креслога жойлашиб ўтириб олган ва пинакка кетмоқчи бўлиб турарди. У бунақанги бедорликларга ўрганиб қолган ва ажал мўралаган ҳар қандай хонадонда ўзини бекадай сезарди.

Тун бостириб келарди. Кюре Жаннага яқин келиб, иккала қўлидан ушлади-да, диний тасаллиларни тинимсиз айтиб, гамбода кўнглини тинчитишга тушди. У марҳумадан гапирар, эскича каломлар билан мақтар, ўликдан фақат наф кўрадиган руҳоний бўлганидан ўзини зоҳиран қайғули кўрсатиб, тунни жасад ёнида дуо ўқиб ўтказишни таклиф қиларди. Жанна эса ҳўнграб йиғлаганича бунга кўнмади. У ана шу видолашув кечасида онаси ёнида фақат ўзи,

ёлғиз ўзи бўлишни истарди. Шу пайт унга Жюльен яқин келди:

— Бунинг иложи йўқ, бу ерда икковимиз бўламиз.

Жанна сўз дейишга мажоли қолмаганидан норози сифатида бош чайқарди. Пировард эса тилга кирди:

— Бу менинг, менинг онам. Унинг ёнида ёлғиз ўзим бўлмоқчиман.

Врач деди:

— Билганини қилсин, қараб турувчи аёл қўшни хонада қолса ҳам бўлди-да.

Руҳоний билан Жюльен юмшоқ ўринни эслаб, рози бўлишди. Шундан кейин аббат Пико ўз навбатида чўк тушиб, ибодат қилди, ўрнидан туриб, кетаркан худди Domini vobiscumни айтгандагидай қилиб: «Авлиё аёл эди»,— деб қўйди. Виконт шундан кейин ҳар маҳалгидай овозда:

— Тамадди-памадди қилиб оласанми?— деб сўради.

Жанна жавоб бермади, у Жюльен ўзига гапираётганини ҳатто эшитмаганди ҳам.

Жюльен гапини такрорлади:

— Бироз тамадди қилиб олсанг бўларди.

Жанна жавоб ўрнига худди уйқусирагандай деди:

— Ҳозироқ дадамга одам юбор!

Жюльен Руанга отлиқ чопар юбориш учун чиқиб кетди. Жанна бўлса, мотамсаро, қилт этмаётгандай ва ёпирилиб келаётган чексиз мусибатга чўмиш учун марҳума билан холи қолиш онларини ошиқинч кутаётгандек эди.

Хонани кўлка босиб, жасад қоронғироқда қолди. Дантью бева унсиз ҳолда у ёқдан-бу ёққа юрар, қоронғида кўринмаётган буюмларни касал боқувчи хотинларга хос равишда овоз чиқармай олар ва бошқа ёққа қўярди. Шундан кейин у иккита шамни ёқди-да, каравотнинг бош томонидаги оқ дастурхонча солинган тунги столчага оҳиста қўйди.

Жанна гўё ҳеч нимани кўрмас, сезмас, фаҳмига етмасди. У ёлғиз ўзи қоладиган дақиқалар келишини истарди. Жюльен тановул қилиб, қайтиб келди. У яна:

— Сен ҳеч нима емайсанми?— деб сўради.

Жанна «йўқ» дегандай бошини чайқади.

Жюльен қайгуришдан кўра кўпроқ тақдирга тан берган қиёфада чўкди-да, бошқа миқ этмади.

Учовлари бир-бирларидан узоқда, ўзларининг креслоларида шу тариқа қимир этмай ўтиришарди.

Гоҳо Дантью бева мудраб, енгил хуррак отар, бироқ тезда кўзини очарди.

Жюльен ниҳоят ўрнидан туриб, хотинига яқинлашди:

— Ўзинг ёлғиз қолмоқчимисан?

Жанна беихтиёр равишда унинг қўлига ёпишди:

— Ҳа, ҳа, мени қолдиринглар.

Жюльен унинг пешонасидан ўпиб, гўлдиради:

— Мен сендан хабар олиб тураман.

У креслосини қўшни хонага гилдиратаётган Дантью бева билан бирга чиқиб кетди.

Жанна эшикни беркитди, сўнгра иккала деразани ланг очиб юборди. Юзига ўрилган пичанлар исига тўла сарин оқшом эпкини урилди. Кечагина ўтлоқдаги майсалар ўрилганидан улар ойдинда қатор-қатор бўлиб ётарди.

Ана шу тотли туйғу худди биров масхара қилгандай вужудига санчилиб, зирқиратди.

У ўринга қайтди-да, онасининг жонсиз, совуқ қўлидан ушлаб, юзига тикилди.

Мархуманинг юзи юраги санчиб, йиқилган пайтдагидай шишган кўринмасди. Эндиликда у ухлаётгандай ҳар қачонгидан ҳам осойишта эди. Шамол липиллатиб турган шамларнинг хира шуъласи дақиқа сайин юзига кўлка ташлаб турганидан баронесса тирикдай ва гўё қимирлагандай туюларди.

Жанна онасига ютоқиб тикиларди. Шунда болалик хотиралари ёпирилиб кела бошлади.

Жанна ойижониси монастирнинг қабулхонасига келганини, пирожнийлар солинган қоғоз халтани қандай узатганини, кўплаб майда ишларни, нарсаларни, арзимас меҳрибончиликлар қилганини, сўзларини, овози қанақа чиққанини, таниш ҳаракатларини, кулганида кўз тагидаги ажинлари кўринишини, ўтирганида нафасини ростлаганларини эслади.

Жанна онасига тикилиб тураркан, қандайдир гарангсиган ҳолда ўзига: «У ўлди» деркан, ногаҳон бу сўзларнинг бор даҳшатли маъносига тушуниб етди.

Мана бу ётган ойижониси — волидаи муҳтарамаси — Аделаида ўлдими? У энди бошқа юролмайди, гапирмайди, кулмайди, тамадди пайтида дадажонисининг рўбарўсида ўтирмайди ва: «Салом, Жанетта!» демайди. У ўлди!

Уни тобутга солиб, қопқоғини ёпиб, михлашади, ерга кўмишади ва шу билан ҳаммаси тамом бўлади. Кейин уни бошқа кўриб бўлмайди. Нега энди бунақа бўларкан?! Нега энди унинг онаси ўларкан?! Дунёга келиб, биринчи бор кўз очган дақиқангдан бошлаб таниш бўлган энг жонажон, қадрли, биринчи марта қучоғингни очган дақиқангдан бери севимли бўлган бу сиймо, севгининг бу буюк маскани, оламдаги энг яқин одаминг, бошқа ҳаммадан ҳам юрагингга қадрли бўлган зот — онадир. Наҳот, у бирдан ғойиб бўлса? Энди унинг юзига, қотиб қолган юзига шундай



тикилиб ўтиришга бир неча соатгина қолди, кейин эса, онасидан хотиралардан бўлак ҳеч нима, ҳеч нарса қолмайди.

Сўнгра Жанна теран ғам оғушида тиз чўкди. Чойшабни қучоқлаб, бошини ўринга ботирганича:

— Ойи, ойигинам, ойи! — деб фарёд чекди.

Жанна шу лаҳзанинг ўзида қорда қочган тундагидай эсдан оғаётганини сезди-да, ирғиб туриб, тоза ҳаводан, ўрин ёнидаги ажал ҳавосидан бошқачароқ бўлган ҳаводан нафас олгани дераза ёнига югурди.

Ўтлари ўрилган майсазор, дов-дарахтлар, яланглик ва улар ортидаги денгиз сокинликда мудрашар, уларни ойнинг ғўзал ёғдуси аллаларди. Ана шу оромбахш шуъла зарраси Жаннанинг вужудига ҳам етганидан, у юм-юм йиғлай бошлади.

Шундан кейин Жанна ўринга қайтиб ўтирди-да, гўё хастанни парвариш этаётгандай онаснинг қўлини олди.

Шамларнинг ёруғига қизиқсинган катта қўнғиз деразадан учиб кирди. У деворларга копток сингари урилар, хонанинг у ёғидан-бу ёғига бориб келарди. Жанна қўнғизнинг ғўнғиллаётганига хаёли кетиб, қарагани бошини кўтарди. Бироқ шифтнинг оппоқ юзида қўнғизни эмас, балки унинг жонсарақ соясини кўролди, холос.

Шундан кейин қўнғиз тинчиб қолди. Жанна энди каминдаги соатнинг секин чиқиллашини ва бошқа оҳишта товушни, тўғрироғи, салгина шитирлашни эшитарди. Бу каравотнинг оёқ томонидаги стулга ташлаб қўйилган онаси кўйлагидаги, олиб қўйиш эсдан чиққан, соатнинг чиқиллаши эди. Жанна фаромуш ҳолда вафот этган онаси билан мана шу юриб турган механизмни қиёсларкан, юраги зирқираб кетди.

У соатга қаради. Соат вақт ўн ярим бўлганини кўрсатарди. Жанна бутун кечани бу ерда ўтказишдан оғир даҳшатга тушди.

Шундан кейин хаёлига бошқа хотиралар, ўзининг ҳаётига оид нарсалар: Розали, Жильберта воқеалари, эридан кўнгли қолгани келди. Бундан чиқди, оламдаги нарсаларнинг бари кулфат, азоб, қайғу ва йиғидан иборат экан-да. Жиндай қувонч билан осойишталикни қаердан топиб бўларкин?! Эҳтимол улар бўлак оламдадир! Одамнинг жони бу оламдаги машаққатлардан қутулганидан кейин бошқа оламга боради. Одамнинг жони! Жанна шундан кейин шоирона уйдирмаларга берилиб, ўша заҳотнинг ўзидаёқ уларни шунга ўхшаш мубҳам тахминлар билан инкор этиб, ана шу тагига етиб бўлмас сир ҳақида ўйга чўмди. Онаси-

нинг жони ҳозир қасрдайкин?! Ана шу ҳаракатсиз ва қотиб қолган тананинг жони?! Балки жуда олисдадир. Бўшлиқнинг қасридадир. Бироқ, қаерда? Қовжираган гулнинг хуш бўйидай кўтарилиб кетдими? Ёки қафасдан қутулган кўзга кўринмас қушдай учиб кетдими?

Олло-таолонинг ҳузурига қайтдимикин?! Ёки янги зурриёдлар орасида парчаланиб, ўсишга ҳозир уруғларга аралашиб кетдимикин?! Эҳтимол, у жуда яқиндадир? Шунда Жанна бирлан жисмсиз руҳ яқинлашгандай, қандайдир нафасни сезгандай бўлди. У азбаройи ёмон, даҳшатли, қаттиқ кўрқувда қолганидан қимирлашга ҳам, нафас олишга ҳам, у ёқ-бу ёққа қарашга ҳам ботишолмасди. Юраги эса нақ босиққираган пайтидагидай гупиллаб уради.

Шу пайт бирдан бояги кўзга кўринмас ҳашарот яна учиб, айланиб, деворларга ўзини ура бошлади. Жанна чўчиб тушди, бироқ унинг таниш гўнгиллашини эшитганидан кейин тез тинчиди-да, ўрнидан туриб, ўгирилиб қаради. Шунда кўзи сфинксларнинг каллалари билан безатилган ва онасининг ёдгорликлари сақланадиган ёзув столига тушди.

Шунда ногаҳон хаёлига ажиб фикр — ана шу охириги видолашув кечасида марҳуманинг юрагига яқин бўлган эски хатларни ўқиб чиқиш фикри келди. Онаси бу хатларни худди оятлар китобидай ўқирди. Жанна шундай қилса назарида бу билан қандайдир муқаддас бурчни адо этадигандай, чинакам қиз мисол меҳрибонлигини кўрсатадигандай ва онасини у дунёда шодон этадигандай бўларди.

Булар бобоси билан бувисининг бир замонларда ёзган хатлари бўлиб, Жанна икковларини ҳам билмасди. У бобоси билан бувисига қизларининг жасади узра қучоғини очиб, ана шу ғамбода тунда гўё улар ҳам мусибатда қолганларидай бирга бўлиб, алақачонлар дунёдан ўтган мана шу икки кекса, фурсати етиб, кун битган онаси ва ҳозирча тирик бўлган ўзи ўртасида меҳрнинг қандайдир сирли занжирини ҳосил қилгиси келди.

Жанна ўрнидан туриб, столнинг тахтасини кўтариб, пастки тортмадан яхшилаб бойланган ва қатор қилиб терилган, сарғайиб кетган хатларнинг ўнтача дастасини олди.

Жанна хатларнинг барини эҳтиёткорлик ва меҳру муҳаббат билан авайлаб ўринга, баронессанинг кўлига қўйди-да, ўқишга тушди. Булар алмисоқдан қолган хатлар бўлиб, уларни ота-бободан қолган столлардан топса бўлади ва ҳар биридан кечмиш асрларнинг иси келиб туради.

Биринчи хат: «Менинг жажжигинам», бошқаси: «Менинг жонгинам» деган сўзлар билан бошланар, кейингиларида эса: «Қадрли болажоним», «Азизим». «Ўзимнинг қизи-

логим» деган сўзлар бор эди. Кейингилари эса: «Қадрли фарзандим», «Қадрли Аделанда», «Қадрли қизим» деб бошланиб, булар қизчага, қизга, кейинроқ эса ёшгина жувонга йўлланганди.

Бу хатларнинг барида оташин ва кучли меҳру муҳаббатни ифодаловчи сўзлар, уйдаги майда-чуйдалар ва бегоналар учун сира ҳам арзимасдай туюлган оилавий воқеалар, чунончи, дадангнинг иситмаси чиқди, энага Гортензия бармоғини куйдириб қўйди, сичқонтутар мушук ўлди, ихотанинг ўнг томонидаги арча кесилди, ойнинг черковдан қайтаётганида оятлар китобини йўлда йўқотиб қўйди, уни биров ўғирлаган, деяпти, каби нарсалардан иборат эди.

Бу хатларда Жаннага нотаниш бўлган одамлар ҳақида ҳам гап кетарди. Жанна бу одамларни сал-пал эслар, уларнинг исмлари жуда кичкиналигида қулоғига чалинганди.

Жанна хатлардаги бу тафсилотлардан эриб борар, булар кўзига ажиб янгиликдай туюларди. У гўё ўтмишнинг эзгу оламига, онасининг қалбидаги сирлар дунёсига кириб қолгандай эди. У онасининг чўзилиб ётган гавдасига қараб қўйди-да, ногаҳон марҳуманинг кўнглини ёзиб, тасалли бермоқчи бўлгандай хатларни овозини чиқариб ўқишга тушди.

Онасининг ҳаракатсиз, жонсиз танаси эса гўё хурсанд бўлаётгандай эди.

Жанна хатларни каравотнинг оёқ томонига бирма-бир тахлай бошлади. Шунда хатларни худди гул қўйгандай тобутга солсам бўларди, деган фикр хаёлига келди.

У янги дастани очди. Унинг хати бошқача эди. Жанна ўқишга тушди: «Сенинг эркалашларингсиз туролмайман. Улгудай севаман».

Хатда бошқа бирорта сўз ҳам, имзо ҳам йўқ эди.

Жанна ҳайрон бўлиб, хатни айлантдириб кўрди. Адреси эса аниқ эди: «Баронесса Ле Пертюн де Вога».

Жанна шундан сўнг кеингини очди: «Бугун кечкурун у кетиши биланоҳ келгин. Бир соатча бирга бўламиз. Сени эҳтирос ила севаман».

Яна бирида шундай дейилганди: «Кечаси билан деярли алаҳлаб чиқдим, сени чақиришларим беҳуда кетди. Оғушимда сенинг баданингни, лабларингни лабимда, нигоҳларингни нигоҳимда сездим. Шу пайт сен унинг ёнида ётганингни, у сен билан хоҳлаган ишини қилаётганини ўйлаганимда газабимдан ойнадан ўзимни отишга ҳам тайёр эдим...»

Жанна ҳеч нимага тушунолмади ҳайрон бўларди.

Бу нимаси бўлди? Бу изҳори дил кимга, ким учун, ким томонидан айтиляпти?

Жанна хатларни ўқишда давом этаркан, ҳар бирида

жўшқин севги изҳорини, учрашувлар соат нечага белгиланганлигини, эҳтиёткор бўлиш борасидаги маслаҳатларни учратар ва доимо охирида тўртта сўз бўларди: «Хатни ёқиб юборишни унутма».

Жанна ниҳоят, расмий хатни — зиёфатга таклиф учун шунчалик миннатдорчилик билдирилган хатни очди. Ундаги дастхат ҳам хатлардагининг ўзгинаси бўлиб, «Поль д→Эн-немар» деган имзо барон шу чоққача ҳар сафар «менинг марҳум дўстим Поль» деб тилга оладиган одамга тегишли бўлиб, унинг хотини баронессанинг энг яхши дугонаси эди.

Жаннанинг хаёлига зумда гумон ўрмалаб, унга ишончи ортди қўйди. Уша одам онасининг ўйнаши эди.

Жанна шундан кейин ғазаби қўзиб, этагидаги расво хатларни ўзига томон ўрмалаган заҳарли махлуқдай силкиб ташлади-да, дераза томонга ташланиб, томоғига тиқилиб келаётган фарёдни тўхтата олмай, аччиқ-аччиқ йиғлади. Кейин мусибатдан бутунлай адои тамом бўлиб, девор яқинидаги полга чўкди-да, инграганим эшитилмасин, деб юзини пардага босганича, азбаройи куйганидан, ҳўнграшга тушди.

У бутун кечани шу кўйда ўтказган бўларди. Бироқ қўшини хонада қадам товушлари эшитилгач, у илдам оёққа қалқди. Мабодо у отаси бўлса-я? Хатлар эса каравот ва полда ёйилиб ётарди! Отаси улардан ақалли биттасини ўқиб қолса нима бўлади? Хабардор бўлади... Уни билармикин?! Отасимикин?!

Жанна югургилаганича эски, саргайиб кетган хатларни — онасининг ота-онаси ёзганларини ҳам, ўйнашидан келганларини ҳам, ҳали очишга улгурмаганларини ҳам, ёзув столида бойламли ҳолда ётганларини ҳам тўдалаб каминга ташлай бошлади. Кейин столчада ёниб турган шамлардан бирини олиб, ана шу хатлар уюмини ёндирди. Кучли алабга кўтарилиб, оловнинг бурама тиллари хонани, ўлим тўшагини ва жасадни ёритди, деворнинг каравотга мўлжалланган ўйиқ жойидаги оқ пардада чойшаб тагидаги баҳайбат гавданинг қораси ва қотиб қолган башарасининг шарпаси титрарди.

Каминнинг ичкарасида бир ҳовуч кул қолганидан кейин Жанна ланг очиқ дераза олдига келди-да, энди марҳума ёнида бўлишдан қўрққандай ерга чўкиб, қўллари билан юзини беркитганича яна йиғлашга тушаркан, аламидан аянчли ҳолда:

— Оҳ, ойи! Ойижоним! Бечора ойигинам! — дерди.

Шунда хаёлига қўрқинчли бир фикр келди: ойиси ўлмаган, фақат сакта уйқуда бўлиб, ҳозир уйғониб, гапириб

қолса-я? Жанна даҳшатли сирдан воқиф бўлса ҳам унинг қизига бўлган меҳри камайиб қолмасмикин?! Онаси аввалгидай суюб ўпармикин?! Худди илгаригидай бошига кўтариб юрармикин?! Йўқ. Илгариги меҳр йўқолди! Жанна ана шуни ўйлаганида юраги чок-чок бўларди.

Тун поёнига етиб, юлдузлари хира тортди. Субҳидамги салқинлик онлари бошланди. Ой уфққа ёнбошлаган бўлиб, денгизга шўнғишдан олдин унинг сатҳини садаф тусига бўяганди.

Жанна шунда «Теракзор»га келганларидан кейин дераза ёнида ўтказган тунини эслади. Ушандан бери анча замонлар ўтган, ҳамма нарса ўзгариб кетган, келажак эса Жаннани ёмон алдаганди!

Мана, энди осмон кўзни қувнатадиган, ажиб, мафтункор пуштиранг тусга кирди. У энди жилвакор бўлиб туғилган янги кунга нақ бир мўъжизадай ҳайратда боқар ва қандай қилиб, ана шундай тонглар отадиган оламда на қувонч, на бахт бўлмаслигига ақли бовар қилмасди.

У эшик тақиллаётганидан чўчиб тушди. У Жюльен эди. Жюльен ундан:

— Хўш, қалай? Жуда қийналдингми? — деб сўради.

Жанна қисқагина қилиб, «йўқ» деди. У энди танҳоликдан қутулганидан хурсанд эди.

— Энди бориб дам ол, — деди Жюльен.

Жанна ойисини узоқ, ғамбода ва қайғули ўпди-да, ўзининг ётоғига йўналди.

Кун бўйи баронессанинг вафоти билан боғлиқ бўлган аянчли ташвишлардан бошлари чиқмади. Барон кечқурун етиб келди. У жуда ҳам қайғуда эди.

Дафн маросими эртасига бўлди. Жанна марҳуманинг муздай пешонасига лабини босиб, кийинтирди Жасадни тобутга солиб, қопқоғини михлаганларидан кейин Жанна ўзининг ётоғига йўналди. Тез орада дафн маросимига қақирилганлар етиб келишлари керак эди.

Жильберта ҳаммадан олдин етиб келди-да, ҳўнграганича Жаннанинг кўксига ташланди. Деразадан соябон араваларнинг келиб, дарвозага бурилаётганлари кўриниб турарди. Вестибюлда овозлар эшитиларди. Хонага Жаннага нотаниш бўлган ва қора кийинишган аёллар кетма-кет киришарди. Маркиза де Кутелье билан виконтесса де Бризвиль келиб Жаннани ўпишди.

Жанна кўққисдан Лизон хола пинжига тиқилаётганини сезиб қолди. У холини меҳр билан бағрига босганди, туйқус меҳрдан қариқиз сал бўлмаса ҳушидан кетаёзди.

Башанг қайғудан, шунча одам тўплангани учун ич

ичидан мамнун бўлган Жюльен жуда мотамсаро кириб келди. У хотинидан шивирлаб маслаҳат сўради. Кейин бошқаларга эшиттирмай қўшимча қилди:

— Зодагонларнинг ҳаммалари келишди. Дафн жуда зўр бўлади.

Шундан кейин хонимларга виқор билан таъзим қилганича нари кетди.

Лизон хола билан Жильберта дафннинг бошидан охиригача Жаннанинг ёнида бўлишди. Графиня Жаннани тинимсиз ўпар ва:

— Шўрликкинам, шўрликкинам! — дерди.

Граф де Фурвиль хотинини олиб кетганида ўзи ҳам гўё онасини кўмиб келгандай йиғларди.

## Х

Яқин одами йўқлигидан, умрбод жудоликдан ҳувиллаб қолгандай туюлган уйдаги Жаннанинг кейинги кунлари ғамгин, зерикарли ўтар, марҳуманинг ҳар бир буюмига кўзи тушганида эса вужуди зирқираб кетарди. Онасини дақиқа сайин эсларкан дил яраси янгиланарди. Мана унинг креслоси, даҳлизда қолган соябони, оқсоч олишни унутган стакани... Барча хоналарда унинг нарсалари — қайчиси, қўлқопи, шишган бармоқлари саҳифаларини варақлайвериб эскирган китоби ва бошқа талай майда-чуйда буюмлари сочилиб ётар, буларнинг бари кўплаб арзимас воқеаларни эслатиб турар, шунинг учун ҳам Жанна дилгир бўлгани-бўлганди.

Онасининг овози ҳамма ердан эшитилиб турганга ўхшарди. Шунинг учун Жаннанинг уйдан қочиб кетгиси, бу ғашликлардан қутулгиси келарди! Уйдан эса кетишнинг иложи йўқ эди, нега деганда, бошқалар ҳам шу ерда бирга жудолик азобини тортишяпти-ку.

Бундан ташқари, Жанна онасининг сиридан воқиф бўлганидан ҳали ҳам ўзига келолмасди. Бу хотиралар уни ҳамон эзгани-эзган, қалбидаги ҳосил бўлган жароҳат ҳали битмаганди. Даҳшатли сир Жаннанинг ёлғизлигини янада баттар этди: унинг одамларга бўлган сўнгги ишончи, сўнгги эътиқоди билан бирга кўмилди.

Отаси орадан бир оз вақт ўтгандан кейин жўнаб кетди. У юриб туриши, шароитни ўзгартириши, ўзини кундан-кунга эзаётган ғам-андуҳлардан қутулиши зарур эди.

Гоҳо-гоҳо хўжаларидан бирортасини у дунёга йўллаб турадиган катта хонадон яна тинч ва бир маромдаги изга тушиб олди.

Кейин Поль бирдан оғриб қолди. Жаннанинг бундан

бўлари бўлди: ўн икки кун мижжа қоқмай, деярли туз тотмади.

Поль тузалиб кетди. Бироқ Жаннанинг хаёлидан, у ўлиб қолиши мумкин, деган даҳшатли фикр нари кетмай қолди. Унда нима қилади? Холи не кечади? Шунинг учун ҳам, яна битта болалик бўлсам, деган шунчаки хоҳиш кўнглидан аста-секин жой ола бошлади. Тез орада илгариги, ўғил ва қизим атрофимда пилдираб юришса, деган орзуси вужудини бутунлай қамраб олди. Орзу энди қатъий қарорга айланганди.

Бироқ Жанна Розали билан рўй берган воқеадан кейин Жюльендан бошқа ётиб юрарди. Ҳозирги аҳволда уларнинг яқинлашувлари сира ҳам мумкин бўлмаган нарсадай туюларди. Жюльен четда бошқа биров билан учрашиб юрар, Жанна буни биларди. У, Жюльен ўзини бағрига босишини ўйлаганидаёқ нафратланганидан титраб кетарди.

Жаннага она бўлиш истаги қаттиқ азоб бераётганидан Жюльеннинг бағрига босишларига ҳам чидаган бўларди. Бироқ яна қандай қилиб иноқлашиб кетишлари мумкинлигини кўз олдига келтира олмасди. Жюльен мабодо Жаннанинг ниятини фаҳмлагудай бўлса борми, у ерга кириб кетарди ҳисоби. Жюльен эса Жаннани ҳатто хаёлига ҳам келтирмаётганлиги шундоққина кўрилиб турарди.

Жанна бу орзусидан воз кечиши ҳам мумкин эди. Бироқ энди ҳар куни қизчаси тушига кирар, гўё у Поль билан чинор тагида иргишлаётган бўларди. Шунинг учун ҳам гоҳида ўрнидан туриб, миқ этмай эрининг ётоғига киришни жуда-жуда хоҳлаб қоларди. Икки марта ҳатто унинг эшигига яқинлашди-ю, бироқ ўша заҳотнинг ўзида шошапиша қочиб кетди. Азбаройи уялганидан юраги гупиллаб урарди.

Барон жўнаб кетди, ойижониси қазо қилди. Жаннанинг энди ишонадиган, ичидаги сирларини айтиб, маслаҳатлашадиган одами ҳам қолмаганди.

Шундан кейин у аббат Пиконинг ҳузурига боришга ва тавба баҳонасида дилидаги оғир ниятларини айтишга қарор қилди.

Жанна борганида аббат мевали дарахтлар экилган чоғроққина боғчасида ибодатномани мутолаа қиларди.

Бир неча дақиқа у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтирганларидан кейин Жанна қизариб ва тутила-тутила:

— Жаноб аббат, мен тавба қилмоқчиман, — деди.

Аббат ҳайрон бўлганидан яхшироқ кўриш учун ҳаттоки кўзойнагини кўтарди-да, кейин кулди.

— Ҳар қалай жуда ҳам оғир гуноҳ қилмагандирсиз, дейман.

Жанна жуда довдираб қолиб деди:

— Йўқ, мен сиздан нозик... жуда ҳам нозик бир иш юзасидан маслаҳат сўрамоқчийдим, уни шундай, тўғри айтаверишга ботинолмаяман.

Аббат шу заҳоти одатдаги мулойимликдан руҳонийона виқорли тусга кирди.

— Пачора, бўтам, юринг, гапингизга тавбахонада қулоқ соламан.

Жанна эса юраги бетламанроқ тўхтаб қолди. У ҳозирда бўш бўлган табаррук ибодатхонада гўё хунукдай кўринган мавзуда гап очишга юзи чидамади.

— Ҳожати йўқ, жаноб кюре, яхшиси... иложи бўлса, нега келганимни шу ерда айта қолай. Юринг, бориб, шийпонингизда ўтирайлик.

Икковлари ўша ёққа бир-бир одимлашди. Жанна дилидаги гапни қандай айтишни, нимадан бошлашни билмасди. Икковлари шийпонга бориб ўтиришди.

Жанна шунда гўё тавба қилаётгандагидай гап бошлади:

— Падарим...

Жанна яна: «Падарим...» деб тўхтаб, довдираганидан жимиб қолди.

Кюре қўлини қорнида чалиштирганича кутарди. У Жанна хижил бўлаётганини кўриб, далда берди:

— Нима бўлди, қизим, гўё тортинаётганга ўхшайсиз. Дадилроқ гапираверинг.

Жанна шундан кейин хавф-хатарга қараб ўзини урадиган кўрқоқдай зумда дадил тортди.

— Падарим, мен яна фарзанд кўрмоқчиман.

Кюре ҳеч нимани тушунмаганидан жавоб бермади. Жанна шундан кейин ҳаяжонга тушганидан сўз тополмай тушунтира бошлади:

— Ҳозир дунёда якка-ёлғиз қолдим. Отам билан эрим бир-бирлари билан носоз, ойим ўлди, энди бўлса, энди...

Жанна титраганча шивирлади:

— Яқинда ўғлимдан айрилишимга сал қолди! Унда ҳолим не кечарди?

Жанна жим қолди. Руҳоний унга таажжубда тикиларди.

— Хўш, нима демоқчисиз ўзи?

— Мен яна фарзанд кўрмоқчиман, — такрорлади Жанна.

Руҳоний деҳқонларнинг яланғоч ҳазилларини эшитавериб кўникиб қолганидан тишининг оқини кўрсатди-да, бошини муғамбирона чайқаб жавоб берди:



— Начора, менимча, ҳаракат ўзингизга боғлиқ.

Жанна маъсума кўзларини руҳонийга қаратди-да, хижолатда гўлдиради:

— Ахир... ахир... ўшандан... оқсоч билан... бўлган воқеадан кейин... эрим билан... бутунлай бошқа... турамиз-да.

Руҳоний қишлоқ одамларининг бор гапни тап тортмай, беандиша айтаверишларига кўникиб қолганидан Жаннанинг бунчалар эътирофидан ҳайратга тушди, кейин эса бу жувоннинг пинҳоний ниятини фаҳмлагандай қарорга келди. У Жаннага зимдан мурувватли ва дардига хайрхоҳ боқди.

— Шундай, шундай, гапингизни тушундим. Сизни... сизни беваалингиз қийнапти. Сиз навқирон, соғлом жувонсиз. Хуллас, бу табиий, тўла табиий.

У қишлоқ кюреларига хос бўлган ўйноқилигига эрк берган ҳолдан яна тиржайди-да, Жаннанинг кўлини эркалаб шапатилади.

— Уғитларда бунга йўл қўйилади, бемалол йўл қўйилади: «Фақат никоҳдагина ўзингга эр тилайсан», дейилади. Сиз никоҳдасиз-ку, тўғрими? Умрни бекор ўтказиш учун турмайсиз-ку.

Жанна кюренинг нимага шама қилаётганини тушунмасди. Бироқ гап қаёқдалигини тушуниб қолганидан кейин қип-қизариб кетди-да, йиғлагудай кўйга тушди:

— Оҳ, нималар деяпсиз, жаноб кюре? Наҳотки шунақа хаёлга борсангиз? Сизга онт ичаман... онт ичаман...

Жанна йиғидан гапиролмай қолди.

Кюре ҳайратда қолиб, уни тинчитишга тушди:

— Сизга нима бўлди, хафа қилишни сира ҳам истамовдим. Жиндай ҳазиллашдим, холос. Нима, ҳалол одамга ҳазил қилиб бўлмайдими? Менга суянаверинг, бемалол суянаверинг. Мен жаноб Жюльен билан суҳбатлашаман.

Жанна нима жавоб қилишни билмасди. Кюренинг бу ишга аралashiши одобсизлик ва бунинг устига зарарли бўлганидан Жанна уни бундан қайтаришни истарди. Бироқ Жанна буни айтишга журъат этолмай:

— Миннатдорман, жаноб кюре,— деб гўлдираганича кетишга шошилди.

Орадан бир ҳафта ўтди. Жанна ўша кунлари жуда ташвишда бўлди.

Бир куни оқшомда Жюльен тамадди пайтида Жаннага зимдан қараб, кулиб-кулиб қўйди. У ўйноқироқ кўринган пайтларда шунақа қиларди. У ҳаттоки сал сезиларли даражадаги истеҳзо билан Жаннага равиш-рафтор ҳам қилди, кейин ойижонисининг хиёбонида айланиб юрганларида эса қулоғига:

Литишларига қараганда биз ярашганмишмиз-а? — деб шивирлади.

Жанна жавоб бермади. У ердаги ўт деярли ўраб қўйган чизикқа тикиларди. Уша чизик онасининг изи бўлиб, хотира сингари ўчиб, билинмай кетаётганди. Жаннанинг юраги эса гамдан эзилар, назарида бу оламда йўқолиб кетаётгандай, бениҳоя ёлғиздай туюларди.

— Мен шахсан жуда хурсандман, — гапида давом этди Жюльен, — фақат суйканишни истамагандим-да.

Куи ботган, оқшом сарин ва сокин эди. Жаннанинг йиғлагиси, дўстига кўнглини бўшатгиси, бағрига кириб, гамда қолганидан ҳасрат қилгиси келарди. Йиғи томоғига тикилиб келди. У қучоғини очганича Жюльеннинг кўкрагига тушди.

У йиғларди. Жюльен эса танг қолганича унинг кўксига боқар, чулки чехраси кўкрагида пинҳон эди. У, Жанна мени аввалгидай севади, деган фикрга келиб, сочидан мурувват билан ўпди.

Икковлари ҳам унсиз қайтиб келишди. Жюльен хотинининг ётоғига кириб, тунни шу ерда ўтказди.

Икковларининг илгариги муносабатлари шу тариқа янгиланди. Жюльен эрлик вазифасини бурч сингари жуда ҳузур билан бажарар, Жанна эса машаққатли ва азобли заруратдай бунга чидаш берарди. У яна бўйида бўлиши биланоқ, бу ишга умрбод чек қўйишни қатъий ният қилиб олганди.

Жанна орадан кўп ўтмай эрининг эркалашлари аввалгиларига ўхшамаслигини пайқаб олди. Жюльен хотинининг кўнглини хўп олса ҳам, ўзига қолганда босикроқ эди. У хотини билан қолганда ўзини эрдай бемалол эмас, балки эҳтиёткор ўйнашдай тутарди.

Жанна бундан ҳайрон бўлиб қузатаркан, кўп ўтмай Жюльен хотинининг кўнглини олишга киришганда, энг нозик, энг керакли пайтда ўзини четга олишини сезиб қолди.

Бир кечаси Жанна эрининг оғзига оғзини теккизиб шивирлади:

— Нега менга илгаригидай бутунлай берилмаяпсан?

Жюльен хахолаб юборди:

— Сабаби маълум, бўйингда бўлмасин, деяпман-да. Жанна қалтираб кетди.

— Нега сен кўпроқ болалик бўлишни хоҳламайсан?

Жюльен ҳайратдан қотиб қолди.

— Қанақасига?! Нима деяпсан? Жинни бўлдингми? Яна болами? Йўқ, кечирасиз. Биттасининг чийиллаётгани, ҳаммани чалғитиб, пулни кемираётгани ҳам етар. Яна иккинчиси бўлсинми? Беҳад ташаккур!

Жанна эрини қучоқлаб, ҳаммаёғидан ўпиб ташларкан, шунинг орасида:

— Азизим, ўтинаман, мени яна бир марта она қилгин, — деб шивирлади.

Жюльен эса хотини худди ҳақорат қилгандай тутоқди:

— Улай агар, эсингни еб қўйибсан. Илтимос, бу бемаънилигингни тўхтат.

Жанна жим қолди-да, ўзича усталик билан кўнгли тилаган бахтга етишмоқчи бўлди.

Энди у Жюльеннинг эркалашларини чўзишга уринар, ўзини бениҳоя эҳтиросли кўрсатар, жуда роҳат қилаётгандай эрини титраганича бағрига босарди. Жанна ҳар хил найранглар ишлатар, Жюльен эса хушёрлик қилиб, доимо чап бериб қоларди.

Жаннага тинчлик бермаётган истаги бутунлай адойи тамом қилиб, жонидан тўяр даражага етиб, бу борада ҳеч нимадан қайтмасликка тайёр бўлиб қолганида яна аббат ҳузурига йўл олди.

Аббат Пико нонуштани тамомлаб, жуда бўғриққан ҳолда ўтирарди, нега деганда тановулдан кейин юраги ёмон урарди. Аббат Жаннага кўзи тушиши биланоқ: «Хўш, қалай?» — деб қичқирди. У сабрсизлик билан воситачилигининг натижасини билишни истарди.

Жанна энди дадилроқ бўлганидан уялиб, тортинишни йиғиштириб қўйган ҳолда очиқ жавоб қилди:

— Эрим болани кўпайтиришни хоҳламаяпти.

Аббат унга ўғирилди-да, жуда қизиқиш билан тавбаҳонада эшитганларида ҳузур қиладиган сир-асрорларнинг тагига етмоқчи бўлди. У:

— Қанақасига? — деб сўради.

Жанна довураклигига қарамай, довдираб, қандай қилиб тушунтиришни билмасди:

— У... у... мени она қилишдан бош тортяпти.

Аббат бунақа ишлардан хабардор одамлигидан, рўза тутишга мажбур бўлган эркакдай, майда-чуйда нарсаларга чадир бериб суриштирди.

У шундан кейин пича ўйлаб турди-да, гўё бу йил нималардан яши ҳосил олиш мумкинлиги борасида гапиргандай, Жаннага бамайлихотир ҳолда усталик билан ҳаракат қилишнинг майда-чуйдасигача тушунтирди.

— Бўтам, сизда битта йўл қоляпти — унга, ҳомиладорман, деб ёлғон гапирасиз. У сақланмай қўяди. Шундан кейин сиз чиндан ҳам ҳомиладор бўласиз.

Жанна сочининг тагигача қизариб кетса ҳам сира бўш келгиси келмади:

— Мабодо... мабодо у гапимга ишонмаса-чи?

Кюре одамларни йўлга солиш ва маҳкам ушлашнинг йўлларини яхши биларди:

— Ҳомиладорлигингизни ҳаммага тарқатинг, ўнгу сўлингизда учраганларга айтаверинг. Бунга ахири ўзи ҳам ишонишга мажбур бўлади.

Кюре шундан кейин бу найранги учун ўзини гўё оқламоқчи бўлгандай хулоса қилди:

— Бунда сиз тўла ҳақли бўласиз, черков эркак билан аёлнинг зурриёд йўлида алоқа қилишига йўл беради.

Жанна бу муғамбирона маслаҳатга амал қилиб, икки ҳафтадан кейин Жюльенга, бўйимда бўлганга ўхшайди, деди. Бу гапдан Жюльен ҳатто ирғиб тушди:

— Елғон! Бунақа бўлиши мумкин эмас!

Жанна гумонсирашларининг сабабларини айтди. Бироқ Жюльен ўзини ўзи:

— Йўғ-е! Бу ҳали ҳеч нима эмас. Жиндай сабр қил.

Шундан кейин ҳар куни эрталаб:

— Хўш, қалай? — деб суриштира бошлади.

Жанна эса бир хилда:

— Ҳозирча ўзгартиш йўқ. Бўйимда бўлганига шак-шубҳам йўқ, — деб жавоб берарди.

Энди Жюльен тиңчини йўқотди. Унга алам қилар, боши қотиб, изтиробга тушарди. У:

— Тушунмаяпман, ҳеч нимани тушунмаяпман. Улай агар, бу қандай бўлганини билмайман.

Жанна орадан бир ой ўтганидан кейин бўйида бўлганини бутун оламга ёйди, фақат графиня Жильбертага айтмади, чунки бунга ўзининг покизалиги йўл бермади.

Жюльен ҳомиладорлик борасидаги биринчи ташвишли гапдан кейин Жаннанинг ётоғига йўламай қўйди. Кейин эса аламли қўл силтаб:

— Буниси нокерак совға бўлди-да, — деб қўйди.

Шундан кейин хотинининг ётоғига яна бош суқа бошлади.

Ҳаммаси руҳоний башорат қилгандай бир текисда кетарди. Жаннанинг бўйида бўлди.

Жанна шунда азбаройи суюнганидан ва ўзи сажда қилаётган эгамга миннатдорчилигидан умрбод покиза бўлишга онт ичди-да, ҳар куни кечаси эшигини тамбалаб ётадиган бўлди.

Жанна яна ўзини деярли бахтиёр сезар ва онасининг ўлиmidан кейин қайғуси тезроқ унут бўлганидан ажабланирди, холос. У онаси вафот этганида, ўлгунимча гами юрагимдан кетмаса керак, деб ўйлаганди, мана энди эса икки ой ўтмасиданоқ қалбидаги жароҳати бита бошлади. Бошига

тушган мусибатнинг андак доғи қолгандай, гоҳо салгина маънос тортиб қўярди, холос. У энди, бошимга оғир кўрғиликлар тушади, деб ўйламасди. Болалари катта бўлиб, уни яхши кўришади. Ўзи эса тинчгина қарийди, эрини хаёлига ҳам келтирмайди.

Сентябрнинг охирларида аббат Пико, бир ҳафтада ёғи чиқишга улгурмаган янги ридода Жанналарнинг хонадонига расман ташриф буюрди. У, Жаннага ўринбосари аббат Тольбиакни таништирди. Тольбиак ҳали навқирон руҳоний бўлиб, пакана, қотма, гаплари баландпарвоз, кўзлари чуқур ичига ботган, теварагидаги қора доғлар қалби эҳтиросли эканидан дарак берарди.

Эски кюре Годервилда деканликка тейинланганди.

Кюренинг жўнаб кетаётгани Жаннани ростакамига изтиробга солди. Нега деганда, турмушга чиққанидан кейинги барча воқеаларга ана шу бақалоқ шоҳид эди-да. У Жаннани никоҳлаган, ўғли Полни чўқинтирган ва баронессани дафн этишга бош қўшганди. Жанна Этуванни фермалар ёнидан қорнини селкилатиб бораётган аббат Пикосиз тасаввур этолмасди, уни хушчақчақлиги ва ўзини самимий тутиши учун ҳам яхши кўрарди.

Аббат Пиконинг ўзи ҳам мартабаси ошганига қарамай, хурсанд эмасдай кўринарди.

— Бу менга осон эмас, виконтесса, осон эмас, — деди у. — Бу ерда нақ ўн саккиз йил умрим ўтди. Бу ердаги қавмлар унчалар ўзларига тўқ эмаслар ва қанақаликларини ҳам билиб бўлмайди. Эркаклар тегишли даражада худого ишонмайдилар, аёллар эса ўзларини дуруст тутмайдилар, буни айтишим керак. Қизлар эса оғироёқлик бўлмагунча черковга никоҳдан ўтгани келмайдилар, аччиқ апельсин гулининг эса бу ерда қадри йўқ. Шундай бўлса ҳам бу жойни яхши кўриб қолгандим.

Янги кюре кўнгли тўлмаганлиги кўриниб турар, ҳаттоки қизариб-бўзариб кетганди. У қўққисдан:

— Менинг давримда буларнинг бари ўзгариши керак, — деб қолди.

У аразчи, қотма, мужмал, эскирган бўлса ҳам тоза ридодаги болани эслатарди.

Аббат Пико хушчақчақ дақиқаларидагидай кўз қирини ташларкан, эътироз билдирди:

— Хўш, сизга айтсам, аббат, бунақа ишларга чек қўймоқ учун қавмларингизни занжирбанд қилишингизга тўғри келади. Бари бир ўша ҳам ёрдам бермайди.

Навқирон руҳоний кескин жавоб қилди:

— Начора, кўраминиз.

Эски аббат тамакисини искаркан, кулимсиради.

— Кексайиб, тажрибангиз ортгани сари этингиз ўлиб қолади, аббат. Нима ҳам қила оласиз? Охирги художўйларни ҳам черковдан ҳуркитиб юборасиз, холос. Узингизга эҳтиёт бўлинг, бу ернинг одамлари художўй бўлишса ҳам шўх. Гапнинг очиги, назаримда, тўлароқ қиз черковга ваъз эшитгани кирганини кўрганимда ичимда: «Ана, менга янги қавм олиб келяпти», дейман-да, уни эрга беришга ҳаракат қиламан. Уларни сиз гуноҳ ишлардан қайтаролмайсиз, буни билиб қўйинг, бироқ бирорта йигитнинг олдига бориб, боласининг онасини ташламасликка кўндирсангиз бўлади. Уларни турмушга чиқаринг, аббат, уйлантиринг, бошқа нарсани эса хаёлингизга ҳам келтирманг!

Янги кюре эса қатъийроқ жавоб қилди:

— Биз турлича фикрлаймиз, шунинг учун ҳам тортишувимиздан фойда чиқмайди.

Аббат Пико шундан кейин яна қишлоқчани, черков уйининг деразаларидан кўриниб турадиган денгизни, ибодатномани ўқиб, айланиб юрадиган ва олисдан ўтиб бораётган кемаларни томоша қиладиган воронканусха пастликларни қўмсаб юришини айтди.

Иккала руҳоний хайр-маъзур қилишди. Кекса кюре йиғлаб юборишдан ўзини аранг тутиб турган Жаннанинг пешонасидан ўпди.

Аббат Тольбиак бир ҳафтадан кейин яна келди. У мамлакат подшоҳлигини бошлаган зотдай қилаётган ўзгаришлари хусусида гапирди. Сўнгра виконтессадан якшанба кундаги ибодатда қатнашишни ва ҳар бир улкан байрамдан четда қолмасликни ўтинди.

— Сиз билан жамоанинг бошида турибмиз,— деди у,— жамоага бошчилик қилиш ва бошқалар тақлид қилишга арзигулик ўрناق кўрсатишга даъват этилганмиз. Бошқаларга таъсиримизни ўтказиб, уларнинг ҳурматини қозонишимиз учун яқдил бўлмоғимиз лозим. Мабодо черков билан қаср иттифоқ бўлса, кулбалар биздан чўчиб, итоат қилишади.

Жаннанинг художўйлиги фақат дилида эди. У барча аёлларга ўхшаб, бир оз эскичароқ бўлиб, маросимларни чала-ярим, асосан, монастирдаги одатича бажарар, чунки, бароннинг эркин фикрлаш асосига қурилган мушоҳадалари диний эътиқодларини аллақачон кўтариб ташлаганди.

Аббат Пико Жаннадаги озгина художўйликка ҳам қаноат қилар ва уни бу борада сира ҳам ёзгирмаганди. Унинг ўринбосари эса Жаннани бир якшанбада ибодатда кўрмай, тутоққанича ва ҳовлиққанича келиб қолди.

Жанна черков билан тескари бўлиб қолишни истамади-да, ўзича дастлабки ҳафталарда, илтифот юзасидан кўриниб турарман, деган қарорга келганидан кюренинг айтганларини барини бажаришга ваъда берди.

Жанна аста-секин черковга боришга ўрганиб қолди ва қилтириқлигига қарамай, қатъий ҳамда собит аббатнинг таъсирига берилди. Аббат ўзининг зўр эҳтироси билан бамисоли фидойидай Жаннани қизиқтирарди. У Жаннанинг қалбидаги ҳар бир аёл қалбида ҳам мавжуд бўладиган эскилик торларини чертарди. Букилмас қатъият, айш-ишратдан нафратланиш, бу дунёнинг ишларидан жирканиш, худога меҳру муҳаббат, ўсмирчасига келишмовчилик, беаёв гапириш, букилмас ирода сингари сифатлар Жаннанинг назарида бандаларнинг фазилатлари эди. Шунинг учун ҳам адойий тамом бўлиб, ҳамма нарсадан умидини узиб қўйган Жаннани, ўзини худо хизматига бағишлаган ана шу навқирон кюренинг фидойилиги қизиқтира бошлади.

Кюре Жаннани черковда тасалли берувчи Исо пайғамбар тасвирига рўбарў қилиб, тортган барча кулфатлари учун диндаги шодмонликлардан баҳраманд этишга ваъда берди. Жанна шунинг учун ҳам тавбада мулойимгина тиз чўкиб ўтирар, афтидан ёши ўн бешда кўринган бу руҳоний олдида ўзини кичкина ва ожиз сезарди.

Бироқ, орадан кўп ўтмай, руҳонийни қавмларнинг ҳам-малари жуда ёмон кўриб қолишди.

Руҳоний ўзига жуда маҳкам бўлиб, бошқаларга ҳам бениҳоя қаттиқ турарди. Уни айниқса ошиқ-маъшуқлар ғазабга солиб, нафратини оширарди. Черков одатига кўра, ваъз айтаётган пайтларида ошиқ-маъшуқларни очиқчасига гапириб, расволарини чиқарар, бунда унинг гапини тинглаётган қишлоқиларнинг қулоқлари ҳам қоматга келарди. Кюренинг ўзи ҳам айш-ишратни қоралаганда ғазабидан қалтирар, ер тепинар, қаҳрини келтирган нарсаларни битта қўймай тўкиб соларди.

Вояга етган йигитлар билан қизлар бутун черков оша бир-бирларига зимдан боқишар, бу мавзуда ҳазиллашишни ёқтиришадиган деҳқон чоллар эса ибодатдан кўк кўйлакли ўғил ва қора ёпинчиқли хотин билан бирга қайтишаркан, пакана кюренинг нобоплигини гапириб келишарди. Хуллас, бутун музофотдагиларнинг руҳонийга тоби йўқ эди.

Одамлар бир-бирлари билан кюренинг тавбада маҳкам туришини, кишини оғир пушаймонга қўйишини шивир-шивир қилишарди. Ифбатларини сақлай олмаган қизлар гуноҳларини афв этишдан қатъий бош тортиши эса кюре қаҳидаги миш-мишларни кўпайтирарди. Қавмлар байрам

ибодатида черковга кирмай юрган қизларни кўрганларида кулиб қўя қолишарди.

Кюре орадан кўп ўтмай, севишганларнинг пайига тушиб, қоровул браконьерларни таъқиб этгандай, уларнинг учрашувларига халал бера бошлади. У ошиқларни ойдин кечаларда йўл чеккасидаги ариқ бўйларидан, омборлар ортидан, тепаликларнинг бута босган ёнбағирларидан қувиб соларди.

Бир куни, уни кўришса ҳам парво қилишмаётган йигит билан қизни учратиб қолди. Ёшлар қучоқлашганларича тошлоқ жарликда кетишар ва ўпишишарди.

Аббат уларга:

— Бас қиларинг-е, махлуқлар! — деб бақирди.

Йигит эса унга ўгирилиб, жавоб қилди:

— Тошингизни теринг, жаноб кюре, бизнинг ишимизга тумшугингизни суқманг.

Аббат шундан кейин майда тошлардан олиб, худди итни ургандай уларга ота бошлади.

Қиз билан йигит баробар кулганларича қочиб кетишди. Келаси якшанбада эса аббат меҳробдан туриб, уларнинг номларини ҳаммага эълон қилди.

Шу ерлик йигитларнинг бари черковга қадам босишмайдиган бўлди.

Кюре ҳар пайшанбада зодагонлар хонадонида тамадди қилар ва ҳафта оралиғида ўзининг маънавий қизи Жанна билан мусоҳаба этгани кириб ўтарди. Жанна ҳам диний нарсалар борасида гап кетганида кюрега ўхшаб жуда жунбишга тушар ва бисотидаги барча эски ва мураккаб каломларни ишга соларди.

Кюре билан Жанна биргаликда ойижонисининг хиёбонида айланиб юриб, Исо пайғамбарлар, Биби Марьям ва черков раҳнамолари борасида худди ўзларининг шахсий танишларидай гапиришарди. Улар айниқса, теран маъноли муаммони олдинга сурганларида ва эскича валдирашларга берилганларида тўхташарди. Жанна бунда осмонга ғув этиб кетадиган шоирона хулосалар чиқаришга берилар, кюре эса доиранинг квадратини исботламоқчи бўлган савдойига ўхшаб, анча ижобийроқ далиллар келтирарди.

Жюльен янги кюрени кўпроқ ҳурмат қилар, дам-бадам:

— Мана буни, менимча, руҳоний деса бўлади! Бу сира ҳам ён бермайди.

У шунинг учун ҳам талабга қараб черковда тавба қилар ва маросимларда қатнашар, бу борада у бошқаларга «яхшигина ибрат» бўларди.

Жюльен энди деярли ҳар куни Фурвилларникида бўлар, усиз туролмайдиган граф билан ов қилар, ёмғир ва



қор ёққан пайтларда ҳам графиня билан отда айланиб юрарди.

— Булар отда айланишга муккаларидан кетишган, — дерди граф, — бироқ ҳечқиси йўқ, бу — хотинимга фойдали.

Барон ноябрнинг ўрталарида қайтиб келди. У ўзгариб кетган, кексайган, ювош тортган, ичини кемираётган ғамга кўмилиб қолганди. Бароннинг қизига бўлган меҳри янада жўш урганди, бир неча ой ёлғиз зерикарли ҳаёт кечиргани гўё уни меҳрибонлик, маънавий яқинлик, назокат сингари нарсаларга ўлардай ташна қилиб қўйганди.

Жанна ўзининг янгича қарашларини, аббат Тольбиак билан иноқлигини ва диндорликка интилаётганини дадасига билдириб ўтирмади, бироқ барон руҳонийни биринчи кўргандаёқ энсаси жуда ҳам қотди.

Шунинг учун ҳам Жанна бир куни кечқурун дадасидан:

— Сизнингча у қандай? — деб сўраганида, барон унга:

— Менимча, золимнинг ўзгинаси! Ундан кейин хатарли одам ҳам бўлса керак, — деб жавоб берди.

Барон кейинчалик ошналари бўлган деҳқонлардан навқирон руҳонийнинг бераҳмликлари, одамларни табиий ишлар ва туғма нарсалар учун таъқиб қилишларини билганидан кейин уни жон-жаҳди билан ёмон кўриб қолди.

Бароннинг ўзи кекса файласуфлар авлодидан ва табиат ошифтаси бўлгани учун ҳам иккита тирик мавжудот бирикканини кўрганида эриб кетар, пантеистларнинг қандайдир илоҳига сажда қилар ва дунёга мешчанчасига қарайдиган, рижорлардай қаҳрли ва мустабиддай қасоскор католиклар илоҳига, ҳаёт, нур, замин, фикр, ўсимлик, тош, инсон, ҳаво, махлуқот, юлдуз, тангри ва ҳашарот деб аталмиш бетўхтов, беҳад қудратли бунёдкорликни кўз ўнгида ерга урадиган илоҳга қарши бош кўтарарди. Ҳашарот ҳам айни пайтда бунёдкордир, сабаби, ўзи ҳам бунёдкорлик маҳсулидир, негаки, у иродадан кучлироқ, ақлдан бепоен бўлиб, бемақсад, беазмун ва бениҳоя ҳолда барча йўналишлару турларда, бор чексиз бўшлиқларда вазиятга ва оламни иситадиган қуёшнинг саховатидан баҳра олиб, авлодларини кўпайтираверадилар.

Барча пуштлар бунёдкорликда мужассамлашган, фикр ва ҳаёт унда дарахтлардаги гуллар ва мевалар янглиф етилади.

Бароннинг назарида, кўпайиш оламнинг буюк қонуни, фахрли, муқаддас, илоҳий иш бўлиб, олий мавжудотнинг сирли ва муқаррар иродасига кўра амалга ошириларди. Шунинг учун ҳам у ғайрат билан фермалардаги одамларни

ҳаёт таъқибкори бўлган бадҳазм руҳонийга қарши қайрашга тушди.

Жанна зўр бериб худога нола қилар, отасига ялиниб-ёлборар, бироқ барон нуқул:

— Бунақа одамлар билан курашиш бизнинг бурчимиз ва ҳуқуқимиз. Улар одамлар эмас, муртадлардир,— деб жавоб берарди.

Барон шунда узун оқ сочини силкитиб такрорлади:

— Улар муртадлар, ҳеч нимани, ҳеч балони тушунишмайди. Улар хатарли адашув таъсирида иш юритишади, ҳаммалари бизга ёт кимсалардир.

Бароннинг «ёт кимсалардир» дегани бамисоли лаънатлагандай янгради.

Руҳоний гарчи баронни ўзига душман билса ҳам, бу хонадонни ва ёшгина бекани маҳкам ушлашни истар ва шунинг учун ҳам ахири баланд келишига шак-шубҳа қилмасди.

Бундан ташқари, руҳонийга битта нарса сира ҳам тинчлик бермасди: у тасодифий равишда Жюльен билан Жильберта ўртасидаги ишқ мижаросидан воқиф бўлганидан, қандай қилиб бўлса ҳам бунга чек қўйишни хоҳларди.

У бир куни Жаннанинг ҳузурига келди-да, диний мавзулардаги узоқ мусоҳабадан кейин бу хонадондаги бадхоҳликка қарши курашиб, уни бартараф этиш, иккита бандани ҳалокатдан асраш борасида биргаликда ҳаракат қилишни таклиф этди.

Жанна руҳонийнинг гапига тушунмади-да, кавлаштира бошлади. Руҳоний шунда:

— Бунинг вақти келишига яна бор, мен бўлсам яқин орада ҳузурингизга яна келаман,— деб жавоб қилди-да, кетишга шошилди.

Бу гап қишнинг, қишлоқдагилар айтганларидай, бижиган, зах ва иссиқ қишнинг охирларида бўлганди.

Орадан бир неча кун ўтгандан кейин аббат яна келди-да, ўзларини бенуқсон тутишлари керак бўлган одамлар ўртасидаги хунук алоқалар борасида муҳамроқ қилиб гап бошлади.

— Бундай гуноҳ ишлардан воқиф одамлар эса,— деди у,— барча йўллар билан унга чек қўймоқлари даркор.— Аббат шундан кейин баландпарвоз мулоҳазаларга берилиб, Жаннанинг қўлтигидан олди-да, кўзини очишга, гапнинг тагига стишга ва ўзига кўмак беришга даъват қилди.

Жанна бу сафар гап нимадалигига тушунса ҳам тинчгина хонадони бошига тушадиган оғир фалокатларни кўз олдига келтириб, дамини чиқармади. Шунинг учун ҳам ўзини аббат

гапираётган нарсаларни тушунмаётганга солди. Аббат шундан кейин гапни очикчасига айтишга қарор қилди:

— Менинг зиммамга мушкул вазифа тушган, виконтесса, бироқ ундан бўйин товлаёлмайман. Эгаллаган мартабам Сизни халал беришингиз мумкин бўлган нарсадан огоҳ этишни буюряпти. Хуллас, билиб қўйинг, Сизнинг эрингиз билан де Фурвиль хоним ўртасида жинсий алоқа бор.

Жанна ожиз бир ҳолда бошини солинтирди.

Аббат эса бўш келмасди:

— Энди нима қилмоқчисиз?

— Нима қилай жаноб аббат? — шивирлаб сўради Жанна.

— Бу ғайриқонуний ишратга тўсқинлик қилинг, — деди аббат шартта.

Жанна шунда кўзига ёш қалқиб, аламли гап бошлади:

— Оқсочим билан илакишиб мени алдаган. Ҳозир менга қиё ҳам боқмайди. Мендан кўнгли қолган. Менинг хоҳишларим дилига ўтиришмаса доимо қўпол муомала қилади. Иложим қанча?

Кюре тўғри жавоб бериш ўрнига ўшқиришга тушди:

— Бундан чиқди, сиз буни мақбул кўраркансиз-да! Бунга чидаркансиз! Йўл қўяркансиз! Хонадонингиздаги бузуқиликка чидаркансиз? Кўз ўнгида жиноят содир бўлса-ю, Сиз кўзингизни олиб қочасизми? Шундан кейин ҳам ўзингизни рафиқа санайсизми? Христианмисиз? Онамисиз?

— Нима қилсам бўлади? — деди Жанна ҳўнграб.

— Нима қилсангиз қилаверинг, бироқ бу разолатга чидаш берманг! — жавоб берди аббат. — Сизга айтяпман. Эрингизни ташланг, бу наҳс босган хонадондан қочинг!

— Менда эса пул йўқ-да, жаноб аббат, — эътироз билдирди Жанна. — Тинка-мадорим ҳам қолмади. Буни исботламай туриб, қандай ҳам кетаман? Бунга ҳатто ҳаққим ҳам йўқ.

Руҳоний қўзғоларкан:

— Сиз қўрққанингиздан бунақа деяпсиз, хоним. Мен сизни бошқача деб ўйловдим. Сиз худонинг марҳаматига нолайиқсиз!

Жанна тиз чўкди.

— Йўқ, йўқ, ўтинаман, мени ташлаб кетманг! Панднасиҳат қилинг!

Руҳоний гапга жиддий тус бериб:

— Жаноб де Фурвилнинг кўзини очиб қўйинг. Бу расволикка фақат ўша чек қўя олади, бошқа бировнинг қўлидан келмайди.

Жанна эса буни эшитгандаёқ даҳшатга тушди.

У иккаласини ҳам ўлдиради-ку, жаноб аббат! Уларнинг сирини мен очаманми? Йўқ, йўқ, сира ҳам!

Аббат шундан кейин лаънатламоқчи бўлгандай қўлини кўтарди-да, жуда даргазаб ҳолда деди:

— Бўлмаса шарманда бўлиб ва жинноятга ботиб юр-веринг, чунки сиз улардан кўпроқ айбдорсиз. Сиз эрингизга пишанг беряпсиз! Бу ерда энди қололмайман.

Аббат газабидан қалтираганича кетди.

Жанна худди телбадай аббатнинг кетидан югурди. У энди ён беришга ҳам тайёр бўлиб, гўлдираб ваъдалар берарди. Руҳоний эса газабдан титраганича илдам одимлар, баҳайбат катта кўк соябонини жаҳл билан силкиб борарди.

Аббат иҳота ёнида турганича дов-дарахтларни қандай чилпиш кераклигини ўргатаётган Жюльенни пайқаб қолди. Шунда у Куярлар фермаси ёнидан ўтиб кетгани чапга бурилди-да, Жаннага:

— Мени тинч қўйинг, хошим, сиз билан гаплашадиган гапим йўқ,— деди.

Руҳоний ўтадиган йўлда, ҳовли ўртасида бир тўда бола Мирза деган итнинг уйчаси олдида уймалашиб, овозларини чиқармай, нимагадир қизиқсиниб, синчковлик билан томоша қилишарди. Барон эса болалар орасида худди муаллимдай, қўлини орқасига қилиб, ҳамма қатори қизиқсиниб турарди. У руҳонийга кўзи тушишни биланоқ кетишга шошилди, чунки, у билан тўқнашишга, саломлашишга ва гаплашишга асло тоқати йўқ эди.

Жанна руҳонийга ёлборганича дерди:

— Яна бир неча кун сабр қилнинг, жаноб аббат, кейин яна келинг. Сизга қанақа фикрга келганиму нима қилмоқчилигимни айтаман, ўшанда ҳаммасини муҳокама қиламиз.

Кюре билан Жанна шу тариқа болалар ёнига келиб қолишди. Кюре шундан кейин, болалар нима қилишаётганикин, деб уларга яқинроқ борди. Қараса, ит болалаётган экан. Уйча олдида бешта кучук бола оналари атрофида уймалаш-шар, она ит эса ёнбошида ётганича жони азобдалигига қарамай, болаларини меҳр билан яларди. Руҳоний унга эгилган пайтида ит титраганича бир чўзилганди, олтинчи кучук бола туғилди. Шунда болақайлар суюнганларидан чапак чалиб, шовқин солишди:

— Яна биттаси, қара, қара, яна биттаси!

Бу нарса болалар учун эрмак, шунчаки бир эрмак бўлиб унда ҳеч қанақа нопоклик йўқ эди. Улар худди дарахтдан олма тушишини томоша қилгандай, тирик мавжудотлар дунёга келишини томоша қилишарди.

Аббат Тольбиак аввалига қотиб қолди, сўнгра азбаройи қутуриб кетганидан баҳайбат соябонини кўтарди-да, болаларнинг бошларига қулочкашлаганича ура бошлади. Утакалари ёрилган болалар тирақайлаб қочишди. Аббат шундан кейин ўрнидан туришга уринаётган болалаган ит олдига бориб қолди. У ҳатто ит ўрнидан туришига улгурмасиданоқ кўзига ҳеч нима кўринмай кучи борича ура кетди. Ит занжирда бўлганидан қочиб кетолмас ва калтакланаётганидан ёмон вангилларди. Аббатнинг соябони синиб кетди. Шунда у қўлида нарса қолмаганидан итнинг устига бостириб бориб, қаҳр билан тепкилаб, эзгилаб, янчишга тушди. Аббатнинг пошnasi зарбидан итнинг еттинчи боласи чиқиб кетди. Шундан кейин аббат янги туғилган кучук болалар орасида қонга бўялганича лиқиллаётган она итни пошnasi билан топтаб тинчитиб қўя қолди. Кўзлари ҳали очилмаган кучук болалар эса туртиниб-суртинганларича ингиллашар ва оналарининг эмчагини қидиришарди.

Жанна бу ердан қочмоқчи бўлди. Бироқ шу пайт кимдир бирдан руҳонийнинг гирибонидан олиб, бир тарсаки тортганди, бошидаги учбурчакли қалпоғи учиб кетди. Ғазаби қайнаб кетган барон руҳонийни иҳота ёнигача судраб борди-да, кўчага улоқтирди.

Жаноб Ле Пертюи орқасига ўгирилганида Жанна ҳўн-ҳўнғ йиғлаганича тиззалаб, уларни этагига солаётганини кўрди. Барон қайтишда катта одим ташлаб Жаннага яқинлашаркан, қўлини силкиганича:

— Ана, ана, узун этагинг қанақалигини кўрдингми? Энди ўзинг кўрдингми? — дерди.

Фермерлар югургилаб келишди. Ҳамма абжағи чиққан жониворга тикиларди, Куяр хола эса:

— Шунақа ваҳшийлар ҳам бўларкан-а! — деб қўйди.

Жанна еттита кучук болани олиб, парвариш қилишга жазм этди.

Кучук болаларга сут ичиришга уринишди. Уларнинг учтаси эртаси куни ўлди. Шундан кейин Симон амаки бутун музофотни айланиб, болалаган ит қидирди, бироқ тополмаганидан кейин битта мушукни кўтариб келди-да, бу ҳам бемалол бўлаверади, деб ишонтиришга тушди. Яна учта кучук болани сувга ташлашга тўғри келди, охиргисини эса бошқа қабиладан бўлган эмизувчининг ихтиёрига беришди. Мушук эса кучук болани ёнига бемалол йўлатди-да, ёнбошлаб унга эмчагини тутди.

Икки ҳафтадан кейин кучук болани, ўғай онасининг тинкасини қуритиб қўймасин, деб ундан ажратишди. Жанна кейин кучук болага узи сўргичда сут бера бошлади. Унга

Того деб от қўйди. Барон эса уни ўзича «Сўқим» деб атади.

Руҳоний қайтиб қорасини кўрсатмади, бироқ кейинги якшанбадаги ваъзда барон хонадони бошига лаънатлар ёғдирди, ҳақорат ва таҳдидлар қилди, яраларни қизиган темир билан куйдириш лозим, деди, баронни малъунга чиқарди. Баронга бу гап етиб борганида у кулиб қўя қолди. Уша ваъзда руҳоний Жюльеннинг ишратпарастлигини ботинмайроқ ва мубҳамроқ шама қилди. Бундан виконт жуда дарғазаб бўлди, бироқ жанжал катта бўлишидан қўрққанидан попуги пасайиб қолди.

Руҳоний шундан бошлаб ҳар ваъз айтганида интиқомни тилга олар, душманлари худонинг қаҳрига учраяжакларига яқин қолганини, жазодан қочиб қутулмасликларини башорат қиларди.

Жюльен архиепископга эҳтиромли, бироқ бағоят талабчанлик билан ёзилган мактуб йўллади. У ёқдан аббат Толъбиакка қаҳрга учраши борасида таҳдид қилинди. Шундан кейин унинг овози ўчди.

Аббат энди жуда ҳаяжонланган ҳолда катта-катта одимлаб, ёлғиз ўзи узоқ айланиб юрарди. Жильберта билан Жюльен отда айланиб юрганларида уни ҳар қадамда учратишарди. Гоҳида пасттекисликнинг олис бурчида ёки тепалик устида аббатнинг қораси кўриниб қолар, гоҳо Жильберта билан Жюльен йўналишган торгина водийда ибодатнома ўқиётган бўларди. Шунда икковлари ҳам унинг ёнидан ўтмаслик учун отларининг бошларини орқага буришарди.

Баҳор келиб, Жильберта билан Жюльеннинг муҳаббатларини алангалатди. Бу муҳаббат ҳар куни уларни дам у ерда, дам бу ерда, хуллас, йўлларида учраган ҳар бир бошпана тагида бир-бирларининг қучоқларига отарди.

Дов-дарахтларнинг япроқлари ҳали қалинлашмаган, ер эса селгимаганидан Жильберта билан Жюльен авжи ёз пайтидагидай ўрмон ичкарисига кириб кетишолмасди. Шунинг учун ҳам икковлари ўзларининг махфий учрашувлари учун куздан бери Вокот тепалигининг устида ташландиқ ҳолда ётган подачининг гилдиракли қўшхонасига танда қўйишганди.

Гилдираклар узра қаққайган бу қўшхона тепаликлар тизмасидан беш юз метр нарида, водийга тикка тушиладиган йўл бошланадиган жойга яқин турарди. Унга кириб олганларни ғафлатда қолдириб бўлмас, чунки қўшхонадан бутун теварак-атроф кўриниб турарди. Қўшхонанинг шотисига бойлаб қўйилган отлар эгалари бўсадан тўйгунларигача кутиб туришаверарди.

Кунлардан бирида, Жильберта билан Жюльен ана шу бошпаналарини тарк этаётган дақиқаларида соҳил бўйидаги қамишзорда беркиниб ўтирган аббат Тольбиакни кўриб қолишди.

— Отларни жарликда қолдиришга тўғри келади,— деди Жюльен.— Булар сиримизни очиши мумкин.

Шундан кейин улар отларини буталар ўсган жарликда қолдириб, бойлаб қўйишадиган бўлди.

Бир куни кечқурун эса икковлари граф дастурхон ёзиб турган Ла Врийетга қайтишаркан, уйдан чиқиб кетаётган аббатни кўриб қолишди. Аббат уларга йўл бериб ўзини четга олди-да, таъзим қилиб, юзини тескари бурди.

Икковлари хавотирга тушишса ҳам кўп ўтмай тинчиб қолишди.

Бироқ май бошларидаги совуқ, шамолли кунларнинг бирида Жанна камин олдида китоб ўқиб ўтираркан, бирдан граф де Фурвилга кўзи тушиб қолди. У «Теракзор»га азбаройи шошилиб келаётганидан Жанна бирорта фалокат юз бермадимикин, деб қўрқиб кетди.

Жанна граф истиқболига шошиларкан, юзма-юз келганида унинг эси оғиб қолибди, деб ўйлади. Графнинг устида овчилар курткази, бошида мўйнадан тикилган баҳайбат картуз бўлиб, буни фақат ўзининг мулкидагина киярди. Ранги жуда ҳам ўчиб кетганидан қип-қизил юзида ажралиб турадиган малла мўйлови эндиликда оловранг туюларди. Қарашлари телбасифат бўлиб, кўзлари бекордан-бекорга ўйнарди.

— Хотиним шу ерда-а, тўғрими? — деди у ниҳоят.

Жанна жуда довдираб қолиб:

— Йўқ, уни бугун ҳатто кўрмадим,— деб жавоб қилди.

Граф худди оёқлари майишиб кетгандай ўтирди, бошидан картузини олди ва дастурмоли билан пешонасини ихтиёрсиз равишда бир неча марта артди. Сўнгра ирғиб туриб, Жаннага яқинлашди, иккала қўлини узатди-да, гўё ниманидир демоқчи, қандайдир оғир кулфатини ишониб айтмоқчи бўлгандай оғзини очди. Бироқ бирдан тўхтаб, унинг кўзларига синчиклаб тикилди-да, нақ алаҳсираётгандай гўлдиради:

— У эса Сизнинг эрингиз-ку... буидан чиқди, Сиз ҳам...

Шундан кейин у денгиз томон югириб кетди.

Жанна унга етиб олишга уринди, чақирди, ялиниб-ёлворди. «У ҳаммасини билса-я? Нима қиларкин?! Оҳ, илоийим уларни тополмасин-да, ишқилиб!»— деган ўйни хаёлидан ўтказаркан, юрагини ваҳм босарди.

Жанна графни тутиб қололмасди, у жувоннинг гапига

қулоқ ҳам солмасди. Граф сира иккиланмас, тўппа-тўғри маълум мақсад сари одимларди. У чуқурдан сакраб ўтиб, катта қадамлаб қамишзорни ортда қолдирди-да, тепаликлар тизмасига етди.

Жанна дов-дарахтлар экилган кўтармадан графни анча-гача кузатиб турди. Граф кўздан йўқолганидан кейин ёмон хавотирга тушганича уйга қайтди.

Граф эса ўнг томонга бурилди-да, югуриб кетди. Беором денгиз хўмрайганича тўлқинларни ҳайдарди. Қора, мутлақо қоп-қора булутлар жуда тезлик билан ёпирилиб келишар, сузиб ўтишар, сўнгра бошқалари кўринишар ва ҳаммалари биргалашиб, соҳилга газабкор ёмғир бўлиб ёгилишарди. Шамол ҳуштак чалар, инграр, ўт-ўланлар узра ястанар, ёш ниҳолларни эгар ва улкан оқ қушларни кўпик парчаларидай забтига олиб, денгиздан олисларга қуварди. Жала гувиллаб ёғар, графнинг башарасига урилар, ёноқларини ювар, сўнгра мўйловидан оқар, қулоғини гувиллатиб, юрагига гулгула соларди.

Графнинг рўбарўсида энсизгина ва чуқур Вокот водийси намоен бўлди. Теварак-атрофда подачи қўшхонаси билан ёнидаги ҳувиллаган қўтондан бўлак ҳеч нима кўринмасди. Қўшхонанинг шотисига иккита от бойлаб қўйилганди. Бунақанги ҳавода одам нимадан ҳам хавфсизларди?

Граф отларга кўзи тушиши биланоқ ерга қапишганича эмаклашга тушди. Баҳайбат, ҳаммаёғи лойга беланган ва бошида катта картузи бўлган граф бу чоқ қандайдир рўдапони эслатарди.

У шу тариқа ёлғиз турган вайронага етди-да, тахтанинг ёриқ жойларидан кўриб қолишмасин, деб қўшхонанинг тагига беркинди.

Отлар графни кўрганда безовта бўлишди. Граф қўлида ўнг ушлаб турган пичоғи билан отларнинг тизгинларини кесди. Ўша лаҳзада довул бир турганди, отлар дўлдан қамчиланганча учиб кетишди. Дўл тахтадан ясалган ва филдиракли қўшхонанинг қия томини тарақлатар ва титратарди.

Граф шундан кейин тиззалаб, эшик тагидаги тешикдан ичкарига қаради.

Энди у қимир этмасди, гўё ниманидир кутарди. Бу анча-га чўзилди. Кейин бирдан қаддини ростлади. Унинг бошдан-оёғигача лойга беланганди. Жаҳл билан эшикнинг сиртидаги тамбасини сурди-да, шотига ёпишганича гўё парча-парча қилмоқчидай қўшхонани силкита бошлади. Сўнгра зумда ўзини шоти орасига олди-да, баҳайбат гавдасини эгганича.



нақ хўкиздай кучанишдан нафаси чиқмай, зўр бериб торта бошлади. Шу алфозда қимир этмай турган уйчани ичидаги одамлари билан тик ёнбағирлик бошланадиган жойгача тортиб борди.

Ичкаридагилар бақирришар, эшикни муштлашар, бироқ нима иш бўлаётганига ақллари бовар қилмасди.

Граф тепага чиққанидан кейин шотини қўйиб юборганди, уйча жардан пастга қараб кетди.

Гилдиракли уйча тобора тезроқ, сира бетўхтов, борган сари илдам учар, сакраб-сакраб кетар, бамисоли жонивордай қоқилар, шотисини ерга урарди.

Жарда ўзини панага олиб ўтирган бир гадой чол ёғоч қути устидан ғув этиб ўтганини кўрди ва ичкарисидан келаётган дод-фарёдларни эшитди.

Бирдан қўшхонанинг зарбдан гилдираги учиб кетиб, ёнбошлаб қолди-да, у ёғига тоғ чўққисидан қулаган уйдаи юмалаб кетаверди. У охирги поғона етганида сал сакраб, эгри чизик ҳосил қилганича пастга тушди-да, нақ тухумдай иккига бўлинди.

Қўшхона жарликнинг тошлоқ тубида мажағи чиқиши биланоқ бунинг гувоҳи бўлган гадой чол буталар орасидан аста-секин чиқиб келди. У деҳқонларга хос бўлган эҳтиёткорлик билан абжағи чиққан қутига яқин боришга қўрқди-да, рўй берган воқеани айтгани яқинроқдаги фермага йўл олди.

Жарликка одамлар югургилаб келишди. Уйчанинг дабдаласи чиққан парча-пурчаларини олганларидан кейин қора қонига бўялган иккита жасадни кўришди. Эркакнинг боши мажақланган, башарасини билиб бўлмасди. Аёлнинг узилган жағи осилиб турар, икковларининг ҳам қўл-оёқлари мажақланганидан гўё уларда суяк бўлмагандай лиқилларди.

Шунга қарамай, икковларини ҳам таниб олишди. Кейин бу фалокатнинг сабаблари борасида узундан-узоқ гаплар бошланди.

— Уларга уйчада нима керак бўлган экан-а? — деб қўйди бир аёл.

Гадой шуидан кейин, булар у ерга жаладан яширинишган, шамол эса бирдан қаттиқ туриб, уйчани ағдариб, юмалатиб юборган бўлса керак, деган тахминни айтди. У ўзи ҳам уйчани мўлжал қилганини, бироқ шотига бойланган отларни кўриб, жой банд эканлигини фаҳмлаганини ҳам тушунтирди.

Гадой хурсанд ҳолда қўшиб қўйди:

— Улар бўлмаганда ўзим ўлиб кетардим.

— Ушаниси, чамамда, дурустроқ бўларди,— деб қўйди бу гапга кимдир.

Шунда гадойнинг жуда жаҳли чиқди:

— Нега «дурустроқ бўларди» дейсан? Мен камбағал, улар бой бўлганлариданми?.. Энди уларни бир кўринглар-а.

Уст-боши жулдур, жалада бўккан, исқирт, соқоли ўсган ва пахмоқ сочи йиртиқ шляпасининг тагидан осилиб турган гадой, қалтираб илмоқсифат ҳассасининг учи билан иккала жасадни туртаркан:

— Ўлганда ҳаммамиз ҳам баробармиз...— деб қўйди.

Бу ерга яна деҳқонлар келишди-да, жасадларга безовта, шубҳали, қўрқувда ғаразли ва юраклари бетламай тикилишди. Шундан кейин нима қилиш кераклиги борасида тортишув бошланди. Пировардида иккала ўликни ҳам эгаларидан бирор нарса ундириш умидида хонадонларига элтишга қарор қилишди. Иккита узун аравага от қўшишди, бироқ шунда яна ишқал чиқиб қолди. Бир хил одамлар арава-нинг тагига похол тўшаш керак, десалар бошқалар тўшак солса дурустроқ бўларди, деган фикрда эдилар.

Боя овозини чиқарган аёл:

— Тўшак солсанг, кейин уни қумлаб ювсанг ҳам тоза қилолмайсан,— деб қичқирди.

Бунга эса, кўринишидан хушчақчақ, бақалоқ фермер эътироз билдирди:

— Улар бунинг ҳақини тўлатади. Биз қанча ҳаракат қилсак шунча кўп оламиз.

Бақалоқнинг далили бошқаларга ҳам маъқул тушди.

Шундан кейин рессорлари бўлмаган, ғилдираклари катта иккита узун арава-нинг бири ўнга, иккинчиси эса сўл томонга йўл олди. Араваларда яқиндагина бир-бирларини бағриларига босган, ҳозирда эса умрбод жудо бўлишган икки кимсанинг жасадлари силкиниб, нотекис жойлар келганда эса сапчиб-сапчиб борарди.

Граф қўшхона тепаликдан пастга қараб кетганини кўриши биланоқ, ёмғир ва шамолда жони борича қочиб қолганди. У шу тариқа бир неча соат югурди, йўлларни кесиб ўтди, дўнгликлардан ошди, ихоталарни бузди. Уни қаршилаган хизматкорлари ўтакалари ёрилган ҳолда, иккала отнинг эгаларисиз, ўзлари қайтиб келганини айтишди. Жюльеннинг оти Жильбертанинг отига эргашиб келибди.

Жаноб де Фурвиль гандираклаб кетди-да, ҳарс-ҳарс қилганича гапирди:

— Ҳаво жуда ёмон, уларга бир нима бўлганга ўхшайди. Тезда чор-атрофга қидиргани одам юборинглар.

Унинг ўзи ҳам қидиргани кетди, бироқ бошқаларнинг

кўзидан нари бўлиши биланоқ буталар орасига яшириниб, йўлни кузата бошлади. Уша ёқдан ўзи ҳали ҳам бениҳоя ва жонидан яхши кўрадиган кимса ўлик, ёки оғир ҳолда, ёки майиб, бир умрга ҳуснидан айрилган ҳолда қайтиши керак эди.

Дарҳақиқат, орадан кўп ўтмай, ёнидан қандайдир ғалати юк ортган узун арава ўтиб кетди.

Арава уйнинг тўсиғи олдида тўхтади, сўнгра ҳовлига кирди. Ҳа, у ўша, худди ўша эди. Бироқ граф ўлгудай қўрққанидан, барчасини билишга юраги бетламаганидан, ҳақиқатга дош беролмаслигидан жойида михланиб қолганди. Бамисоли қуёндай биқиниб ўтирганидан қимир этмас ва заррача шовқиндан ҳам чўчиб тушарди.

У шу алпозда бир, эҳтимол икки соат ўтирди. Арава ҳовлидан чиқиб кетмади. Шунда граф, хотиним оғир ётган экан, деб ўйлади. Уни кўриши, кўзига кўзи тушишини ўйларкан, даҳшатга тушди. Бошқалар беркинган жойимни кўриб қолишса, уйга қайтишимга тўғри келади, унда жон талвасасида ётганига гувоҳ бўламан, деб қўрққанидан яна нарига, ўрмоннинг ичкарасига қочди. Бироқ, шунда бирдан, балки унга ёрдамим керакдир, ёнида қараб турадиган ҳеч ким йўқдир, деган ўй хаёлига келди-да, шошилганича орқасига қайтди.

Йўлда у боғбонни учратиб қолиб, унга:

— Хўш, нима гап? — деб бақирди.

Боғбоннинг жавоб қилишга юраги бетламади. Жаноб Фурвиль шундан кейин сўрашнинг ўрнига ўшқирди:

— Улдими?

Хизматкор:

— Ҳа, жаноб олийлари, — деб гўлдиради.

Граф дарҳол енгил тортди. Ҳаммаёғи, роса чангак бўлган аъзойи бадани ҳам тинчиди кўйди. Сўнг у дадил одимлар билан уйнинг баланд зинасидан чиқди.

Бу пайт иккинчи узун арава ҳам «Теракзор»га кириб борди. Жанна уни олисдан пайқади, тўшакка кўзи тушганида унда жасад ётганини фаҳмлаб, ҳаммасига тушунди. У азбаройи даҳшатда қолганидан беҳуш йиқилди.

Жанна ўзига келганида отаси бошидан ушлаб, чаккаларини сирка билан артарди. У қизидан ботинмайроқ:

— Бундан хабаринг борми? — деб сўради.

— Ҳа, ота, — шивирлади Жанна.

У ўрнидан туришга уринганида оғриқдан қўзғала олмаслиги маълум бўлди.

Жанна ўшал оқшом ўлик бола туғди. У қиз бола эди.

Жанна Жюльеннинг дафн маросимини кўрмади, бундан

сира хабари ҳам бўлмади. У бир ёки икки кундан кейин Лизон хола қайтиб келганини пайқади. Қаттиқ иситмалаб, алаҳлаб ётаркан, Лизон хола «Теракзор»дан қачон ва қай вазиятда кетганини хотирида тиклашга зўр бериб уринарди. Бироқ эс-ҳуши тўла ўзига келган дақиқаларда ҳам сира эслаёлмас, фақат холасини ойижонисининг вафотидан кейин келганини аён биларди, холос.

## XI

Жанна уч ойгача ётғидан ташқарига чиқолмади. Унинг жуда ранги кетиб, мазаси қочганидан ҳамма унинг одам бўлиб кетишидан умидини узиб қўйганди. Бироқ Жанна аста-секин ўзига кела бошлади. Дадажониси билан Лизон хола «Теракзор»га кўчиб келганларидан бошлаб, унинг ёнидан сира ҳам жилишмасди. Жанна кўп азоб тортганидан унда асабийлик асорати қолганди. У озгина шовқиндан ҳам ҳушидан кетар ва арзимаган нарсалардан ҳам анча вақтгача ўзига келолмасди.

Жанна Жюльен ўлимнинг тафсилотини бирор марта ҳам суриштирмади. Унга бари бир эмасми? Шундай ҳам ўзининг биладиган нарсалари етарли эди. Жаннадан бошқа ҳамма Жюльеннинг ўлимини бахтсиз ҳодисага чиқаришганди. У эрининг сирини ичида маҳкам сақлаб келар ва графнинг ўшал фалокат кунида тўсатдан уйда хунук алпозда пайдо бўлганини ҳам бировга айтмаганди.

Жанна энди бир вақтлари эри билан озгина бўлса ҳам сурган давр-давронларини эслаб, яйрар, қувонар ва маънос тортарди. Ҳар дақиқада хаёлида жонланган манзаралардан чўчиб кетар ва яна Жюльеннинг куёв бўлиш ҳаракатида юрган пайтларини, Корсиканинг жазирама офтобидаги саноқли соатларда эри билан қилган нашъу намоларини кўз олдига келтираверарди. Эрининг устига тупроқ тортилганидан бери кунлар ўтган сайин Жаннанинг Жюльен табиатида ўзи пайқаган нуқсонлари йўқолиб, қўполликлари сезилмай борар, ҳатто бевафолик қилгани ҳам хотиридан аста-секин кўтарилмоқда эди. У энди бир вақтлар ўзини бағрига босган одамидан беҳад миннатдор бўлиб, ўзига насиб этган бахтли лаҳзалар учун тортган азобларини ҳам кечириб юборганди. Вақт ўтар, ойлар бир-бирларини қувалашар, бутун қайғулари ва хотиралари ҳам унут бўлиб борарди. Жанна шундан кейин боласига бутунлай парвона бўлди қўйди.

Бола хонадондаги ўзини қуршаган учта одамнинг овунчоғига айланди, уларнинг эс-ҳушлари ана шу гўдакда эди.

Шунинг учун ҳам бола бамисоли чинакам муштабиддай хўжайинчилик қиларди. Гоҳо унинг учта қули бир-бирларига ўзларига яраша ғашланиб қолишарди. Барон неварасини тиззасига олиб отда айлантириб келганидан кейин, бола уни чапиллатиб ўпаётганини кўриб қолса Жанна асабийлашаверарди. Лизон холани ҳар маҳалгидай бу ерда ҳам камситишарди. Ҳали гапиришни ҳам билмайдиган бу ҳукмдор гоҳо уни хизматкордай кўрар, шунда хола бечора бола онаси билан бобосига нисбатан ўзига камроқ ёпишиб, ялабюлқаганларини қиёсларкан, хонасига кўнгли чўкиб кириб кетарди.

Икки йил тинч, одамни безовта қиладиган воқеаларсиз ва боланинг тинимсиз парвариши билан ўтди. Учинчи қишнинг бошида баҳоргача Руанда истиқомат қилишга жазм этишди. Шундан кейин бутун хонадон жойидан қўзғалди. Бироқ ташландиқ ва зах уйга келишлари биланоқ Поль шунанганги қаттиқ йўтала бошладики, ўпкаси сув йиғиб қолишидан қўрқиди. Уйдагилар хавотирга тушиб, бола фақат «Теракзор»нинг ҳавосидан нафас олиши мумкин, деган қарорга келишди-да, у сал тузалиши билан ўзларининг жойларига қайтиб келишди.

Шундан кейин сокин, бир хилдаги йиллар ўтаверди.

Барон, Жанна ва Лизон хола доимо болага парвона бўлишар, дам Полнинг хонасида, дам меҳмонхонада, дам боғда унинг чулдирашидан, қизиқ сўзларидан, ҳаракатларидан завқланишарди.

Жанна боласини эркалаб Поле дер, барон эса бу сўзни яхши айтолмай Пуле<sup>1</sup> дер, бу эса ҳамманинг жуда кулгисини қистатарди. Бу лақаб шундайлигича қолаверди, болани бошқача аташмади.

Боланинг бўйи тез чўзилиб борар, барон айтганидай «учала она»нинг энг завқли иши унинг бўйини ўлчашдан иборат эди.

Меҳмонхонадаги эшик кесақисига қаламтарош билан боланинг ой сайин бўйи ўсаётгани белгилаб бориларди. «Пуленинг пиллапоясини» деб аталган ана шу нарвон хонадондагиларнинг ҳаётида катта ўрин тутарди.

Вақти келиб оилада янги персонаж бўлган Сўқим деган ит ҳам ўзига яраша роль ўйнай бошлади. Жанна бутунлай ўғли билан бўлиб кетганидан, уни бутунлай унутганди. Итга Людивина қарар, у отхона ёнидаги эски бочкада ёлғиз ўзи яшар ва доимо занжирда эди.

Бир куни эрталаб Поль уни кўриб қолди-да, кучукни

<sup>1</sup> Пу л е — француз тилида жўжа деган маънони англатади.

эркалайман, деб ялина бошлади. Итни жуда қўрқишиб боланинг ёнига олиб келишди. Ит болани хурсанд қаршилади, икковларини бир-бирларидан айирмоқчи бўлганларида эса, бола йиғлашга тушди. Шундан кейин Сўқимни занжирдан бўшатиб, уйда сақлашга тўғри келди.

Ит Полнинг жуда қалин дўсти бўлиб қолди. Улар гиламда бирга ўйнашар ва ўша ернинг ўзида ухлаб қолишарди. Орадан пича ўтгандан кейин Сўқим ошнаси билан ўринда ётадиган бўлди, нега деганда, боланинг ундан ажралгиси келмасди. Жанна итнинг бургаси борлигидан даҳшатга тушар, Лизон хола эса болани ўзига қаратиб олган итдан алами ортиб юрар, унинг назарида, нега бу махлуқ ўзи зор бўлган боланинг озгина меҳрини ҳам тортиб олади?!

Ахён-ахёнда Бризвиллар билан Кутельеларникига борди-келди қилиб туришарди. Фақат мэр билан докторгина бу кекса уйнинг тез-тез тинчини бузиб туришарди. Руҳоний итни тенкилаб ўлдиргани ва графиня билан Жюльеннинг даҳшатли ҳалокати билан боғлиқ бўлган шубҳалардан кейин, Жанна, шундай бандаларига чидаб юрган худодан хафа бўлганидан черковга қадам босмай қўйганди.

Аббат Тольбиак бароннинг ёмонлик, доимий нотинчлик, адашувлар ва ёлғон, қонунсизлик, бузуқлик ва номуссизлик арвоҳлари ин қўйган хонадонни очиқдан-очиқ лаънатларди. Баронни ҳам ўлгудай тупроққа қориштирарди.

Айтмоқчи, руҳонийнинг черковида одам кўринмасди. Дехқонлар омоч билан ер ҳайдашаётган далаалар ёнидан ўтганида биров у билан гаплашгани ишини тўхтатмас, саломлашгани қайрилиб ҳам қарашмасди. Бунинг устига тутқаноғи тутиб қолган одамнинг жинларини қувувчи жодугар сифатида танилганди. Уни кўз теккан одамни тузатади, дейишар, чунки ўзининг айтишича, кўз тегиш ҳам иблиснинг ҳунарларидан бири эмиш. У суюқ сут берадиган ва думларини чамбарак қиладиган сигирларни ҳам тузатар, қандайдир сеҳрли сўзларни айтиб, йўқолган нарсаларни топишга кўмаклашарди.

Аббат Тольбиак мутаассибларга хос калтабинлиги туфайли шайтоннинг ерда бўлганлиги, турлича ўтказган зугумлари, сирли таъсир кўрсатишининг турлича кўринишлари, барча найранглари ва маккорлигининг оддий усуллари тасвирланган диний китобларга муккасидан кетганди. У иблиснинг ана шу машъум ва жумбоқли ҳунарларига қарши курашга алоҳида даъват этилган диний китоблардаги афсунларнинг оятларини сира ҳам тилидан туширмасди.

Руҳонийнинг наздида зулматда иблиснинг кўлкаси липилаб юргандай туюлар ва шу сабабли: «Sicut leo rigiens

circuit quaerens quem devoret»<sup>1</sup>, деган лотинча нақлни сира ҳам тилидан қўймасди.

Одамлар шундан кейин руҳоний пинҳоний қудратга эгалигидан аста-секин ҳайиқиша бошлашди. Ҳатто руҳонийнинг касбдошлари бўлган жоҳил, Велзевулни<sup>2</sup> диний ақида санаб, мабодо девлар ҳукмини ўтказадиган тақдирда қандай маросимлар ўтказиш борасидаги батафсил кўрсатмалардан каллалари ғовлаб, пиروвардида динни жодугарликдан фарқини билолмай қолган қишлоқ руҳонийлари ҳам уни маълум даражада жодугар ҳисоблашарди. Аббат Тольбиакда сирли куч бор, деб билишар ва бунинг учун покиза одамлигидан кам ҳурмат қилишмасди.

Аббат Жаннага дуч келганида унга салом бермасди.

Лизон хола бундан хавотирга тушиб, изтироб чекарди. Қўрқоқ юракли бу қари қиз черковга бормай кун кечиритишни сира ҳам ақлига сиздиролмасди. У деярли художўй бўлиб, ҳар қандай черковга тавбага ва ибодатга бориб турар, бироқ буни биров билмас ва билишни истамасди ҳам.

Лизон хола Поль билан ўзи, ёлғиз ўзи қолганида унга аста-секин «худо» хусусида гапирарди. Хола оламнинг яратилиши борасидаги ажойиб воқеаларни гапирганида бола бир оз қулоқ соларди. Бироқ худони жуда-жуда севиш ҳақида сўз очганида бола унга:

— У ўзи қаерда, хола? — деб сўраб қолди.

Хола шундан кейин кўкка имо қилди:

— У ерда, кўкда, Пуле, фақат буни бировга айтмагин.

Лизон хола барондан қўрқарди.

Пуле эса бир куни холага:

— Худо ҳамма ерда бор, фақат черковда йўқ, — деб қолди.

Боланинг холаси айтган диний гапларни бобосига етказгани аён эди.

Поль ўнга қадам қўйган, онасини кўрган одам эса қирқдан кам бермасди. У бақувват, тиним нималигини билмайдиган, дарахтларга чиқишга уста бўлса ҳам кам нарса биларди. Сабоқлар унга зерикарли туюлганидан тезроқ қочиб қолиш пайида бўларди. Барон ҳар сафар кўпроқ китоб ўқитмоқчи бўлганида Жанна ўша заҳотиёқ ўзини кўрсатиб:

— Қўйворинг, ўйнаб келсин, шундай болани толиқтиришнинг кераги йўқ, — дерди.

Жаннанинг назарида боласи ҳали ҳам олти ойлик ёки бир

<sup>1</sup> У ўкираётган шердай кимни есам экан деб айлапиб юрибди (лотинча).

<sup>2</sup> Инжилда айтилган иблислар раҳнамоси.

яшар эди. У боласи нақ кичкина эркакдай юриши, чопиши, гапиришини зўра хаёлига келтирарди. Шунинг учун ҳам, болам ишқилиб йиқилиб тушмасин-да, шамоллаб қолмасин, ўйиндан зўриқиб кетмасин, ошқозони кўтармайдиган даражада кўп овқат еб қўймасин ёки ўсишига зиён берадиган кам овқат емасин, деб жони ҳалак бўларди.

Поль ўн иккига тўлганида уни черковдаги ибодат маросимига илк бор қатнаштириш муаммоси чиқиб қолди.

Бир куни Лизон хола Жаннанинг хонасига кирди-да, болани бундан буён диний тарбиядан четда қолдириб бўлмаслигини, у христианликнинг дастлабки вазифаларини бажариши лозимлигини исботлашга тушди. Бунда у турфа далиллар келтирди, мингларча баҳоналарни ўртага солди ва биринчи навбатда жамиятнинг фикрига суянди. Жанна хижолат тортар, довдирар, иккиланар, вақти келар, деб ишонтирарди.

Орадан бир ой ўтганидан кейин эса Жанна графиня де Бризвиллининг уйига борганида муҳтарам хоним гап орасида ундан:

— Сизнинг болангиз бу йил ибодат маросимига борса керак-а? — деб сўраб қолди.

Жанна ғафлатда қолганидан:

— Ҳа, хоним, — деб жавоб қилди.

Жанна ана шу тасодифан айтилган сўзлардан кейин отасига билдирмай болани диний сабоқларга олиб боришни Лизон холадан илтимос қилди.

Бир ойгача ҳаммаси яхши кетди. Бироқ бир куни кечқурун Поль овози бўғилиб қайтди. Эртасига эса йўталди. Утакаси ёрилган онаси буни суриштирса, кюре болани черковдан чиқариб, диний анжомлар сақланадиган, шамол ғуриллаб турадиган жойда сабоқ тугашини куттирган экан. Бунга боланинг тўполон қилгани сабаб бўлган экан.

Жанна шундан кейин боласини сабоқларга юбормай, диннинг дастлабки қоидаларини унга ўзи ўргата бошлади. Аббат Тольбиак эса Лизон хола қанчалар ялиниб-ёлвормасин болани чала ўқиганга чиқариб, уни ибодат маросимида иштирок этадиганлар қаторига қўшмади.

Кейинги йили ҳам худди шундай бўлди. Барон шунда тутақиб, бола учун кун кўришининг ясама ақидалари бўлган ана шу бемаъниликдан четда бўлса ҳам дуруст одам бўлиб этишади, деди. Болани христианлар руҳида, бироқ католикларнинг маросимларига амал қилмаган ҳолда тарбиялашга жазм этишди, вояга етганидан кейин эса ихтиёри ўзида бўлади.

Жанна орадан бир оз ўтганидан кейин Бризвиллар-



никига борди, бироқ улар йўқлаб келишмади. Жанна қўшилари жуда илтифотли одамлар эканликларини билганидан бунга ҳайрон бўлди, бироқ маркиза де Кутелье бу эътиборсизликка жуда баланддан келган ҳолда изоҳ берди.

Маркиза эрининг мавқеи баландлиги, шунингдек аслзодалар авлодидан эканлиги ва давлати ҳам анча-мунча бўлганлигидан ўзини норманд оқсуякларининг салкам қироличаси санар ва чинакам қироличадай иш кўрар, тап тортмай гапирар, вазиятга қараб мурувватли ёки қаҳрли бўлар, ҳамма нарсага аралашар, кўрсатмалар берар, рағбатлантирар, койиб ташларди. Шу вайдан Жанна унинг уйига борганида бир неча совуққина сўзлардан кейин қуруққина қилиб, деди:

— Жамият икки тоифага — худога ишонадиган ва унга ишонмайдиган одамларга бўлинади. Биринчилари, ҳатто энг эзилганлар жумласидан бўлсалар ҳам бизнинг дўстларимиз ва тенгимиз қаторидаги одамлардир. Иккинчилари эса, биз учун йўқ бўлган кимсалардир.

Жанна бу зарбага жавоб беришга уринди:

— Черковга қатнамай худога ишонса бўлмас эканми?

— Йўқ, хоним, — жавоб қилди маркиза. — Худога ишонадиган одамлар биз одамларнинг уйларига боргандай, унинг қасрига бориб турадилар.

Жанна аламда эътироз билдирди:

— Худо ҳамма жойда, хоним. Мен, масалан, бутун вужудим билан унинг марҳаматига ишонаман, бироқ шунақа руҳонийлар ҳам борки, улар худо билан орамизга туриб қолсалар унинг борлигини сезишга ҳалал берадилар.

Маркиза ўрнидан турди.

— Руҳоний — черковнинг яловбардори, хоним. Кимки ана шу ялов кетидан бормаса у черковга ва бизга қарши бўлади.

Жанна ҳам титроқ ҳолда кўзгалди.

— Сиз, хоним, бир тоифанинг худосига ишонасиз. Мен бўлсам ҳалол одамлар илоҳига ишонаман.

У таъзим қилиб, чиқиб кетди.

Дехқонлар ҳам Жаннани Пулени биринчи ибодат маросимига олиб бормагани учун ёзгира бошлашди. Уларнинг ўзлари черковда бўлишмас, ибодат маросимига боришмас ёки черковнинг қатъий қондасига бўйсуниб фақат пасхадагина ўзларини кўрсатишарди. Бироқ болалар эса бошқа гап эди. Болани барчага баравар бўлган диндан четда тарбиялашга ҳеч ким журъат этолмас, чунки, дин-дин-да.

Жанна одамлар ўзини ёзгираётганларини сезар ва ичида ана шу риёкорликдан, виждон билан келишиб иш қилиш-

лардан, ҳар бир кимсанинг барча нарсалардан қалтирашларидан, барчанинг ўлғудай қўрқоқлиги, ўзини дуруст кўрсатиш шаклида намоён бўлаётганидан нафратланарди.

Барон Полга таълим беришга киришиб, унга лотин тилини ўргата бошлади. Жанна эса отасига: «Илтимос, уни толиқтирманг!» дейишини қўймас ва хавотирга тушганича таълим бериладиган хона атрофида айланиб юрарди. Жанна дақиқа сайин боласига: «Пуле, оёғинг совқотмаяптими?» Ё бўлмаса: «Бошинг оғримаяптими, Пуле?» деб сабоққа халал бераверганидан барон уни таълимхонага йўлатмай қўйганди. Жанна сабоқ бераётган отасининг ҳам гапини бўлиб: «Болани кўп гапиртирманг, овози бўғилиб қолади»,— дерди.

Бола сабоқни тугатиши биланоқ боққа, онаси билан холасининг ёнига чопарди. Уларга энди боғдорчилик жуда ҳам хуш келиб қолганди. Учовлари баҳорда дарахт кўчатлари ўтқазинган, уруғлар сепишганидан уларнинг ўсиши ва унишидан завқланишар, наваларни тўғрилашар, гулдасталар қилишарди.

Болани ҳаммасидан ҳам қоҳу ўстириш қизиқтирарди. У томорқадаги тўртта катта жўякни эгаллаб олиб, уларда латук, ромэн, хандаб, Париж, хуллас эса бўладиган бу ўтларнинг барча навларини зўр меҳр билан парвариш қиларди. Бола ер чопар, суғорар, иккита она кўмагида ўтларни бир жойдан иккинчисига олиб ўтқазар, аёлларни нақ мардикорлардай ишлатарди. Иккала аёл жўяклар орасида кийимлари ва қўллари лойга беланганича соатлаб тиззалаб ишлашар, бармоқлари билан тупроқда кавакча ҳосил қилиб, кўчатларнинг илдизларини жойлашарди.

Пуленинг бўйи чўзилар, энди ўн бешга қадам қўйган, меҳмонхонадаги нарвон эса бўйи бир метру эллик саккиз сантиметрга етганини кўрсатса ҳам, ақлий жиҳатдан ривожланмаган, нодон, иккала аёл билан яхши, бироқ асридан орқада қолган барон талтайтириб юборган гўдакнинг ўзгираси эди.

Барон бир оқшомда болани колледжга бериш масаласини кўтарганди, Жанна ўша заҳотининг ўзида обидийда қила бошлади. Лизон хола эса қўрқиб кетганидан қоронғи бурчакка текилиб олди.

Жанна бунга эътироз билдиришга тушди:

— Шунча билимни нима қилади? Биз уни қишлоқ одами, помешчик қилиб етиштирамиз. Дворянларнинг кўпчилигига ўхшаб, ўз ерда деҳқончилик қилади. Биз яшаб, бандаликни бажо келтирадиган уйда яшаб, бахтиёр кексалик ёшига етади. Яна нимани тилаш мумкин?

Барон эса бош чайқади:

— Йигирма бешга кирганида ёнингга келиб: «Сенинг айбинг, оналик худбинлигинг туфайли мен шўппайганимча қолдим, ҳеч нимани ўрганмадим. Ишлаш, бирор нарсага эришиш қўлимдан келмайди, мен эсам сенинг бемаъни меҳрибонлигинг маҳкум этган ному нишонсиз, ювошгина ва ўлгунча зерикарли ҳаёт учун дунёга келмагандим-ку», деса нима жавоб қиласан?

Жанна эса кўз ёши тўкиб, ўглига ёлворарди:

— Пуле, айтгин, сенга ортиқча меҳр қўйганим учун сира ҳам ёзғирмайсан-а, тўғрими, сира ҳам ўпкаламайсан-а?

Норасида бундан ҳайрон бўлса ҳам ваъда берди:

— Ҳа, ойи.

— Чин сўзингми?

— Ҳа, ойи.

— Бу ерда қолишни истайсан-а, тўғрими?

— Ҳа, ойи.

Барон шундан кейин овозини баландлатди:

— Жанна, сен бировнинг ҳаётига фармойиш беролмайсан. Сен нолойиқ, қарийб жинояткорона йўл тутяпсан, шахсий иқболингни ўйлаб, болани курбон қилияпсан.

Жанна юзини қўллари билан беркитганича ҳўнг-ҳўнг йиғлаб гапирди:

— Шунча азоб чекдим... жуда азоб чекдим! Юрагимга энди малҳам бўлди деганимда ундан жудо қилишмоқчи. Энди... ёлғиз қолиб... нима ҳам... қиламан?

Барон туриб, унинг ёнига ўтириб, бағрига тортди:

— Мен борман-ку, Жанна!

Жанна отасининг бўйнидан қучоқлаб, қаттиқ-қаттиқ ўпди-да, ҳали ҳам ҳиқиллаётганидан зўрга гапирди:

— Ҳа, дадажон... гапингиз... тўғри бўлса керак. Мен яхши йўл тутмадим, аммо кўп азоб тортдим-да, майли, у колледжга бора қолсин.

Пуле ҳам бошига нималар тушишини унчалар тушунмаганидан ўз навбатида ҳиқиллай бошлади.

Шундан кейин Пулени учала «ойиси» ўпиб, эркалаб, овутишга тушишди. Улар ухлагани кетишаркан, ҳар бирининг юраги эзиларди. Ҳаммалари ўринларида йиғлаб ётишди, ҳатто шу пайтгача ўзини тутиб юрган баронни ҳам кўнгли бўшашиб кетган эди.

Хонадонда болани таътилдан кейин Гаврдаги колледжга беришга, ҳозирча эса уни ёз бўйи яхшилаб йратишга қарор қилишди.

Жанна ўғлидан айрилиқда яшашни ўйларкан, тез-тез ух тортиб қўярди. У ўглига нақ ўн йиллик саёҳатга кетаётган-

дай анжом тайёрлади. Ниҳоят, уйқусиз ўтган тундан кейин, октябрнинг субҳидамларидан бирида иккала аёл билан барон болани ёнларига олиб соябон аравага ўтиришди. Аравага қўшилган бир жуфт от «чух» дейишданоқ йўрта кетди.

Гаврга олдинги сафар борилганида Полга ётоқдан ва синфдан жой танланганди. Жанна энди Лизон хола кўмагида Полнинг буюмларини мўъжазгина жавонга жойларди. Жавонга Жанна олиб келган буюмларнинг чораги ҳам сиғмаганидан кейин она иккита жавон берилишини илтимос қилгани директор ҳузурига борди. Хўжалик мудирини чақиришганди, у шунча ички кийим билан либослар ҳеч қачон керак бўлмаслигини, аксинча халал беришини айтиб, қондани бузиш ва иккинчи жавон қўйишдан қатъиян бош тортди. Жанна шундан кейин бунга чидаёлмаганидан қўшни меҳмонхонадан бир хонани ижарага олишга қарор қилди ва унинг эгасига ўғлига керакли нарсаларни у айтиши биланоқ муҳайё қилишни топширди.

Шундан кейин улар кемалар келиб-кетишини томоша қилгани тўлқинтўсарга боришди.

Шаҳарни зерикарли қоронғилик босганидан кейин бирин-кетин чироқлар ёна бошлади. Ҳаммалари тамадди қилгани ресторанга боришди. Ҳеч кимдан овқат ўтмасди. Ҳаммалари бир-бирларига маъносиз тикланларича ўтиришар, бирин-кетин тортилган таомлар деярли тахи бузилмаган ҳолда қайтариб олиб кетиларди.

Кейин ҳаммалари шошилмай колледжга йўналишди. Бу ерга ҳаммаёқдан турли ёшдаги болалар қариндошлари ёки хизматкорлари билан келишганди. Катта ва ғира-шира ҳовлида йиғи овозлари эшитиларди.

Жанна билан Пуле анчагача қучоқлашиб туришди. Ҳамма батамом унутган Лизон хола орқада дастрўмолига юзини босганича турарди. Бироқ ўзининг ҳам кўнгли бўшашиб кетган барон хайр-маъзурга чек қўйиб, қизини олиб кетди. Соябон арава ташқарида кутарди. Унга учовлари ўтиришди-да, «Теракзор»га қайтиб кетишди.

Гоҳо қоронғиликда йиғи овози эшитилиб қоларди.

Жанна эртаси то кечгача йиғлади. Эрталаб эса фойтон қўшишини буюрди-да, Гаврга жўнади.

Пуле айрилиққа кўникиб қолганга ўхшарди. Умрида биринчи марта ўртоқлар топганди-да. Унинг ўшалар билан ўйнагиси келганидан қабулхонадаги стулда сабри чидамай ўтирарди.

Жанна ҳар кунни боласининг олдига бора бошлади якшанбада эса уйга олиб келарди. Дарс пайтларида танаф-

фус бўлишини кутаркан, нима қилишини билмасдан қабул-хонада ўлтирар, колледждан чиқиб кетишга ўзида куч ҳам, дадиллик ҳам етишмасди. Директор Жаннани хонасига чақириб камроқ келишини илтимос қилди. Жанна эса бари бир унинг айтганларини писанд қилмади.

Директор шундан кейин Жаннани, мабодо бола бўш пайтларида ўйнашига халаал беришни ва дарсларидан чалғитишни бас қилмасангиз, уни қўлингизга қайтаришга мажбур бўламан, деб огоҳлантирди. Барон ҳам бу ҳақида ёзма равишда огоҳ этилганди. Шундан кейин Жаннани «Теракзор»да бамсоли асирадай қўриқлаша бошлашди.

Жанна ҳар бир байрамни ўғлидан ҳам баттар сабрсизланиб кутарди. Юрагини ҳам доим хавотир босгани-босганди. У теварак-атрофларда айланиб юрар, кунбўйи Сўқим деган ит билан кезиб, мавҳум хаёлларга бериларди. Гоҳида тушгача тепалик устидан денгизга тикилиб ўтирарди. Баъзан ўтмиш кунларнинг хотиралари хаёлидан нари кетмаганидан, ўрмондан Ипорга тушар, хаёлан илгариги сайрларини такрорларди. Қизлик пайтида орзу-умидлардан сархуш бўлиб, ана шу ерларни айланиб юрганларидан бери кўп йўллар, кўп замонлар ўтди.

У ҳар сафар ўғли билан дийдор кўришганида, назарида ўн йил айрилиқда бўлишгандай туюларди. Поль ой сайин тўлишиб, Жанна эса қариб борарди. Баронни унинг акаси, Лизон холани опаси деса бўларди. Чунки Лизон хола йигирма беш ёшида сўлиган бўлса, қайтиб бошқа ўзгармаганди.

Пуле мутлақо ўқимасди. У тўртинчи синфда қолди, учинчини бир амаллади, иккинчида яна икки йил қолиб, фақат йигирма ёшидагина риторика синфига етди.

У бўйдор, саргини сочли, чакка сочлари ўсган ва мўйлови ҳам сабза ура бошлаган ўсмирга айланганди. Якшанба кунлари «Теракзор»га энди ўзи келарди. Отда юришни аллақачонлар ўрганиб олганидан, келишда отни ижарага оларди-да, бутун йўлни икки соатда босарди.

Жанна холаси ва отаси билан каллан саҳарлаб ўғлини кутиб олгани йўлга чиқарди. Барон тобора букчайиб борар, гўё чалқанчасига тушмай деган каби, чоллардай қўлини орқасига қилиб юрарди.

Улар бир-бир одимлаб боришар, гоҳо йўл чеккасида дам олиб, отлик кўринмаётганмикин, деб олисларга тикилишарди. У оппоқ йўлда қора нуқта бўлиб кўриниши биланоқ учовлари дастрўмолларини силкишга тушишар, Поль эса отини чонтирганича зумда етиб келарди. Жанна билан

Лизон бундан даҳшатга тушишар, бобо эса завқланар ва қойил бўлганидан «баракалла» деб ҳайқирарди.

Поль онасидан гарчи бир қарич баланд бўлса ҳам, Жанна уни худди илгаригидай ёш бола сифатида ардоқлар, ҳали ҳам: «Оёқларинг совқотмадими, Пуле?» деб сўрар, ўғли нонушта олдидан ташқари зина олдида папирос чекиб, айланиб юрганида деразани очиб, унга: «Худо ҳақи, бош-яланг юрма, шамоллаб қоласан», деб бақирарди.

Поль кечаси отда қайтиб кетаётганида Жанна қўрқувдан қалтираб дерди:

— Пуле, болагинам, секинроқ юр, ўзингни асра, онангга раҳминг келсин. Мабодо сенга бир нима бўлса мен чидаёлмайман.

Жанна шанба куни эрталаб ўғлидан хат олди. Унда Поль эртага келолмаслигини, чунки танишлари далага айлангани чиқишмоқчилигини ва ўзини ҳам таклиф қилишганини билдирганди.

Жанна якшанбада кунбўйи гўё бирор фалокат рўй берадигандай бир ҳолатда юрди. Кейин эса юраги чидаш беролмай пайшанба куни Гаврга жўнади.

Назаридида ўғли ўзгарганга ўхшар, бироқ нимаси ўзгарганини билолмасди. Поль хушчақчақ бўлиб, овози ҳам дидил чиқарди. Шунда у онасига гўё табиий бир нарса хусусида гап кетаётгандай тўсатдан деди:

— Сенга айтсам, ойи, бугун бу ерга ўзинг келган экансан, якшанбада яна уйга боролмайман, нега деганда, ўртоқларим билан яна дала айлангани бормоқчимиз.

Жанна ўғли гўё Америкага кетяпман, дегандай гангиб қолди. Ахир ўзига келиб сўради:

— Ё худойим, сенга нима бўлди, Пуле? Менга айтгин, нима бўляпти?

Поль кулиб юборди-да, онасини ўпди:

— Ҳеч нима бўлгани йўқ, ойи. Ошналарим билан кўнгилхушлик қилмоқчиман, бу менинг ёшимда табиий нарса-ку.

Жанна бунга жавоб қилолмади, соябон аравада ёлғиз ўзи кетаётганида эса хаёлига ғалати фикрлар келди. У ўзининг Пулесини, илгариги кичкина Пулени таниёлмасди. Ўғли катта бўлиб қолганини, ўзига мустақиллигини ва бундан буён кексаларни ўйламай, ўзича яшашини энди кўраётганди-да. Назаридида ўғли бир кунда ўзгариб қолганди. Мана шу бўйдор, келишган, ўзининг гапини ўтказаётган йигит бир вақтлари ўзини қоҳу экишга мажбур қилган кичкинтойими, а?!

Поль уч ой мобайнида уйига онда-сондагина келиб,

хамма вақт тезроқ кетишга шошилар, кечқурун жилаа бўлмаганда бир соатни чегириб қолишга ҳаракат қиларди. Жанна хавотир олгани-олган, барон эса қизини ҳар сафар:

— Болани тинч қўй, йиғирмага кирган-ку, ахир,— деб танбеҳ берарди.

Бир куни эрта билан гап-сўзидан немислиги сезилиб турган ва уст-боши хароб бир чол виконтессани йўқлаб келди.

Чол анча-мунча таъзим бажо қилганидан кейин чўнтагидан эски ҳамён чиқарди-да:

— Манави кичкина қоғоз сизга,— деди.

Мўйсафид бир парча исқирт қоғозни очиб Жаннага узатди. Жанна қоғозни ўқиди, қайтадан яна ўқиб чиқди-да, яҳудий чолга кўз ташлаб, яна ўқиб чиқаркан:

— Бу нимаси бўлди? — деб сўради.

Чол тилёғламалик билан тушунтирди:

— Ҳозир сизга айтиб бераман. Сизнинг ўғлингизга озгина пул керак бўлиб қолган экан, мен сизнинг яхши оналингизни билардим, шунинг учун унга керагини берувдим, арзимаган нарса.

Жаннанинг бутун вужуди қалтирарди.

— Нега энди у ўзимдан сўрай қолмабди?

Яҳудий чол батафсил тушунтира кетди. Бу ерда гап қарта ўйинидаги ютқизиқ борасида кетаётганини, уни эртасигаёқ тўлаш лозим бўлганлигини, Поль вояга етмаган бола бўлганидан унга ҳеч қарз беролмаслигини, мабодо ўзи «жиндай қарашиб юбормагани» да борми, «йигитнинг шаънига доғ тушиши мумкин» лигини айтиб берди.

Жанна баронни чақирмоқчи бўлди, бироқ азбаройи хавотирда бўлганидан оёқлари майишиб кетарди. Ахири у судхўр чолга:

— Марҳамат қилиб қўнғироқни чалсангиз,— деди.

Чол тузоққа тушиб қолишдан қўрқиб, иккиланди. Кейин эса:

— Сизга ҳозир ноқулай бўлса кейин келарман,— деб гўлдиради.

Жанна йўқ дегандай бош чайқади. Чол қўнғироқни чалди. Шундан кейин улар бир-бирларига қарама-қарши ҳолда индамай ўтирганларича кутиша бошлади.

Барон ичкарига кириб келиши биланоқ аҳволни тушунди. Тилхат бир ярим минг франкка берилганди. У минг франкни берди-да, судхўрга тик қараб деди:

— Кўзингизни очинг, қайтиб қорангизни кўрсатманг.

Судхўр таъзим қилиб, миннатдорчилик билдирди-да, ғойиб бўлди.

Бобо билан она ўша заҳотнинг ўзида Гаврга жўнашди.

Колледжга келишганидан кейин эса Поль бу ерда нақ бир ойдан бери бўлмаганини билишди. Колледж директори Жаннанинг имзоси билан тўртта хат олган бўлиб, унда Полнинг бетоблиги, сўнгра эса соғлиғининг аҳволи хабар қилинганди. Хатларнинг барига врачнинг гувоҳномаси тиркалган, булар ҳам хатлар сингари қалбаки эди, албатта.

Барон билан Жанна бир-бирларига қараганларича жойларида қотиб қолишди.

Директор таассуф билдириб, буларни полиция комиссарига йўллади. Ота-бола меҳмонхонада тунашди.

Эртасига эрталаб йигитчани шу ерлик фоҳишанинг уйидан топишди. Барон билан Жанна уни «Теракзор»га олиб кетишди, йўлда улардан бирортаси ҳам миқ этиб оғиз очмади. Жанна юзини дастрўмолига босганича йиғларди. Поль эса парвойи фалак теварак-атрофга боқарди.

Келаси ҳафтада Полнинг уч ой ичида ўн беш минг франк қарзга ботгани маълум бўлди. Қарз берганлар бола яқинда вояга етишини билганларидан ўзларини кўрсатмай туришарди.

Полдан ҳеч нимани сўраб-суриштириб ўтиришмади. Уни яхшилик билан қўлга олишмоқчи бўлишди. Ноёб нарсалар билан боқишди, яйратишди, эркалашди. Ушанда фасли баҳор эди. Жанна қанчалар хавотирланишига қарамай, Поль хоҳлаган пайтида денгизда сайр этмоғи учун Ипорда унга қайиқ ёллашди.

У яна Гаврга кетиб қолади, деб қўрққанларидан от беришмасди.

Поль бекорчиликдан лақиллаб юрар, ғижини келар, баъзан қўрслик қиларди. Баронни Поль курсларни тугатмагани хавотирга соларди. Жанна яна айрилиқни ўйлаганида бўлари бўлар, шунга қарамай, бу ёғига ўғлини нима қилиш борасида бошини қотирарди.

Поль бир куни кечқурун уйга қайтмади. Унинг катта қайиқда иккита матрос билан денгизга чиққанлиги маълум бўлди. Жинни бўлаёзган она бошяланг ҳолда Ипорга чопди.

Соҳилда бир неча одам катта қайиқ қайтишини кутишарди.

Олисдан чироқ кўринди. У липиллаганча яқин келарди. Поль қайиқда кўринмади. У Гаврда тушиб қолган экан.

Полиция қанчалар қидирмасин, уни топишнинг иложи бўлмади. Полга биринчи марта бошпана берган фоҳиша ҳам лаш-лушларини сотиб ва ижара ҳақини тўлаб қаёққадир гумдон бўлганди. Полнинг «Теракзор»даги хонасидан ана шу аёлнинг иккита хати топилди. Бу хатлардан у Полни ҳаддан зиёд севиб қолганлиги аён эди. Аёл хатларида



Полга Англияга кетишни таклиф қилар, ёзганларига қараганда, бунинг учун тегишли маблағ топганди.

Кўхна хонадоннинг учта аъзоси бадқовоқ ва унсиз юришар, кунларини минг азобда ўтказишарди. Жаннанинг шундай ҳам оқ оралаган сочи бутунлай оқариб кетди. Ўзидан-ўзи, тақдир нега мени буичалар азобламаса, деб сўрарди.

У аббат Тольбиакдан мактуб олди:

«Хоним, худо сизни қўшқўллаб урди. Сиз болангизни парвардигордан тортиб олгандигиз, у эса фарзандингизни фоҳишага бериш учун сиздан олди. Наҳотки, парвардигор берган бу сабоқдан ҳали ҳам эс-ҳушингизни йиғиштириб ололмасангиз? Парвардигорнинг муруввати беҳаддир. Сиз яна оллога юз буриб, тавоф қилсангиз, эҳтимол марҳаматини дариф тутмас. Мен, оллонинг мўмин хизматкори, сиз тақиллатиб келсангиз борми, унинг қасри эшигини очажакман».

Жанна руҳонийнинг хатини тиззасига қўйганича узоқ ўтирди. Руҳоний ҳақ гапни айтаётган бўлса бордир. Жаннанинг юрагини яна барча диний англашилмовчиликлар эза бошлади. Худо ҳам одамларга ўхшаб қасоскор ва ҳасадгўй бўлиши мумкинми? Агарда у ўзини ҳасадгўй сифатида кўрсатмаса борми, ҳеч ким ундан чўчимай сажда қилиб ҳам ўтирмасди. Биз уни яхшироқ сезиб туришимиз учун бандаларига хос бўлган жиҳатларини сездириб турса ҳам ажаб эмас-да. Жаннанинг вужудига ҳам на қиларини билмай гангиб юрган гумроҳларнинг черков сари судровчи ваҳимаси ўрмалаб қолди, шундан кейин у бошқаларга сездирмай черковга борди-да, қотма аббатнинг оёғига ўзини ташлаб, гуноҳларидан ўтишни илтижо қилди.

Аббат Жаннанинг ярим гуноҳидан ўтишга ваъда берди, нега деганда, худойим барондай кимса истиқомат қилаётган хонадондан бор мурувватини дариф тутолмас экан.

— Парвардигорнинг муруввати самарасини яқин орада сезасиз,— деди аббат Жаннани ишонтириб.

Дарҳақиқат, Жанна орадан икки кун ўтгандан кейин ўғлидан хат олди. У бошига тушган кулфатлардан эзилиб юрганидан бу нарсани аббат ваъда қилган некликка йўйди.

«Ойижон, мендан хавотир олма. Мен Лондондаман, жон-танним соғ, бироқ пулга жуда ҳам зорман. Ёнимизда бир тийнимиз ҳам қолмади, ҳар куни ҳам қорнимиз тўйвермайди. Жон-танним билан севадиган ҳамроҳим фақатгина мендан айрилмаслик учун ёнида борини — беш минг франкни сарф қилди. Сенга айтсам, ориятим аввало ана шу маблағни жойига қўйишимни буюряпти. Мендан яхшили-

гинги айма, дадам қолдирган меросдан ўн беш минг қарз қилишни рад этма, мен бари бир яқинда вояга етаман. Сен менни оғир аҳволдан қутқарган бўласан.

Хайр, ойижон, сени чин қалбимдан ўпаман, шунингдек бобомни ва Лизон холамни ҳам. Тез орада дийдор кўришамиз, деган умиддаман.

Сенинг ўглинг

виконт Поль де Ламар».

Ўгли хат ёзибди! Бундан чиқди, онасини унутмабди-да, Жанна ўгли пул сўраганини хаёлига ҳам келтирмасди. Ўглининг ёнида ҳеч вақо қолмаганидан кейин унга пул юбориш керак-да. Пул деган нарса нима бўпти! Ўгли унга хат ёзибди!

Жанна кўзда ёши билан хатни чангаллаганича бароннинг ёнига югурди. Лизон холани ҳам чақириб, хатни сўзма-сўз ўқиб чиқишди. Ундаги ҳар бир калимани муҳокама қилишди.

Оғир ташвишда қолган Жанна зумда умиддан сархуш бўлганидан зўр бериб ўглининг ёнини олди:

— Бизга хат ёзганидан кейин у қайтади, тезда қайтади!

Барон эса анча босиқроқ одам бўлганидан эътироз билдирди:

— Бари бир ўша расвони деб бизни ташлаб кетди. Шундай қилишга жазм этганидан кейин уни биздан кўпроқ яхши кўради.

Жаннанинг юраги бирдан қаттиқ санчди-да, ўша заҳотнинг ўзида ўглини тортиб олган ўйнашга нафрати ошиб кетди. Бу нафрат рашкчи онанинг чуқур, чексиз нафрати эди. Шу чоққача Жаннанинг хаёли фақат боласида бўлганди. У ўглининг чалғиб юришларига сабабчи бўлган ғарни деярли хаёлига ҳам келтирмаганди. Бироқ бароннинг сўзлари Жаннага зумда рақибасини, унинг ўглига ўтказаётган хатарли ҳукмини эслатди. Жанна ўзи билан ана шу аёл ўртасида беаёв кураш бошланаётганини сезар ва боласини биров билан баҳам кўришдан кўра, ундан айрилишга рози бўлишини ҳам биларди.

Жаннанинг бор қувончидан асар ҳам қолмади.

Ота-бола Поль айтган ўн беш минг франкни юборишди ва нақ беш ойгача Полдан дом-дарак бўлмади.

Шундан кейин Жюльендан қолган мерос масаласини ҳал қилувчи вакил пайдо бўлди. Жанна билан барон барча

ҳисоб қоғозларини бажонидил топширишди ва Жанна ҳатто она сифатида мулкдан умрбод фойдаланиш ҳуқуқидан воз кечди. Поль Парижга қайтганидан кейин бир юз йигирма минг франк олди. Шундан кейин ярим йил ичида тўртта хат ёзиб, ўз ҳаёти борасида қисқача маълумотлар берди. Хатларини ўғил сифатидаги меҳрини совуққина ифодалаш билан якунларди: «Мен ишлаяпман,— деб ишонтирарди у,— биржада ишга тайинландим. Бир кунмас бир кун «Теракзор»га бориб, ҳаммаларингизни ўпаман, қадрдонларим!»

Поль ўзининг маҳбубаси ҳақида бирор сўз ҳам ёзмаганди. Унинг бу борадаги сукути маҳбубага аталган бутун бир хатдан ҳам маънодорроқ эди. Жанна хатдаги совуқ сатрлардан оналарнинг азалий душмани бўлган ўйнаш хотин, ўша фоҳиша ҳали ҳам Полнинг ёнида эканлигини сезиб турарди.

Уйдаги учта жафокаш Полни сақлаб қолиш борасида бош қотиришар ва бунинг бирор чорасини топишолмасди. Парижга бориш керакми? Нима учун?

— Ҳовури босилсин,— деди барон,— ўшанда ўзи ёнимизга қайтиб келади.

Уларнинг кунлари шу тариқа азоб-уқубатда ўтаверди.

Жанна билан Лизон хола баронга билдирмай черковга бориб туришарди.

Анча вақтгача Полдан ҳеч қанақа хат-хабар келмади. Бироқ бир куни ундан тўсатдан даҳшатли хат келиб, ҳаммаларини жуда довдиратиб қўйди:

«Қадрли ойи, мен тамом бўлдим, жонимга ора кирманг, ўзимни пешонамдан отишим қолади, холос. Ҳозиргина менга аниқ фойда бериши керак бўлган ишим барбод бўлди, саксон беш минг франк қарздор бўлиб қолдим. Буни тўламасам борми, шармандам чиқади, хонавайрон бўламан, кейинчалик бирор нарса билан шуғулланишимга имкон қолмайди. Ўлдим ҳисоб. Яна айтаман, бунақа шарманда бўлгандан кўра, ўзимни пешонамдан отишга тайёрман. Ёнимдаги аёл мени қўллаб-қувватлаб турмаганида борми, балки ўзимни аллақачон ўлдирган бўлардим. Бу аёл ҳақида сенга ҳеч қачон ёзмайман, бироқ у менинг пешонамга ёзилган одамим бўлиб қолган.

Ойинжоним, сени чин қалбимдан ўпаман, эҳтимол охириги марта ўпаётгандирман. Алвидо!

Поль».

Хатга фалокат юз берганини изоҳловчи ишга алоқадор бир даста қоғозлар илова қилинганди.

Барон, ҳаммасини тўғрилашга ҳаракат қиляпмиз, деган жавоб юборди. Шундан кейин аҳволни билгани Гаврга бориб, Полга жўнатгани пул топиш учун ўша ернинг ўзида ерини гаровга қўйди.

Поль бунга жавобан учта хат юборди. Уларда бениҳоя миннатдорлигини ва меҳру муҳаббатини изҳор этган, шунингдек тез орада келиб, қадрли жигарбандларини бағрига босишини ваъда қилганди.

У келмади.

Орадан бутун бир йил ўтди.

Жанна билан барон Парижга бориб, уни тўғри йўлга солишга сўнги бор уринмоқчи бўлиб юрганларида тўсатдан қисқагина бир мактубдан у ҳали ҳам Лондондалигини, у ерда «Поль де Ламар ва К<sup>0</sup>» фирмаси ихтиёридаги пароход компанияси тузаётганини билиб қилишди. Поль ўша мактубда шундай деб ёзганди:

«Бу иш мени таъмин этиши аниқ, балки ҳатто бойиб ҳам кетарман. Бунда мен ҳеч нимани йўқотмайман. Унинг барча фойдали томонлари шундайгина сизларга равшан кўришиб турибди. Кейинги учрашувимизда мен дунёда зўр мавқе эгаллаган бўламан. Бизнинг асримизда фақат савдо-сотиқ кўмагида оёққа туриб олиш мумкин».

Уч ойдан кейин пароход жамоаси синиб, унинг директори ҳисоб-китоб ишларидаги чатоқликлар учун жавобгарликка тортилди. Жаннанинг асабий тутқаноғи тутиб бир неча соатга чўзилди, кейин эса ётиб қолди.

Барон яна Гаврга бориб, сўраб-суриштирди, адвокатлар, вакиллар, хўжалик ишларига алоқадор одамлар, суд приставлари билан маслаҳатлашди, шунда де Ламар жамоасининг қарзи икки юз ўттиз беш минг франкка етганлиги маълум бўлди. Барон бор мулкани гаровга қўйди. «Теракзор» билан унга туташ бўлган икки ферма қарзга ботди.

Барон бир куни кучқурун вакилнинг идорасида қолган-қутган расмий ишларни тўғрилайётганида тўсатдан полга кулади. Унинг миясига қон қуюлганди. Жаннага хабар бергани отлиқ чопар юборишди. У етиб келганида отаси оламдан ўтганди.

Жанна отасининг ўлигини «Теракзор»га олиб келди. У оғир мусибатда қолганидан кўпроқ қоқшол бўлганга ўхшарди.

Аббат Тольбиак иккала аёлнинг қаттиқ илтижоларига қарамай, бароннинг ўлигини черковга йўлатмади. Барон ҳеч қанақа жаназа-паназасиз кечқурунга яқин дафн қилинди.

Поль бобоси оламдан ўтганини синган корхонасини ту-

гатиш ишлари билан шуғулланаётган одамларнинг биридан эшитди. Ўзи ҳали ҳам Англияда пусиб юрарди. У машъум хабарни анча кеч эшитганидан келолмаганини айтиб, ёзма равишда узр сўради. «Айтмоқчи,— деб ёзганди у хатида,— ойижон, мени қутқарган экансан, энди Францияга қайтиб, тез орада сени бағримга боссам бўлади».

Жаннанинг аҳволи жуда ҳам оғир бўлганидан энди ҳеч ниманинг фарқига бормаётгандай туюларди.

Қиш охирлаб қолганда олтмиш саккизга борган Лизон хола бронхит билан оғриб, касали ўпка шамоллашига айланиб кетди. У:

— Жанна, бечорагинам, худодан сенга раҳм қилишни тилайман,— деб оҳиста шивирлаганича оҳиста оёқ-қўллари-ни чўза қолди.

Жанна мазорга борди, тобут устига тупроқ тортишаётганларини кўрди, бошқа қийналмай, ўйламай ўлиб қўяқолай, деган ягона истак билан бўшашиб турганида, қандайдир бўйдор деҳқон аёл маҳкам ушлаб, кенг қучоғида уни худди кичкина боладай кўтариб кетди.

Жанна Лизон холанинг ёнида беш кеча ўтириб чиққанидан кейин уйига келгач, ўзини ана шу меҳрибон ва қаттиққўл нотаниш деҳқон аёл ихтиёрига топширди қўйди. Аёл Жаннани жойига ётқизганди, толиқиш ва ғамдан адоий тамом бўлган бечора қаттиқ уйқуга кетди.

Жанна ярим кечада уйғонди. Каминда тунги чироқ ёниб турарди. Аёл эса креслода ухларди. Бу аёл ким ўзи? Жанна уни танимас ва каравот чеккасидан эгилганича, шиша стаканга солинган мойнинг юзасидаги лип-лип қилаётган пилик ёруғида унинг кимлигини илғаб олишга уринарди.

Жанна бу аёлни гўё бир вақтлар кўрганга ўхшарди. Қачон? Қаерда? Аёл тинч ухлар, боши елкасига оғиб, қалпоғи ерга тушиб кетганди. Кўринишидан қирқ-қирқ бешларга борганди. У бақувват, юзлари қизил, барваста, йўғондан келган деҳқон аёл эди. Катта қўллари креслонинг иккала томонидан осилиб тушган, сочларига оқ оралаганди. Жанна оғир рухий азобдан, сўнги жонсарақ уйқудан кейин эс-ҳуши ўзида бўлмаганидан аёлга синчиклаб тикиларди.

Ҳа, Жанна, бу аёлни кўрганди, албатта. Илгари кўрганми? Ё яқиндами? Бу нарса ёдида бўлмаганидан асабланар, қийналарди. Жанна ухлаётган аёлни яхшироқ кўргани секингина ўрnidан турди-да, оёқ учида унга яқин борди. Бу, ўша — ўзини қабристонда кўтариб олиб, кейин жойига ётқизиб қўйган аёл эди. Жанна буни ғира-шира эсларди.

Бироқ уни илгари, умрининг бошқа палласида учратганми ё йўқми? Ёки аёлнинг чеҳраси кечаси куннинг

хира таассуротлари туфайли таниш туюляптими? У қандай қилиб, нима учун Жаннанинг ётоғига келиб қолди?

Аёл кўзларини очди-да, Жаннани кўриб, ирғиб турди. Улар юзма-юз ҳолда бир-бирларига жуда яқин турганларидан кўкраклари тўқнашганди. Нотаниш аёл вайсашга тушди:

— Бу яна нимаси? Нега турдингиз? Мана кўрасиз, яна касал орттирасиз. Жойингизга ётинг!

— Сиз кимсиз? — деб сўради Жанна.

Аёл эса қўлини чўзиб, Жаннани яна эркакчасига ердан узиб, каравотга олиб борди. Авайлаб ётқизганидан кейин эгилди-да, бирдан йиғлаб, унинг юзи, сочидан ўпа бошлади. У кўз ёшларини Жаннанинг юзига томизганча дерди:

— Шўрликкина ойимқизим, мамзель Жанна, шўрликкина ойимқизим, наҳотки мени танимасангиз?

— Розали, жонгинам! — Жанна қичқириб юборди.

Жанна иккала қўли билан бўйнидан қучоқлаб, қапишганича ўпишга тушди. Энди икковлари ҳам қаттиқ қучоқлашганларича ёшлари айқаш-уйқаш бўлиб йиғлашар ва бир-бирларидан сира ҳам ажралиша олмасди.

Олдин Розали ўзини қўлга олди.

— Бўлди, бўлди, ўзингизга қаранг, — деди у, — бўлмаса шамоллаб қоласиз.

У кўрпани тўғрилаб, ҳали ҳам ҳўнг-ҳўнг йиғлаб, ўтмиш воқеаларни эслаб, титраётган собиқ бекасининг бошига ёстиқ қўйди.

— Қандай қилиб қайтиб келдинг, жонгинам? — деб сўради у пировардида.

— Ё худойим, сизни энди қандай қилиб ёлғиз ташлаб кетаман! — жавоб қилди Розали.

— Шамни ёққин, сени кўрмоқчиман, — илтимос қилди Жанна.

Шам тунги столчага қўйилганидан кейин икковлари бир-бирларига анчагача индамай тикилиб қолишди. Жанна шундан кейин собиқ оқсочининг қўлини сиқиб, шивирлади:

— Сени сира ҳам танимаган бўлардим, жонгинам. Жуда ҳам ўзгариб кетибсан.

Розали, бу хонадондан кетаётганида ёш, чиройли, жуда очилиб кетган ҳолда бўлган, ҳозирда эса сочлари оқариб, озиб, сўлиб қолган Жаннага тикиларкан жавоб қилди.

— Тўғриликка тўғри, Жанна хоним, сиз ёшингизга нисбатан кўпроқ ўзгарибсиз. Бироқ биз йигирма тўрт йил кўришмаганимизни ҳам ўйланг-да.

Икковлари жим қолиб, яна хаёлга ботишди.

— Ўзинга бахт сал қиё боқдими? — деди Жанна ахири шивирлаб.

Розали бирорта оғир нарсани Жаннага эслатишдан чўчигандай тутилиброқ гапирди:

— Ҳа... боқди... боқди. Нолисам бўлмайдим... Мен сиздан кўпроқ бахтли бўлдим. Битта нарсадан — шу ерда қолмаганимдан дилим гаш эди...

Розали нозик нарсага беихтиёр тил теккизганини пайқаб, гапни чала қилди. Жанна эса мулоқимлик билан давом эттирди:

— Начора, жонгинам. Ҳар маҳал ҳам хоҳлаган нарсанг бўлавермайди. Сен ҳам бева қолувдингми?

Жаннанинг овози титраб кетиб, аранг гапирди:

— Сенинг яна... яна боланг борми?

— Йўқ, хоним.

— Анави ўғлинг, қалай чиқди? Ундан хурсандмисан?

— Ҳа, хоним, у ажойиб йигит. Ишга яхши. Уйланганига ярим йил бўлди. Мен бу ерга қайтганимдан у ферманинг ташвишларини ўзимга оламан, деяпти.

Жанна ҳаяжонланганидан қалтираб сўради:

— Демак, мени бошқа ташлаб кетмайсан-а, жонгинам?

— Ўз-ўзидан, хоним, бу борада айтиб ҳам қўйдим, — Розали қўрсроқ жавоб қилди.

Улар пича жим қолишди. Жанна ўзини мажбур қилган ҳолда изтиробга тушмай, тақдирнинг бениҳоя шафқатсизлигига тан бериб шахсий ҳаётини Розалининг ҳаёти билан солиштирарди. У Розалидан фақат:

— Эринг сени хафа қилмасмиди? — деб сўради.

— Йўқ, у яхши, ишчан одам эди, унча-мунча нарса ҳам орттирди. Сил бўлиб ўлди.

Жанна каравот чеккасига ўтирди. У ҳаммасини билишни истарди.

— Менга қара, жонгинам, бор ҳаётингни гапириб бергил. Бу билан кўнглимни очган бўласан.

Розали стулини суриб ўтирди-да, ўзи, уйи ҳақида майда-чуйдаларни ҳам эсдан чиқармаган ҳолда гапиришга тушди. Юрагига яқин бўлган қишлоқ кишиларини тилга олар, қўрғони қанақалигини тавсифлар, гоҳо бир замонлари рўй берган, бироқ ҳаётининг ёқимли дақиқалари билан боғлиқ бўлган воқеаларни эслаб кулар, уйдаги ҳамма ишларга бош-қош бўлган бекалик одатича овозини аста-секин баландлатарди. Пировардида эса:

— Энди топган-тутганим ўзимга етади. Қўрқадиган жойим йўқ, — деди.

Розали сўнгра хижил бўлиб, яна секинроқ қўшимча қилди:

— Нимаки бўлсаям буларнинг барчаси учун сиздан бурчлиман, шунинг учун ҳам сиздан маош сўрамайман. Ҳеч нима керак эмас! Мабодо кўнглингиз истамаса, кетаман.

— Нима, менга текинга хизмат қилмоқчимисан? — сўради Жанна.

— Худди шундай, хоним. Пулингизни бошимга ураманми? Узимнинг пулим сизникидан кам эмас. Гаровга қўйишу қарз кўтаришлардан кейин қанча пулингиз қолганини ўзингиз биласизми? Қарзларнинг процентлари ҳали тўланмаганидан ҳар бир тўлов муддатига қараб ошиб турган бўлса. Билмайсизми? Тўғрими? Бўлмаса мен сизга айтиб бераман. Сизда ўн минг ливр даромад қолган бўлса ҳам катта гап. Унта ҳам қолмаган, тушуняпсизми? Бўлди, буни яқин орада йўлга соламан, ишонаверинг.

У яна процентларни тўлашдаги бепарволик ва хонавайрон бўлиш хавфидан тутоққан ҳолда шанғиллаб гапира бошлади. Бекаси андак жилмайганини кўриб, жаҳли чиқиб бақириб берди:

— Бунинг куладиган жойи йўқ, хоним, дуруст одамлар пулсиз туришмайди.

Жанна унинг қўлидан ушлади-да, қўйиб юбормади. Сўнгра эса бир нарса хаёлидан кетмаган ҳолда шошилмай гапирди:

— Менинг сира ҳам омадим чопмади. Ҳаммаси чаппасига кетди. Қандайдир қисматнинг таъқибига учрадим.

Розали эса бошини чайқади:

— Хоним, бунақа гап қилманг. Сиз ёмон одамга хотин бўлдингиз, холос. Очиғини айтганда, унинг қанақалигини ҳам билмасдан турмушга чиқарканми одам.

Икковлари жонажон дугоналардай гапдан тўхташмади.

Офтоб чиққан, улар эса ҳамон гаплашишарди.

## XII

Розали ҳафта ичида ҳамма нарсани ва барчани қўлга олди. Жанна тақдирга тан берганидан унга бепарво ҳолда итоат этарди. Қуввати йўқлигидан марҳума онасидек оёғини судраб босганича оқсочини қўлтиқлаб чиқар, оқсочи секин олиб юрар, худди хаста болага гапиргандай қаттиқ ва мулойим сўзлар билан панд-насиҳат қилар, далда берарди.

Икковлари фақат ўтган-кетганлардан гаплашишарди.



Жаннанинг овози йиғламсираб чиқар. Розали эса деҳқонларга хос бўлган бамайлихотирлик билан гапирарди. Розали бир неча марта гапни процентларни тўлаш кечикаётганига бурди, сўнгра бу ишга ақли етмаса ҳам ўғлининг қилмишидан уялиб, беркитиб қўйган ҳужжатларни беришни талаб қилди.

Розали шундан кейин нақ бир ҳафта ҳар куни таниш нотариуси орқали ҳамма нарсани билиб олмоғи учун Феканга қатнади.

У бир куни кечқурун бекасини жойига ётқизди-да, ўзи бош томонига ўтириб, гапни рўй-рост қилди:

— Мана жойингизда ётибсиз, хоним, энди икковимиз гаплашамиз.

Шундан кейин аҳвол қанақалигини тушунтирди. Ҳамма ҳисоб-китоблардан кейин етти-саккиз минг франк даромад қоларкан. Бор-йўғи шу экан.

— Нимадан хавотир оляпсан, жонгинам! Куним битиб қолганлигини сезяпман. Бу ўлгунимча етади,— жавоб қилди Жанна.

Розалининг эса жаҳли чиқиб кетди.

— Сизга-ку етар-а, жаноб Полга бундан чиқди ҳеч нима қолдирмас экансиз-да?

Жанна титраб кетди.

— Илтимоc, ҳеч қачон ундан оғиз очма. Уни ўйласам жуда зирқираб кетаман.

— Йўқ, кечирасиз, мен худди ўшандан гапираман, сизга эса бунчалар юраксизлик гуноҳ, Жанна хоним. Ҳозир у бемаъниликлар қияпти, вақти келиб қуюлади, уйланади, бола-чақа кўради. Уларни оёққа қўйишга пул керак бўлади. Энди бундай, манави гапга қулоқ солинг: «Теракзор»ни сотасиз...

Жанна иргиб, каравотга ўтириб олди.

— «Теракзор»ни сотинг, дейсанми? Нима деяпсан ўзи? Улсам ҳам сотмайман!

Розали эса бўш келмади.

— Мен сизга уни сотинг, деяпман, чунки уни сотмаса бўлмайди.

Розали шундан кейин ўзининг ҳисоб-китоби, режалари ва мулоҳазаларини баён қилди.

«Теракзор» билан унга туташ фермани сотгандан кейин (Розали бунга талабгорни кўз тагига олиб қўйган экан) Сен-Леонардаги тўртта ферма қолади. Улар қарз узилгандан кейин йилига саккиз минг уч юз франк даромад беради. Йилига бир минг уч юз франк булғуси бошпананинг ременти ва уни сақлашга кетади. Унда буларга

етти минг франк қолади, ундан беш минги харажатларга кетади, икки мингини эса қора кунга атаб сақласа бўлади.

— Қолганлари кетди, энди қайтариб бўлмайди. Пулнинг калити менда бўлади, шунни билиб қўйинг, бўлмаса жаноб Полга ҳеч вақо қолмайди. Сизни у кафангадо қилади.

Боядан бери йиглаб, индамай ўтирган Жанна шивирлади:

— Ейишга нон тополмаса-чи?

— Мабодо оч қолиб бу ерга келса, боқамиз. Унга бошпана ва овқат доимо топилади. Бошиданоқ унга бунақа эрк бериб қўйилмаганида шунча аҳмоқликларни қилмаган бўлармиди, тўғрими?

— У қарздор бўлиб қолган, шармандаси чиқарди-да.

— Нима, сиз бор-йўғингиздан айрилсангиз у қарзга ботишни тўхтатармиди? Қарзини тўладингизми, бўлди энди, бошқа тўламайсиз. Бунинг учун сизга ўзим жавоб бераман. Энди эса, яхши ётиб турунг, хоним.

Розали шундан кейин чиқиб кетди.

Жанна «Теракзор»ни сотиб, бу ердан кетиш, бутун умри ўтган уйдан айрилишни ўйлайвериш мнжжа қоқмади.

Розали эртасига эрта билан ётоғига кирганида уни:

— Нима десанг деявер, жонгинам, бироқ бу ердан кетолмайман, — дея қаршилади.

Оқсочнинг эса аччиғи келмади.

— Бошқача йўли бўлмаганидан кейин нима ҳам қилардик. Тез орада нотариус харидор билан келади. Бўлмаса, хоним, тўрт йилда ҳаммаси ўрнини топиб кетади.

Жанна жонҳолатда:

— Иложим йўқ, иложим йўқ, — дерди.

Бир соатдан кейин почтальон Полдан хат олиб келди. У хатида яна ўн минг франк юборишларини сўрабди. Нима қилиш керак? Жанна боши қотиб, Розалидан маслаҳат сўради, у эса қўлларини ёзарди, холос.

— Сизга айтмовмидим, хоним! Мабодо бу ерга қайтмасам борми, икковларингнинг ҳам ҳолингизга маймунлар йиғларди!

Жанна оқсочининг иродасига бўйсуниб, Полга жавоб ёзди:

«Қадрли ўғлим, сенга ҳеч нима билан ёрдам қилолмайман. Сен мени хонавайрон қилдинг. Энди ҳатто «Теракзор»ни сотишга мажбур бўляпман. Бироқ эсингда турсин: мабодо бошига кўп кулфатлар солган, кексайган онангдан бошпана сўраб келгудай бўлсанг доимо жой топилади.

Жанна».

Нотариус жаноб Жофрен собиқ қанд заводчи билан келганида Жаннанинг ўзи уларни кутиб олиб, ҳаммаёқни бошдан-оёқ кўриб чиқишни таклиф қилди.

Жанна бир ойдан кейин олди-сотди шартномасига қўл қўйиб, аини пайтда Годервиль яқинидан, катта Монтивильер йўлидаги Батвиль қишлоғидан кичикроқ уй сотиб олди.

Жанна шундан кейин то кечқурунғача ойижонисининг хиёбонида айланиб юрди. У олис уфқ, дарахтлар, чинор тагидаги қуртлар илма-тешик қилиб ташлаган ўриндик, хуллаас, кўзига ҳар куни ташланиб юрган, хаёли ва кўнглига жойлашиб қолгандай туюлган барча нарсалар, дарахтзор, ўзи кўпинча дам олиб ўтирадиган, Жюльен ўлган даҳшатли кунда граф де Фурвиль денгизга қараб югурганини кўрган яланглик тепасидаги кўтарма, ўзи тез-тез келиб суянадиган учи синган қайрағочга ва қадрдон боғидаги барча нарсаларга тикилиб, йиғламсираб, мотамсаро ҳолда «хайр» деганида бутун вужуди зирқираб, эси оғиб қолаёзди.

Розали қўлидан ушлаб, уйга судраб кетди.

Зина олдида йигирма бешлардаги бўйдор деҳқон йигит кутиб турарди. У худди эски танишлардай Жанна билан дўстона саломлашди.

— Яхшимисиз, Жанна хоним, тузукмисиз? Ойим менга кўчиш масаласида гаплашиб кетишни айтувди. Менга ўзингиз билан олиб кетадиган нарсаларни кўрсатсангиз, уларни иш орасида ташиб қўяман, даладаги ишимга ҳам зиён етмайди.

У оқсочи билан Жюльеннинг ўғли, Полнинг акаси эди.

Жаннанинг назарида юраги тўхтаб қолаётгандай бўлди. У аини пайтда бу йигитнинг юз-кўзидан ўпиб ташлагиси ҳам келарди.

У йигитга тикилиб, эрига, ўғлига ўхшаш томонларини изларди. Йигит қизил юз, барваста, сарғиш сочили ва кўзлари кўм-кўклигидан онасига тортганди. Шундай бўлса ҳам бари-бир Жюльенни эслатарди. Нимаси билан? Нимаси? Жанна буни ўзи ҳам билолмас, бироқ икковларининг кўринишларида қандайдир ўхшашлик бор эди.

— Менга ўша нарсаларнинг барини ҳозир кўрсатсангиз жуда яхши бўларди,— йигит гапини яна такрорлади.

Жанна эса нималарни олиб кетишни ҳали ўзи ҳам билмасди, нега деганда, янги уйига жуда кам нарса кетарди. Шу ваздан йигитдан ҳафта охирида келишни илтимос қилди.

Жанна шундан кейин кўчиш хаёли билан бўлди. Бу унинг зерикарли, умидсиз кувларини ташвишли ишлар билан тўлдирди.

У хонама-хона юриб, бирорта воқеани эслатадиган, ҳаётининг салкам бир бўлагидай дилга яқин бўлиб қолган, ёшликдан таниш, маънос ёки қувончли эсдаликлар, умр босқичлари билан чамбарчас боғланган буюмларни танларди. Тошли ёки қайғули дақиқалардаги унсиз ошналар бўлган бу буюмлар эскирган, кўз ўнгимизда оқорн кетган, жилдларининг баъзи жойлари йиртилган, астарлари ишдан чиққан, чегалари бўшашиб, бўёқлари хиралашганди.

Жанна ҳар бир буюмни алоҳида кўздан ўтказар, гўё энг биринчи даражали нарсани ҳал этаётгандай кўпинча иккиланар, жуда ҳаяжонга тушар, тез-тез фикридан қайтар, иккита кресло ёки антиқа ёзув столининг қимматини қадимий иш столчасига солиштириб кўрарди.

У тортмаларни очар, ҳамма ерда бирор нарсани эслатадиган нарсаларни изларди. Ахири қатъий бир қарорга келди: «Ҳа, буни олиб кетаман». У танлаган нарсани емак-хонага элтиб қўйишарди.

Жанна хонасидаги барча жиҳозларни — каравот деворгилам, соат, хуллас, ҳаммасини сақлаб қолишни истарди.

Меҳмонхонадан баъзи бир креслоларни, ўзи болалигидан яхши кўрган расмлари бўлган, яъни тулки билан турна, қарға билан тулки, ниначи билан чумоли, хафақон қарқараларнинг расмлари бўлган креслоларни олди.

Жанна шу тариқа қадрли бошпанасининг ҳамма бурчакларини айланиб юриб, бир куни чордоққа чиқиб қолди.

У чордоқда қалашиб ётган нарсаларга кўзи тушганида баногоҳ қотиб қолаёзди. Ундаги буюмларнинг бир хиллари синган, баъзилари шунақа исқирт бўлиб кетган, баъзи бирлари эса бу ерга номаълум сабабларга кўра чиқариб қўйилганди. Улар ё жонга теккан ё бошқа нарса билан алмаштирилган бўлса керак-да. Жанна ҳар қадамда илгари ўзи доимо кўриб турган, кейинчалик эса ғойиб бўлганларидан эсидан чиқиб кетган майда-чуйда нарсаларни, кундалик рўзгорда керак бўладиган таниш идишларни учратарди. Булар ўн беш йил Жаннанинг теварагида бўлганларидан ҳар куни уларни кўриб турса ҳам, унча назарига илмасди. Бу ерда, чордоқда ана шу майда-чуйда нарсалар «Теракзор»га келган кунидан бери кўзига таниш бўлган баъзи бир қадимий буюмлар қаторида, бирдан унутилган кимсалару орттирилган дўстлардай бўлиб қолди. Жанна учун бу нарсалар гўё, қанча тикилсанг ҳам уларни сира таниб бўлмайдиган, ўзлари бирор оқшомда арзимаган нарсадан гап очиб, дилларининг сира кутилмаган томонларини ошкор қилиб қўйишадиган одамларга ўхшашарди.

Жанна бир буюмдан иккинчисига ўтаркан, ўтган-кетган нарсаларни эслаб, юраги тўхтаб қолгудай бўларди:

«Э-ҳа, манави хитойи пиёлани тўйимиздан бир неча кун олдин тушириб юборувдим. О! Манави ойимнинг фонуси билан ҳассаси. Ҳассани дадам ёмғирдан тоб ташлаб қолган эшикни очаман, деб синдирганди».

Чордоқда Жанна билмайдиган, ҳеч нимани эслатмайдиган, чамаси, бобоси ва катта бобосидан қолган, кўп замонлардан бери чанг босиб ётган, ташландиқликлари ва тарихлари, саргузаштлари биров билмаслигидан маънос кўринган буюмлар ҳам бор эди. Негаки, эгалари уларни танлаб, сотиб олишганини, ардоқлаганини ҳеч қим кўрмаган, меҳр билан сийпалаган қўлларни, кўриб қувонган кўзларни биров эсламасди-да.

Жанна уларни қўлига олиб, айлантириб кўрар, қалин чангда бармоқларининг изи қоларди. У томдаги тўртбурчакли даричалардан тушиб турган хира ёруғда эски-туски нарсалар орасида анчагача туртиниб юрди.

Жанна қийшиқ оёқли стулни кўздан кечираркан, бирор нарсани эслатмасмикин, деб кўп ўйлади. У грелкани, ўзига таниш кўринган, синган кўрани ва ишлатилмай қўйилган талай рўзгор буюмларини ҳам назардан четда қолдирмади.

Жанна ўзи билан олиб кетиши керак бўлган буюмларни танлаб, пастки хоналарга тушганидан кейин Розалини ўша буюмларни олиб тушгани юборди. Оқсочнинг аччиғи келиб, эски-тускиларни пастга олиб тушишдан бош тортди. Бироқ, гўё иродасиздай бўлиб қолган Жанна бу сафар бўш келмади. Оқсоч унга бўйсунишга мажбур бўлди.

Бир куни эрталаб Жюльеннинг ўғли бўлган навқирон фермер Дени Лекак бир қатнов қилиш учун узун аравасида келиб қолди. Розали юкларни тушириш ва жой-жойига қўйиш учун у билан бирга кетди.

Жанна ёлғиз қолганидан кейин жуда юраги увишиб, уйни айлана бошлади. У ўзи билан олиб кетолмайдиган нарсаларнинг барини — меҳмонхона деворгиламидаги катта оққушлар расмини, эски қандилларни, хуллас, кўзи тушган нарсаларнинг барини тўйиб-тўйиб ўпарди. У эс-ҳуши жойида бўлмаган ҳолда ўзини хонадан-хонага урар, кўзда ёши тинмасди. Шундан кейин денгиз билан видолашгани борди.

Сентябрь охирлаб қолганди. Пастак, бўзранг осмон денгиз узра осилиб турганга ўхшарди. Сарғиш тусдаги ғамгин тўлқинлар чексиз олисликларга қараб кетарди. Жанна тепаликда аянчли хаёлларга берилганича узоқ ўтирди. Ни-

ҳоят, қош қорая бошлаганда энг даҳшатли кунларидан ҳам кам азоб тортмаган ҳолда уйга қайтди.

Розали қайтиб келиб, уни кутиб турарди. У янги уйдан хурсанд бўлганидан, ёнидан ҳатто йўл ҳам ўтмаган бу эски тобутдан ўлса ўлиги ортиқ, деб мақтарди.

Жаннанинг бутун оқшом кўз ёши тинмади.

Фермерлар мулк сотилганидан хабар топганларидан бери Жаннага номигагина салом беришар, сабабини билмасдан бир-бирларига уни «чала жинни» дейишарди. Улар афтидан, Жаннанинг дардчил мутаассирлиги кундан-кунга кучайиб, завқбахш орзумандлиги ортиб, бебахтликлар адо қилганидан бир ҳолатга тушганини ўзларича ёмонликка йўяётганларидан шундай дейишарди.

Жанна жўнаш арафасида тасодифан отхонага бош суқди. Шунда ногаҳон ириллаган овоздан чўчиб тушди. Ириллаган Сўқим исмли ити бўлиб, кейинги ойларда уни унутиб юборганди. Кўр ва фалаж бўлиб қолган ит бошқа шериклари етолмайдиган ёшда бўлиб, қолган кунларини похол тўшакда чўзилиб ўтказмоқда эди. Людивина унга ҳар куни қараб турарди. Жанна итни қўлига олиб, ўпа-ўпа уйга олиб кетди. Сўқим бочкадай шишиб кетган, ҳар томонга кетиб, букилмайдиган бўлиб қолган оёқларини аранг қимирлатар ва ёғоч ўйинчоқ кучукларга ўхшаб вовуллаарди.

Нихоят, охирги кун ҳам келди. Жанна ётоғидаги жиҳозлар олиб кетилганидан кейин Жюльеннинг собиқ хонасида тунади.

Жанна гўё олис сафардан қайтгандай нафаси сиқиб, бир ҳолатда турди. Қолган-қутган мебеллар ва сандиқлар ортилган арава ҳовли ўртасида турарди. Бека билан оқсоч кетиши керак бўлган икки гилдиракли аравага ҳам от қўшилганди.

Симон амаки билан Людивинагина уйнинг янги эгаси келишини кутишлари, кейин эса тинчгина кун кўргани қариндошлариникига жўнашлари лозим эди. Жанна икковларига озгина даромад ажратганди. Дарвоқе, уларнинг ўзлари ҳам у-бу орттиришганди. Улар жуда қариб қолишган, ҳеч нимага ярашмас ва кўп вайсашарди. Мариус уйланиб, уйдан аллақачон чиқиб кетганди.

Соат саккизда майда, совуқ ёмғир бошланиб, уни денгиздан шамол учириб келарди. Араванинг устини бўз билан ёпишга тўғри келди. Дарахтлардан эса япроқлар учарди.

Ошхонадаги столда сутли қаҳвадан буғ чиқарди. Жанна ўзининг қаҳвасини олиб, майда ютимлаб ичди, кейин туриб:

— Кетдик! — деди.

Жанна шляпасини, рўмолини олди. Розали калишини кийдириб қўяётганида зўрға:

— Руандан шу ёққа йўлга чиққаннимизда ёмғир роса қуйгани эсингдами, азизим,— деди.

Шу пайт Жаннанинг юраги сиқиб қолиб, иккала қўлини кўксига босганича беҳуш йиқилди.

Жанна бир соатдан кўпроқ ўзини билмади, кейин кўзини очди-да, ёши тинмай оққанича чангак бўлиб ётди.

У сал тинчиганидан кейин шунақанги бўшашиб кетдики, ҳатто ўрнидан туролмади. Розали жўнашни кечиктирса, Жаннанинг яна мазаси қочиб қолишидан қўрққанидан ўғлини чақирди. Икковлари Жаннани кўтаришди-да, узун араванинг устига клеёнка солинган ёғоч ўриндигига ўтқазди. Кекса оқсоч ёнига ўтириб, оёғини ўраб, елкасига иссиқ ёмғирпўш ташлади, соябонни очиб, бошига тутди-да ўғлига:

— Ҳайда, Дени,— деб қичқирди.

Йигит онасининг ёнига чиқиб, яккакифт бўлиб ўтирди-да, отни ҳайдади. От ҳам бир текисда йўртиб бораётганидан иккала аёлни арава жуда силкитарди.

Арава муюлишдан ўтиб, қишлоқ оралаб кетаркан, йўлда у ёқдан-бу ёққа юриб турган одамни кўришди. У аббат Тольбиак бўлиб, афтидан буларни пойлаб турганди.

Аббат аравани ўтказиб юборгани тўхтади. Ридосининг этаги кўлмакка тегмаслиги учун чеккасидан ушлаб олганидан катта, ифлос бошмоқли, қора пайпоқли ингичка оёқлари кўриниб турарди.

Жанна унинг кўзига кўзи тушмаслиги учун пастга қаради, Розали эса ҳамма гаплардан хабардор бўлганидан газаби келиб: «Вой газанда, вой газанда-е!» деб вайсади-да, ўғлининг қўлига ёпишди:

— Қамчи билан бир солгин.

Йигит аббатнинг ёнидан ўтаётганида араванинг гилдираги чуқурга тушиб кетди, лойқа сачраб, руҳонийни бошдан-оёқ расво қилди.

Розали бундан хурсанд бўлиб, руҳонийга ўгирилиб, мушт ўқталди. У эса катта дастрўмолини олиб, юз-кўзини артарди.

Улар яна беш дақиқа юрганларидан кейин Жанна бирдан:

— Сўқим эсимиздан чиқибди-ку! — деб бақириб қолди.

Дени отни тўхтатди-да, итга чопди, Розали эса жиловни ушлаб турди.

Ниҳоят, Дени кўринди. У, шишиб, жунлари тўкилиб кетган итни кўтариб келди-да, аёлларнинг оёқлари тагига қўйди.

### ХIII

Икки соатдан кейин арава йўл бўйидаги, учи чилпилган пок дарахтлари экилган мевазор боғ ўртасидаги уй олдида тўхтади.

Боғнинг тўрт чеккасида панжараларини учқат ва чирмовуқ гул қоплаган тўртта шийпон бўлиб, жўяклар оралиғига йўл тушган, улар икки тарафдан мевали дарахтлар билан ўралганди.

Қўрғонни ҳамма тарафдан баланд ўсган яшил тўсиқ ўраб турарди. Қўшни ферма билан эса оралиқда пайкал бор эди. Юз метр олдинда, шундоққина йўлнинг ўзида темирчи устахонаси кўринарди. Бўлак бошпаналар билан оралиқдаги масофа эса бир километрдан кам эмасди.

Уйдан фермалар сочма ҳолда турган пасттекислик кўринар, улардаги олмазорларни қўш қаторлаб тўғри бурчак ҳолда экилган баланд дарахтлар ўраб турарди.

Жанна келишлари биланоқ чўзилмоқчи бўлгандан Розали яна мазаси қочмасин, деб чўчиб, бунга йўл қўймади.

Ашқол-дашқолларни жойлаштиришга қарашгани Годервилдан дурадгор чақириб қўйганларидан дарҳол келтирилган мебелларни жойлаштиришга киришишди. Нарсалар ортилган охириги арава ҳам тез орада келиши керак эди.

Иш анча-мунча бўлиб, анча бош қотиришни ва жиддий мулоҳаза юритишни талаб қиларди.

Бир соатдан кейин охириги арава тўсиқ олдида тўхтади. Ундаги нарсаларни ёмғирда тушириб олишга тўғри келди.

Оқшом чўкканида уй остин-устунлигича турар, буюмлар бир-бирига қалашиб ётарди. Жанна азбаройи ҳолдан тойганидан боши ёстиққа етиши биланоқ уйкуга кетди.

Кейинги кунларда ишга кўмилганидан ўйга ботишга ҳам вақти бўлмади. У ҳатто янги бошпанасини безашга қизиқиб қолди, чунки, ўғлим бу ерга қайтиши мумкин, деган ўй унга тинчлик бермасди. Унинг илгариги ётоғидаги деворгилам билан эндиликда меҳмонхона вазифасини ҳам ўтайдиган емакхона безатилганди. У иккинчи қаватдаги хоналардан бирининг жиҳози билан кўпроқ овора бўлди, ўзича унга «Пуленинг ётоғи» деб ном қўйганди.

Бошқа хонага ўзи жойлашди, Розали эса тепароқдаги, чордоққа қўшни хонадан жой олди.

Уйча яхшилаб жиҳозланганидан жуда шинам бўлиб қолди. У дастлабки пайтларда Жаннанинг кўнглига хуш келди. Бироқ Жаннага нимадир етишмас, унинг нималигига ўзининг ҳам ақли етмасди.



Бир куни эрталаб Фекан нотариусининг ходими Жаннага уч минг олти юз франк олиб келди. Бу «Теракзор»да қолдирилган жиҳозларнинг қиймати бўлиб, уни мебелчи баҳолаганди. Жанна пулни оларкан, хурсандлигидан титрарди. Жанна ходим кетишга улгурмасиданоқ шляпасини шошапиша кийди-да, ана шу кутилмаган маблағни Полга жўнатгани Годервилга ошиқди.

Йўлда шоша-пиша келаётганида эса бозордан қайтаётган Розалига дуч келди. Оқсоч нималигини яхши тушунмасда, негадир шубҳаланди, бироқ Жанна ичида сақлаёлмаган ҳақиқатни билиб олганидан кейин, асабий тарзда саватини ерга қўйди.

Розали иккала муштини белига тираганича ўдағайлади, кейин ўнг қўли билан бекасини ушлаб, чап қўлига саватини олиб, тутоққанича уйга жўнади.

Розали уйга қайтиб келишлари биланоқ пулни узатишни талаб қилди. Жанна фақат олти юз франкни яшириб қолиб, қолганини Розалига берди, бироқ оқсоч анча ҳушёр тортиб қолганидан бекасининг найрангини зумда фош қилди. Шундан кейин Жанна пулнинг ҳаммасини беришга мажбур бўлди.

Шунга қарамай, Розали пулнинг ана шу қисмини Полга жўнатишга рози бўлди.

Бир неча кундан кейин Полдан миннатдорчилик билдирилган хат келди:

«Ойижон, менга катта хизмат қилдинг, чунки биз жуда ҳам муҳтожликда эдик».

Жанна ҳали ҳам Батвилда туришга тўла кўникиб кета олмаётганди. Назарида, бу ернинг ҳавоси олдинги жойининг ҳавосига ўхшамасди. Батвиль танҳо, ташландиқ ва анча пастқам жойдек туюларди. Жанна айлангани чиққанида Вернейль қишлоғигача борарди, қайтишда Труа-Мар орқали келарди, сўнгра қайтарди-да, ўрнидан туриб, гўё бир жойда бўлишни унутгандай, худди ўша ерга бориши керакдай ва ўша ерда айланишни истагандай яна қайгадир ошиқарди.

Бу нарса кун сайин такрорланар ва ўзи ҳам бунақа ғалати қониқмасликнинг тагига етолмасди. Бироқ бир куни кечқурун безовталигининг сирини очиб қўйган сўзларни беихтиёр равишда айтиб юборди. Тамадди қилгани стол ёнига ўтираркан:

— Оҳ, денгизни жуда ҳам соғиндим-да! — деб юборди.

Денгиз — Жаннага ана шу нарса етишмаётганди. Жаннага йигирма беш йил мобайнида шўртанг ҳаволи, тўлқинлари ғазабкор, шовқинлари ўкирувчи, шамоллари қудратли ден-

ғиз буюк кўшни бўлганди-да. Жанна денгизни ҳар куни эрталаб «Теракзор»даги ётоғининг деразасидан кўриб турар, кечасию кундузи ҳавосидан нафас олар, ёнидалигини доимо сезар ва ўзи ҳам билмагани ҳолда уни нақ тирик одамдай севиб қолганди.

Сўқим ҳам жуда безовта бўларди. Бу ерга келишган биринчи кечадаёқ у ошхонадаги шкафнинг қуйи жавонига жойлашиб олди, у ердан чиқаришнинг эса иложи бўлмади. Сўқим у ерда деярли кунбўйи қимирламай ётди, гоҳо-гоҳо у ёнбошидан бу ёнбошига ағдариларкан, бўғиқ инграб қўярди.

У, кеч тушди дегунча ўрнидан қўзғалиб, деворларга туртина-суртина боғ эшигига ўрмаларди. Ҳавода керагича бўлганидан кейин қайтарди-да, ҳали совумаган плита олдига чўқар, иккала аёл ётоқларига кириб кетишлари биланоқ улишга тушарди.

Ит кечаси билан аянчли, мунгли овозда улир, нафасини ростлаб олгани бир соат тўхтарди-да, яна баттарроқ улишга тушарди. Уни уй олдидаги кичикроқ бочкага жойлаштиришди. Энди у дераза тагида улий бошлади. Ит жуда қувватдан кетиб, аранг тирик юрганидан яна ошхонага қайтаришди.

Жанна уйқусини бутунлай йўқотди қўйди. У — қари ит, ўз уйида эмаслигини тушунган ҳолда янги уйдан ўз жойини топишга уриниб, тинимсиз равишда инграб ва ҳаммаёқни тимдалаб чиқарди.

Итни тинчитишнинг иложи йўқ эди. Кундузи барча тирик жон тирикчилик ташвишида юрганида гўё сўник кўзлари ва мадорсизлиги қимирлашига ҳалал берадигандай мудрар, кеч кириши биланоқ ҳамманинг кўзи ўтмайдиган бўлиб қолган зулматда яшаш ва юришга қарор қилгандай чарчоқ билмай изғишга тушарди.

Бир куни эрталаб Сўқим ўлиб ётганини кўришди. Ҳамма энгил нафас олди.

Қиш яқинлашиб келаётганидан Жанна кундан-кунга сиқиларди. Вужуди энди илгаригидай зирқирамас, балки ёмон зерикаётганидан ёрилама, дерди.

Кўнгилни ёзиб, зерикишни тарқатадиган нарсанинг ўзи йўқ эди. Янги уйининг олдидан ўнгу сўлга катта йўл ўтган бўлиб, деярли ҳаммавақт бўм-бўш бўларди. Аҳён-аҳёнда йўлдан қўш ғилдиракли арава ўтар, офтобда қорайган аравакеш кўк кўйлагининг орқаси тез кетаётганидан ҳавога тўлиб борарди. Гоҳо чўзинчоқ арава имиллаб ўтар, баъзан эса уфқ чеккасида эр-хотин деҳқонларнинг кичкинагина қоралари кўринарди. Улар яқинлашганлари

сари қоралари ҳам катталашар, сўнгра улар уй ёнидан ўтишар, шундан кейин қоралари яна кичрайишга тушар, тўлқинсимон текисликнинг тизмалари билан биргаликда кўтарилиб ва пасайиб, кўз илғамас кенгликларга туташган жойнинг охирига борганда бамисоли ҳашаротдай туюлишарди.

Ердан яна майсалар чиққанда ҳар куни эрталаб ихота ёнидан қалта юбка кийган қизча иккита ориқ сигирни ҳайдаб ўтар, сигирлар йўл бўйидаги ариқ ёқаларида ўтлаб юришарди. Қизча кечқурун сигирларини олдига солиб, эрталабгидай шошилмай одимлар, бамисоли ўн дақиқада бир қадам ташларди.

Жанна ҳар кеча туш кўрар, тушига илгаригидай «Теракзор»да яшаётгани кирарди.

Тушида яна отаси ва ойижониси билан бирга бўлар, гоҳида Лизон холани ҳам кўрарди. Лизон хола аллақачон унут бўлиб кетган ишларни қилар, яъни Аделаида хонимни яна унинг хиёбонида айлантирарди. Жанна шунинг учун ҳар куни кўзида ёш билан турарди.

У Полни тинимсиз ўйлагани ўйлаган, ўзига ўзи: «Нима қилаётганикин? Ҳозир қандай бўлиб кетганикин? Онда сонда бўлса ҳам мени эсига олаётганимикин?» деб саволлар берарди. Фермалар орасидан ўтган сўқмоқларда айланиб юраркан, ана шу саволлар хаёлидан сира нари кетмасди. Бироқ ҳаммасидан ҳам у ўғлини тортиб олган нотаниш аёлга бўлган нафратидан кўпроқ азоб торгарди. Жаннани ана шу нафратгина ушлаб турар, ҳаракат қилишига, ўғлининг кетидан боришига ва қўлга олишига халал берарди. Назарида, ўғлининг ўйнаши Жаннани остонада тўхтаиб, ундан: «Сизга бу ерда нима керак, хоним?» деб сўрайдигандай туюларди. Ана шундай учрашув имкони бўлишлигидан Жаннанинг оналик гурури сира йўл бермасди. Шунинг учун ҳам Жанна тўғрилиқдан бирор марта ҳам орқага чекинмаган, покизалигига доғ туширмай келаётган мағрур аёл бўлганидан ҳатто дилни ҳам қабиҳлаштирадиган ифлос ишратнинг қули бўлиб қолган ўғлининг разилигига нафрат билан қарарди. У нафснинг исқирт сирлари, одамни булғовчи эркалашлар, кўп одамларнинг иноқлигини мустаҳкамлаб турадиган ва ўзи тахминан биладиган тўшакдаги сирли ишларни хаёлига келтираркан, бутун одамзотни кўрмасам дерди.

Яна баҳор ва ёз орқада қолди.

Ёмғир тинимсиз ёғиб, осмон бўзранг кўринадиган ва қора булутларга макон бўладиган куз бошланганда бунақа зерикарли ҳаёт Жаннанинг жонига тегди-да, Пуле ўғлини қайтариш учун сўнгги марта уринди.

Унинг ҳовури энди пасайиб қолган бўлса керак, деб ўйласа бўлар.

Жанна шундан кейин ўғлига йиғламсираб хат ёзди:

«Қадрли болажоним, қайтишингни илтижо қиламан. Мен кексайганимни, бетоблигимни ва йил бўйи оқсоч билан ёлғиз ўзим турганимни эслагин. Ҳозир йўл бўйидаги мўъжазгина уйчада турибман. Бу жуда нохуш. Мабодо сен қайтиб келсанг, менга ҳаммаси бошқача бўларди. Менинг сендан бошқа ҳеч кимим йўқ, икковимиз эса нақ стти йилдан бери дийдор кўришганимиз йўқ. Мен қанчалар азоб тортганимни ва сенга қанчалар жон фидо қилганимни тасаввур ҳам қилолмайсан. Сен менинг ҳаётим, менинг орзуим, ягона овунчоғим, ягона меҳру муҳаббатим эдинг. Энди эса мендан олисдасан, мени ташлаб кетдинг!

Оҳ, менинг Пулегинам, қайтиб келгин, қайтиб келиб, қари онангни бағрингга босгин, у изтиробда сенга қўлини чўзиб қоляпти.

*Жанна».*

Поль бир неча кундан кейин жавоб йўллади:

«Ойижон, мен ҳам сени кўришдан хурсанд бўлардим, бироқ ёнимда бир чақам ҳам йўқ. Менга озгина пул юбор, шундан кейин бораман. Айтмоқчи, ўзим ҳам олдинга бориб битта ниятим борасида гаплашмоқчи эдим. Сенинг хоҳишинг ўша ниятимга етишимга имкон беради.

Бошимга тушган оғир кунларда ҳамроҳим бўлган аёлнинг беғаразлиги ва меҳрибонлигининг чегараси йўқдир ва бўлмайди ҳам. Мен бундан буён унинг садоқатли муҳаббати ва содиқлигини ошкора эътироф этишдан бўйин товлай олмайман. Дарвоқе, у ўзини шундай яхши тутадик, сенга маъқул келишига шак-шубҳам йўқ. Бунинг устига у жуда ўқимишли, кўп мутолаа қилади. Энг муҳими, менга доимо ким бўлганлигини тасаввур ҳам қилолмайсан. Ундан миннатдорчилигимни исботламасам борми, мен аблаҳ бўлардим. Шундай қилиб, у билан никоҳдан ўтишимга сендан ижозат сўрайман. Сен менинг хатоларимни кечирасан, биз эса биргаликда янги уйда яшай бошлаймиз.

Сен уни билганингда борми, дарҳол ризолик берган бўлардинг. У мукамал инсон ва яхши тарбия кўрган одамнинг намунаси ҳамдир, ўлай агар. Сен шак-шубҳасиз уни яхши кўриб қоласан. Менга келганда эса усиз яшай олмайман.

Жавобни сабрсизлик билан кутаман, ҳозирча эса икковимиз сени чин дилдан ўпиб қоламиз.

Ўғлинг  
виконт *Поль де Ламар».*

Жанна адои тамом бўлди. У хатни тиззасига туширганича жойида қотиб қолганди. Унга ўглини қўлидан чиқармай, бир марта ҳам юбормай, фурсат келишини, яъни кекса она жудолик доғига чидаёлмай фарзандини ахири бағрига босадиган, юшайдиган ва барига рози бўладиган фурсат келишини кутаётган ўша манжалақининг барча кирдикорлари аён сезилиб турарди.

Поль ана шу расвони кафтида кўтариб келаётганидан Жаннанинг алами тарқамагани учун ҳам ҳозирда юраги чок-чок бўларди.

У ўзига-ўзи:

— У мени яхши кўрмайди, яхши кўрмайди,— дегани-деганди.

Розали кириб келди.

— Поль унга уйланмоқчи,— Жанна овозини чиқарди.

Оқсоч бундан ҳатто чўчиб тушди.

— Оҳ, хоним, ризолик берманг. Жаноб Поль қандай қилиб, ўша ғарга уйланиши мумкин.

Жанна хафа бўлса ҳам ғазаби ошиб турганидан жавоб қилди:

— Хотиржам бўл, жонгинам, бунга йўл қўймайман. Ўзи келишни истамаётган экан, олдига ўзим бораман, ўшанда кимнинг қўли баланд келишини кўрамиз.

Жанна шундан кейин Полга хат ёзиб, олдига бормоқчилигини, бироқ ўша ғарнинг квартирасида эмас, бошқа истаган жойида учрашажаклигини билдирди.

Жанна хатга жавоб келишини кутиш билан бирга йўл тадоригини кўра бошлади. Розали эски сафар сандиғига бекасининг ички ва устки кийимларини жойлади, бироқ бир замонлари тикилган ёзги кўйлагини дазмолларкан бирдан бақириб берди:

— Ўзингиз киядиган нарса ҳам қолмабди-ку! Мен сизни бундай жўнатмайман! Сизни кўрган одам уялади, парижлик хонимлар хизматкор деб ўйлашади.

Жанна унга итоат қилди-да, икковлари Годервилга бориб, катакли кўк газлама олиб, ўша ерлик чеварга беришди. Сўнгра кўрсатма олгани нотариус устоз Русселнинг олдига киришди. У ҳар йили пойтахтга икки ҳафтага бориб турарди. Жаннанинг ўзи эса Парижда йнгирма саккиз йил бурун бўлганди.

Нотариус соябон аравалардан ўзни эҳтиёт қилиш, кўйлакнинг астарига пулни тикиб, чўнтакда майда харажатларга аталган маблағни олиб юришга маслаҳат бериб, ўғрилардан сақланиш борасида ҳам батафсил кўрсатмаларини аямади. У овқатлари арзон бўладиган ресторонлар тўғри-

снда ҳам роса гап сотиб, аёллар бўладиган иккита ёки учта ресторанини айтди. Сўнгра вокзал ёнидаги «Нормандия» меҳмонхонасида туришни тавсия қилди, ўзи ҳам борганида ўша ерга тушар экан, зарур бўлганда меҳмонхонадагиларга ўзининг номини айтишга ижозат ҳам берди.

Париж билан Гавр оралиғига темир йўл қурилганига олти йил бўлиб, бу борада турлича миш-мишлар сероб эди. Жанна эса бошига тушган ташвишлардан гангиб юрганидан ҳалигача музофотдаги ҳамма нарсани остин-устун қилиб юборган машҳур локомотивни кўрмаганди.

Бу орада Полдан жавоб келмади.

Жанна хат келишини бир, икки ҳафта кутди. У ҳар куни эрталаб йўлга почтальонни қаршилагани чиқар ва сабри чидамай:

— Менга бирор нарса борми, Маландэн амаки? — деб сўрарди.

Почтальон ҳам иқлими ўзгариб турган ҳаво туфайли хириллаган овозда:

— Ҳозирча йўқ, хоним,— деб жавоб берарди.

Ўша аёл Полга жавоб ёзишга йўл бермайди-да, албатта!

Жанна шундан кейин ҳеч нимани кутиб ўтирмай жўнашга қарор қилди. У Розалини бирга олиб кетмоқчи бўлганди, оқсочи йўл харажатларини кўпайтиришни истамаганидан ҳамроҳлик қилишга кўнмади.

Дарвоқе, у бекасига уч юз франкдан ортиқ пул олишига йўл қўймади.

— Мабодо яна керак бўлса хат ёзасиз, мен нотариусга бораман, у эса сизга пулни қандай жўнатишни билади. Бўлмаса жаноб Поль ҳаммасига чанг солади.

Хуллас, декабрь субҳидамларидан бирида Жанна билан Розали Дени Лекарнинг қўш филдиракли аравасида станцияга боришди. Розали бекани темир йўлгача кузатиб қўйиши керак эди.

Икковлари аввало билет қанча туришини суриштиришди, сўнгра ҳаммаси тўғри бўлиб, сафар сандиғи юкка топширилгандан кейин темир йўлга тикилиб, у нарса қандай қилиб юришлиғи борасида бош қотиришди. Улар бунга азбаройи қизиқиб кетганларидан сафарнинг ташвишли мақсадини ҳам унутишганди.

Ниҳоят, узоқдан гудок овози эшитилиб, ўша ёққа бошларини бурганларида яқинлашгани сари катталашаётган қора машинани кўришди. Қора рўдапо жуда тасир-тусур қилиб, филдиракли уйчалар тизимини судраганича ёнларидан ўтиб кетди. Поезд кондуктори эшикчани очганди,

Жанна кўзи ёшланиб Розалини ўпди-да, каталаклардан бирига чиқди.

Розали ҳаяжонда:

— Хайр, хоним, йўлингиз беҳатар бўлсин, тезроқ кўришайлик! — деб қичқирди.

— Яхши қол, жонгинам!

Яна гудок чалинганда турнақатор уйчалар олдинга секинроқ, сўнгра эса тобора тезроқ, пировардида эса бениҳоя тезлик билан кета бошлади.

Жанна кирган купеда иккита жаноб икки бурчак деворига суянганларича ухлашарди.

Жанна далалар, дарахтлар, фермалар, қишлоқлар липлип этиб ўтиб бораётганини кўрар ва поезд бунақа тез юраётганидан ҳайратга тушарди. У ўзини янги ҳаёт гирдобига тушиб, сокин ёшлиги ва бир хилдаги ҳаёти кечган дунёдан бошқача бўлган янги дунёга қараб кетаётгандай сезарди.

Поезд Парижга кириб келганида қош қорайиб қолганди. Юкчи Жаннанинг сафар сандигини кўтарди. Жанна тикилинчдан чўчиб, ҳаракатдаги оломон орасидан ўтиб, юришни билмаганидан юкчини кўздан йўқотмай деб, кетидан деярли югуриб борарди.

Жанна меҳмонхона коридорига кирганида шошилганича:

— Мени сизларга жаноб Руссель юборди, — деди.

Конторка ортида ўтирган, кўринишдан жиддий бўлган семиз бека:

— Жаноб Руссель ким ўзи? — деб сўради.

— У Годервилда нотариус бўлиб ишлайди, ҳар йили келганида шу ерга тушади, — Жанна довдираб жавоб қилди.

— Бўлиши мумкин. Фақат мен уни танимайман, — деди бақалоқ аёл. — Сизга хона керакми?

— Ҳа, хоним.

Хизматчи Жаннанинг юкчини олиб, ундан олдинда зинадан чиқа бошлади.

Жаннанинг юраги жуда увишди. У мўъжазгина столча ёнида ўтираркан, бир оз шўрва ва озгина жўжа гўшти келтиришларини илтимос қилди. Чунки эрталабдан бери туз тотмаган эди-да.

Жанна шам ёруғида маъюсгина тамадди қиларкан, ғамгин хаёлларга берилди, тўй саёҳатидан қайтишда шу ердан ўтишганини, Парижда Жюльен қанақалигини кўрсатганини эслади. Бироқ унда ўзи ёш, бақувват ва хушчақчақ эди. Энди эса қариган, бесўнақай, ҳаттоки кўрқоқ, заиф бўлиб, арзимаган нарсадан ҳам гангиб қоларди. У тамадди-

ни тугатиб, деразага яқинлашди-да, одам тўла кўчага қаради. Ҳозир меҳмонхонадан чиққиси келса ҳам, юраги дов бермасди. Назарида, худди адашиб қоладиганга ўхшарди. Шундан кейин ётди-да, шамни ўчирди.

Шовқин-сурон, бегона шаҳарда эканлигини сезиш ва кўнглида ўрмалаётган хавотирлар Жаннани кўз юмдирмасди. Соатлар бирин-кетин ўтарди. Кўча шовқинлари аста-секин тинди, Жанна эса ҳамон бедор, катта шаҳарларга хос бўлган ярим бедорлик унга ҳамон тинчлик бермасди. У ҳамма нарсани — ўсимликларни, одамларни, жониворларни уйқуга чўмдирадиган далаларнинг сокин ва осойишталигига кўникиб қолганди. Ҳозир эса теварак-атрофида қандайдир сирли жонланишни сезиб турарди. Деярли англаб бўлмайдиган қандайдир овозлар унга деворлар орасидан ўтаётгандай етиб келарди. Гоҳо пол ғижирлар, эшик тарақлар, қўнғироқ жирингларди.

Кечаси соат иккилар атрофида, кўзи энди илинганда, бирдан қўшни хонадан аёл кишининг додлагани эшитилди. Жанна ирғиб тушиб, жойида ўтириб олди. Сўнгра эркак кишининг кулгани қулоғига чалинди.

Тонг ота бошлагани сари Жаннанинг хаёли Полга кета-верди. Теварак-атроф ёришди дегунча Жанна ўрнидан туриб кийинди. Поль билан ўша аёл Ситэдаги Соваж кўчасида туришарди. Жанна Розалининг пулни тежаш борасидаги гапини унутмаганидан у ёққа пиёда кетди. Ҳаво очиқ эди. Аёзли ҳаво яноқларни чимчиларди. Ташвишли одамлар тротуарлардан югургилаб боришарди. Жанна одамлар кўрсатган кўчадан шоша-пиша борарди. У кўча охирига борганда ўннга, сўнгра чапга бурилиши керак эди. Майдонга етганида одамлардан қаёққа юриши кераклигини сўраб олиши зарур эди. У майдонни тополмай булқачидан сўровди, у тескари томонни кўрсатди. Жанна унинг гапига кириб йўлдан адашди, анча айланиб, бошқаларнинг айтганларини қилиб, бутунлай адашиб қолди.

У энди жуда гангиганидан таваккалига кетаркан, энди фиакрни<sup>1</sup> тўхтатаман, деб турганида, бирдан Сена дарёсини кўриб қолди. Шундан кейин у дарё ёқалаб кета бошлади.

Жанна тахминан бир соатдан кейин Соваж кўчасига бурилди. У қоронғи ва тор кўча эди. Керакли уйнинг эшигига етганида азбаройи тўлқинланаётганидан бошқа бир қадам ҳам босолмади.

Ана шу уйда ўғли — Пуле бор эди.

---

<sup>1</sup> Киракаш енгил соябон арава.



Жаннанинг қўллари ҳам, оёқлари ҳам титрарди. У, ниҳоят, юрак ютиб, коридордан ўтгани, эшикбоннинг ҳужрасини кўриб қолди-да, унга танга чўзиб сўради:

— Юқорига кўтарилиб, жаноб Поль де Ламарга, пастда уни онасининг кекса дугонаси кутаётганлигини айтсангиз бўлармикин.

— У бу ердан кетиб қолган, хоним,— жавоб қилди эшикбон.

Жаннанинг эти жимираб кетди.

— Ҳозир у қаерда туради? — Жанна аранг гўлдиради.

— Билмайман.

Жаннанинг боши азбаройи айланиб кетганидан йиқилиб тушишига сал қолди. Бир оз вақтгача тилига сўз келмади. Ниҳоят, ўзини базўр қўлга олиб:

— Кетганига анча бўлдими? — деб шивирлади.

Эшикбон сергап чиқиб қолди.

— Кетганига нақ икки ҳафта бўлди. Икковлари эгниларидаги нарсалар билан кетишди-ю, бошқа қайтишмади. Улар кварталдагиларнинг ҳаммасидан қарздор бўлиб қолишганди. Янги адресларини қолдиришларидан фойда йўқлигини ўзингиз ҳам тушунасиз.

Жаннанинг кўз олдида гўё миллиондан ўқ узишаётгандай қандайдир учқунлар, оловларнинг лоп этишини кўрарди. Бироқ сиртдан осойишта ва маънили бўлган бир фикр хаёлидан кетмай уни оёқда маҳкам тутиб турарди: у Пулени қандай топиш мумкинлигини билмоқчи эди.

— У кетаётганида ҳеч нима демадими?

— Ҳеч нима. Улар пул тўламаслик учун шунчаки қочиб кетишди, холос.

— Бироқ у ўзига келган хатларни олдиргани бирор кишини юборса керак?

— Олинг-а! Улар бир йилда ўнта ҳам хат олишмасди. Бироқ мен уларга битта хатни кетмасларидан икки кун олдин киритиб берувдим.

Бу Жаннанинг хати эди, албатта. Жанна шоша-пиша гапирди:

— Менга қаранг, унинг онаси бўламан, ўғлимнинг олди-га келувдим. Мана сизга ўн франк. Мабодо у ҳақда бирор нарса эшитсангиз ёки билсангиз Гавр кўчасидаги «Нормандия» меҳмонхонасига хабар беринг, сизни хурсанд қиламан.

— Менга ишонаверинг, хоним,— жавоб қилди эшикбон.

Жанна шундан кейин бу ердан кетди.

У энди қаёққа кетаётганлигини ҳам ўйламай борарди. Гўё зарур иши бордай шошилар, деворлар ёнидан зипиллаб ўтар, тугунли одамлар уни туртиб-суртиб кетишарди. Соя-

бои ариваларга қарамай, кўчаларни кесиб ўтганидан аравакашлар уни сўкишарди. Тротуарларнинг зиналарини кўрмоганидан уларга қоқилар, худди эс-ҳушини йўқотган одамдай олдинга чопарди.

Жанна ногаҳон қандайдир бир боққа бориб қолди-да, жуда чарчаганини сезиб, ўриндиққа чўкди. Ўзи ҳам сезмаган ҳолда у ерда анча ўтириб йиғлаган бўлса керак, негаки, ўткинчилар тўхтаб унга тикилишарди. Ниҳоят, эти жуда увишганини сизди. Шундан кейин туриб, нари кета бошлади. Мазаси қочиб, жуда азоб чекканидан оёғини аранг судраб босарди. Бир чашка шўрва ичгиси келса ҳам азбаройи тортинчоқлигидан ва назарида ҳозиргина бошига тушган қайғуси ошкора бўлаётганидай бирорта ресторанга йўламади. У ресторан остонасида тўхтаб, ичкарига қараб, столчалар атрофида еб-ичиб ўтирган одамларни кўрарди-да, ўзича: «Бошқасига бораман», деб қўрқиб қочарди. Бироқ кейингисининг ҳам ичкарисига киришга юраги бетламасди.

У ахири нон дўконидан қоқ нон сотиб олди-да, еб кета бошлади. Уни ташналик қийнар, бироқ сув ичгани қаерга киришни билмас, шунинг учун ҳам чидаб борарди.

Жанна қандайдир гумбаз тагидан ўтиб, арklar билан қуршалган нотаниш боққа кириб қолди. Бу Пале-Раяль эканлигини билди.

Офтобда юриш Жаннани қиздирган эди, бироқ у яна бир ёки икки соат ўтирди.

Боққа одамлар, ясан-тусан қилган оломон киришди. Улар валақлашар, кулишар, бир-бирларига таъзим қилишарди. Улар ўзларига тўқ одамлар бўлиб, оломондаги аёллар гўзал, эркаклар бадавлат, ҳаммалари гўё ҳашамат ва хурсандчилик учун яратилишганди.

Жанна бунақа ваҳимали тўдани кўрганида қўрқиб кетди-да, қочиб қолгани ўрнидан турди. Бироқ шунда бу ерда Полни учратиб қолишим мумкин, деган хаёлга борди. У одамларнинг юзларига тикилганича айлана бошлади. У боғнинг у ёғидан-бу ёғига майда қадамлаб бориб кела бошлади.

Одамлар унга ўгирилиб қарашар, баъзи бировлар кулишиб, бир-бирларига нималардир дейишарди. Жанна буни пайқаб қолганидан кейин улар, кўринишим, Розалининг диди билан танлаб, унинг кўрсатмаси билан годервиллик тиккан катак кўк кўйлагимдан кулишяпти, деган хаёлга бориб, қочишга тушди.

У ўткинчилардан йўлни сўрашга ҳам ботинолмасди. Бироқ, юрак ютиб, суриштира-суриштира меҳмонхонасига етиб олди.

Жанна каравотнинг оёқ томонидаги стулда кечгача қи-

мир этмай ўтирди. Кейин кечагидай шўрва ва бир парча гўшти танавул қилиб ётди. Буларнинг барини одатича, беихтиёр бажарди.

Эртасига эрта билан ўглини топиб беришларини сўраб, полиция маҳкамасига мурожаат қилди. У ердагилар бирорта ваъда қилишмаса ҳам бу иш билан шуғулланажакларини айтишди.

Жанна шундан кейин ўглини учратиб қолиш мақсадида кўча-кўйларда тентишга тушди. У тиқилинч оломон орасида ўзини ёлғиз, кимсасиз далалардагидан ҳам ташландиқ ва аянчли ҳис этарди.

Кечқурун меҳмонхонага қайтиб келганида унга қандайдир бир одам Польша номидан йўқлаб келганини ва эртага кириб ўтишга ваъда берганини айтишди. Жаннанинг юраги гупиллаб, кечаси билан мижжа қоқмай чиқди. У ўглининг ўзи бўлса-я? Меҳмонхонадагиларнинг гапларидан келган кишининг кўриниши Полга ўхшамаса ҳам Жанна, албатта ўша, деган хаёлда эди.

Соат тўққизлар атрофида Жаннанинг эшиги тақилловди у: «Киринг!»— деб қичқирди. У қучоғини ёзганича ўглига ташланмоқчи эди. Остонада эса нотаниш киши кўринди. У безовта қилгани учун узр сўраб, Польша олган қарзни ундиргани келганини тушунтираркан, Жанна кўз ёшини чиқармасликка уриниб йиғлаётганини сездди. Кўзига ёш қалққанида бармоғи билан артиб ташларди.

Бу киши Жанна келганини Соваж кўчасидаги эшикбондан билгани, ўглини топишга имкони бўлмай ўзига мурожаат этаётган экан. У битта қоғоз узатганди, Жанна ўйлаб ҳам ўтирмай олди. Ундаги тўқсон франк деган рақамни кўрди-да, пулни олиб, узатди. Уша куни Жанна кўчага мутлақо чиқмади.

Эртасига бошқа қарз берганлар келишди. Жанна ўзига йигирма франк қолдириб, ҳамма пулини уларга берди-да, Розалига хат ёзиб, қандай аҳволда қолганидан воқиф ётди.

Жанна оқсочидан хат келишини кутиб, нима қиларини, оғир, сира тугамайдиган онларини қандай ўтказишни, кимга яхши гапиришни ва юрагини ёришни билолмай кунбўйи шаҳарда айланиб юрарди. Бекорга тентиб юрганидан энди жўнаб кетишни, ўша ёққа, кимсасиз йўл бўйидаги уйчасига кетгиси келиб, қийналарди.

Жанна бир неча кун муқаддам уйда юраги сиқилиб ўлаётгани, энди эса бундан буён фақат суяги қотган жойдагина яшаши мумкинлигини сезиб турарди.

Жанна бир куни кечқурун меҳмонхонага қайтиб келга-

нида хат билан икки юз франк пул турганини кўрди. Розали хатда шундай деб ёзганди:

— Жанна хоним, тезроқ қайтиб келинг, чунки сизга бошқа пул юбормайман. Жаноб Полга келганда эса у пайдо бўлиши биланоқ олиб келгани ўзим бораман.

Сизга чуқур таъзим қиламан.

Оқсочингиз *Розали*».

Жанна Батвилга қайтган ўшал субҳидамда қор ёғар ва ҳаво жуда совуқ эди.

## XIV

Жанна ўшандан бери кўчага чиқмас, бир қадам ҳам босмасди. У ҳар куни маълум соатда ўрнидан турар, деразадан ҳаво қанақалигини билиш учун қарар, кейин эса емакхонага тушиб, камин олдига чўкарди.

У шу алфозда кунбўйи қимир этмай ўтирар, ғамгин хаёлларига эрк берганидан бошига тушган мусибатлар қатор-қатор бўлиб ўтаверарди. Торгина хонани аста-секин қоронғилик босар, Жанна эса ҳамон қимирламай ўтираверар, аҳён-аҳёнда эса каминга ўтин ташлаб қўярди, холос.

Розали чироқ кўтариб кириб Жаннага дерди:

— Бўлди-да, Жанна хоним, оёғингизнинг чигилини ёсангиз зарар қилмасди, йўқса яна иштаҳангиз ҳеч нимани тортмайди.

Жанна кўпинча хаёлига келиб қолган бирор нарсадан қутулолмас ёки арзимаган нарсадан ваҳимага тушиб қийналарди. Хасталигидан майда-чуйда нарсалар ҳам хаёлида катта нарса бўлиб туюларди.

Жанна кўпинча ўтмишни, узоқ кечмишни ўйлаб ўтирарди. Уни ҳаётининг дастлабки пайтларига ва тўйдан кейиноқ Корсика сафарига оид хотиралар сира тинч қўймасди. Каминдаги тугаётган чўғларга тикиларкан, олисдаги оролниг унут бўлиб кетган манзаралари кўз олдида намоён бўларди. Уша ерда рўй берган майда-чуйда воқеалар, тўқнашган одамларини батафсил эсларди. Йўлбошловчи Жан Риволининг қиёфаси кўз ўнгидан кетмас, гоҳо эса овозини эшитаётгандай бўларди.

Жанна шундан кейин Полнинг тинчгина ўтган болалик йилларини, у қоҳуни бошқатдан экишга мажбур қилганларини, Лизон хола икковлари анчагача тиззалаб юриб бўлиқ ерни болага ёқиш учун бир-бирларига гал бермай кавлаганлари, кимнинг кўчати яхши тутади, кимники кўпроқ парвариш талаб қилади, деб рақобатлашганларини эслади.

Шунда Жанна гўё ўғлига гапирётгандай: «Пуле, болагинам Пуле»,— деб лабларини салгина қимирлатди. Унинг орзулари ўғлидан нарига ўтмасди. Гоҳо бармоғи билан ўғлининг исмини ҳавога соатлаб ёзиб ўтирарди. У каминдаги олов олдида ҳарфларни ҳавода шошилмай ёзар ва уларни гўё кўзи билан кўраётгандай бўлар, сўнгра хато қилдим деб ўйлаб, қалтироқ қўли билан П ҳарфини ёзганидан кейин қолганларини ҳам ёзишга ҳаракат қиларди. Бу ишни охирига етказганидан кейин яна қайтадан бошларди.

Ахири тинкаси қуриб, чалкашиб кетарди-да, яна мажоли қолмагунча бўлак сўзларни ёзишга киришарди.

У ёлғиз турадиган одамларга ўхшаб ғалатиноқ бўлиб қолганди. Уйдаги бирорта буюмнинг жойи ўзгариб қолса асабийлашарди.

Розали уни тез-тез қўзғатиб, айлантириб келарди, бироқ Жанна йигирма дақиқадан кейин: «Мен чарчадим, жонгинам»,— дерди-да, ариқ бўйига ўтириб оларди.

Орадан кўп ўтмай Жаннанинг умуман қимирлашга ҳоли қолмади. У энди кўпроқ ўринда ётарди.

Жанна ёшлигидан бери битта одатга қаттиқ амал қилиб келарди, яъни, бир чашка сутли қаҳва ичганидан кейингина ўрнидан турарди. У ана шу ичимликка жуда ҳам кўнгул қўйганди. Ундан айрилса, бошқа муҳимроқ нарсасидан айрилганидан кўра кўпроқ азоб чекарди. Шу ваздан ҳар куни эрта билан Розали келишини энтикиб кутар, тунги столчасида қаҳвага тўла чашка пайдо бўлиши биланоқ туриб ўтирарди-да, уни ютоқиб ичарди. Сўнгра кўрпани отиб ташлаб кийина бошларди.

Жанна аста-секин чашкани ликобчага қўйганидан кейин бир дақиқа хаёлга ботадиган бўлиб қолди. Сўнгра яна жойига ётарди. Кун сайин то тутоққан Розали келиб, деярли зўрлаб кийинтирмагунича жойида ҳузур қилиб ётадиган бўлди. Дарвоқе, Жаннада ирода-пирода деган нарсанинг ўзи ҳам қолмаган, оқсочи ундан ҳар сафар маслаҳат сўраб савол берганида:

— Билганингни қилавер, жонгинам,— деб қўяқоларди.

Жанна ўзининг бебахтлигига азбаройи ишонганидан шарқона тақдирига тан бериб қўйганди. Бутун орзу-умидлари чиппакка чиқиб, поймол бўлаётганини кўрганидан арзумаган бир ишни қилиш учун ҳам неча кунлаб иккинланиб юрар, чунки нотўғри йўл тутса бари чиппакка чиқишига амин эди.

— Ҳаётда омади юришмаган одам бўлса ўша — менман,— деб қўярди Жанна дақиқа сайин.

Розалининг бундан жаҳли чиқарди:

— Бир бурда нон топиш учун ҳар куни эрталаб соат олтида туриб, кунбўйи мардикорчилик қилсангиз нима дердингиз? Умр бўйи тиним билмай, қариганида очликдан ўлаётганлар озми?

— Узинг ўйлаб кўр, бутунлай ёлғизман, ўғлим ташлаб кетган бўлса,— дерди Жанна унга эътироз билдириб.

Розали шунда жуда ҳам тутоқиб кетарди:

— Бунни каранг-а, шуям кулфат бўпти! Уғиллар ҳарбий хизматга кетса ёки Америкага кўчса нима бўларди?

Америка Жаннанинг назарида ҳаёлий ўлка бўлиб, одамлар у ерга бойигани боришар ва қайтиб келишмасди.

— Эртами кечми бари бир айрилишга тўғри келади,— гапида давом этди Розали,— чунки кексалар билан ёшлар бирга турмасликлари керак.

Кейин эса ғазабланиб қўшимча қилди:

— Мабодо у ўлиб қолса нима қилардингиз?

Жанна бу гапга жавоб тополмади.

Илк баҳор кунларининг майин шабадаси эса бошлаши билан Жанна сал қувватга киргандай бўлди, бироқ ана шу қувватини ҳам ўзининг ғамгин ҳаёллариға берилишига сарфлади.

Жанна бир куни эрталаб чордоққа қандайдир бир буюмни излаб чиқиб, тасодифан эски календарлар тўла бўлган сандиқни очиб қолди. Бу календарлар кўп қишлоқ одамларининг одатича сақланарди.

Жаннанинг назарида ўтмиш ҳаётининг йиллари кўз ўнгидан ўтгандай бўлди. У картон қоғоздаги квадратларни кўрганида ғалати аҳволга тушди.

У календарларни олиб пастга, емакхонага тушди. Календарлар орасида ҳар хиллари: катталари ҳам, кичиклари ҳам бор эди. Шундан кейин Жанна уларни столга йилларга ажратган ҳолда қўя бошлади. Шунда ногаҳон уларнинг биринчиси, ўзи «Теракзор»га олиб келган календарь чиқиб қолди.

Жанна унга, монастирдан чиққан кунининг эртасига, Руандан эрталаб йўлга чиққанларида ўз қўли билан ўчирган жойлариға тикилганича узоқ ўтириб қолди. Шунда йиғлаб юборди. У ўзининг ана шу картон бўлакларида мужассам топган бахтсиз ҳаётиға аза тутаётган кампирдай қайғули, сийрак ва аянчли кўз ёшларини тўкарди.

Қўққисдан ҳаёлиға бир фикр келиб, тез орада калласига маҳкам ўрнашиб, унга сира ҳам тинчлик бермай қўйди. У энди умри қандай ўтганини кунма-кун тиклаб чиқишни ўзига муқаррар вазифа қилиб қўйганди.

Жанна деворларға ана шу сарғайиб кетган картон бўлак-

ларини илиб қўйганидан уззукун уларнинг бирортасига тикилиб ўтирар ва: «Ўша ойда менга нима бўлувди?» деб эслагани-эслаганди. У ҳаётининг муҳим саналарини белгилаб қўяр ва шу тариқа баъзи бир ойлардаги воқеаларни бутунисича тиклаб оларди. Бунда рўй берган воқеаларни бирма-бир эслар, бунда катта нарсалардан олдинги ва кейинги майда нарсаларни йиғиб ва бир-бирига боғларди.

Жанна бутун ҳаёлини бир ерга тўплаб, хотирасини ишга солиб ва бор иродасини йиғиб «Теракзор»да кечган дастлабки икки йил воқеаларини тиклади, чунки олис ўтмишнинг воқеалари эсига ниҳоятда тез ва лўнда бўлиб келарди.

Кейинги йиллар воқеаларига келганда эса Жанна чалкашиб, адашиб, қандайдир чатоқ аҳволда қолди. У календарлардан бирига тикилганича анча ўтириб қолган пайтлар бўлар, бутун ҳаёли ўтмишга учар, у ёки бу хотира картоннинг қайси бўлагига тааллуқли эканини ажратолмасди. Шу тариқа у календардан бунисига ўтиб, кечмиш кунларнинг воқеаларини, нақ салб йўлининг манзараларидай эсга солувчи бўлақлар осилган барча хоналарни айланиб чиқарди. Сўнгра бирортасининг олдига стул қўйиб, хотирасини кавлаштирганича то ярим тунгача қимир этмай ўтирарди.

Қуёш ҳарорати баданларни қиздириб, далаларда экинлар униб, дарахтлар эса яшил тусга кириб, олмазорлар пуштиранг гуллаганида ва ҳаммасёққа хуш бўй таратганида Жанна ҳам сира тинч тура олмайдиган бўлиб қолди.

У бир жойда ўтира олмасди. Гимирлагани гимирлаган, кунига йигирма марта уйдан ташқарига чиқиб келар, кўпинча олисдаги фермалар орасида афсус-надоматлар чекиб юрарди.

Қалин ўтлар яширган дасторгул, япроқлар аро сирғалиб бораётган офтоб нури, кўм-кўк осмон акс этаётган кўлмак — буларнинг бари Жаннани жунбишга солар, эритар, ҳайратга туширар, қизлигида далаларда орзуларга берилиб юрган дамларининг хотираларидай эсидан чиқиб кетган нарсаларни ҳаёлига келтирарди.

Жанна келажакка мунтазир бўлиб яшаган кезларида худди шундай жунбишга тушиб, сархуш этувчи қувончларни ва баҳор ҳароратининг лаззатларини туйганди. Мана энди, келажак бутунлай барҳам топган кунларда эса яна шундай кўйга тушаётганди. У бутун вужуди-ла лаззатни ҳис этиш билан бирга айни пайтда азоб ҳам чекар, гўё уйғонаётган одамнинг кишини яйратувчи азалий ҳаро-

рати Жаннанинг қуруқшаган бадани, совуган қони, пажмурда вужудига таъсир қилганидан энди унга мафтункорликнинг муйгли кўлкасини ҳадя этарди, холос.

Жаннанинг назарида оламда нимадир ўзгарганга ўхшарди. Қуёш энди ёшлик йилларидагидай куйдирмас, осмон унчалик ложувард, майсалар ҳам унчалар кўм-кўк эмасдай туюларди. Гуллар ҳам илгаригидай ёрқин ва хушбўй бўлмай, кишини сархуш этмасди.

Жанна баъзи кунлари ҳаётнинг ажиб нашъасини суриб, яна орзу-хаёлларга берилиб, ишониб, мунтазир бўларди. Чиндан ҳам қисмат қанчалар бешафқат бўлмасин, теварак-атроф шунчалар яшнаётганида одам ишончини йўқотиши мумкинми, ахир?!

Жанна жазаваси тинчлик бермаётгандай соатлаб айла-ниб юрарди. Гоҳида бирдан тўхтаб, йўл чеккасига чўқар ва ғамгин хаёлларга бериларди. Нега уни бошқалардай севишмади? Тинчгина ҳаётнинг ҳатто жиндай қувончлари ҳам нега унга насиб этмади?

Жанна гоҳида кексайгани, келгусида ўзининг ёлғизликда кечадиган ва озгина қолган йиллардан бўлак ҳеч нима кутмаётганини, ёшини яшаб бўлганини ҳам унутарди. Шунда у илгаригидай, яъни ўн олти ёшдалигидай кўнглига ёқадиган режалар тузар, келажакнинг ажиб манзараларини кўз олдига келтирарди. Шунда десангиз, бирдан ўзига келиб қоларди. Устига гўё оғир нарса тушиб бели синган одамдай букчайганича ўрндан турарди-да, ўзича: «Эҳ, пўнгбош кампир, пўнгбош кампир!» деб ғудранганича уйга шошилмай йўл оларди.

Розали Жаннага:

— Тинчгина ўтирсангиз-чи, одам ҳам шунақа тиниб-тинчимас бўладими? — дейшини қўймасди.

Жанна шундай пайтларда унга:

— Мен ҳам Сўқимнинг ўлар олдидаги ҳолига тушиб қолганга ўхшайман, — деб ғамгин жавоб қиларди.

Оқсоч бир кун Жаннанинг ётоғига одатдагидан олдинроқ кирди-да, қаҳвали чашкани столчага қўяркан, деди:

— Тезроқ ичинг. Дени бизни ташқарида кутиб турибди. «Теракзор»га бориб келамиз, менинг ўша тарафда ишим бор, — деди.

Жанна азбаройи ҳаяжонга тушганидан эсидан оғиб қолаёзди. У ҳаяжонланаётган ва юрагимга яқин бўлган уйимни кўраман деган ўйдан қўрқувга тушиб, қалтираганича кийинди.

Олам узра тиниқ осмон ёйилган, аравага қўшилган мўъжазгина от ҳам гоҳо ирғишлаб чопарди. Улар Этуван



жамоасига кирганлирида Жаннанинг нафас олиши қийинлашди, кўкрагидан худди биров эзаётгандай бўларди, тўсиқнинг ғиштин ихоталарини кўрганда эса гўё юраги тўхтаб қолаётгандай бир неча марта бейхитёр оҳ-воҳ қилди.

Куярларнинг фермасида отни аравадан чиқаришди, Розали ўғли билан ишини битириб юрганида Куярлар хўжайинлар йўқлигидан фойдаланиб уйни кўришни таклиф қилиб, ўша заҳотнинг ўзида калитларни қўлига тутқизишди.

Жанна ёлғиз ўзи борди-да, уйга денгиз томондан яқинлашиб, уни томоша қилгани тўхтади. Ташқаридан қараганда ўзгариш йўқ эди. Ўша куни бу улкан бўзранг бинонинг тунд деворларида офтоб жилва қиларди. Дераза эшикларининг ҳаммаси ёпилганди.

Жаннанинг кўйлагига қуриб қолган шохча тушди. У бошини кўтариб қаради: шохча чинордан тушганди. У чинорнинг силлиқ ва пўстлоғи хиралашган йўғон танасини нақ тирик жонивордай силади. Оёғи эса ўтлар орасида чирган ёғочга тегди. У — ўзи яқинлари билан ўтиришадиган, уйларига Жюльен биринчи марта келган куни қўйилган ўриндиқнинг парчаси эди.

Жанна вестибюлга элтувчи қўш тавақали эшикка яқин келиб уни аранг очди, чунки калит занглаб қолганидан буралмасди. Қулф ниҳоят ғижирлаб, зичланиб, тоб ташлаб қолган эшик очилди.

Жанна зумда илдамлик билан ўзининг хонасига кўтарилди. Хонани энди таниб бўлмас, унга янги, ярқироқ гулқоғозлар ёпиштирилганди. Жанна деразани очиб, ўзига сеvimли бўлган нарсалар — дарахтзор, қайрағочлар, ялангликлар ва қўнғир тусдаги, олисдан қотиб қолгандай туюлган талай елканли қайиқлар сузиб юрган денгизни кўрганида юраги кинидан чиқиб кетаёзди. Шундан кейин ҳувиллаган каттакон уйда айлана бошлади. У деворлардаги ўзига таниш бўлиб қолган доғларга тикиларди. Деворнинг сувалган жойидаги барон тешган жойга қаради. Барон деворнинг шу жойидан ўтганда ёшлигини эслаб, асо билан қиличбозликни машқ қиларди.

Жанна ойижонисининг ётоғида эшикнинг орқасидаги каравотга яқин бўлган қоронғи бурчакдан тилла бошли ингичка тўғноғичини топиб олди. Уни ўша жойга ўзи қадаб қўйганлигини энди эслади. Уни кўп йиллар қидириб тополмаганди. Бошқалар ҳам топишолмабди. Жанна бебаҳо ёдгорликдай тўғноғични олди-да, ўпиб қўйди.

Жанна ҳамма ерга кўз ташлаб қидирар ва илгариги ўзгартирилмаган гулқоғозлардан, биз хаёлан газлама гули-

д-ч. мәрмариның чизигидан, кўп йиллар ўтганидан қорайган шифтнинг кўлкасидан ажиб нарсалар ҳосил қилгандай у ҳам ажиб нарсалар топарди.

Жанна ёлғиз ўзи баҳайбат, унсиз уйда худди қабристондагидай бетовуш одимларди. Бу уйда унинг бутун ҳаёти мужжасам эди. У меҳмонхонага тушди. Меҳмонхона дераза эшиклари ёпиқлиги учун қоронғи бўлганидан у бир озгача ҳеч нимани кўролмади. Кўзи қоронғиликка ўрганганидан кейин, аста-секин учаётган катта қушларнинг тасвири солинган баланд деворгиламларни кўрди. Иккита кресло илгаригидай камин олдида турар, эгалари гўё ҳозиргина туриб кетишганга ўхшар, ҳатто хонанинг одамларда бўлганидек ўзига хос, камроқ бўлса ҳам сезиларли даражадаги ғалати ва ёқимли иси Жаннага таъсир қилиб, уни хотираларга кўмар, бошини гангитарди. У ўтмиш кунлар ҳавосидан нафас олиб кўзларини иккала креслодан узмаганича бўғилиб турарди. Шунда десангиз, хаёлини банд этган нарсалар живирлашиб, ҳар галгидек отаси билан онасининг оёқ-қўлларини олов олдида иситиб ўтирганлари кўз ўнгида намоен бўлди.

У даҳшат ичра тисарилувда эшикка урилиб, унга суяниб қолди. Шунда ҳам кўзларини креслодан узмасди.

Кўзига кўринаётган манзара йўқолди.

Жанна бир неча дақиқа бамисоли телбадай турди. Сўнгра ўзини қўлга олиб, эс-ҳушидан айрилмаслик учун қочмоқчи бўлди. Шунда кўзи ногаҳон ўзи суяниб турган эшик кесакисига тушиб, «Пуленинг нарвони»ни кўрди.

Кесакининг оқ бўёғи устидан қилинган белгилар нотекис оралиқда юқорига қараб кетган, қаламтарошда ёзилган рақамлар эса йилларни, ойларни ва ўғлининг бўйини билдирарди. Буларнинг баъзиларини отаси анча йирик қилиб, баъзан ўзи майдароқ қилиб, гоҳо эса Лизон хола сал нотекис қилиб ёзганди. Жаннанинг наздида ўғли яна шу ерда яшаётгандай, кичкина Поль рўбарўсида тургандай ва бўйимни ўлчанглар, дея сарғиш сочли бошини эшик кесакисига теккизаётгандай туюлди.

«Жанна, Поль бир ярим ойда бир сантиметр ўсибди!»— деб қичқирарди барон.

Жанна шундан кейин зўр меҳр билан эшик кесакисини ўпишга тушди.

Шу пайт уни ҳовлидан чақириб қолишди. У Розалининг овози эди.

— Жанна хоним, Жанна хоним, сизни нонуштага чақиряпти.

Жанна эс-ҳуши ўзида эмас ҳолда чиқиб келди. Ёнидаги-

лар айтган гаплар қулоғига кирмасди. У дастурхонга тортилган таомларни ер, гапларни эшитар ва гап нималар ҳақида кетаётганини англамасди. Чамаси фермерларнинг аёллари билан гаплашиб, уларнинг сиҳат-саломатлик борасидаги саволларига жавоб берар, ўпаман деганларга юзини тутар, юзини тутганларни ўпарди чоғи. Ниҳоят, у чўзинчоқ аравага чиқди.

Дарахлар ортида қасрнинг баланд томи кўринмай қолганида юрагида нимадир узилгандай бўлди. У қадрдон уйи билан умрбод хайрлашганини дилдан сезиб турарди.

Арава уларни Батвилга олиб келди.

Жанна янги бошпанасининг остонасига оёқ қўймоқчи бўлиб турганида эшик тагидаги қандайдир оқ нарсани кўриб қолди. У хат бўлиб, Жанна йўқлигида почтальон уни эшик тагига тиқиб кетганди.

У Полнинг хатини зумда таниди-да, ҳаяжонидан титраганича уни очди. Хатда шундай дейилганди:

«Ойижон, сенга шу пайтгача хат ёзмадим, сабаби бугун-эрта ўзим сени кўргани бормоқчи бўлиб турганимдан Парижга овора бўлиб келишингни истамовдим. Ҳозирги пайтда ёмон ташвишда қолганман, аҳволим беҳад мушкул. Хотиним уч кун бурун қиз туғди, ҳозир эса жуда оғир ётибди. Ёнимда эса сариқ чақам ҳам йўқ. Болани нима қилишни билмаяпман. Ҳозирча уни эшикбоннинг хотини сўрғичда сут бериб боқяпти, бироқ мен ундан жуда хавотирдаман. Болани олсанг қалай бўларкин?! Нима қилишимни ҳам билмай қолдим, болани боқадиган одамга берадиган пулим ҳам йўқ. Тезда жавоб ёзгин.

Сени севгувчи ўғлинг  
*Поль».*

Жанна стулга чўкди-да, Розалини чақирришга аранг мажоли етди. Оқсоч кириб келганидан кейин хатни биргаликда бошқатдан ўқиб чиқишди, сўнгра бир-бирларига рўбарў ҳолда унсиз ўтиришди.

Розали ахири тилга кирди:

— Мен чақалоққа боришим керак. Биз уни ташлаб қўя олмаймиз-ку.

— Борақол, жонгинам,— жавоб қилди Жанна.

Улар жим қолишди, кейин оқсоч яна гапирди:

— Шляпангизни кийинг, Жанна хоним, Годервилдаги нотариуснинг олдига борамиз. Уша хотин ўладиган бўлиб ётган экан, жаноб Поль қизалоғи ҳурмати унга уйланиши керак.

Жанна бир огиз ҳам эътироз билдирмай шляпасини кийди. Унинг кўнгли теран, сирли севинчга тўлди. Бу шунақадиги бир севинч эдики, уни одам сира ҳам яширишни истамас, азбаройи расволигидан шарманда бўлмайин, деб ичда қолиб кетадиган бир қувонч эди. Нега деганда, Жаннанинг ўғлига ўйнаш бўлган аёл ўлим тўшагида ётарди.

Нотариус оқсочга батафсил кўрсатма берди. Оқсоч уларни бир неча марта қайтаришни илтимос қилди. Розали хато қилмаслик учун барини яхшилаб уқиб олганидан кейин:

— Кўнглингизни тўқ қилаверинг, энди ҳаммасини тўғрилайман,— деди.

У ўшал оқшомнинг ўзида Парижга жўнаб кетди.

Жанна икки куннинг ичда бўлари бўлиб, бирор қарорга келолмади. Учинчи куни эрталаб Розалидан кечки поезд билан келаётгани ҳақида қисқагина маълумот олди.

Соат учлар атрофида у қўш ғилдиракли аравани қўшишни қўшнисидан илтимос қилди-да, станцияга, Безвилга Розалини кутиб олгани жўнади.

У платформада олис кетиб, чамаси уфқнинг чеккасида бир-бирига яқинлашадиган қўшалоқ темир изларга тикилганича турарди. Дам-бадам соатига тикиларди. «Яна ўн минут бор. Яна беш минут бор. Яна икки минут. Мана, ҳозир». Олисдаги изда ҳеч нима кўринмасди. Бироқ Жанна олисда оқ доғни — тутунни, сўнгра эса қора нуқтани кўриб қолди. У буғ таратганича яқинлашаркан, тобора катталашарди. Ниҳоят, залворли машина юришини секинлатди-да, пишқирганича Жаннанинг ёнидан ўтиб кетди. Жанна эса ютоққанича вагонларнинг деразаларига тикиларди. Вагонларнинг талай эшиклари очилди. Платформага одамлар — кўйлак кийган фермерлар, фермерларнинг сават кўтарган аёллари, шляпали майда буржуйлар тушишарди. Жанна, ниҳоят Розалини кўриб қолди, унинг қўлида қандайдир оқ тугун кўринарди.

Жанна унинг истіқболига бормоқчи бўлди-ю, бироқ йиқилиб тушишдан чўчиди, чунки оёқлари жуда бўшашиб кетганди. Оқсочнинг Жаннага кўзи тушди-да, бамайлихотир равишда олдига келиб:

— Салом, Жанна хоним, мана гарчи анча қийналган бўлсам ҳам қайтиб келдим,— деди.

— Хўш, қалай? — ғўлдиради Жанна.

— Шундай, у кечаси вафот этди. Икковлари турмуш қуришган, манави эса — қизча.

Розали шундай дея, йўргаклар орасида кўринмай кетган чақалоқни узатди.

Жанна уни беихтиёр қўлга олди. Шундан кейин ҳаммалари станциядан чиқиб, чўзинчоқ аравага ўтиришди.

— Жаноб Поль дафн маросимидан кейин келади. Эртага шу пайтда келса керак,— деди Розали.

Жанна эса гўлдираб биттагина сўз айта олди:

— Поль...

Қуёш ям-яшил экинзорларда олтинранг тусда гуллаётган шидовлар ва алвой тусли долақизгалдоқларга нурини сочганича уфққа ёнбошларди. Барча нарсалар шарбатларга тўлаётган, тинчиган замин бениҳоя сокинлик қўйнига кирганди.

Қўш гилдиракли арава тез кетар, деҳқон тилини тақиллатиб, отни ҳайдарди.

Жанна осмоннинг қалдирғочлар бамисоли ракеталардай тилиб юрган олис жойларига тикиларди. Шунда баданига майин ҳарорат, ҳаёт ҳарорати ўтиб, оёғига етиб, кейин бутун баданига таралди. Бу, унинг тиззасида ухлаётган кичкинагина жонзотнинг ҳарорати эди.

Жанна шунда беҳад ҳаяжонга тушди. У ҳалигача ўзи кўрмаган чақалоқнинг, ўғлининг қизининг юзини шошапиша очди. Чақалоқ кўққисдан тушган ёруғдан кўм-кўк кўзларини очиб, тамшаниб қўйганида Жанна кўтарди-да, жон-жаҳди билан ўпиб ташлади.

Розали эса мамнун ҳолда унга вайсаб берди:

— Тўхтанг, тўхтанг, Жанна хоним, бўлмаса у оламни бошига кўтаради.

Кейин эса, чамаси, ўзининг фикрига жавоб бериб, қўшиб қўйди:

— Мана кўрдингизми, ҳаёт қанақа ўзи: унчалар яхши ҳам эмас, бироқ биз ўйлагандек у қадар ёмон ҳам эмас.

1883 йил